

АЗАМАТ ҚОРЖОВОВ

ҚИЛ УСТИДАГИ ТАҚДИР

(Қисса)

ТОШКЕНТ – 2012

УДК: 821.512.133-3
ББК: 84(5Ў)6
Қ59

Қоржовов, Азамат
Қил устидаги тақдир : (қисса) / А.Қоржовов – Т.: DIZAYN-
PRESS, 2012. 288 б.

УДК: 821.512.133-3
ББК: 84(5Ў)6

Қимор – ўртага пул, буюм, қўчмас мулк, ҳатто тирик жон тикиб ўйналадиган ўйин. Миср фиръавларининг дахмаларини қазини чоғида қимор ўйинларида ишлатиладиган суяклар, Шумер шоҳлари қабридан эса рақамли кубиклар (нарда тошлари) топилган. Милоддан аввалги V асрда Грецияда тотализатор ўйинлари, яъни пойгачи отларга пул тикиб ўйнаш кенг тарқалди. Илк бор 1861 йилда ҳозирги Монако қироллигининг Монте-Карло шаҳрида замонавий қиморхона - казино очилди. Кейинчалик ўйин автоматлари ҳам қимор воситасига айланди. Қимларгадир қарта, ошиқ, ўйин автоматлари, турли лотто ўйинлари эрмак бўлиб туюлиши мумкин. Бироқ бу ўйинлар инсон тақдирига, бахтига, беғуноҳ аёллару болалар ҳаётига таҳдид солиши муқаррар. Шукрки, юртимизда казинолар, турли майда-чуйда қиморхоналар, пул тикиб ўйналадиган бильярдхоналар очилиши каби жиноий фаолиятлар тақиқланган.

Азамат Қоржововнинг "Қил устидаги тақдир" қиссасининг шу вақтгача ўн бир қисми "Бекажон", "Сугдиёна" газеталарида ва "Аъло кайфият" журналида чоп этилган. Қисса илк марта китоб ҳолида нашр этилмоқда. Биринчи китобга уч қисм киритилган бўлиб, унда қимор инсон ҳаётига қандай балолар ёғдириши Лобар исмли аёл ҳаёти мисолида кўрсатиб берилган.

Тақризчилар: Б. АБДУРАЗЗОҚ – ёзувчи, Ўзбекистон ёзувчилар
уюшмасининг аъзоси;
М. ЙЎЛДОШЕВА – ёзувчи, Ўзбекистон ёзувчилар
уюшмасининг аъзоси.

ISBN 978-9943-20-028-9

© "DIZAYN-PRESS" МЧЖ нашриёти. 2012

I қисм ҚИМОРГА ТИКИЛГАН АЁЛ

Тоғасининг ўғлидан совчи келганини эшитган Лобар йиғлагудек алфозда онасининг йўлини тўсди:

– Ойи, буларингизнинг эси жойидами? Маъруф акага турмушга чиқаманми? Боринг, "йўқ" деб айтинг! Тавба, одамни номусга ўлдиради. Ўзимдан ўн ёш катта, бекорчихўжа, ароқхўр, бунинг устига денг тоғамнинг ўғли!.. Эсимни еганим йўқ.

– Даданг ваъдалашиб қўйган. Кейин қандай бообруў хонадон! Еганинг олдингда, емаганинг...

– Бас! Эшитишнйям хохламайман! Тоғам тамом бўлган одам, мени билмайди дейсизми? Аллақачон ишдан урилиб, ўтириб қолган. Ўғли-ку бир гўр. На ўқишни, на ишни эплади. Билиб қўйинг, Маъруфга берсангиз ўлигимни кўрасиз.

Онасининг ҳам жахли чиқди шекилли, қўлидаги чинни чойнакни силтаб гапирди:

– Ҳар балони валдирайверма. Биз сенга ёмонликни раво кўрармидик! Акамнйям, ўғлиниям сендан беш баттар яхши биламан. Мохов бўлса айт, букри бўлса айт. Маъруф ҳар қандай йигитдан аъло, билдингми?! Жуда-а кўнглинг бошқани тусаётган бўлса, бор, дадангга айт.

Шу пайт остонадан қадам товушлари эшитилиб, Лобар ўзини ичкарига урди. Келган одам дадаси эди. Қизининг норози бўлаётганини эшитди чоғи, хотинига ўқрайиб караб, Лобар кириб кетган хонага укки кўзлари билан имо қилиб, деди:

– Нима деяпти?

– Тегмайман дейди-да, нима ҳам дерди, – ошхона сари йўл олди хотин.

Уй хўжайини ёмон гап сўйламокка оғиз жуфтлади-ю, совчилар кутиб қолганини инобатга олиб, меҳмонхонага шошилди.

Шу кеча нозикниҳол қиз ёстиғини кўз ёшлари-ла хўл қилиб ўқсиб-ўқсиб йиғлади. Дугоналари турли билим юртларига ҳужжат топширишаётгани, тенг-тенги билан топишаётгани жонини ўртарди. "Барибир, у билан яшамайман, – деди ўзига ўзи, – тўйимиз бўлган тақдирда ҳам бир кунмас-бир кун қочиб кетаман. Узок-узокларга... Россияга, Туркияга, Арабистонга... Ўлигимнйям, тиригимнйям топишолмайди. Менинг ҳам орзуларим борлигини, бахт истаган қиз бўлганимни кейинчалик тушунишади... Кеч... бироқ кеч бўлади...".

Эртасига тўй келди. Лобар ва Маъруфларнинг фотиҳа маросими бинойидек ўтди. Кўпчиликнинг кўзида ачиниш ҳисси намоён бўлгани Лобарнинг онасига ҳам сезилди. "Қудалар ўзимнинг жигарларим-ку. – деб юрагига таскин берди аёл, – кизимга озор беришмас ахир. Маъруф ҳам қуйилиб қолар. Ҳали бирон гапимни икки қилмаган бола. Одамлар уйланган йигитларга қиз беришаяпти, ўн беш – йигирма ёш фарқ қиладиган эр-хотинлар қанча!".

Ҳафта ўтар-ўтмас никоҳ тўйига ҳам гал келди. Харажатлар йўғонни чўзиб, ингичкани узди. Тўй масалликлари анча камлигини, либослар чала эканлигини кўрган Лобарнинг онаси хайрон бўлди. Қурумсоқликни кимга қиляпти бу ака? Ё ростдан ҳам камбағаллашиб қолдимиз? Кўнгилхираликлар устига совуқ бир гапни эшитди: акаси тўй қилиш учун бировдан икки миллион сўм қарз олибди, фоида хисобига.

– Ҳаҳ, пул ўлсин-а, – уф тортди Лобарнинг онаси. – Яхшиси, ҳеч нарсани ўйламайин! Бу ҳолда касал бўп қолишим ҳеч гапмас.

Шу тарика кизнинг бахтсизлигига кўз юмиб имзо чекилди, бойлик ва мансаб, салобат олдида эсанкираш Лобарнинг отасини ҳам маҳкум этган эди.

Лобар шуни яхши билардики, дугоналари ҳам ачинишаяпти, ҳам устидан қулишаяпти. Ёнидаги янги куёвми ёки уч-тўрт боланинг отасими? Боз устига келин-куёв саҳнасидаёқ Маъруф кайфи ошиб ўзини тутолмай ўтирди. Тинмай илжайиши, сигарет тутатиши, қаҳ-қаҳ уриб қулиши Лобарни пичоқсиз сўйди.

Гўшангада эса барча қилиғи ошиб тушди. Оғзидан ароқнинг кўланса ҳиди келаётган Маъруф пок келинчакни худди фоҳишаларни эркалагандек беҳаёларча қучиб, ғалати қилиқлар қилди. Чўчиб тушган Лобар эшикни қоқиб, янгасини чақира бошлади.

– Ҳой қушча, – хиринглади Маъруф, – ҳеч кимга ўптирмаганга ўхшайсан. Ҳеч бўлмаса, вальсга тушгандирсан-а? Ў-ўт-тиришларда.. Хув-в, битириш кечасида... Энди қаёққа? Кел, бағримга...

Эшикнинг нариги томонидан янга овоз бергач, Маъруфнинг биҳиш қоши баланд, бири паст бўлди. Гандирақлаб келиб, келинчакнинг билагидан тортди.

– Нима... Нима... Додламоқчимисан? – деди Маъруф Лобарнинг кўзларига ғазаб билан боқиб. – Ўрнинг қаердалигини кўрсатиб қўяйми? Ё қиз эмасмисан? Айби очилишидан кўрқиб қочиб кетган келинчақлар ҳақида кўп эшитганман.

– Аблах! – деди Лобар. – Номард! Нокас...

Маъруф голибона илжайди-да, даст кўтариб олди. Тирсаги билан туртиб чирокни ўчирди. Янга эса эшикдан узоклашди.

Бу кеча бир гул пайхон этилди, зўрлик, иззат-нафсга тегиш, хўрлаш – барчасини конун кўрмади. Янги бир оила бунёд этилди, деб ўйлади ҳамма. Факат Лобаргина умрининг аччиқ саргузаштли саҳифалари очилганини англади. Энди орқага йўл йўқ эди.

* * *

Тўйдан сўнг икки йил ўтди. Ажралиш, олис-олисларга бош олиб кетиш шунчаки гап бўлиб қолди. Онаси унинг дардига кулок солмас, нозикойимсан, деб койигани койиган эди. Дадаси эса дардга чалиниб, бирдан тўшакка михланди ва кўп ўтмай вафот этди. Укаси Баҳром хали мактабни битирмаган, кичик укаси Соҳиб куйи синфда ўқир эди.

Лобар ўн тўккиз ёшга тўлган куни бозорга борди. Кечкурун туғилган кунига меҳмонлар келади. Қўлидаги пулларнинг чўғи камлиги учун арзонроқ мева-масаллиқларни ахтариб юрганди, бир келинчакка рўпара бўлди. Синфдош дугонаси Зилола эди, ўзгарганини кўриб оғзи очилиб қолди. Ювошгина, оддий киз эди мактабда. Ҳозир эса қаддини тик тутиб, кўзларида ўт чакнаб турибди. Оппоқ бўлиб тўлишган. Бўйнидаги олтин занжирнинг ўзи Лобарнинг барча тақинчоқларидан қиммат турарди.

Икки дугона ўпишиб саломлашгач, сал наридаги оқ костюм-шимли йигит деди:

– Зилол, қарочче, ман айтган жойимга бориб келай, сан дугонанг билан анави скамейкада кутиб тургин, хайми?

– Хўп, – дея Зилола бармоқларини қимирлатиб хайрлашди. – Қуттириб қўйманг, Тағмат ака.

Бозор ёнидаги кўчанинг нариги томонида китоб дўкони ва гўзаллик салонлари жойлашган бўлиб, йўлакчада ўриндиқлар бор эди. Дугоналар бирига омонатгина ўтиришди.

– Тўйимга келмаганингдан хафаман, – деди Зилола. – уйингдан умуман чиқмай қўйибсан? Рўзғорга шунчалик шўнғиб кетдингми?

– Қанақа рўзғор? – Ҳафсаласизлик билан қўл силкиди Лобар. – Бошим ғурбатдан чиқмай қолди. Эримни танисанг керак. Тоғамнинг ўғли. Бошидан бетайин эди, ҳозир аввалгидан ҳам баттар.

– Қўй, нолима. Ҳали ҳаммаси яхши бўп кетади.

– Ҳеч кўзим етмайди, дугонажон. Икки йилдан бери бўйимда

бўлгани йўқ. Бу ёқда эрим ҳар куни ичиб келади, у ёқда қайнонам бидир-бидир кишади. Чарчадим... Сенга дардимни айтмасам, кимга айтаман! Улар тўйингга ҳам юборишмади. Мендан ўпкалама, ўз ота-онамникига юборишмайди-ю... Тўғрисини айтганда, ота-онамникига боришгаям юрагим безиллайди. Дадам вафот этгандан кейин ойим менинг муаммомга шунчаки оддий нарсасдек қарайдиган бўлди. Кўпинча қайнотам камбағал бўлиб қолганидан мени нолияпти деб ўйлашади. Бой бўлиб қолаверганида бахтли бўларканман. Одам ўрнида кўрмайдиган бир кимсанинг кўлида қайси киз бахт топади, билмадим.

– Бирон жойда ишлатмаяптими?

– Ҳеч қаерда ўқимадим-ку, қаергаям ишга олишарди? Айтгандай, поликлиникада ишляпсанми?

– Ҳа, ҳозир меҳнат таътилидаман, – деди Зилола жиддий тортиб. – Бўйингда бўлмаётганини сендан кўришмаяптими ишқилиб?

– Э, шамол турсаям мен айбдорман. Неча-неча жанжал бўлиб ўтди, Зилол! Айтмаган гаплари қолдими, деб сўра.

– Уларга тушунмадим, – Зилола ачиқклангани сабаб хиёл кизаринқиради, – ҳомиладор бўлмаслик эркакка ҳам боғлиқ-ку. Лобар, бундай қилсак. Бир шифокорни биламан, узок қариндош, жуда яхши аёл. Ўшанга учрашсанглар барчасини аниқлаб беради.

– Шифокорга боришни анча вақтдан буён ўйлаб юргандим, тўғри айтдинг.

– Буни пайсалга солиб бўлмайди. Қолаверса, менинг боришда келсанг жуда яхши. Келгуси ойда Тагмат акам билан Москвага кетмоқчимиз. Супермаркетда акахонлари ишлайди. Бизга ҳам иш топган эмишлар. Ўн-ўн беш минг доллар йиғсак, биз ҳам дўкон очиб қолармидик.

– Ниятларингга етинглар, – деди Лобар янада чўкиб.

Зилола "Россияга сенлар ҳам юринглар" демокчи бўлди-ю, аммо индамай қўя қолди. Россияга бориб, яхши иш топиш осон эмас. Эрининг у ёқда расвоси чиқиб кетиши мумкин. Ўз ватанида ўзини эплаёлмаган одам бегона юртда нима ҳам қила олади?

Лобар туғилган кунда кўнглига қил сиғмай ўтирди. "Ували-жували бўлинглар", – деб қадах кўтаришганида кўзларига ёш қуйилди. Бу уйда меҳмон ҳам ичади, мезбон ҳам. Ароқнинг кучи ила бири-бирига фарзандлар, фаровон ҳаёт, яхши амал тилашади. Бирок ҳаракатга келганда, бир тўда иродасиз ишёқмас, маишатпарастрлар намоён бўлади.

– Кани, ўзларидан эшитайлик-чи, – деб қолишди меҳмонлар.

Лобар сўзламокчи эмасди, лекин холи-жонига қўйишмади.

– Турмуш курганимга эндигина икки йил тўлди, – деди Лобар кутилмаганда дадил овозда. – Ҳар гал мажбурлаб қўлимга қадаҳ тутказишса, кўзимга ўтиб кетган момомлар, бобомлар кўринади. Улар мен каби ичмаганлар. Бир бурда нонни ҳалол ишлаб топиш учун кишни киш, ёзни ёз демай тер тўкканлар. Бугун бир дугонамни кўриб қолдим. Унда ҳамма нарсаси бор: ишбилармон эр, машина, тилла... Яқинда Россияга кетишади. Худди "асал ойи" саёҳати дегандек...

– Ўша келинчақ чиройлими? – лўкма ташлади Маъруфнинг маст ўртоғи.

– Айтаяпман-ку унда ҳаммасидан бор...

– Мени кечирасиз, эри қанақа одам?

– Туппа-тузук...

– Балки у дугонангизни чет эл фохийахонасига сотиб юбориш учун алдаб уйланиволгандир. Бўлмаса, асал ойиниям Россияда ўтказишадими?! Сафсата бу, сафсата! О-о, Россия, бепоён ўлка-а!.. Қизларнинг сон-саногии йў-ўк...

Маъруфнинг ҳамтовоклари пик-пик қулишди, Лобарнинг укалари уятдан ерга киргудек зўрға ўтиришарди. Айникса, Баҳром кип-кизариб кетган.

– Лекин дугонамда мендаги бир нима йўк, – давом этди Лобар, – яъни ғурбат...

Ювош келиннинг оғзидан чиққан ғалати қадаҳ сўзини Маъруф тушунмади. Уни кўтариб диванга ётқизиб қўйишди.

* * *

Маъруфни шифокор ҳузурига боришга зўрға кўндирган Лобар хурсандлигидан кўп гапириб қолди. Эри асабийлаша бошлаган эмасми, сўкиб берди:

– Жағингни юмасанми, йўқми, ҳайвон?!

– Майли, сиз нима десангиз ўшаман, қулимсиради Лобар. Фақат жаҳлингиз чиқмасин.

– Тўнка! Қасал бўлсам экан, бошқа гап...

Лобар ҳомиладор бўлмаётганининг сабабини ана шундай ҳақоратлар остида аниқлатгирди. Шифокор опа кўзойнагини стол устига қўйгач, эр-хотинга бир-бир қарабди.

– Якин қариндошлар ўртасида оила қуришнинг оқибати бундан-да ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин эди. Бирок, Яратганга шукрки, фарзандли бўлишинглардан умид бор, айтмоқчиманки, даволашнинг иложи йўқ эмас. Аммо анча-мунча пул ва вақт талаб этилади.

– Зилола айтгандики... – Лобар чайнаиб қолди, гапини давом эттириши учун жўяли сўз тополмади. У "Зилола менинг якин дугонам, сал арзонроқ даволамайсизми?" демокчи эди.

Шифокор опа Лобарнинг юз-кўзларидан барчасини илғаб олди.

– Синглим, пулингиз менга керак эмас, дори-дармон ва аппаратларга, баъзи муолажаларга сарфланади, холос. – Сўнг мийиғида кулди. – "Холос" деганим ҳам доллар ҳисобида бир-икки минг... Сиз учун дорилар махсус келтирилади, Франциядан.

– Бунда ҳеч қандай ёлғон йўқми? – деди Маъруф бўзрайиб. – Пулимизга куйиб қолмаймизми?

– Касалингиз аниқ, ука. Ихлос билан даволанасиз, айтганимизни қиласиз. Шамоллашлар барҳам топмаса, якин қариндошлар эканлигингизга қарамай, хотинингизнинг бўйида бўлмаса, кейин гапиринг.

– Демак, мен ҳам, хотиним ҳам касал эканмиз-да?

– Шундай.

– Қайтиб шифокор зотига учрашмасак, ҳеч қачон болали бўлмаймиз, сизни тўғри тушунибманми?

– Мен бунга яшираётганим йўқ, юзингизга айтаяпман. Беш йил ўтади, олти йил ўтади, кейин бир умрга кеч бўлади.

Ёш оила шу тариқа катта пул топиш хусусида қайғура бошлади. Ота-оналарда пул йўқ, қариндош-уруғлар миллионлаб сўм қарз беролмайди, Маъруфнинг ўзи эса ёлчителик пул тополмайди.

Қунарлар ўтган сайин улар шифокорнинг гапини мудҳиш башоратдек эслаб, ғам-алам гирдобига тушиб қолишди.

Эри яна ичиб келган куни Лобарнинг ҳаёлидан бир ўй ўтди.

– Шундай юраверамизми энди? – деди юрак ютиб. – Пул топишнинг бир йўлини биламан. Унчалик катта пул шарт эмас, йўлкира топсак бас. Россияга кетамиз. У ёқда доллар билан ҳақ тўланадиган иш кўп дейишади. Энг қора иш бўлсаям қилаверамиз. Уч юз-тўрт юз доллардан ишласак, дўхтир айтган пулни бир йилга қолмай тўплаб қўямиз.

Маъруф бошини кўтарди.

– Сен ҳам Россия дейсан-а! Россияда биров иш тайёрлаб қўйибдими?!

– Дугонам эри билан кетмокчи. Супермаркетда ишлашар экан. Шахсан менга фаррошлигини берсаям майли. Дугонамнинг эри Москвага авваллари ҳам тез-тез бориб тураркан. Танишлари кўп.

Маъруф ўйланиб қолди. Сигарет тутатиб, ҳузур билан пуфлади.

– Гапингда жон бор, – деди у. – Ишимизни топсак, бир йил эмас, уч-тўрт йил ишлаб келамиз.

– Вой, кўндирганим рост бўлсин.

– Шу-да, кадримга етмайсан, Лобар. Қўлимдан қанақа ишлар келишини одамларга кўрсатиб қўяман ҳали. Хўш, дугонангга қачон учраймиз?

– Эртага...

Поликлиникадан хомуш чиққан Лобарни кўрган Маъруф шошиб сўради:

– Топдингми?

– Уч кун аввал учиб кетишибди.

– Россиягами?

– Ҳа.

Лобарнинг ортидан изма-из чиққан оқ халатли аёл ҳол-аҳвол сўрашгач, деди:

– Айланай, сиз Зилолани нега сўраб келдингиз? Хонадагилар айтишдики, Россияга кетмокчи эмишсиз. Мабодо, ёрдам керак бўлса, одам топиб бераман.

– Қанақа одам? – сўради Маъруф.

– Россияга олиб бориб, ишга жойлаб қўядиган, квартира топиб берадиган. Зўр одам, лекин фақат Москвага кетувчилар билан гаплашади. Санкт-Петербург, Уфа, Камчатка томонларга кафолат бермайди.

Эр-хотин бир-бирига қарашди. Иккисининг ҳам нигоҳида "кегишга ҳаракат қилдикми, қандай йўл билан бўлмасин кетамиз" деган маъно зоҳир эди.

Шу куннинг ўзида айтилган "зўр одам" билан учрашдилар. Вақти тигиз бўлишига қарамай "зўр одам", яъни семиз хотин Лобар ва Маъруфга беш дақиқа ажратди. Москвага бориб, эртасигаёқ ишга киришиш мумкинлиги, ойига ҳар бирига уч юз доллар маош тўланиши ҳақида қуйиб-пишиб гапирди.

– Менга минг доллар берсанглар ҳисоб, қолганини ўзим тўғирлайман.

– Бизда бунча пул йўқ, – деди Маъруф.
– Эй эркак, мен сиздан йўл пулларингизни сўраяпман-ку! Ахир, у ёққа бепул бориб бўладими?!

Шу пайт кўшни хонадан тилла тишли, баланд бўйли, оғир-босик эркак шошилмасдан чикиб келди.

– Менга каранг, ука, – деди у Маъруфга, – жа "крутой" га ўхшайсиз, мабодо, қарта-парта ўйнамайсизми?

– Тушунмадим, – елка кисди Маъруф.

Семиз хотин қаҳ-қаҳ уриб кулди. Ҳатто, Маъруфнинг елкасига шапатилади ҳам.

– Қарта, оддий картани гапиряпти! Ўйнамаганмисиз?

– Бу киши унака иш қилмайдилар, – эрининг ўрнига Лобар жавоб берди.

– Ўйнаганман, – деди Маъруф тўсатдан. – Лекин ҳозир ўйнамайман, ташлаб кетганман.

– Бўлмайсиз, йигит, бўлмайсиз! – деди тилла тишли киши ва ўриндикка чўкиб, оёғини чалишгирди.

Шундан сўнг ишбилармон хотин Лобар ва Маъруфга "пул топганда келинлар", деб жавоб бериб юборди.

– Россияга кетасанми, бошқасигами, менинг ишим йўқ, – деди отаси Маъруфга ўша кун икки кечкурун. – Мендан пул сўрамасанг, бўлди. Ўзинг ишла, топ! Вақтида пул ҳам топганман. Москва-ю Ленинградларга ҳам борганман.

Онаси эса ковок солиб, индамай ўтирибди. Ўглининг бегона юртларга кетиш тадоригини туғмас келинидан кўраяпти.

– Э, эски замонингизни гапирманг, дада, – Маъруф аччиқ қилди.

– Гапираман! Чунки сендеж вақтимда бунаканги хор бўлиб юрмаганман. Қўлингдан бир иш келмайди, яна осмонга сакраяпсан, Россияга бориб кулга айланмасанг, отимни бошқа қўяман... Келинни опкетмоқчимисан?! А, бу нима иш қила олади? Икковингни, мен сенларга айтсам, хизматкорликкаям олишмайди.

– Даданг тўғри гапиряпти, – гап қўшди онаси. – Тинчгина шу ерда ишлаб юравер. Қайси уйинг куйгир Россияга боришни маслаҳат берган бўлса, ана, катта кўча – ўзи кетаверсин. Эркак бўлса чиқинди тозалаб, аёл бўлса фоҳишалик қилиб бўлсаям кунини кўради. Сенга эса, болам, ифлос ишлар мос эмас.

Лобар аввал қизарди, кейин девордай оқарди. Ўзини хотиржам тутиш учун лабини тишлаб, ерга қаради. Аллақачон кўнгли қолган

хонадонга нафрати янада ошди. "Кетсам-у, бу ерларга кайтиб келмасам", деб ният қилди.

Кечаси эр-хотин ухлашолмади. Лобарнинг кўзига дам-бадам ёш қуйилар, Маъруфга эса дадасининг гаплари нашъа қилар, иккиси ҳам "кўрамиз ҳали" деб алам чекарди.

– Лобар, – деди Маъруф, – анави одам нега мендан қарта ҳақида сўради экан?

– Оз-моз пулингиз борлигини сезиб, ютиб олмоқчи бўлганми?

– Хаёлимга бир ўй келди. Пулимиз иккимизга етмайди. Мен киморбозлар даврасига кириб, бир таваккал қилсам-чи? Ё остидан, ё устидан.

– Сиз тентаксий. Қанақа кимор?!

– Бўлмаса нима қил дейсан, гаранг?! Қарта ўйнасам, унча-мунчага ютказмайман...

– Россияга олдин сиз кетинг, сўнгра пул юборасиз, мен ҳам бораман.

– Қўйсанг-чи! Ким менга овқат пиширади, ким кийимларимни ювади?

Шу гаплардан сўнг бир ой ўтди. Лобар такинчоқларини сотди, Маъруф музлатгич ва иккита гиламни пуллаб юборди. "Бу кунларингдан баттар бўлинглар" дегувчилар кўп бўлган кунларнинг бирида Маъруф уйга тантанавор кىриб келди-да, хотинини кучди.

– Қанча етмаётганди, гапир, қанча?!

– Пул топдингизми?

– Икки юз минг етмаётганди? Мана сенга уч юз минг сўм!

Маъруф кўйнидан даста-даста пулларни чиқариб, хотинининг устидан сочди. Икки юзталиқ бойламлар кулаётган бинонинг гиштлари каби Лобарнинг елка ва кўксига урилиб, оёқлари остига думалаб тушди.

Эр-хотин жуда ҳам бахтиёр эди.

* * *

Мусофирчилик кечмишлардан беҳабар ёш эр-хотин Москва кўчаларини томоша қилиб, таксида кетишаётганида коронга туша бошлаганди.

– Анча куттириб қўйдим-а? – деди олд ўриндикда, таксичининг

ёнида ўтирган семиз хотин. – Бу сафар самарқандликлар кўп келишди. Жойлаштириш ҳам осон эмас.

Лотин ёзувидаги "Supermarket" лавҳасини ўқиган Лобар дугонаси Зилолани ўйлади. "Шунақа ҳашаматли жойда сотувчи бўлиб ишлаш қандай бахт!".

Такси ажойиб биноларни ортда қолдириб, эски айвонлари, арконларга тизилган кирлари билан ўшшайиб турган тўрт қаватли уйлар оралаб, ахлатхона ёнида тўхтади. Лобар файзсиз маконга келаман деб ўйламаганди.

Семиз хотин таксичига кутиб туришни буюрди, аммо сал нарида баланд бўйли учта кавказлик йигит бир-бирлари билан ёқалашмок арафасида бақир-чақир қила бошлади ва таксичи:

– Нет, нет. Я не смогу здесь подождать, – деб йўл хакини сўради.

Халиги йигитлар янги келганларга тикилиб қолишди, сўнгра яна жанжалларини давом эттиришди.

Зинапоя тутқичлари омонат экан, қўл тегиши билан тарақ-турук ўйнади. Синган ойналар кўзидан кираётган елвизак ҳам бу ердаги бадбўй ҳидни йўқотолмай, қайтага димокка урарди.

– Унчалик обод жойлар эмас, – деди семиз хотин пишиллаб, – лекин арзон. Сизларга арзон квартира керак. Ахир, дам олишга эмас, ишлашга келгансизлар, шундай эмасми?

Учинчи қаватга етганларида зинада ўтирган калта юбкали, ўн олти ёшлардаги кизни кўрган Лобар беихтиёр "вой, ўлмасам" деб юборди. Қиз салгина сурилди, аммо бегоналар олдида яланғоч оёқларини яширмокни ҳаёлигаям келтирмади. Семиз хотин кулган киши бўлди.

– Лобархон, – деди қош қоқиб, – бундан кейин Маъруфжонга эҳтиёт бўласиз.

– Қулфлаб қўёлмайди-ку, – кесатди Маъруф ҳам.

Тўртинчи қаватдаги эшикни тақиллатишди. Уй эгаси ёши ўтиб қолган, тўладан келган, сочини маллага бўяган кўк кўз рус аёли экан. У семиз хотин билан алламбалоларни гаплашиб олиб, Маъруф ва Лобарни ижара хонага бошлаб кирди. Қўланса босган бу хонадонда энди учта оила яшайдиган бўлди. Уй соҳибаси, тожикистонликлар ва Маъруф билан Лобар.

Семиз хотин хайрлашди. У эртага жияни келиб иш масаласини ҳал қилишини қасам ичиб таъкидлади. Кеч соат ўнларда эшикни кимдир очди. Дахлизда калит шиқирлаши ва аёл кишининг тожик тилида нимадир дегани эшитилди. Лобар оғир хаёлларга берилиб ўтирганди,

эри туртгач, ноилож ўрнидан туриб, йўлакка каради. Бўсағада оёк кийимини ечаётган одмигина кийимдаги тожик аёли ўтирарди. Иккови бир-бирига тикилиб қолишди.

– Сиз шу ерда яшайсизми? – сўради Лобар.

– Ҳа, – деди тожикистонлик аёл. – Сиз каердан?

– Ўзбекистондан. Самаркандликмиз.

– Сизлар ҳам эр-хотин келибсизлар-да... Душанбеданмиз. Эрим ярим кечаси келади. Лекин "сволоч"нинг иши осон. Мен бечорага қийин. Учта жойга фаррошман.

Лобар ярим кечаси қайтадиган одамнинг иши нега осон эканлигини ўйлаб ўтирмади. Зухро исмли бу аёлнинг эрини пешин чоғи кўришга муяссар бўлди. Акмал ака кўринишидан танбалтабиат, писмиқ бир одамга ўхшарди.

Унинг қориндорлиги ва хомлигига қараганда ҳеч ҳам жисмоний меҳнат қилувчига ўхшамасди.

* * *

Лобар кичик бозорча хожатхонасига фаррош бўлиб ишга жойлашди. Маъруф эса қурилишга ўтди. Ғарқ ваъда қилинганидек икковининг маоши олти юз долларга етмас эди. Ёйиш-ичишдан икки юз доллар ортса ҳам байрам эди. Икки ойда жуда қийналиб кетишди. Яхши овқат емаганликлари сабаб оздилар, бўлар-бўлмасга асабийлаша бошлашди. Маъруф кўча-кўйда ичиб, тараллабедод қилиб юролмас, милициянинг қўлига тушса, шўрига шўрва тўкиларди. Оддий жариманинг ўзи емай-ичмай йиғаетган пулларни супуриб кетиши мумкин эди. Баъзи кунлар шунчалик қора бўлардики, Лобарни жонидан тўйғизарди.

Бир куни ишга отланаётганда зинада қиз боланинг чинкириғи эшитилди. Туфлисини мойлаётиб, эшикни бир зум қия очиб қўйганди, шошиб бош чикарди. Қиз жон аччиғида вой-войлай бошлади. Чарс-чурс шапалоқлар, гурсиллаган овозлар қулоқка чалинди. Лобар икки кадам ташлади-ю, калта юбкали кизни дўппослаётган эркакни кўрди.

– Виждонсиз! Фоҳиша! Кўрарга кўзим йўқ сени! – деб бакирарди эркак.

Лобар шошиб, Маъруфни чакирди. Акмал ака ҳам уйқусираб мўралади ва:

– Эрталабдан нима шовқин?! – деди у Маъруфга. – Илтимос, эшикни ёпинглар.

– Вой, анави кизни ўлдириб қўяди-ку! – Лобар эркаларга илтижоли бокди. – Ҳеч бўлмаса қўй денглар!

– Аралашма уларнинг ишига! – деди Маъруф. – Эшикни ёп, ишинга жўна. Бу ер маҳалланг эмас.

Лобар жанжал тингунча кутиб ўтирди. Маъруфнинг ҳам иш вақти яқинлашиб қолганди, кийина бошлади.

Акмал ака хонасидан бўйнига сочиқ ташлаб чиқди. Лобарни тушкун ҳолда кўриб, гап қотди:

– Келин, сиз уларга эътибор берманг. Эрталабдан ароқ ичиш, номаҳрам билан юриш, бодича кийиниш – ҳаммаси ўзларининг шахсий ишлари. Сизга тегинмадими, сиз ҳам аралашманг. Биласиз, ўша кизнинг ўзи бир бетайин. Қўяверинг, озроқ калтак еса одам бўп қолади.

Лобар Акмал акага "гапиряпсанми" ҳам демади. Эшикни тарс ёпиб, ишига жўнади.

Ҳожатхонада бир рус кампир ҳам фаррошлик киларди.

– Кечикади, вақтида келмайди, – тўнғиллади кампир.

– Кечиринг, Ира хола, – деди Лобар.

Қўл ювиш хонасидан башанг кийинган эркак чиқиб кетгач, кампир тентакларча "оҳ, оҳ" дея бош чайқади.

– Неча ёшдасан, Люба? – сўради Лобардан.

– Ўн тўққизда.

Ира сўкинди.

– Ўн тўққиз ёшимда, – деди у, – Москвадаги эркаларнинг ярми мени танирди. Хуснимни кўрган кексароқ одамлар ҳам ошиқ бўлиб қолаверишарди. Қанча сўрасам, оғзимга сикқанича тўлашарди, мендан пулини аяган эркакни кўрмаганман. Эҳ, лекин аҳмоқ эдим, каттароқ пул сўрамасдим. Машиналарида сайр килдириб, дачаларига олиб боришганига хурсанд юраверганман.

Лобар юзини терс ўгирди. Ира ёшлигида фоҳиша, кейинроқ кўшмачи бўлганлигини дастлабки кунлари билиб олганди. Кампир билан иложи борица сўзлашмасликка уринарди... Аммо ҳозир Ира чегарадан чиқиб кетди.

– Мен билан ҳожатхонада ишлаш сенга тўғри келмайди. Бир одамни дучор қиламан. Қўрқма, иккаламизнинг ҳам ҳақимизни беради. Юртингга пулдор бўлиб қайтасан.

Лобар поллатга ва челақни кўтариб нари кетаркан, кампирга ғазаб билан ўқрайиб қўйди.

Кечкурун "дом" олдида милиция машинаси турганини кўрган Лобарнинг юраги ёмонликни сезди. Ўйлаганидек, подъезддан уч нафар милиция ходими чиқишди. Уларнинг ортида Маъруф ва Акмал ака ювош тортиб туришарди.

– Сиз ҳам шу ерда яшайсизми? – сўрашди Лобардан.

– Ҳа, тўртинчи каватда тураман.

Шундан сўнг бугун ўлдирилган Тanya деган киз ҳақида, уни эрталаб кўрган-кўрмаганлиги хусусида сўроқладилар. Акмал ака боши билан "йўқ де" ишорасини қилмаганида Лобар бўлиб ўтган ходисани оқизмай-томизмай сўзлаб берарди.

– Ишдан ҳам қолдим, – деди Акмал ака милиция ходимлари кетгач.

– Балки бугун омадим чопармиди?

– Нима иш қиласиз ўзи? Гоҳ сотувчиман, гоҳ юк ташувчиман дейсиз.

Маъруфнинг гапи Акмал аканинг кулгисини кистатди. "Эҳ, бечора" дегандек нописанд қараб қўйди.

– Юкниям ташиганмиз, сотувчилик ҳам қилганмиз. Энди эса... барменман.

– Бармен? Зўр-ку. Менга ҳам бардан иш тополмайсизми? Курилишда ишлаб, туғилганимга пушаймон бўлаяпман.

– Менга қаранг. Маъруф, бизнинг барда ҳам туғилганингизга пушаймон бўлишингиз мумкин.

– Нега энди?

– Ахир, у ерни бар деб қўйибди. Бетон кориш ё гишт ташиш эмас. Русларнинг манамаман деган бойваччалари, озарбайжонлар, грузинлар, ҳатто, чеченлар ҳам қалашиб ётибди. Битта хатога йўл қўйсангиз, ўлдириб юборишлари ҳеч гап эмас.

– Нима, у махфий барми?

– Ҳеч қанақа махфий эмас. Ўз оёғингиз билан борасиз, ўз оёғингиз билан қайтасиз. Худди кимордагидек бирдан бойиб кетиш ҳам мумкин. Мен кечаси билан бекорга сандироклаб юрмайман. Бир нимадан умидим борки...

Акмал ака гапини охиригача давом эттирмади. Афтидан қандайдир сирини очиб қўйишдан чўчимокда эди.

– Барибир менга ёқди, – деди Маъруф сукутни бузиб. – Хўш, иш масаласини ҳал қила оласизми?

– Айтаяпман-ку, кимордагидек омад...

– Акмал ака, менга жумбоқли гаплар гапириб ўтирманг, ўлай агар,

тушунмайман. Ҳадеб "кимордагидек" деяверасиз. Қиморбоз эмасман-у, лекин Россияга келишдан аввал икки соат ичида уч юз минг сўм қоқиштирганман.

Эркакларнинг суҳбати боядан бери Лобарга ёкмаётган эди. Иттифоко, эрининг уч юз минг сўми кимор йўли билан топганини эшитиб, сесканиб тушди.

– Сиз ҳали ўша пулни кимордан ютиб олганмидингиз?! – деб сўради у.

– Келин, бугун мен сизга умуман тушунмадим, – деди Акмал ака. – Бир қарасам, ажали етган кизни қутқармоқчи бўласиз, яна бир қарасам эркакларнинг суҳбатига аралашасиз. Ана, Зухро янгангиздан ўрнак олинг. Ҳалиям ишдан қайтгани йўқ боякиш.

– Бор, дамингни ол, – жеркиб берди Маъруф ҳам.

Лобар қайсарлик қилмоқчи эди, уй эгаси чакириб қолди. У чикиб кетгач, Акмал ака кулимсиради.

– Маъруфбой, хунарни яшириб нима қиласиз, бундок ишлатмайсизми?

* * *

Кўп ўтмай Маъруф қурилишдан бўшади. Кечкурунлари Акмал ака иккови чикиб кетадиган, тонгга яқин қайтадиган бўлишди. Бардан яхшигина иш топилганмиш. Бир ойдан сўнг ростдан кам беш юз доллар олиб келди-ю, байрам бўлиб кетди.

– Ишимиз юришишига ишонардим, – деди Лобар қувончдан гул-гул яшнаб.

Энди унинг кўзига Маъруф аввалгидек ишёкмас, ароқхўр, меҳрсиз бўлиб кўринмас, худди орзу қилганидек чинакам эрга айланиб борарди. Бир сидра қийим ҳам олишди. Қозонда гўшт қайнай бошлади. Баъзи кунлари Маъруф ва Акмал ака ошхонада ўтириб, битта ароқни майдалаб ичишар ва вақти келса юртларига бойбадавлат қайтиб, тижорат ишларини йўлга қўйиш ҳақида эринмай гурунглашишарди. Лобар ҳам яхшироқ иш топиш пайига тушди. Ҳожатхона тозалашдан ҳам кўра Иранинг пичинглари жонига тегиб кетганди. Ҳатто, бир куни сотувчи йигитлардан бирига Лобарни шундай таърифлабдики, йигитнинг кўнгли суст кетиб, кампирга ўн доллар берибди ва кечкурун учраштириши зарурлигини уқтирибди.

Иш вақти тугаб, кетишга ҳозирланаётганда Ира ивирсиб келиб қолди.

– Яхши аёлсан, жуда яхши аёлсан, – деб хушомад килди. – Гўзалсан, анча ёшсан.

– Сизга нима керак? Уйингизга жўнанг, йўкса ҳозир манави таёк билан бир тушираман, тил тортмай ўласиз. Милициянгиз Россиядан изимни ҳам тополмайди. Эй худойим, қачон бошқа иш топиб, шу бетавфиқдан кутуларқанман-а?

Оркадан эркак овози эшитилди:

– Ира хола, бу жонон қанақа монолог ўқияпти-а?

Кўзлари олма-кесак тера бошлаган кампир валинеъматини кўргандек севиниб кетди. Чўнтагидан ўн доллар чиқариб, Лобарга мактанди.

– Кўрдингми? Кўрдингми деяпман? У билан бирга кет, сендан ҳеч нарсасини қизғанмайди. Квартирангга ҳам олиб бориб қўяди.

Лобар йўл устида турган кампирни итариб юборган эди, у боши билан деворга урилди. Эркак эса шаштидан қайтмади. Лобарни маҳкам ушлаб ўзига тортди.

– Кучингни менга кўрсат, оймқиз.

Лобар бир-икки юлкиниб, бақувват кучокдан халос бўлолмади. Қанчалик ғалати бўлмасин, кичкиришга андиша килди. Милиция келса, яна ҳужжатбозлик. Ўтган ой (Таня ўлдирилган кун) терговда иштирок этишга тўғри келиб, зўрга кутулганди... Аммо ҳозир хирапашша эркакнинг қурбонига айланмаслик учун ҳам нимадир қилиш лозим эди.

Ҳожатхона томон яна бир шубҳали киши бурилди. Лобар энди дод солмоқдан ўзга иложи йўқлигига амин бўлиб тургандики, ҳалиги киши катъий амр этди:

– Қўйвор, эй тўнка!

– Нима ишинг бор!..

Лобар олижаноб инсонни атиги бир лаҳза кўрди, холос. Унинг қарашлари ниҳоятда совуқкон эди, аммо қандайдир тафаккур кишиси эканлиги ҳам сезилиб турарди... Фурсат ўтмай шилким сотувчи асфальтга қулаб тушди. Ира азройилга дуч келган каби котиб қолди.

– Шум кампир! – деди олижаноб киши. – Сени аллақачон отиб ташлашим керак эди. Бўни қарангларки, ҳожатхона каламуши бўлиб яшаётганинг жазо топганингдан дарак!

– Ўтинаман, Шомил, ўтинаман... Мендек қари кампирни кечир. Аннанинг олдида бир умр гуноҳқорман... – йиғламсиради Ира.

– Сендан шунчалик жирканаманки, ҳатто ҳожатхонангга ҳам киргим келмайди.

– Гунохкорман...

Бу орада шилким сотувчи бикинини ушлаган кўйи жуфтакни ростлаб қолди. Шомил Лобарга киё ҳам боқмай узун плаши барини хилпиратиб изига қайтди. Бозорча кўчасидаги "Мерседес" унга мунтазир турарди. Машинанинг кизил чироқларини нигоҳи-ла кузатиб қолган Лобар тасодиф туфайли шилкимдан халос бўлганини тушунди.

– Ҳожатхонанг билан кўшмозор бўл, – деди Лобар кампир сари икки қадам ташлаб. – Туф сенга, имонсиз.

"Очдан ўлаётсам ҳам бу кампир билан бирга ишламайман", деб дилига туккан Лобар ижара уйга ҳорғин ҳолда қайтди. Кўнглига қил сиғмасди. Шифтга тикилиб ётиб, Зилолани ўйлади. Самарқандга телефон қилиб, дугонасининг Москвадаги манзилини билиш хусусида бош котирди. Улкан шаҳарда дугонани тасодифан учратиб қолишга умид боғлаб бўлмаса. Супермаркетда ишлаймиз, деганди, лекин қайси бирига бош суқиб Зилолани суриштирсин?.. Келганларидан буён уй билан икки мартагина телефонда гаплашишди. Уйдаги телефонлар доим ишламайди, гўё Маъруфни дадаси шу йўл билан қийнамоқчидек. Ахир, эрка фарзанд шу вақтгача дадасининг соясидан олисда яшаб кўрмаган... Балки телефонга ҳам пул тополмай қолишгандир.

Ҳар доимгидек кеч соат ўнларда Зухро келди. Лобарнинг кайфияти йўқлигини кўриб, ҳол сўради.

– Ишдан бўшадим, – деди Лобар.

Зухро ютиниб олдида, озиб кетгани боис чўкиб қолган кўзларини четга бурди.

– Лобар, – деди у маҳзун оҳангда, – сиздан битта сирни яшириб юрибман. Бу – ишдан ҳам муҳим масала.

– Худойим-ей, яна нима гап?

– Эрим учига чиққан картабоз. Ҳар кеч у киморхоналарга боради. Дам ўз пулига ўйнаса, дам биронта пулдорга ёлланади. Мана, бир ойдирки, сизнинг эрингиз ҳам унга қўшилган.

Лобар бошдан-оёқ музлаб кетди. Маъруфнинг одам бўлиб қолганига ҳеч ишонмаётган эди-я!

Зухро давом этди:

– Агар катта пул ютқазиб қўйишса, биз гаровдамиз. Сизлар келишдан аввал эрим уч минг доллар ютқазган эди. Уйдаги пуллар етмади. Шунда эрим мени гаровга қўйиб, танишларидан қарз-ҳавола қилиб келди. Тўғри, қарзлардан ҳам қутулдик, уч минг доллар

жамғариб, Душанбега ҳам юбордик. Бирок барибир кўрқаман. Қимор шундай офатки, бир кечада мени, бола-чақамни, уй-жойимни ўз домига тортиб кетиши мумкин. Маъруф эса... Ўзингизга маълум яқинда келган... Катта пулга тушмаса деб кўрқаман.

Лобар оғир-оғир нафас олиб, Зухронинг елкасидан ушлаб ўзига қаратди.

– Нега шуни бошидан айтмадингиз, Зухро опа?! Сизга нима ёмонлик қилувдим?..

– Дуч келган одамга эримнинг киморбозлигини ошкор қилмайман-ку, ахир. Мени тушунинг, Лобар! Ҳозир сизни огоҳлантирганим учун ҳам раҳмат денг. Агар эрим шу гапларимни эшитса теримга сомон тикади. Сизга азбаройи раҳмим келганидан, виждоним неча кундирки азоб бераётганидан оғзим бўшлиқ қилди. Мендан ўпкалаб... Тагин ўзингиз биласиз. Ёш экансиз. Эрингизнинг қадам олишидан ҳеч нарса сезмай юришингизга ҳайронман.

Лобар бошини чангаллаб, бурчакдаги стулга ўтирди. Қанча вақт ўтганини билмайди. Уй эгаси чироқни ўчириш кераклигини айтганидагина ўзига келди. Кўп ўтмай тонг ёриша бошлади. Маъруфдан ҳамон дарак йўклиги юрагини омбур билан қисган каби азобларди. Ортик бардоши қолмагач, Акмал аканинг эшигини қокди. Ички кийимда Зухро опа чикди.

– Лобар, тинчликми? – деди хавотирга тушиб.

– Эрим йўқ.

– Келмадими? – Зухро шивирлаб сўради.

– Акмал ака-чи? Уйдами?! – Лобар кўзларини катта-катта очди.

Зухро "Ҳа" дейиши билан Лобар юзини тўсди. Бир лаҳза ҳайкалдек қотиб, сўнгра секин чайқалди-да, вазоҳат-ла деди:

– Акмал акани қақиринг бу ёққа!

Зухро эрини уйғотаётган пайт ташқари эшикка кимдир қалит солди. Лобарнинг наздида, эшик очилгунча бир аср ўтиб кетди...

Келган одам Маъруф эди. У оёқда зўрға турар, ранги бўздай оқариб кетганди. Эшик кесақисига суяниб, Лобарга маъносиз қараб қолди. Айни дамда Акмал ака хонасидан чикди. Маъруф гандираклаб бориб, унинг юзига мушт солди. Икки эркак полда юмалашиб муштлиша бошлашди. Хотинлари эса ажратиб қўймоқ умидида бекорга уринишарди.

– Ўлдираман! – бақирарди Маъруф. – Қаерга олиб бординг мени, ифлос!! Энди нима бўлади? Жавоб бер! Нима бўлади?..

– Кўлингни ол, кўйвор!.. – дерди Акмал ака. – Ўзинг рози бўлдинг-ку! Мана, хотинингнинг олдида айт, мен сени мажбурладимми?

– Қанча пулинг бор? – хансираб сўради Маъруф.

– Ёкамни кўйвор, менда пул нима қилади?..

Шу пайт эшик тақиллади. Ҳамма бирдан ортига ўгирилди. Соқоллари ўрни кўкимтир, бақувват-бақувват нигоҳларидан шафқат сезилмайдиган кавказлик уч йигит иякларини кўтариб туришарди. Уй эгаси "Нималар бўлаяпти бу ерда?" деб ётогидан чиққан эди, бири "Мамуля, дамингизни олинг", дея бир силтаб тўшагига ётқизиб қўйди.

– Дарвоқе, бу ерда нималар бўлаяпти? – сўради ўртадаги барзанги.

– Биз... – тутилиб қолди Акмал ака. – Биз... дам олаётгандик... хотиним билан...

У шундай дегач, Зухрони турткилаб, хонасига киргизди, сўнг ўзи ҳам гум бўлди. Маъруф ёлғиз қолган кучукваччадек ювош тортиб қолганди.

– Бу кишилар кимлар?! – Лобар салкам кичкириб юборди. – Гапиринг, нега жимсиз?

– Кечир мени, Лобар, – деди Маъруф ерга қараб. – Бошқа илож йўқ... Сен улар билан кет...

Кавказликларнинг чехраси очилди.

– Бизга ютқизган жононинг шуми? Ёмон эмас.

Улар бир-бирига қараб олишгач, биттаси Лобарни етаклади. Юраги орқага тортган Лобар барзангининг кўлига муштлади, тимдалади. Маъруф тилсиз, жонсиз бир кимсага айланиб бўлганди. Хотинининг типирчилашини, йиғлаб-ёлворишларини, жон ҳолатда кичкиришини мажолсиз кузатиб турарди.

Зинадан тушишаётганда Лобарнинг овози ўчди. Қиморбозлар оғзига латта тикиб, шундай тез олиб чиқиб кетишдики, у кўз очиб юмгунча катта кўчада машинада кетиб борарди. Ҳамон инграётган, йиғлаётган жувон жиғига тегди, шекилли, кучоклаб ўтирган барзанги икки шапалок туширди. Сўнгра латтани олиб ташлаб, шанғиллади:

– Эр кўрган хотинга ўхшаб жим ўтир! Бўлмаса сўйиб ташлайман! Сенга кўзимиз учиб тургани йўқ эди, эринг киморга тикди. Бизда "ундай эди, бундай эди" деган гаплар бўлмайди. Ютқаздингми, тўлайсан. Акс ҳолда ширин жонинг билан хайрлашавер.

– Қўркма, – деди олд ўриндикдаги йигит, – сени ўлдирмаймиз. Эркақлар нимани хоҳлашади, яхши биласан. Шундан хулоса қил-да, хурсанд бўлавер. Энди хароба жойларда яшамайсан. Ҳашаматли

сарой, ажойиб ховузлар, пар тўшаклар кутмоқда. Биласанми, hozirги замонда кўпчилик хотинлар "эрим қачон мени эркалар экан?" деб умр ўтказишадн. Сенда энди бу муаммо йўк.

– Аниқроғи, ўйлашга вақтинг бўлмайди, – лукма ташлади ҳайдовчи. Улар барабарига қаҳ-қаҳ уриб кулишди.

Лобар даҳшатдан ҳушини йўкотаёзди. Ёнидаги йигит кўйнидан тўппонча чиқарди-да, деди:

– Артистлик қилсанг, тепкини босаман.

Қаерга, қайси йўллар билан олиб келганини Лобар англаёлмади. Унинг учун ҳаммаси тамом бўлганди.

* * *

Тонггача давом этган кимор ва ишратбозликдан хориган киморбозлар Лобарни тушгача безовта қилишмади. Уй қамоғидаги жувон ўйлайвериb, ўйининг тагига етолмади. Бу ердан қочиb чиқиш ва Ўзбекистонга йўл олишнинг чорасини тополмай бошини чангаллаб ўтирди.

– Бадном бўламан, – йиғлади Лобар. – Шўрим курсин, Россияга келмай мен ўлай... Маъруф... Ётган жойингда ҳаром қотгур, бошимни единг-а охири!..

Нариги хонадан ғўнғир-ғўнғир овозлар келиб, эшикдаги қалит буралди.

– Хўжайин, марҳамат, – деди кечаги йигитлардан бири. – У соппа-соғ, қўлимизниям теккизганимиз йўк.

Лобар рўпарасидаги чўтир юзли, бадқовоқ кимсани кўриб сесканиб тушди. Бу кимса киморда ютқазилган аёл тугул, агар асирига айланса, ёш кизларга ҳам шафқат қилмаслиги худди пешонасига ёзилгандек маълум бўлиб турарди. У Лобарга яқинлашиб, беихтиёр кекирди ва бриллиант кўзли узук тақилган бармоғи билан тишини қавлади.

– Чиқиб кет, – буюрди у йигитига қарамасдан.

Эшик ёпилиб, хўжайин ва Лобар ёлғиз қолишди.

– Сенга ёқаяпманми? – дея асирасининг иягини оҳиста силади. – Воҳ, нега кўркиб кетдинг? Наҳотки, ёмон одамга ўхшасам?

– Раҳмингиз келсин, – йиғлаб ёлвора бошлади Лобар, – гулдай умримни ҳазон қилманг. Мен ҳам бировнинг азиз фарзандиман. Оилам бор...

– Оила деб сўтак эрингни назарда тутаяпсанми? Пуф, сассик! Хотинини индамай йигитларимга тутқазганини-чи унинг! Сўнгги

нафасигача олишмайдами эркак бўлиб?!

– Илтимос... кўйиб юборинг... Эрим ютказган пулларни тўплаб берамиз...

Чўтир юзlining кўзларидан қаҳр йўқолмаган ҳолда лаблари кулди. Лобарнинг белидан кучиб, беҳаёларча тикилди.

– Ютказилган пулларни сен тўлайсан. Мардикор эрингнинг карзни узишини йигирма йил кутмаймиз-ку, ахир. Ўзингни қанчага баҳолайсан? Ҳар бир кунингни эллик доллардан ҳисоблайсанми? Ана, ҳисобладинг ҳам дейлик. Узлуксиз эллик доллардан ишласанг икки йилда зўрма-зўраки қутулар экансан.

– Мен бундай қилолмайман. Ўзимни ўлдираман...

– Ким учун, тентаквой? Гурурсиз эр учунми ё юртингдаги бир тўда лоқайд қариндошларинг учунми? Давру даврон сурмайсанми, гўзалим? Қара, ахволингга! Қора меҳнат қилиб абгор бўлибсан-ку. Бойвачча эркаклар даврасида гулдай очилиб кетмасанг отимни бошқа кўяман. Менга ишон, вақти-соати келиб, уйингга бой хоним бўлиб қайтасан.

– Менга ҳеч нарса керак эмас. Қўйворинг, илтимос.

– Фоҳиша! – Чўтир юзли тўсатдан тарсаки кўйиб юборди, Лобар ўтириб қолди. – Бугундан бошлаб сенинг номинг – фоҳиша! Тушундингми?! Нархинг эса ўн доллар! Ў-ўн до-ол-ла-ар!.. Кўрамиз, бу ердан неча йилда қутулиб чиқаркансан. Зўрға йўлқира топиб уйингга адойи тамом бўлиб етиб борасан!.. Йўк-йўк, сенинг нархинг беш доллар! Массаж, яланғоч рақсга тушиш, киморга тикиладиган жонли мулк вазифаларини бажариш даражасига етсанггина ўн доллар... Ва бу маконда ўн йил қолишга бугундан ўзингни кўниктиравер.

– Йўк!!! – Лобар телбаларча кичкира бошлади. – Йўк!.. Ўлдирсаларинг ўлдириглар, ҳайвонлар!.. Ифлослар! Илойим ер ютсин сенларни...

Чўтир юзли Лобарни аямасдан икки-уч тепди.

– Тўшагингга шунақа одамларни киргизаманки, бир ҳафтада мулойим супурги бўласан. – Сўнгра эшик томон хитоб қилди: – Жавҳар! Жамик! Бу ёққа қараларинг!

Эшикда унинг шотирлари пайдо бўлишди.

– Манавига ҳаммасини ўзим тушунтириб қўя қолдим. Сенларнинг вазифаларинг шуки, кечкурунгина бу ҳаммомга тушган, пардоз-андоз қилган, европача кийинган, худди менинг дидимдаги аёлга айлансин.

Бирок ҳеч қаери тирналмасин. Аврайсанми, ароқ берасанми, кўркитасанми, қорадоридан укол қиласанми, айтганимни бажарсанглар, бас. Акс ҳолда пичоғимнинг дамини учалангнинг томоғингдан синаб кўришимга тўғри келади.

Йигитлар бош силкишди.

– Умуман олганда, – давом этди чўтир юзли, – бу сафар ҳам ёш ва чиройлисини кўлга киритибмиз. Тез орада сенларга ҳам насиб этади.

– Хўжайин, бир гапни атай, – деди йигитлардан бири, – бу ютук ҳам ўша уйдан чикди.

– Қайси уй?

– Таня яшайдиган уй. Бир ойлар бурун отаси уриб ўлдириб қўйган эди-ку.

Чўтир юзли хонани тўлдириб кулганча, Лобарга бокди.

– Буни қаранглар, нақадар ўхшаш қисматлар! – дея лабини бурди. – Таняни севгилиси ютказган эди, аниқроғи, севган йигитининг тирик қолиши учун ўзини киморга тикканди, бечора киз. Уни ҳам шу хонада ургандим, буни ҳам. Уям "фурсат беринг, ишлаб қарздан қутуламиз", деганди, буям. Иккиси ҳам ўн учинчи уйдан. Бундан чикди. Таня иккинчини ҳам кимдир уриб ўлдиради. Аммо ким у? Отаси Ўзбекистонда, эри эса жонсиз бир махлук! Хаҳ-хаҳ-ха-а... Қалай, тақдирга ишонадиган ҳудожўй чикиб қолдим, шекилли.

– Сиз Худони тилга олманг, – деди Лобар лабидаги қонни артиб. – Бетаҳорат, беимон гапириб қаҳрини келтирасиз.

– Эси оғиб қолдими? – деб чўтир юзли ўз йигитларига аланг-жалаңг қаради. – Нималар деяпти?

– Оллоҳ ҳаммасини кўриб турибди, – деди Лобар.

– Оллоҳ дедими? Мусулмон аёлмисан? Ўша киморбоз эринг ҳам мусулмонми? Балки намоз ҳам ўқирсанлар-а? Сенинг таъсирингда турган-битганимиз мусулмон бўлиб қолсак борми!..

Улар ўзаро қулишди.

– "Ал-Қоида", Усама Бен Ладен... Ваҳима-ю!.. – деди чўтир юзли.

– Дин бошқа, террорчилар бошқа, – Лобар оғир ютинди. – Тушундим, икки дунёнлар қуйиб, дўзахий бўлганларинг учун қўлларингдан шунчалик шармандали ишлар келаётган экан-да. Мен сенларни чечен деб ўйлабман.

Жавҳар ва Жамик бир-бирига ўғринча қараб қўйишди. Чўтир юзли эса масҳараомуз тиржайди.

– Сенингча, чеченлар кимлар? Диндор, мард, кўркмас. Шундайми?

Аёлларга қўл кўтармайди, қизларни зўрламайди. Ҳой Жавҳар, бирор кеча бунга тарихингни сўзлаб берасан. Қизалокни қандай ўлдирганингни, камокдан кимлар муддатидан аввал чиқариб олганини.

Жавҳар мутеларча бош эгди. Чўтир юзли эса кўкрак кериб гапирди:

– Менинг ота-боболарим кимлар эканини билмайман. Рус, жухуд, украин – аралашган. Бирок Жавҳарнинг боболари каби одам ўғирлаб гаров пули сўрамаган.

– Отанг иблис, онанг иблис... – ингради Лобар илк марта ўзбек тилида.

Зўравон ялт этиб қаради, ҳеч вакога тушунмади. Лекин Худога илтижо қилаяпти, деган гумонда танглайини тақиллатди.

– Худо йўқ, бечора аёл. Сенга ҳеч ким ёрдам беролмайди. Менинг қўлимдасан...

Унинг гапини бўлиб, бир йигит ховликиб келди-да, деди:

– Хўжайин, телефонга чақиришаяпти. Шомил!

– Шомил?!

Чўтир юзли кимсада сезилар-сезилмас даражада саросима излари кўринди. Улар шоша-пиша чиқиб кетишгач, Лобар ўзини гиламга беҳол ташлади.

Орадан ўн дақиқа ўтдимини-йўкми, яна қайтиб келишди. Энди улар аллақандай хавотир билан Лобарга тикилишди.

– Шомилни танийсанми? – сўради чўтир юзли.

– Йўқ, – деди Лобар, аммо берилган саволдан қандайдир умид шамоли эсиб, "балки "ҳа" деганимда яхшироқ бўлармиди", деган ўйга борди.

– У ёқ-бу ёғингга қараб ол, – чўтир юзли кўзини олиб кочди, – бу ердан кетасан. Аммо Худо додимни эшитди деб, хомтаъма бўлма, Шомил Москвадаги ашаддий каллакесарлардан бири. У ҳеч ким оркасидан сўраб-суриштирмайдиган киз-жувонларнинг дарагини эшитса, дарров изига тушади. Нима қилишини билмаймиз. Билганимиз шуки, биронта аёл унинг хонадонидан тирик чикмаган. Алвидо!

* * *

Машина Москва шаҳридан чиқиб, дала ховлилар жойлашган гўзал маконга етди. Кичикроқ кўприкда коп-қора машина турарди. Лобарни унга ўтказишди. Қуролланган ҳайдовчи синчковлик билан

назар солди, аммо бирон оғиз гапирмади. Лобар шу дақиқадан Шомил исмли каллакесар измига ўтганини англаб, қандай кўргуликлар кутаётганини ўйлаб борарди. Кеча Ирани дағ-дағ қалтиратиб кетган кишининг исми ҳам Шомил эканлигини эслаб, қалбида умид чироғи ёнди. Бироқ Москва жиноий тўдаларига исми маълум йирик жиноятчидан марҳамат кутиш бекор эканини тушунди.

Ўнг томонда икки қаватли ҳашаматли уй кўринди. Ҳовли деворлари ва дарвозаси баланд бўлиб, Лобарга қочиб қутулиб бўлмас қамоқхонани эслатди.

Мана, машина ҳовлида тўхтади. Темир дарвоза ёпилди. Лобар кийфос очилган гулларга, фавворага, ўтлоқда чопиб юрган зотдор кучукваччага маҳзун нигоҳини бирма-бир қадади. Кутганидек қарсақ чалиб даҳшатли кимса пайдо бўлмади. Ҳайдовчи:

– Туш машинадан, – деб, ўзи кучуквачча томон кетди.

Серрайиб турган Лобарни уйдан шошиб чиққан рус аёли чақирди.

– Ортимдан юр, – деди у мулойимлик билан. – Асло ортиқча ҳаракат кила кўрма. Барибир, қочиб кетолмайсан. Барчасини янги хўжайиннинг ҳал қилади.

Улар дид билан безатилган хоналардан, чўғдек гиламлар тўшалган йўлакдан юриб, энг четдаги хонага етишди. Лобар ер билан барабар панжарали кичик деразага қаради-ю, қандай қилиб ертўладаги ётоққа тушиб қолганига ҳайрон бўлди.

– Ҳожатхона у ёқда, ювиниш хонаси анави эшик, – деди аёл. – Ярим соатдан сўнг келаман, ошхонага чиқиб овқатланамиз.

Аёл эшикни қулфлаб кетгач, Лобар кенг ва юмшоқ ётоқ диванга хорғин чўкди.

Ниҳоятда чарчаганини, қорни очганини энди ҳис этди. Девордаги соат миллари 15:15 ни кўрсатиб турарди...

Аёл қайтиб келганида Лобар артинаётган эди.

– Кийимлардан танла, – деди аёл жавонни очиб. – Хўжайин чиройли либосларни яхши кўради.

Лобар кийинаётиб, дераза олдидан чопиб ўтган кучукваччани яна кўрди.

– Бу ер бечора аёллар учун махсус жиҳозланган хонами? – савол беришга журъат этди Лобар. – Диван, кресло, пардоз ашёлари, ювиниш хонаси... Асираларнинг чинқириғи кўчага эшитилмаслиги учун икки қават ойна... Лекин етти қават тош девор ичида бўлсаям Худо кўради, бандасининг муножотини эшитади.

Ёши элликлардан ошган, юзига ажин тушиб, кўзларида мунг қотиб қолган аёл индамай эшитди. Кулиб қўйди-да, эшикни очди.

– Юр, овқатланамиз. Қиморбозларнинг кўлидан ҳеч нарса емаган кўринасан. Янги хўжайининг оч аёлларни ёқтирмайди.

Йўлакда мазали овқатнинг иштаҳа очувчи ҳиди сузиб юрарди. Катта-катта деразалари дарвозага қараган хонадаги стол турли ноз-неъматларга тўлалигини кўрган Лобар ютинди. Рус аёл ким биландир телефонлашиб келгач:

– Ўз уйингдагидек бемалол овқатланавер, – деди. – Кечани қандай ўтказаман, деб ўйланма. Мен уч кунга қафолат бераман. Уч кун меҳмонсан, қолганига Худо пошша.

Аёл тўғри айтган экан. Уч кун мобайнида Лобар кўрикчи йигитлардан бошқа эркак зотини кўрмади. Ухлайди, овқатланади, душга тушади, дераза олдида кучукваччанинг келиб ўйнашини кутади. Гоҳо дераза ёнида бир эркак туриб қолади. Лобарга унинг дазмолланган қора шими, пиджак бари, қора қўлқоп кийган қўли кўринади, холос.

Тўртинчи кун тушлик қилишаётганида дарвозадан қора "Volvo" машинаси кириб келди. Ундан қандай одамлар тушгани Лобарга кўринмади. Аёл шошиб қўл артганидан кейин Лобар ҳам чашкани суриб қўйди.

– Хонангга камалиб ўтиришингга тўғри келади, – деди аёл.

Шу куни кечқурун янги хўжайин асирани кўрмоқ истагини айтди. Аёл олдиндан кийинтириб-бўянтириб қўйган бўлса-да, хаяжонга тушиб, Лобарнинг гоҳ у жойини, гоҳ бу жойини тузата бошлади.

– Қулоғингга қуйган насиҳатларимни унутма, – деди у. – Хўжайин олижаноб, мард, сахий инсон. Агар ғазабини кўзгаб қўйсанг, тамом. Қайтиб мени кўролмайсан. Бу деганим, менга эмас, сенга жабр бўлади. Ҳали ёшсан, эрингдан кўп ситамлар кўргансан. Очилиб-яйраб яшашинг керак-ку, ахир.

Лобарнинг оёк-қўлига беихтиёр титроқ кирди. Улар иккинчи қаватдаги меҳмонхонага чиқишганида хўжайин эшикка орқа ўгириб телевизор кўрмоқда эди. Лобар очилиб қолган парда четидан уч кун аввал келган йўлини, қоронғилик қоплаётган олис уфқни кўрди. Туғилиб ўсган гўшаларини соғиниб, юраги орзикиб кетди.

Хўжайин шошилмасдан ўрнидан туриб, кейин ортига ўгирилди. Лобарнинг қаршисида тунов кунги шилқимдан халос этган, ичикора Ирага пўписа қилган Шомил исмли чечен турарди.

– Ўзбекларда машҳур бир роман бор, – деди Шомил, – "Ўткан кунлар" деб аталади. Икки ошиқ чимилдикда дуч келишганда, "Сиз ўшамми?" деб сўрайди. Иси нима эди бош қаҳрамоннинг?

– Отабек, – секин жавоб берди Лобар.

– Ҳа, Отабек эди. Гарчи сендан ҳозир "Ўшамисан?" деб сўраб турган бўлсам-да, асло Отабек эмасман. Менинг ишимга ҳеч ким ҳавас қилмайди. Ўйлайманки, сеникига ҳам. Қолаверса, биз улардек бир-биримизни севмаймиз.

Мулойим гаплар Лобарнинг кўнглини хийла бўшатиб юборди. Шундай бўлса-да, Шомилни яхши одам деб гумон қилолмасди. Шунча бойлик, қуроқланган йигитлар, ишратга мўлжалланган ертўладаги ётоқхона, ҳеч иккиданмасдан нотаниш жувонни бир жиноий гуруҳдан тортиб олиб уйига келтириш, уй қамоғи...

– Мен кетсам бўладими? – ижозат сўради хизматдаги аёл.

– Майли, Анна Сергеевна, нариги хонада ўтириб туринг, – деди Шомил, сўнгра Лобарга яқин келди. – Исминг нима?

– Лобар.

– Болаларинг борми?

– Йўқ. Мен касалман, Россияга пул ишлаш учун келгандим...

– Менинг исмим Шомил. Мен ҳам Россияга пул ишлаш мақсадида келганман. Модомики, касал экансан, даволаниш учун келиш керак эди.

– Эрим оддий одам, ортиқча пули йўқ.

– Эринг энг ифлос киморбоз. Касал ҳолингда ишлаш учун олиб келиб, киморга тикиб юборди... Тушунишимча, гинекологияга оид касалсан, бола бўлмаган, шундайми?

Лобар ерга қаради. Кўзлари милт-милт ёшга тўлди. Киприклари пирпираб, ёноқларидан ёш думалади.

– Илтимос, – деди йиғлаб, – мени қўйиб юборинг. Бир умр дуо қиламан. Оилам бузилиб, номим ёмонга чиқиб кетса, умримнинг охиригача хор-зор бўламан. Ота-онам оқ қилади. Бизлар мусулмонмиз. Исломда "ҳаром" деган тушунча бор. Агар менга геинсангиз, мен ҳаром бўламан. "Ҳаром" аёлга яшашнинг маъноси қолмайди. ўзига ўт қўяди...

– Мен ҳам мусулмонман, чеченман! – Шомил бир кадам яқинлашди.

– Ҳаром тушунчасини мен ҳам яхши биламан. Бундан ташқари, талок деган тушунча ҳам бор. Эринг сенга талок қўймасдан туриб, мен хотин қилиб ололмайман. Аввало, хотин қилиш ниятим ҳам йўқ. Маловер

тўдасига мусулмон кизи тушиб қолганини эшитиб. кутқариб олдим.

– Сизни бир умр алкайман... Уйимга жавоб беринг...

– Лобар, гўр эканлигинг кўриниб турибди. Шуни тушун, энди сен эринг учун йўқсан. У сени молни сотгандек сотиб юборди. Неча кундан бери тутқунликда ўтирибсан. Пок нөмингни тиклаёлмайсан. Эрингга ҳам қайтиб меҳр қўёлмайсан.

– Оилам бузилишини истамайман, – ҳикиллади Лобар.

– Битта аблахни шунчалик яхши кўрасанми?!

– Йўқ, бошиданок яхши кўрмаганман, Шомил ака... Акажон!.. қўлма-қўл юролмайман... Ёмон бўлсаям эримнинг олдида кетишим керак... Ҳеч бўлмаса Ўзбекистонга кетишимга рухсат беринг...

– Менга ёкиб қолдинг, – деди Шомил жойига ўтираркан. – Ёмон маънода тушунма. Сингил сифатида ёқдинг. Гурурли аёл эканлигинг шундоқ кўриниб турибди. Биласанми, Москвадаги бу уйимда ёлғиз битта аёл бор – Анна Сергеевна. У менинг опам, онам, устозим, меҳрибон энагам. Ёш жувон унинг ишларига қўмаклашиб юришини истаяпман. Бу ерда қолсанг ҳеч ким сени ҳўрламайди. Бир тола сочингни узган эркакни ўз қўлларим билан бўғиб ўлдираман. Менга ишон. Агар сени бузук йўлга бошлаш истагим бўлса, алдаб ўтирмасдим. Куч ишлатардим-кўярдим, қара, бу ерда на овозингни биров эшитади, на кочиб қутулоласан.

– Нега айнан мен керак бўлиб қолдим сизга?

– Сен... Сен шунакасанки, қисматинг тақозо қилаяпти. Кўп одамларни, кўп юртларни кўрдим. Ўзбекларни ҳам жуда яхши биламан. Ўғри-каззоб, қиморбозу гиёҳвандларга, фоҳишаларга нафрат билан қарашади. Қиз олмайди, қиз бермайди. Самарқандликман деяпсан. Мен Булунғурга борганман. Булунғурдаги вино заводини сотиб олмоқчи эдим. Аммо Анна... бояги рус аёли "Нахотки, сен спиртли ичимликлар ортидан келадиган пулга яшамоқчисан?" деб мени қаттиқ уялтирган. Чунки у мени беқиёс даражада тушунади: мени мендан яхши билади... Мен эса ҳозир сени яққол тушуниб ўтирибман. Эринг уйига бориб, ё телефон қилиб, сен билан яшаётганини, бегона эркаклар қўлида эканлигини айтади. Устига сен бориб қоласан. Эрингникида эмас, албатта, ота-онангникида яшай бошлайсан. Атрофдагилардан уялиб, бош кўтаролмайсан, "Москвада қиморбозларнинг эрмаги бўлган" деган тамға умрбод ўчмайди. Айт, сенга шунақа ҳаёт керакми? Ҳеч қачон керак эмас! Шу ерда қол, кейинчалик уйингга обрў билан

қайтишингнинг бир йўлини топармиз. Бўлиб ўтган ходисаларни китоб қилиб чиқарарсан ёки ҳажга борарсан. Шунда одамлар сен ҳақингдаги ҳақиқатни билиб олишади, поклигингга ишонишади.

– Йўқ, сиз айтган даражаларга лойик эмасман. Пешонамда нима ёзилган бўлса, ўшани кўришга кўникиб, эримнинг олдига кетсам. Балки ҳали кеч эмасдир...

Шомил эшик томон деди:

– Анна Сергеевна, шу ердამисиз? Киринг!

Аёл кириб, саволомуз тикилиб қолди. Шомил қаршисида турган икки аёлга бир-бир қараб чикқач, қандай тўхтамга келганини маълум этди:

– Бугун кеч бўлди. Эртага Лобарни автобусга кузатиб қўясиз, оддий йўловчилардек квартирасига кетаверсин... Лобар, сизга айтадиган гапим шуки, эрингиз хафа қилса, мана телефон рақамим. Телефон қилсангиз, йигитларимни юбораман, сизни олиб келишади.

– Кўчада қолиши ҳеч гаи эмас, – гап қўшди Анна Сергеевна жонкуярлик билан. – Эри ҳайдаб юборса, қаерга боради? Ўзбекистонга кетиш учун самолётга ҳам, поездга ҳам пули йўқ.

Лобарни уйнинг ўнг қанотидаги кенг хонага бошлаб борган Анна Сергеевна жилмайди.

– Мана, менинг хонам! Кел, танишайлик, мени Анна Сергеевна деб чакиравер. Миллатим рус. Ёшим роппа-роса эллик олтида.

Лобар истар-истамай ўзини таништирди. Ўтган уч кун мобайнида индамай юриб, ахийри кетаётганда танишмоқ истаган бу аёл кўзига ўта муте ва хунук кўринди.

* * *

Лобар деразадан Россиянинг жимжит кечасига тикилиб қолди.

– Нималарни ўйлаяпсан? – сўради Анна Сергеевна.

– Ҳозир кетсам эди, – деди Лобар стулга чўкиб.

– Йўқ-йўқ, Шомилни яхши билмас экансан. У сенга ўйлаб олиш учун сўнгги фурсатни берди. Битта ортиқча ҳаракатинг билан ёш жонингга жабр қилиб қўйма.

– Шомил ака тўғрисида менда илик таассурот қолди, лекин уни киморбозлар "ашаддий каллакесар" деб таърифлаганди. Қолаверса, иши ҳам анча сирлига ўхшайди. Нега шундай яхши одамнинг жиноят оламига алоқаси бор? Нима учун оиласи кўринмайди? Ёки қирқ ёшли одам ҳали оила қурмаганми?

– Ҳа-а, – деди Анна Сергеевна чўзиб. Кейин Лобарга муғомбирона қараб кўйди. – Икки аёл бир гапга тушса, дунёда биронта сир қолмайди. Сен эртага кетмоқчисан. Айтмоқчиманки, "Яхши бор, омадингни берсин". Агар саволларингга жавоб берсам, шу уйда қолишингга тўғри келади.

– Шунчаки сўрадим-да, – дея Лобар тилини тишлади.

Бироқ ёдига бир гап тушиб, яна савол беришдан ўзини тиёлмади:

– Анна Сергеевна, ўзингиз ҳақингизда гапириб беролмайсизми? Эрталабгача уйқум, барибир келмайди...

– Нега гапириб беришим керак экан?! – хўмрайди аёл.

– Ҳеч бўлмаса, Ира билан қандай алоқангиз борлигини сўзларсиз?

Анна Сергеевна бир зум қотиб қолди. Лобар ўнғайсизликни енгиш учун:

– У билан бозор хожатхонасида фаррош эдик, – деди. – Охириги кун жанжаллашиб қолдим. Кампир бўлсаям, жуда ёмон экан. Ёнимга бир эркакни эргаштириб келиб, қўшмачилик қилмоқчи бўлди. Ўша кунни мени Шомил ака биринчи бор қутқарган эдилар. Ира "Аннанинг олдида бир умр гуноҳқорман", деб йиғлади. Исмингиз Анна эканлигини билганимдан сўнг шум кампир ёмонлик қилган Анна сиз эканингизни гумон қилдим.

– Ҳарқалай Шомилга бегона эмас экансан-да, – деди Анна Сергеевна ўрнидан туриб. – Қара-я, дунё кенг, лекин умр йўллари тор. Сен қачонлардир учратган одамингни, фурсат келиб, бошқа бир танишинг ҳам учратганини эшитасан. қизик... Жудаям қизик...

У жавондан аллақандай дори олиб, оғзига солди-да, изтиробларини яширолмай қалтираганча чой хўплади. Кейин инқиллаб, Лобарнинг ёнига келди, елкасига қўлини охиста қўйиб, бутунлай ғамгин, гўё нотаниш овозда:

– Ира менинг кушандам, – деб, жимиб қолди.

Лобар ўрнидан туриб узр сўради ва аёлни диванга ўтиргизди.

– Бир вақтлар опера-балетдаги истеъдодли актриса эдим, – хикоясини бошлади Анна Сергеевна. – У вақтлар жуда гўзал, шўх... Нима десам экан... Бахтли эдим. Ошиқларим ҳам кўп эди. Францияга борганимда, ҳатто, манаман деган давлат арбоби қўлимни сўраганда, журналистлар хабар топиб, матбуотда шов-шув тарқатиб юборишганди. Турмуш қуришаяпти деган гаплар ҳам бўлган. Миш-мишларнинг чин ёки ёлгонлигини текшириш учун КГБ ходими мени йўқлаб Парижга борганди... Аммо Москвага ёруғ юз билан қайтдим.

Россияда ҳар бир киши менинг мухлисим, керак бўлса, жонини фидо этади, деган ҳаёлларда юрардим. Булар илҳом бағишлаб, истеъдодимга истеъдод қўшар, олқишлар тўхтовсиз ёғилар, санъат тарихида номим қолишига ишондим.

Кунларнинг бирида анчайин эпчил сартарош аёлга дуч келдим. Унинг қўлидан кўп иш келарди: соч турмаклаш, кесиш, бўяш, қош териш, мўй териш... Қўлидан бошқа ишлар ҳам келишини билмай, хузурига тез-тез борардим. Унинг исми Ирина эди. Худди ҳозиргидек Ира деб чакиришарди. Тешик кулок эштади, ўшандаёқ Иринанинг қадам олиши чатоклигидан бохабар бўлгандим. Бирок бу мени ташвишга солмади. Ёш, гўзал, сўнгги модада кийинадиган эрсиз жувоннинг хушторлари бўлса бордир-да, деб парво қилмасдим. У кун ўтган сайин учига чиққан фоҳишага айланиб бораётганини, афсуски, сезмасдим. Сартарошлигини ўша вақтдаёқ ташлаб кетарди, бирок миждолари орасида хурлико қизлар, актриса ва хонандалар борлигини билган бойвачча жазманлари бунга йўл қўйишмаган. Улар Ирадан тузок сифатида фойдаланишган. Ана шу тариқа Ира қўшмачилик даврига қадам қўйган... Сенга ҳам айтгандир, Лобар, "пулга кизикмаганман, шунинг учун қариганимда хожатхона фарроши бўлиб қолдим", деб?.. Ҳа, у виждону инсоф – барчасини ямламай ютадиган бир махлуқдир. Мен сенга айтсам, Москва марказидан тўрт хонали уй, шаҳар четидан дала ҳовли олган эди. Машинаси ҳам бор эди. Аммо "ўйнашдан бўлган уйингдан чиқарар" деганларидек, Иранинг кимдандир орттирган ёлғиз фарзанди ўтакетган сурбет бўлиб вояга етди. Ўғирлик ҳам, йўлтўсарлик ҳам қилди, ўн олтига тўлиб-тўлмай синфдош қизни зўрлаб қамокда ҳам ўтириб чиқди. Иранинг бор-буди соб бўлаёзди. Ниҳоят, ҳалиги ўғил гиёҳванд моддалар билан қўлга олинди. Яна қамок, Иранинг югур-югури... Бор бойликлари кетди, қолган-қутганини ҳам ўғли қорадори учун сарфлаб юборди.

Шуни билки, Ира ваҳшиёна қотилликнинг гувоҳи бўлган. Ўғли жуда кийналиб юрган кезларда тошкентлик бир одамнинг назарига тушиб қолади. "Сенга қорадори олиб келаман, Москвадаги мен айтган одамларга тарқатиб, пулини меҳмонхонадаги номеримга олиб келасан", дейди. Ўғли икки-уч марта топширикни бажаради. Бирида қўлга тушиб, қорадорини кимдан олганини айтиб қўяди. Тошкентлик шахс ҳибсга олинганча, Иранинг ўғли ҳам қамалади. Қамокдан чиққан куни уни онасининг кўз ўнгида ваҳшиёна ўлдирадилар. Айтишларича,

икки киши бостириб кирган ва бири қўл-оёғидан босиб турган, иккинчиси... Сўзлашга одамнинг тили бормаиди... соткиннинг пешонасига козиқ қокқан... Эшитишимча, Иранинг ўғли ўша пайтлардаги Тошкент мафиясига қарши кўрсатма бериб қўйган экан...

Узр, анча чалғиб кетдим. Бошидан кўп кўргиликларни кечирган Ирага менинг ҳам қарғишим теккан бўлса, ажабмас. Ўшанда, Иранинг салониға қатнаб юрган кезларим, у мендан эркаклар ҳақида сўраган эди. Атрофимда қанчалар парвона бўлишмасин, эркакларга ҳушим йўқ эди. Дугоналардек дилимдаги гапларни Ирага кўп айтганман. У эса Франциядаги давлат арбобининг менга ошиқлигидан тортиб, қанақа эркакка турмушга чиқишни исташимгача билиб олганди.

Қайсидир байрам кечасига боришимдан аввал Ира қўнғирок қилди. Салонимга келсангиз янги модани сизда намойиш этаман, деди. Икки соат вақтим борлигини ҳисобга олиб, салонга етиб бордим. Салондаги бошқа ҳамкасблари йўқлиги сабабини сўраганимда, у ҳаяжон билан: "Янги модани улар ҳозирча кўрмай туришгани маъқул деб, жавоб бериб юбордим", деди. Кўзгу қаршисида кўп ўтирмадим. Ира аллақандай атирни писиллатгач, ўзимдан кетдим... Кўзимни очганимда нотаниш ётоқхонада шармандали ҳолда ётардим. Бир эркак ва Ира кириб келди. Ўзларича узр сўрашди. Ҳалиги эркак менсиз яшолмай қолганмиш. Шунчалик севар эканки, оғир жиноятга, яъни менинг номусимга тегишга мажбур бўлибди. Оилали, қадди-қомати келишмаган эркак бўлгани учун севги изҳорини, барибир, қабул қилмаганман...

Овозимнинг борица қичқирдим, қўлимга илинган нарсаларни отдим, лаънатладим, дўк-пўписа қилдим. Аммо уларнинг тош қалблари заррача ўртанмади. "Анна, – деди Ира, – бу одам тўғри гапиряпти. У сени севади... Ва қўлидан кўп ишлар келади. Биласанми қандай лавозимда ишлашини? Агар бундан кейин ўз хоҳишинг билан учрашиб турсанг, ошиғинг олчи бўлади, барча орзуларинг амалга ошади. Агар йўқ десанг, қўнглинг ўзингдан қолсин. Мана бу расмларни француз матбуотига юборса оқибати нима кечишини биласан-а?!" У диван устига бир нечта фотосуратни ташлади. Уларда кўзларим сузилган, сархуш ҳолатда ҳалиги эркак билан ўпишаётганим, у мени кўтариб олгани, ички кийимда ётиб, телбаларча кулаётганим тасвирланган эди. Фотосуратлардаги воқеалар ростдан ҳам бўлганини элас-элас эсладим, фахш ботқоғи

кўнглимни айнитди... Уйга келдим. Қандай тузоққа тушганимни яхши билиб турардим. Милицияга сим қоқсам, икковини ҳам қўлга олишади, аммо одамлари эртасигаёқ беҳаё суратлар ва махсус мақолани Парижга етказадилар. Мени бутун мамлакат олдида фаришта деб атаган арбобга қарши шов-шувлар яшин тезлигида тарқалади. Ўзимизнинг Маданият вазирлиги ҳам хабар топади. Мени ишдан четлатадилар, санъатсиз қоламан, натижада ХЕЧ КИМга айланаман... Эртасига битта қарорга келдим ва улар билан учрашдим. "Мен ютқаздим, – дедим ғазабга тўлиб, – аммо фахш йўлига ҳеч қачон юргиза олмайсанлар. Гарчи номусим топталган бўлса-да, ўзимни пок деб ҳисоблайман ва поклигимча қоламан. Бунинг учун мен ҳаётим мазмунига айланган театрдан кетаман, чекка бир шаҳарда ҳеч ким танимайдиган оддий ишчи бўлиб яшайман. Мени ўлди деб ҳисобланглар ва суратларни ёкиб юборинглар.

Агар суратлардан кимдир хабар топса, узлатга чекинганимда ҳам тинч қўйишмаса, мен милицияга бораман. Шарманда бўлмаётганим учунгина сенлар омон қолаяпсанлар. Акс ҳолда, умрларинг қамоқда чирийдими".

Орани очиқ қилиб, Кавказга бош олиб кетдим. Грознийдаги мактаблардан бирида мусикадан дарс бера бошладим. Шомил менинг ўқувчим эди. Лекин мусикани ёқтирмасди. Унинг айтишича, мусикада ўлим оҳанглари яширинган эмиш. Умуман олганда, ҳозир Шомилникида яшаётганимга сабаб, унинг ўқитувчиси бўлганлигимда эмас.

– Шомил ака сизни устозим деб атади, – деди Лобар бир лаҳзалик жимликни бузиб.

Анна Сергеевна кулимсирашга ўхшаш бир ҳаракат қилди-да, пешонасини ишкади, кўзларида чуқур ҳорғинлик акс этиб турарди.

– Уни мен кимор оламига бошлаб кирганман.

– Ўқитувчи бўла турибми?!

– Йўқ... Мен Грознийда бир чечен кампирикида яшардим. У эллигинчи йилларда қамоқда ўтирган собик товламачи, қаллоб, киморлар афсунгари эди. Яқинда бир гап эшитиб қолдим: у "Аёл киморбоз" номи билан Осиёдан Европагача танилган, ҳозирги тилда айтганда, "суперпрофессионал картёжница" бўлган экан... Хуллас, умри охирлашиб қолаётганини сезгач, мени ёнига чақириб ҳунарини мерос қолдиражagini айтди. Эртаю кеч менга қарта ўйинларини ўргата бошлади. Мен театрни қанчалик санъат деб тушунсам, у

картани шунчалик санъат сифатида қабул қиларди. У менга дунёдаги ҳеч қайси киморбоз билмайдиган "Қора карта ракси"ни ўргатди. Бир неча ой ичида қўлимдаги карталар "қора ракс"га тушадиган бўлди. Шу даражада берилиб кетдимки, ростдан ҳам карта менинг санъатимга айланди-қолди. Қўлимдаги карталарга тикилиб турган киши "туз"ларни қандай тераётганимни, "козир"ларни кимга атаётганимни билмасди, билолмасди...

Кампир вафот этгач, бир неча йилдан сўнг ҳузуримга бир чечен йигит келди. У мактабни битириб ҳеч қаерда ўқиёлмабди. Армиядан қайтиб, киморга берилибди, анча пул ютқазибди. "Сизни кимор афсунини билади деб эшитдим, менга ўргатасиз, шундай кимор ўйнайки, барча рақибларим ютқазиб, пушаймон есинлар ва бу иллатдан воз кечсинлар", деди. Аввалига унамадим, аммо қарасам, ҳеч бўлмайдиган кўринади. Хаёлимда бирдан Ира билан номусимга тажовуз қилган бадқирдор гавдаланди. "Сени танидим, Шомилсан, – дедим чечен йигитга, – ўз ўқувчимга кингир йўлни кўрсатаётган муаллим абадий қарғишларга қолиб кетсаям, сенга муҳим бир топширик бор. Пул бераман, Москвага учасан. Умримни дўзахга айлантирган иккита аблах бор. Уларни топасан. Машъум суратлар қаердалигини аниқлайсан. Суратларни йўқотасан, истасанг ўша аблахларниям... Кейин сенга "Қора карта ракси"ни ўргатиб, умримнинг охирини она шахрим – Москвада ўтқазиб учун бу ерлардан абадий кетаман".

Ўша куни Шомилга аянчли таржимаи ҳолимни сўзлаб бердим. Кушандаларимнинг манзилгоҳларини, исм-фамилиясини, кўринишларини тасвирладим. "Қўлимдан яхшилик ҳам, ёвузлик ҳам келади", – деган бу йигитга останадаёқ ишонган эдим... У ростакам важоҳат билан ўрнидан турди. "Иккаласининг ҳам калласи керакми?" – деди худди молни савдо қилаётгандек. "Йўқ, – дедим ёлвориб, – ягона истагим – Москвада хотиржам яшаш. Мени шармандалик қутқусидан ҳалос этсанг, бас...".

Ҳикояси шу жойга етганда, Анна Сергеевна ўрнидан турди. Совиб қолган чойдан ҳўплаб, соатга қаради.

– Ҳадемай тонг отади, – деди у. – Лобар жуда чарчадим. Сен ҳам мизғиб ол. Эртага эрингнинг ёнига борасан, картанинг "к" ҳарфини билмай, хотинини ўйинга тикадиган ўша ношуднинг ёнига...

– Эримни алдашган, деган гумонда юрардим, энди билдимки, устаси фаранглар бор экан.

– Йўқ, Лобар, адашдинг. Маловер тўдасида "Қора қарта ракси"га бас келадиган одам йўқ. Уларнинг курули рақибни номардларча алдаш. Қартага белги қўйиш, енг ичига яшириш, орқадан кузатиб, шеригига имо-ишора қилиш. Шуни билки, мен ўйинни факат Шомилга ўргатганман. Шомил эса ҳеч кимга бу сирни очмаган. Эндиликда у қартани ташлади.

Анна Сергеевна "билдингми" дегандек сўзсиз қараб турди, сўнгра ўрнига чўзилди. Лобар чойшабни олди-ю, диванда тонг оттиришга қарор қилди.

Чирок ўчирилгач, кўп ўтмай Анна Сергеевнанинг пишиллаб ухлаётгани эшитилди.

* * *

Лобар кўзини очганда куёш чикиб улгурганди. Ёмон туш кўрган қаби дивандан гарангсиб турди. Анна Сергеевна таклиф этган нонуштани рад этиб, кўчага кузатиб қўйишни илтимос қилди.

– Ёш бошингга оғир савдолар тушди, – деди у Лобарни бекатга бошлаб келгач. – Тинч ҳаётингни узилган жойидан давом эттиришинг амри маҳол. Агар юкори маош эвазига ўзингга муносиб иш топмоқчи бўлсанг, кел, эшигимиз сен учун очик. Бирок ҳеч кимга Шомил ва мен ҳақимда, айниқса, кечаги қора тарихни сўзлаб юрма. Гарчи муҳим сиримизни айтмаган бўлсам-да, биз ҳақимизда нималарнидир билишинг келажакда бошингга бало бўлиши мумкин. Азиз жонингни эҳтиёт қил!

Лобар автобусга ўтирди. Дала ҳовлилар ортда қолиб, серкатнов Москва кўчаларига кириб келгач, енгил тин олди. "Эсон-омон кутулдим", деб севинди, кўзларидан тиркираб ёш чикиб кетди.

Ижара уйига яқинлашган сайин бўғзига бир нима тикилиб бораверди. Ўтган кунлар мобайнида бошига тушган ажиб савдоларга мана шу эски уй, унда яшовчилар, эри, Акмал ака – барчаси айбдор эди. Лобарга қолса, оламни бошига кўтариб айюҳаннос солар, дунёда киморбоз зоти яшашига имкон берган жумлаи жаҳоннинг ёқасидан олар эди.

Подъезд ҳамон ўша-ўша: кимдир ташлаб кетган пиво бутилкаси синиғига қўл ҳам теккизилмаган, сигарет қолдиклари кўпайган.

– Ахийри келибсан-да? – деди уй эгаси.

Уни зинада учратаман деб ўйламаган Лобар таққа тўхтади.

– Эрим шу ердами? – сўради юраги гуп-гуп уриб.

Уй соҳибаси дўконга отланган, шекилли, рўзгорбоп сумкасини маҳкам қисиб, маъносиз қараб турарди. Тамшаниб олгач, деди:

– Шу ерда... шу ерда... Роса устидан чиқасан-да! Лекин биронта буюмим синмасин. Уйим жанжал уясига айланишини истамайман... Уришқоқ осийликлар! Бу кетишда бир кун бошимга етишади!

Лобар яна икки қават кўтарилиб, ижара уй эшигига етди, қаттиқ-қаттиқ тақиллатди. Эшикни очган Маъруф битта шимда турарди, яланғоч кўкраги тирналгани лоп этиб кўзга ташланарди.

Улар бир лаҳза тикилиб қолишди.

– Одам эмас экансиз, – деди Лобар бир қадам ташлаб.

– Тўхта, – қўли билан йўлни тўсди Маъруф, – мен одам бўлмасам бўлмасдирман, лекин сен энди хотиним эмассан. Бир тўда қартабоздан қолган олқиндисан... Жаҳлим чиқмасидан жўна, туркингни кўришга асабим дош беролмайди.

Лобар худди шу гаплар айтилишидан қўрққан эди. Худди шу гапларга жавоб ҳозирлаб турганди. Бирок ғазаб ўтида ўзини йўқотиб:

– Нима?! Нималар деяпсиз?! – деб қичқирди. – Аслида, мен сизнинг туркингизни кўрмаслигим керак эди! Қайси виждон, қайси ғурур билан мени киморга тикдингиз?! Эрақман деб қандай бош кўтариб юрибсиз? Мен "эрим ўзини осган" деб жанозангизни туш кўрибман-а!.. Садқан эрақ кетинг!.. Хўп, майли... Хотинини бегоналарга бериб юборган деган иснодга бу ерда чидаган экансиз, у ёқда, Самарқандда қандай чидайсиз?!

– Ўчир, фоҳиша, ўчир!..

– Мени фоҳиша деяпсизми?! Фоҳишалик йўлига сиз бошладингиз, эрим бўла туриб, фахш ботқоғига итардингиз! Лекин, худога минг қатла шукрки, ёмонлардан асради. Биронтаси тегинолмади...

– Сенга тегишмадими? – мазах қилиб иршайди Маъруф. – Тўрт кеча-ю, тўрт кундуз Маловер афтингга тикилиб ўтирдими? Йўқол, чўпчагингни онангга айт. Менга эса сендақа ҳаромнинг кераги йўқ!

– Бас! Бас деяпман!.. – Лобар ўкириб йиғлаб юборди. – Шунча бало-казодан Оллоҳнинг ўзи асраб, сизга хотинингизни пок-ҳалол етказганда, нималарни алжираяпсиз?! Пок эканлигимга қасам ичайми? Гувоҳларни опкелайми? Нима қилсам ишонасан, ҳўв инсон?! Адо қилдинг, тириклайин гўрга тикдинг, ифлос!..

– Чўпчагингни қатта холаңгга айт!

– Қатта холаңгга?.. Аммангизгами? Ҳали мени киморга тикканингизни эшитсин, бошингизни юлиб, қўлингизга беради.

Совчи қўйган вақтингизда "Тоғамнинг ўғлига беришаяпти, хола", – деб йиғлаганимда, менга ўзлари кафил бўлгандилар. "Биламан, укамдаям, ўғли Маъруфдаям инсоф-диёнат йўқ, лекин фотихани кайтармаймиз, агар биронтаси озор берса, ўзим жаллод бўламан", дегандилар. Кўрасиз, маҳаллада сизни дорга осишади.

– Аммам ҳам, маҳаллам ҳам сени кутиб ўтирибди, – деди Маъруф қолибона овозда. – Уларга телефон қилиб, бор гапни айтдим. Етакласа кетаверадиган сен бузуқини қандай нафрат билан кутишасангини билсанг эди...

– Илойим, ер ютсин! – Лобар эрининг икки чаккасига ҳам шапалок туширди. – Хор бўл, битта хотинга зор бўл!

Маъруф Лобарни туртиб юборди-да, оғзидан тупук сачратиб:

– Талоқсан! Талоқ!.. – деб бақирди.

Шу пайт Маъруфнинг хонасида кимнингдир қўлидан стакан тушиб кетди ва аёл кишининг "вой" дегани эшитилди. Лобар эрининг кўзларига саволомуз бокди. "Менинг тўшағимга қайси манжалақини олиб келдинг, аблаҳ?!" деган маъно жувоннинг ғазабнок нигоҳида зухурланди. Қаддини тиклаб, эшик рўпарасига келди-ю, ҳеч нарсага тушунолмагандек телбавор бош чайқади, кўзларига ишонгиси келмади. Лобарнинг тўшағи ёнида сочлари тўзғиган, ранги оқарган, ички кийимда ҳайкалдай қотиб Зухро турарди.

– Сиз... Ахир... кутмагандим... – деди Лобар.

– Мен ҳам, – дея Зухро бурчакдан халатини топиб, кийди. – Маъруфжон анча пул ютказган эди, нега сизни дарров қўйворишди?

– Йў... йў... Сиз... бу ерда?..

Зухро сочини йиғиб олиб, Лобарга тик бокди, бироқ ҳаяжонланаётгани чуқур нафас олишидан сезилиб турарди.

– Сизга кимор қандай офат эканини айтганман. Иккимизнинг ҳам бахтимизни боғлашди бу номард эркақлар. Энди нима қиламиз, ҳайронман.

– Сизни бунақа аёл деб ўйламагандим. Чин дилдан меҳнат қилиб юргандингиз фаррош бўлиб, – деди Лобар. – Акмал ака сутенёр экан-да. Ё киморга ютказдим?

Лобар Акмал аканинг хонаси эшигини очди, лекин душанбелик киморбоз кўринмади.

– Акмал ака ишга кетганидан хиёнат қилибсиз-да? – Лобар эрига ҳам, Зухрога ҳам қарамай гапирди.

– У ишда эмас, касалхонада, – деди Зухро Маъруфнинг ётоғидан

чикиб. – Худо қарғаган барда ўласи килиб дўппослашиб, ахлат кутисига ташлаб кетишибди. Реанимацияда ҳаёт учун курашиб ётибди. Бечоранинг аҳволи оғир. Тиригиям, ўлигиям бўйнимга тушаяпти. Даволаниш фалон пул, Душанбега олиб кетиш писдон. Менга ҳам осон тутманг, Лобар.

– Бу, – дея Лобар боши ила эрига имо килди, – киморбозлардан сир тутган долларини сизга берган, сиз ҳам хотинсиз қолган махлукнинг хонасига кўчиб қўя қолгансиз-да...

– Лобар, ярамни тирнайверманг. Мен шундок бўлишини хохлабманми? Қолаверса, Маъруфжон энди сизнинг эрингиз эмас. Ҳозиргина талоқ қўйдилар.

– Гапни кўпайтирмай, кет... Кет!.. – Қўл силтади Маъруф. – Зухро менга ёкиб қолди, фақат у мени тушунади. Сен – эшак эса бошидан асабимни эговладинг. Ишламайсан, ношудсан, касалсан эмиш! Ана, катта кўча! Хохлаган бели бақувватга тегиб ол.

– Пулларимни бер, бугунок Ўзбекистонга учаман, фохиша деб тухмат қилганинг, киморбозу суюклигинг учун маҳаллада гаплашамиз. Оксоқолларни тўшлаб омин қилдираман, ўртага Қуръони қаримни қўйиб, онт ичамиз. Қани ким бузук экан, кўрамиз ўшанда!

– Бўлмаса тўрт кун қаерда эдинг? – Маъруф саросимага тушиб қолди. – Тагин қочиб келган бўлма, уларга берадиган пулим йўқ.

– Юрагинг ёрилмасин, – деди Лобар ва пул беркитилган жойни ағдар-тўнтар қилиб, сарик чақаям тополмади. – Мени Маловердан Шомил исмли виждонли бир одам кутқариб олди, уникида сингилдек яшадим. У ерда Анна Сергеевна деган аёл ҳам бор эди, ишонмасанг...

– Ишондим! Ишондим! – Маъруф важохат билан Лобарни турткилай-турткилай зинапоягача борди. – Йўқол! Қорангиям кўришни истамайман. Қулоғимга лағмон осма! Нонга аталган пулимниям ахтар!.. Истасанг, Самарқандга бориб, қасамхўрлигингни қилиб ўтиравер! Аммо мени тинч қўй. Мен учун сен, сен учун мен йўқман!

– Ўзим ишлаган пулни бер! Уйга қандай кетаман, ахир?!

Эшик ёпилди. Лобар бурчакка мажолсиз ўтириб қолди. Шунчалар тубан тушган одамлар яшайдиган бу хонадон эшигини яна тақиллатишга ор-номуси йўл қўймади. Маъруфни таърифлашга тили ожиз эди: гулдек хотинини киморга тикди, мўъжиза туфайли пок қайтганига шукр қилмай талоқ қўйди, фохишасан деб тухмат қилиб, аслида ўзи бузукчиликка берилди... Боз устига уйига телефон қилиб, барча айбни Лобарга ағдарди.

Подъезддан чиқар экан, Лобар маҳалла-кўй ҳам Маъруфдек кутиб олишини тасаввур қилди. "Уйга қандай кетаман? – йиғлаб борарди Лобар. – Гуноҳим йўқлигини қандай исботлайман? Турмушга чиқиб, гопганим шу ғавғолар бўлди-я!.. Эсиз, умрим!.. Эсиз, ёшлигим!.. Минг ифсус... Ота-онам ҳам ўзларини ўйлашди, севмаган кишимга /затишди... Мана, талоғимниям берди, кўчагаям қувди. Ҳозир сўйнида ўзидан уч-тўрт ёш катта аёл... Оилали, бола-чақали аёл... Мен эса она шахримда бўлсам ҳам майли. Минглаб чақирим нарида итдай сорман... Энди нима қиламан? Қаерга бораман? Қаерда тунайман?"

Бекатда узоқ ўтирди. Ўтган-кетганлар ачингандек қараб сўйишарди. "Ёрдам бермасаларинг ҳам майли, ишқилиб, индамасаларинг бас", – деб хаёлидан ўтказди Лобар.

Аммо кўрккан ҳодисаси содир бўлди. Сал наридаги ойнаванд дўкондан чиққан уч олифта ўспирин ўзаро ҳиринглашди-да, бекат йриндиғига ўтирдилар. Мақсадлари Лобарга тегажоглик қилиш жанлиги кундай равшан эди.

– Шошма, ҳой хотин, – деди бири Лобарнинг қўлидан тутиб соларкан. – Нега йиғлаяпсан? Ҳомиладормисан?

Улар яна кулишди. Атрофда ёрдам қўлини чўзадиган одамни сўрмаган Лобарнинг юраги орқага тортиб кетди.

– Йигитлар, мени тинч қўйинглар, ҳозир эрим келади.

– Келсин, эринг билан ҳам гаплашиб қўямиз, – сигарет тутунини туфлади четдаги бола.

– Лахжангга қараганда, россиялик эмассан. Тўғриси айт, қаердан келгансан?

– Айт! – силтади бошқаси.

– Ўзбекистондан – жавоб берди Лобар.

– Қайсидир газетада ўқидим, – деди четдаги бола, – дунё бўйича энг ваҳшиёна жиноятлар тафсилотлари берилган...

– Нима бўпти? – шериклари унга лаб буриб қарашди.

– Унга Ўзбекистонда содир этилган бир жиноят ҳам киритилган. Манавинга ўхшаган, лекин туғиши яқин қолган бир аёл кўчада сетаётган экан. Рўпарасидан бизга ўхшаш бўрилар чиқиб қолибди. "Эй, – дебди биттаси, – аёлнинг туғишини кўрганмисан?". Ўртоқлари "йўқ" дейишибди. "Келинлар, анавини туғдирамиз", – деб аёлни таражлар ортига судраб олиб боришибди-да...

– Қўй, мараз! – Лобар сакраб турган эди, учаласи шоқоллардек гашланишди. Лобар жон аччиғида кичқириб, ёрдам сўрай бошлади. Зирок ўспиринлар уни бекат орқасига ўтказишди.

– Биз эса бунинг бўйида бор-йўқлигини текширамыз, холос, – хириллади бири.

Лобарнинг бахтига дўкон сотувчиси чикиб, хуштак чалди. Сўнг:

– Милицияга кўнғироқ қиламан! – деб ўдағайлади. Ўспиринлар Лобарни кўйиб юборишиб, бекат бурчагига тўпланишди ва мазлума жувонга оч кашкирлардек тикилиб тураверишди. Бу вақтда бекатга бир аёл, бола етаклаган кўзойнакли киши, икки киз келишди.

– Унга нима бўлган? – сўради аёл безорилардан.

– Эрталабдан ичиб олганга ўхшайди, – дейишди улар.

Лобар йиртилиб кетган ёқасини кўксига босиб, дўконга зўрға етиб келди-да, телефон сўради. Кейин чўнтагидан Шомилнинг рақамларини чиқариб, сим қокди.

Орадан ярим соат ўтгач, дўкон ёнига қора "Мерседес" тўхтади. Орқа ўриндикда киморлар маликаси – Анна Сергеевнанинг шахсан ўзи ўтирарди. Лобар шунчалик қувониб кетдики, Шомил ва унинг гуруҳи дунёдаги энг кучли, енгилмас, саховатпеша оила бўлиб туюлди.

* * *

Шомил, кўпинча, дала ҳовлисига келмас эди. Анна Сергеевнанинг айтишича, у суткасига йигирма соат ҳам ишлайверадиган ўта ишчан, бекиёс меҳнат соҳиби эмиш.

Дастлабки ҳафтада Лобар Шомилни бир мартагина учратди. Чечен қора кўлқоп кийиб олган, чизиқли қора костюми остидан тўппонча таккан, кўзлари эса қаҳрли ёнган, гўё учишга шайланаётган бургутдек эди. Лобарни кўриб, бўшашгандек бўлди. Бирок дарҳол ўзини кўлга олиб, ҳол-аҳвол сўради.

– Анна Сергеевна, – деди у, – мана энди зерикмайсиз.

– Сиз ҳам, – жилмайди аёл.

– Албатта Лобар келади-ю, бу хонадонда биров зерикадими?

Лобар уй ишларига астойдил кўмаклашиб юрди. Баъзи буюмларнинг жойини ўзгартирди. Таомлар рўйхатига ўзбекча овқатларни ҳам киритди. Бу хонадондагилар Лобарни узоқ йиллар кутгандек аллақандай меҳр билан муомала қилишарди. Лобарга эса бу меҳрибончиликлар омонат туюлар, тагида ғаразли мақсад илондек пайт пойлаётганга ўхшар, гоҳо юрагини ваҳм босиб, уйқуси қочарди. Аммо барибир ўзини уйидагидек ҳис қилишга уни мажбур этувчи одамлар қуршовида бирмунча бахтиёр ҳаёт кечира бошлади.

Ажойиб оқшомларнинг бирида Анна Сергеевна сейфни очди-да,

Лобарга етти юз доллар санаб берди.

– Маошинг, жонгинам. Ётоқхонангга беркитиб қўй.

Лобар қувончини ичига сиғдира олмади. Ҳаммаси эртақлардагидек эди. Аввал кимдандир эшитганди: биров Россияга бориб, бой ва сахий оилага ишга ёлланибди. Уй эгалари жуда меҳрибон эмиш. Ейиш-ичиш, кийим-кечак, пулдан асло ташвиш қилмабди... Ўшанда Лобар "Ҳар кимнинг ҳам омади чопавермайди" деганди ичида. Такдир йўллари Лобарни минг бир офатлар тўфонидан сўнг орзу қилинган маконга олиб келгани энди унинг омади эмасми?

Ўйлаб кўрган Лобар бир-икки ой уйга кетиш хусусида оғиз очмасликка қарор қилди. Анна Сергеевна ҳам мазкур мавзунингундиганди. Аммо айрим гапларидан "умрбод шу ерда қоласан" деган маъно сезилгандек бўларди.

– Умрим зерикарсиз ўтади, – деди у бир куни, – мана, қисмат менга шундай хамсухбат, қўл-оёғи чаққон аёлни берди. Хафа бўлмаку-я, умрим сени киморда ютқазиб қўйганига хурсанд бўлиб кетаман.

– Нега хафа бўларканман, – деди Лобар ҳам, – агар бир вақтлар йиғи сизни йўлдан урмаганида, билмадим, ҳозир менинг аҳволимга қайишлар йиғилармиди?! Ахир, опера-балетнинг катта актрисаси Шомил аканикида яшамасди-да.

– Дарров чакиб олдинг-а, – зўрма-зўраки қулди Анна Сергеевна. – Лекин, нима бўлгандаям, такдир сўқмоқлари иккимизни дучор қилди. Энди дардлашиб, бир-биримизга эш бўлиб юрамиз.

Лобар ҳам маҳзун тортиб қолганди. Вақтни орқага қайтариб бўлмас... Бахт тоғ чўққисидаги мисоли бир тош эди, туйқус кўчки ози берди-ю ўпқонга қулади-кетди.

– Сизга қандай, билмадим-у, менга жуда қийин, – дея Лобар сўрсинди. – Қариндош-уруғларим кўп, маҳалла-қўйнинг нигоҳи менда. Уларнинг назарида, энди мен шунчаки бир фоҳишаман. Гуноҳим йўқлигини барибир исботлаёлмайман. Аммо бу ерда ҳам умрбод қолмасам керак. Худога шукр, зўр яшайпмиз. Ишимдан, маошимдан, сиздек бошлиғимдан ҳеч қилмайман. Шундаям, ҳоҳишнинг, ҳоҳишманг, ўша номардни, мени киморга ютқазган тоқасни афзал кўрган бўлардим.

– У сендан воз кечганини тантанали равишда эълон қилган, менга шундай дегандинг, тўғрими? Энди навбат сеники. Озод бир аёлсан. Қўнглингда қиринг йўқлигини, ор-номус нималигини билишинг билгизга аён. Сенга ҳолис маслаҳатим шуки, Шомилга турмушга чиқ.

Шомил...

– Йўқ, Анна Сергеевна. Шомил аканинг тенги эмасман. У киши бой, дунё кўрган, карашлари кенг, теран фикрли одам. Ҳеч вақони тушунмайдиган хотинни бошига урадимиз?! Эр-хотиннинг ҳар жиҳатдан тенг бўлмаслиги ситирнинг оласидек кўзга яққол ташланиб туради. Бундайлар бахтли ҳам бўлмайди. Самарқандда бир кўшнимиз бор эди. ТошДУнинг журналистика бўлимини тамомлаган. Рус, инглиз, турк ва форс тилларини билади. Хотини эса тиббиёт техникумини зўр-базўр тугатиб ҳатто, ҳамшира бўлиб ишлаёлмаган. Эр-хотин бир-бирининг тенги эмаслигини кўриб, нега ҳар ким ўз тенгини тополмайди-я, деб куйинардим. Тез-тез жанжаллашиб қолишарди. Эри русча янгиликларни кўраётса, хотини "кинога кўйинг, бунингиз нима керак!" деб ғавғо кўтарарди. Ёки бўлмаса, газеталарни сўрамай-нетмай ишлатиб юборарди. Эри жиғибийрон бўлса, "битта газета учун жанжал қилаяпти" деб айбни эрига тўнкарди. Агар Шомил акага турмушга чиқсам, ўша кўшнимиздан ўн барабар ёмон хотин бўлишим тайин. Чунки журналистни ҳарқалай тушуниш мумкин, аммо мафия кишисини...

– Мафияни асло тилга ола кўрма! – деди Анна Сергеевна Лобарнинг лабига бармоғини босиб. – Шомилнинг мафияга алоқаси йўқ.

– Оддий одам бўлганларида-чи?! – қизишди Лобар. – Сиз – русларга осон, биз эса... Шахсан мен ота-онамнинг фотиҳасисиз бировга хотин бўлиб кетавермайман. У киши асли чеченистонлик. Иккимиз ҳам умрбод Москвада қололмаймиз. Эртага ажрашиб кетишингни била туриб, оила қуришинг эса енгилтакликдан бошқа нарса эмас.

– Сенинг шундай дейишингни билардим. Ҳақ гапни айтдинг, енгилтак эмассан. Шомилни ҳам тушун. Кўнглига қўл солиб кўрганим йўғ-у, аммо сени ёқтириб қолганига имоним комил. Унинг тенги эмасман деб қайғуришингга ҳожат йўқ. Икки-уч ойда тенги бўласан.

– Тушунмадим, Анна Сергеевна.

– Нафақат Шомилга, менгаям ёқиб қолганга ўхшайсан. Шунинг учун тенглик хусусида ўйланма. Қиличини қайраб киш келаяпти. Узун кечалар камин олдида ўтираимиз, уйку босиб, ҳолдан тойгунимизча карта ўйнаймиз. Қартада зекрикиш бўлмайди, айниқса, "Қора карта ракси"да! Умид қиламанки, баҳоргача "карта ракси"ни ўрганиб оласан. Биласанми, ўшанда сенга Россияда ҳам, Ўрта Осиёда ҳам биронта киморбоз бас келолмайди.

– Қиморбоз бўлиш орзуйим йўқ, лекин санъатингизни қўлдан келганча ўрганаман.

– Ундан кейин ўрмонга чиқамиз. Қишки овнинг ўзгача гашти бор. Қўшотардан отганмисан?

– Йўқ.

– Қирқма милтиқдан-чи? Ахир, уни отиш жуда осон, нам тортиб колгандек пўкиллайти, холос.

– Мен милтиқларни фақат кинода кўрганман.

– Биламан, – кулимсиради Анна Сергеевна, – Россия ўрмонларидаги қишки овнинг кинода кўргансан.

– Кинода кўрмай қаерда кўраман? Россияга биринчи келишим бўлса!..

– Яхши. Демак, ҳаммасини ҳақиқий ҳаётда кўриш истагинг бор?

– Бор, – деди Лобар ўйламасдан.

Анна Сергеевна мамнун қиёфада ўрнидан туриб, ғаладонга қўл чўзди ва Лобар томон бурилиб қараркан, яна кулимсираб:

– Ҳар қандай одам арконни кенг ташлаши керак, – деди. – Вой, мен ундайман, мен бундайман деб ўзини бўғиб яшаши асло шарт эмас. "Мен турмушга чиқмайман", "Эртага у Чеченистонга, мен Ўзбекистонга равона бўламан", "Мен милтиқ отмайман", "Эртага милиция келади..." Кўрдингми? Четдан қаралса фақат ёмон ҳаёл, ваҳима, дахшат!

Анна Сергеевна ғаладондан тўппонча олди. Бу ҳақиқий тўппонча эди.

– Ортимдан юр, – деди у.

Икковлон ўйнинг сўл қанотидаги бильярдхонага келиб, шу ердаги оғир эшикни очишди. Сўнгра ер ости бўлмасига тушишди. Кичик темир эшик кемалардаги люкни эслатарди. "Люк"дан ўтган икки аёл ғира-шира ёритилган бетонли зах хонада пайдо бўлишди. Чирок ёқилгач, Лобар турли ўкотар куруллардан ғадир-будир бўлган деворни, илма-тешик қоғоз нишонларни ва одам шаклидаги ёғоч нишонларни кўрди. Бир четдаги гильзаларга қараганда тўппонча, милтиқ ва автоматдан анча-мунча ўқ узишган эди. Эсида, Лобар 8-синфда ўқиб юрганида Зилоланинг акасиникига боришганди. Акаси собик Иттифок армиясида хизмат қилган бўлиб, қайтишда турли ўқлардан коллекция олиб келган экан. Учи оқ пластмассали отилмаган ўқлар, очкич ясалган узун сарик ўқлар, тўппонча гильзалари... Альбом ахтарган икки қиз ўшанда ғаройиб коллекцияни шунчаки томоша қилишганди. Ҳозир эса Лобарнинг беихтиёр эти жимирлаб кетди. Анна Сергеевна унинг холини дарров тушунди ва огоҳлантирди:

– Қарсиллаб ўқ отилади, қулоғинг битиб қолмасин.

Дарҳақиқат, Анна Сергеевна тўппончани чакконлик билан ўқлади-да, қоғоз нишонга кетма-кет ўқ узди: биринчи, иккинчи, учинчи...

Лобар қулоғини маҳкам берkitиб, кичкириб юбормаслик учун лабини тишлади. Ўқ қаерга тегаётганини кўрмасди. Назарида, деворга урилган ўқлар визиллаб ортига қайтаётгандек эди.

– Мана шунақа, – деди Анна Сергеевна сўнгги ўқни отиб бўлгач. – Энди сенинг галинг.

У янги ўқдон олиб, тўппончага жойлаштирди-да, имлади.

– Ундан кўра карта ўргата қолинг, – деди Лобар.

– Қимордан кўра ўқ отиш қанчалик осон эканлигини билганингда эди... – Анна Сергеевна тўппончани стол устига қўйиб, Лобарни бурчакдаги курсилар сари етаклади. – Тўппонча қўлингдами, демак, қаерга ўқ узишни биласан. Билганинг учун ҳам қўлингга қурол оласан. Баъзан иккиланиш бўлади: отсамми, отмасамми? Бироқ бу иккиланиш киморникига қараганда юз баравар енгил кечади. Ақли жойида одам бирон кишига бекордан-бекорга ўқ узмайди. Қасди борки, аввалдан режалаштириб, кейин отади. Қўлингдаги карталарни эса бунга киёслаб бўлмайди. Сен рақиб билан эмас, унинг қўлидаги карталар билан жангга кирасан. Қарталар ҳар қўл турланади, дақиқа сайин тусланади. Биргина эътиборсизлигинг туфайли ўзингни, минглаб қақирим наридаги азиз кишингни, қайта тикланмас бахтингни қурбон қилишинг мумкин.

– Сиз бирон марта ютқазганмисиз?

– Ҳақиқий кимордами? Йўқ, мен киморда иштирок этмаганман. Шунчаки ўйинларда ёки сафарга чиққанимда биронта ҳамроҳ топиб синаб кўрардим. Албатта, ютардим. Шомил ҳам киморда ҳар доим ютиб келган. Агар баҳс бойлашсак, мен Шомилни ютишим мумкин. Ҳақиқий киморларда шогирдим ютқазмадимми, бундан чиқди, мен ҳам ютқазмайман.

– Йўқ, Анна Сергеевна, барибир Шомил аканинг тенги бўлолмайман. Оддийлигимча қоламан.

– Шомил ҳам бир вақтлар оддий инсон эди. Ҳаётнинг ўзи ундан такрорланмас шахс яратди. Менимча, сенинг қисматинг ҳам шундай бўлади. Ҳали кўрасан, икковингнинг юлдузинг тўғри келиб, ажойиб эр-хотин бўласанлар. Бу юришинг, фикрлашинг қанчалар тор эканлигини кейин тушуниб етасан.

– Тўғриси айтинг, Шомил ака одам ўлдирганми?

– Сен ҳам одам ўлдиришинг мумкин. Ким айтолади "Ҳеч қачон одам ўлдирмайман" деб?! Қўй, мен сенга Ира ҳақида гапириб берай. Нега у Шомилнинг шафқатига учраган? Шомил бўлар-бўлмасга ҳеч кимнинг бурнини қонатмайди. Хусусан, шунча айби бўла туриб, Ирани ҳам чертмаган. "Сени кечиришимга учта сабаб бор, – деган у Ирага. – Биринчидан, аёлсан. Иккинчидан, мен Россияга меҳмон, сен мезбонсан. Учинчидан, қарисан". Акс ҳолда уни аллақачон отиб ташларди. Аммо, лекин уч сабаб умрбод кечиришга ваз бўлолмайди. Қўрасан, бир кун келиб Ира яна қўшмачиликка қўл уради ва Шомилнинг ўқлари унинг чиркин қўксини ғалвир қилиб ташлайди.

Лобар Анна Сергеевнага ачиниб қаради. У дакки еган кизалоқдек мунғайиб қолганди. Гаплари "Ҳали акам келсин, безоридан ўчимни олади" қабилдаги беғубор болалик дардларни ҳам эслатарди. Анча ўтирганларидан сўнг Лобар:

– Ҳўп, отсам ота қолай, – деб тўппончага яқинлашди.

Анна Сергеевна ички бир хайрихоҳлик билан қуролдан фойдаланишни тушунтирди. Лобар нишонга қарата пала-партиш ўк узар экан, ҳар тепкини босганда қўзларини юмарди.

* * *

Изғиринли кунлар келди. Анна Сергеевна дераза олдида ҳаёл суриб турарди. Унинг хиргойи қилаётганини эшитиб, жилмайиб қўйган Лобар "Опера-балетни эслаб армон қилса керак, бечора", – деб ҳаёлидан ўтказди.

– Ё, парвардигор! Бугун қайси сана? – Анна Сергеевна тўсатдан тақвим сари шошилди. – Уч кун қолибди-я! Уч кун!..

Лобар қўзларини жовдиратиб қараган эди, Анна Сергеевна қулиб юборди.

– Мияси суйилган кекса хотинни кечир, жонгинам. Ҳар йили йигирманчи октябрда операга тушаман. Азбаройи худо, сен билан андармон бўлиб, қутлуғ куннинг яқинлашганини ҳам сезмай қолибман-а! Тасаввур қиласанми, Москва йигирманчи октябрь куни ҳеч қачон операдан бенасиб қилмайди. Қаердадир, ҳеч бўлмаса биронта ўрта мактабда менинг ёшлигим қайта тиралади.

Анна Сергеевнанинг хурсанд бўлганича бор экан. Йигирманчи куни Шомилнинг йигитлари ҳам уни табриклай бошлашди. Шомил ҳам етиб келди. Гўё киморлар маликасининг юбилеи бўлаётгандек ҳамма шод эди...

Алламаҳалда Лобарнинг эшиги тақиллади. Эшик тагида Шомилни кўрган Лобар каловланиб қолди.

– Эртата сен ҳам борасан, – деди Шомил. – Эшитдим, отишни ўрганиб олибсан. Мана, револьвер. Энди сен билан очик гаплашиб олсам бўлади. Лобар, бизнинг душманларимиз бор. Аммо бундан ёмон одамлар эканмиз, деган хулоса чиқарма. Ёмонлар улар, масалан, Маловер тўдаси ва шунга ўхшаш жиноий ва ножиноий гуруҳлар. Биласанми, энди сени қўйиб юборсам, тўппа-тўғри Маловер тўдаси қўлига тушасан. Чунки улардан сени тортиб олганим учун шу ҳафта тиш қайраб бўлишди.

– Шомил ака, улар эримга зиён етказишмайдими? Ахир, ютиб олинган хотин қўлларида эмас.

– Бу эрингнинг айби бўлолмайди. Ўша ношуд кимса қилғилиғни қилди, тамом. Бугун эрингнинг хаёли билан эмас, ўзингни ўйлаб яшашингга тўғри келади. Душманлар эрингни эмас, сени нишонга олишганини тушун. Анна Сергеевна жуда ҳиссиётли инсон. Опера деса ўзини йўқотиб қўяди. Йигирманчи октябрь – у илк марта катта саҳнага чиққан кун. Бироқ бу сананинг мотамга айланишини истамайман. Қўлингдаги револьвер олти ўқли, калта ствол, аёлларбоп курол. Анна Сергеевна операга ҳеч қачон курол кўтариб бормади, лекин бу сафар баъзи эҳтиёт чораларини кўришга мажбурман. Мени тушундинг-а?

– Тушундим, иккимиз ҳам эҳтиёт бўлишимиз керак.

– Тагин ҳар нимадан чўчиб юрма, – деди Шомил кетаётиб. – Улар одам ўғирлашдан бошқа ёвузлик қилолмайди. Тўппонча ўқталсанг бас, қочиб қолишади.

Эрталаб Анна Сергеевнани кўрган Лобар таниёлмай қолди. У ўн ёшга яшариб кетган эди... Йигитлардан бири "Жигули" кутаётганини айтганида соат миллари ўнни кўрсатиб турарди. Анна Сергеевна яна бир марта кўзгуга ўзини солгач, Лобарни эргаштириб ҳовлига чиқди. Ҳовлидаги кучуквачча пўрим аёлларни таниёлмай ириллади.

– Йўлда ҳеч кимга қиё боқмаймиз, – деди Анна Сергеевна машинага ўтиргач. – Биров шилқимлик қилади, биров чалғитмоққа уринади... Москва – менинг шаҳрим. У ерда мен ҳаммага керакман. Ҳатто, манфур кимсаларга ҳам.

"Жигули" Москвага бошқа йўлдан кирди. Лобар улуғ шаҳарни илк марта завқланиб томоша қилиб борди. Бир қанча бинолар телевизор орқали таниш эди, уларни ўз кўзи билан кўраркан, негадир, иккинчи

жаҳон урушини эслади. "Балки бир вақтлар бобомлар шу кўчадан ўтгандир, – деди ичида. – Нималарни ўйлаган экан? У вақтда одамлар қанақа бўлган экан?.. Мафия, Шомил акага ўхшаш сирли кишилар қачон пайдо бўлдийкин?..".

Милиция ходимлари қайсидир светофор остида Лобарга зимдан қараб кўйишгач, хаёллари тўзғиди. Сумкачасидаги тўппончани ўйлаб, юраги дукиллаб урди. Машина юриб кетгач, енгил тин олиб, ортига ўгирилди. Назарида, орган ходимлари ҳамон Лобардан кўз узишмай ҳайкалдек қотишган эди. "Машинада ўтириб шунча қўрқиб кетдим-а?!" – ўйлади Лобар.

"Жигули" икки қаватли супермаркет қаршисида тўхтади-да, аёлларни тушириб, муюлишда кўздан йўқолди. Анна Сергеевна Лобарни йўлнинг нариги томонига бошлади. Телефон уйчалари ёнидан чапга қайрилишгач, уч қаватли бино эшигига рўпара бўлишди. Маиший хизмат уйида қандай ишлари борлигини тушунмаган Лобар савол беришга журъат этолмай учинчи қаватгача кўтарилди.

– Шомилнинг буйруғини бажарамиз, – деди Анна Сергеевна, – начора, зоримиз бор...

Четдаги хонада уларни тикувчи йигит кутиб олди. Шкафни очиб, ғалати, рўдапосифат плашлар ва чиройли шляпаларни олиб берди. Бир зумда икки аёл бошқа қиёфага кирди-қолди.

Иккинчи қаватга тушганларида Лобарнинг қулоғига сеҳрли сўзлар чалингандек туюлди. Бу сўзлар жуда ҳам ёқимли, дилтортар, соғинчли эди.

– Эшбой, – деди хизматчилардан бири, – нос чекмаганимизга неча кун бўлди?

– Қирк бир кун, – жавоб берди шериги. – Жиззахнинг носини соғиндим, ўлай агар...

Дарҳақиқат, хизматчилардан икkitаси ўзбек бўлиб, ўзаро гаплашишаётганини Лобар эшитиб қолганди. Илкис тўхтади-ю ортига қаради: жуда-жуда ўзбекча гаплашгиси келди... Аммо Анна Сергеевнадан ортда қолиши, дуч келган нотаниш одамлар билан валақлаши мумкин эмасди. Кўчага чиқиб, яна супермаркет томон ўтишди. Мижоз кутаётган таксилар қолиб, Анна Сергеевна ўтган-кетган машиналарга умидвор қарай бошлади.

– Айтиб қўй, – деди у Лобарга кўз кирини ташлаб, – ўзбеклар билан гаплашилмасин. Мен ўзбекча тушунмайман. Ким билади дейсан, Тошкентдан ёлланган одамга дуч келиб қолмайлик.

– Ташвишланманг, Анна Сергеевна.

Лобар "бунга ҳаққим йўқ, тўғри айтасиз", деб қўшимча қилмоқчи эди, бўғзига нимадир тикилди. Шу пайт ўтиб бораётган таксилардан бири тўхтаб, орқа ўриндиққа ўтиришди. Машина жойидан жилган ҳам эдики, йўлакдан шошиб кетаётган ёшгина жувон Лобарнинг кўзига иссиқ кўринди. Қишки кийимларда анча ўзгариб кетган бўлса-да, юришидан, кош-кўзидан таниди: бу – синфдош дугонаси Зилола эди.

– Э, дугонам-ку! – кичкириб юбораёзди Лобар. – Тўхтанг, тўхтатинг машинангизни!

Анна Сергеевнанинг ранги оқариб кетди. Ҳазабдан титраб-қақшаб:

– Йўк! Тўхтама! Тезлигингни ошир! – деб амр қилди. Сўнг Лобарга илк марта қахрли нигоҳини қадади. – Бу нима қилганинг, Лобар?! Мен бир йил кутган кунни расво қилмоқчимисан?

– Анна Сергеевна, у менинг энг яқин дугонам. Россияга келишимга сабабчи бўлган инсон. Нега тушунмайсиз, унинг маф... ҳеч қанақа гуруҳларга алоқаси йўқ. Менга ёмонлик қиладими? Менга-я?! Сиз дугонамнинг қанақалигини билмайсиз-да. Эҳ, энди уни қаердан ахтараман?!

Лобар орқага қаради-ю, хаёлига келган фикрдан таскин топди. Зилола Москвадаги супермаркетда ишлаймиз, деганди, демак, анави супермаркетда!

– Нима, сен туристмисан? – қойишда давом этди Анна Сергеевна.
– Ё мардикормисан? Балки муҳожирдирсан?.. Бе-е, сафсата! Сен кулсан!.. Жонингни, номусингни сақлаб қолган инсонга қамоли эҳтироминг шу қадар кучли бўлиши керакки, хизматини кул каби адо этишинг, чизган чизигидан чиқмаслигинг лозим. Ё, нотўғрими? Йўк, мен эркин қушман, хоҳлаган вақтимда уйдан чиқишим, меҳмонга боришим, юртимга кетишим мумкин, деб айтоласанми? А?!

– Ахир, Анна Сергеевна...

– Бас! Нонкўрлик қилма. Ҳозир бунинг мавриди эмас. Қачон... рухсат берса, дугонангни ахтарасан, уйингга кетасан. Шунча йил яшаб мен журъат этолмайман, сени қара-ю!

Театр биноси олдида одамлар куймаланишарди. Анна Сергеевна ўзини босиб олди. Ҳовуридан тушганини билдириш учун Лобарга жилмайиб қарар, енгил ух тортар, ўзини дунёдаги энг бахтли аёл деб ҳисоблайдиган хотинлардек шодликдан керилар эди.

Очиғи, Лобар ҳеч нарсага қизиқмади. Саҳнага маъносиз тикилган

кўзлари хаёли бошқа жойларда кезиб юрганидан далолат берарди.

Бироқ Анна Сергеевна гоҳ қайғу, гоҳ қувончга тўлиб, шундай берилиб томоша қилдики, Лобарнинг энсаси қотди. "Мен нима ташвишдаман, буники нима? – ўйлади алам билан. – Театр учун яшайди. Ваҳоланки, ҳаётда театрдан муқаддас нарсалар кўп. Зилола билан икки оғиз гаплашиб, ўзим ҳақимда уйдагиларга хабар бериб қўйишни айтиш учун шу сағана театрдан ўнтасини бериб юборишга ям розиман..."

Ниҳоят, томошалар тугади. Ўтган соатлар Лобарни қон қилиб юборган эди. Шу боис кўчага чиққанларида анча енгил тортди.

– Уч кўча наригача юрамиз, – деди Анна Сергеевна. – Умуман, театрга келиб тўғри қилдинг. Бир вақтлар мен шу кўчалардан яёв кетардим, келажаким ҳақида ширин ҳаёллар сурардим, режалар тузардим. Энди эса кўп замонлар ўтиб кетган... Лобар, мендан хафа эмасмисан? Боя қизишиб кетдим, минг бор узр. Биласанми, худди шундай хато битта оиланинг йўқ бўлиб кетишига сабаб бўлган. Ўзимни назарда тутаётганим йўқ, Шомилнинг оиласи ҳақида гапирмоқчиман.

Лобар Анна Сергеевнага тикилди: иккала аёлнинг юзидаги гина-кудурат аломатлари ўчган эди. Улар бир кишининг – Шомилнинг маҳзун тарихини яқкаш туйғу ила варақлашга ҳозирланганди.

– Шомил менга ям, сенга ям қўлидан келганича ёрдам берди, – Анна Сергеевна бармоғини ҳавога нуқиб гапирди. – Чунки биз мазлумалармиз, зўравонлар қўлидан зулм кўрганмиз. Агар имкони бўлса, бизга ўхшаган яна қанча-қанча одамларнинг жонига оро киради. Битта ёвузни йўқ қилса, шунинг ўзи кимларгадир яхшилик бўлади. Сенга сўзлаб берган таржимаи ҳолимда Шомилни Москвага юборганимни айтгандим. Ўшанда у мени булғабган кимсаларни топган ва фотосуратларни талаб қилган. Аммо душманларим мени унутиб юборишганига, расмлар ҳам йўқолиб кетганига Шомилни ишонтиришган. Ўша кимса яна қандайдир бечора кизни тузоғига илинтириб, фахш йўлига тартаётганини билган Шомил "Сен, барибир, одам бўлмас экансан", деб пешонасига ўқ узган. Ирани эса, ўзинг биласан, ҳалигача ўлдиргани йўқ... Мен Шомилга картани беармон ўргатдим. У аввал Чеченистонда, кейинчалик бутун Кавказ бўйича тенгсиз киморбозга айланди. Тез орада мисли кўрилмаган даражада бойиб кетди, атрофига ўзига ўхшаганларни тўплади. Қиморбоз бўла туриб, киморга киргин келтирди, қон тўкиб, қон

тўкилишларни камайтирди... Никоҳ тўйи ҳали-ҳануз кўз ўнгимда. Шомилнинг хотини тоғлик эди, миллатинг бошқа бўлсаям сенга ўхшарди, феъл-атворларингни-ку, айтмайлик. Йил ўтиб, фарзандли бўлишди. Ўғлини кўрганингдами, ўт-олов эди-я, эси! Москвага кўчиб келган бўлсам-да, ҳар йили Грознийга борардим. Шомилнинг никоҳ тўйи, ўғил тўйининг гувоҳи бўлганимнинг боиси бежиз эмас... Менинг Москвага қайтганимни эски танишларим билмас эди. Шаҳарда тоғам яшарди, лекин тоғамни суриштиргим келмас, бундан кейин ҳам якка-ёлғиз, қариндош-уруғсиз яшашга аҳд қилгандим. Аммо кунларнинг бирида театрға қайтгим келиб қолди. Анна Сергеевнаман десам собик ҳамкасбларим ҳайратдан ёқа ушлашини тасаввур қилиб, ишхонамга йўл олдим. Эшиккаям етолмадим. Қаршимдан Лидия исмли аёл чиқиб, мени таниди-да, ачиниш-ла ҳол-аҳвол сўради. У турли майда-чуйда юмушларни бажариб юарди, касбу корига яраша ўзиям ҳар нимага бурнини тикадиган нусха эди. Дарров гапни "француз можароси"га бурди ва яхши балерина бўлганлигимни гапириб, "эркакларнинг пулидан кўра санъатнинг пули яхшимасмиди?" деди. Ишонасанми, биров бошимга тўқмоқ билан ургандек гарангсиб қолдим. Фотосуратлар аллақачон француз матбуотида мақоласи билан чоп этилган бўлиб, менинг хушторларим кўплиги, натижада, театрни ташлаб, енгил-елпи йўлга кириб кетганим ҳақида тухмат қилинган экан. Лидия ўша журнални олиб чиқиш учун изига қайтди. Уни кутмадим. Томоша бўлгим келмади. Бошимни қайси деворга уришни билмай, дунё кўзимга қоронғу кўринган бир вақтда Шомилни учратдим. Москвада бунчалар абгор, руҳсиз, гўёки ўлик ҳолда юрганимни кўриб таниёлмай қолди. Шомил менга тикилиб турди, сўнг кўзларидан бир томчи ёш думалади. Мен учун буюк бўлган қудратли инсоннинг йиғлаганини ўшанда кўрдим. Қайтиб кўзига ёш олмади...

Анна Сергеевна рўмолчасини чиқарди. Лобар хикояга кулоқ солган ҳолда атрофни кузатиб кетарди. Шубҳали кишиларни сезмади. "Ҳужум қилишса сумкачамдан тўппончамни олишга улгураманми? – ўзига савол берди у. – Қандай отаман тирик одамни?..".

– Тириклардан кўркиш керак, – деди Анна Сергеевна худди Лобарнинг ҳаёлини ўқигандек. – Ўликлар боқий оламга рихлат этишади-ю ўзларидан бир уюм тупрок, бир дунё хотира қолдириб кетишади, холос. Шомилнинг хотини ва ўғлидан ҳам тупроғу хотира қолди...

Лобарнинг эти жимирлаб кетди. Кўз олдига бахтиёр бир оила ва мудҳиш ҳалокат келиб, оҳ тортиб юборди.

– Уларга нима бўлган?

– Қиморбозлар чаваклаб кетишган, – Анна Сергеевна тишини тишига босди.

– Нега чавақлашади? Ёш хотин... онани-я?!

– Гўдакниям.

– Шомил ака қимордан бой бермаган, дегандингиз-ку.

– Қимордан ютиш ҳам фалокат келтиради, шуни билиб қўй. Шомил кетма-кет ютаверган-ютаверган. Қиморбозлар орасида пул учун ҳар қандай қабихликка тайёр кимсалар кўп эмасми, бор-будини ютказган бир неча бадкирдорлар тил бириктириб, Шомилнинг оиласидан ўч олган. Қотиллар орасида Шомилнинг яқин танишиям бўлган. Аслида, Шомил хавфни сезиб, оиласини чекка бир жойга кўчиртирган. Бирок ишонувчанлик фалокатга олиб келди.

– Ўртада бегуноҳлар ўлиб кетибди-да, афсус.

– Ҳа, қиморбоз бўлмаганлар тилида оилага "бегуноҳ" тавсифи берилади, аммо қимор оламида... – Анна Сергеевна бош чайқади.

Икки аёл серкатнов йўлакка ўтишди. Одамлар окими уларни бекатгача олиб келди.

– Сен Шомилга хотин бўлишинг керак, – деди Анна Сергеевна.

– Бундай қилолмайман, – дея Лобар ҳамсуҳбатига узрхоҳ нигоҳ ташлади...

Шу билан театр куни хайрли тугади.

* * *

Анна Сергеевна таъкидлаганидек, узун киш кечаларида камин ёнида ўтириб, "Қора қарта ракси"ни ўрганадиган дамлар келди. Кечаю кундуз гупиллаб қорёғади. Йўл четларидаги қор уюми одамни кўмиб юборади. Фақат ёзда яшашга мўлжалланган дала ховлиларда тириклик аломатлари кўринмайди. Шомилнинг ховлиси ҳам бу ердаги бир неча кишки ховлилар каби банд. Гоҳо Шомилнинг ўзи ҳам уч-тўрт кун туриб кетади. Ертўладан тасир-тусир овозлар соатлаб эшитилади. Лобар бильярдхонага яқинроқ хонада ўтиролмайди. Ўк овозлари уни яна бир марта бахтсиз қилишга қодир бўлиб туюлади.

Анна Сергеевна ҳақиқатан мохир картабоз экан. Лобар ўттиз беш хил қарта ўйинини, юзга яқин ютиш усулларини ўрганиб чиққан бўлса-да, устозини доғда қолдиролмай, ҳар сафар картани

тушунмайдиган нўнок ракибга айланарди. Анна Сергеевна карталарни шундай чийлардики, гоҳ пружинани ўйнаган каби ўйнатар, гоҳ гармон чалган мисол ҳаракат қиларди. Лобарнинг истаган карталарини ҳеч қандай шубҳа туғдирмай тахлаб бериши кимор оламида бошқаларга нон йўқлигидан дарак берарди.

Қайсидир куни тўрт киши қарта ўйнашди. Лобар ва кўриқчи йигит ярим соат ичида ўйиндан шундай ҳолда чиқишдики, агар ҳақиқий кимор бўлганида улар бор-будидан айриларди. Шомил ва Анна Сергеевна ярим кечгача куч синашди. Уйку элтиб, кўзи илинган Лобар жарангдор кулгидан уйғониб кетди. Шомил куларди... Унинг кулгисида қандайдир беғуборлик, одамнинг раҳмини келтирадиган нимадир яширинганди. "У ҳам мен каби одам, – деди Лобар ичида. – Қисмат тўфонларига дуч келмаганида тинч-тотув, бахтли ҳаёт кечиарди. Москвада ўлим хавфи остида доимо кулолини шай қилиб яшамасди. Бечора, Шомил ака!.. Сизга сеvimли ёр керак. Ҳаётда яна оилавий бахт топишингиз лозим. Ўша бахт мен бўлсам-чи? Аллақачон афсонага айланиб қолган она юртим ҳақиқатан афсона бўладими?! Қачонлардир тушимдами, ота-онам бор эди, Ўзбекистонда яшардим, мен ўқиган мактаб, дўсту дугоналар... Ўзим ҳам афсонага айланиб кетаман: бир вақтлар Самарқандда Лобар исмли жувон яшаган. Эри билан Россияга пул ишлашга кетган. Ношуд эри уни киморга тикиб, кавказликларга ютқазиб қўйган. Лобарни қайтиб ҳеч ким кўрмаган...".

– Лобар, – деди Шомил, – мудраяпсанми? Бориб ухла, эртага овга чиқадиган бўлди.

– Ўрмонларни кезмаган осийлик қиз, кўрасан эртага руснинг кўркини... – хиргойи қилди Анна Сергеевна. Кейин Лобарнинг кулоғига шивирлади: – У менга овга чиқиш ҳуқуқини ютқазди. Яна бир ютсам, уни уйланишга мажбур этаман. Кимга дейсанми? Сенга-да, албатта. Нима, Шомилни бегона қилайми?!

Лобар уялганидан чоғиб чиқиб кетди. Эрталаб тўққизда иккита қора "Жип" ов ишқибозлари хизматига мунтазир турарди. Машиналарга озик-овқат, ичимликлар, ов милтиқлари ортилди. Лобар танимайдиган иккита рус овчиси ҳам чақирилган эди. Бир соатдан ортиқ юришди. Катта йўлдан ўрмон томон бурилишиб, ўн чақиримлар ичкарига киришди. Музлаб қолган кичик кўл қирғоғига гулхан ёқишиб, йиғма столларни ноз-неъматлар билан тузатишди. Лобар Шомилни ичмаса керак, деб ўйларди. Бирок шахсан

хўжайиннинг ташаббуси билан ҳамма, ҳаттоки, рулдаги кишилар ҳам стаканларни тўлдириб арок ичишди. Лобар уч-тўрт марта тўхтаб, нафас олволди, ўқчиди, газак қилди.

– Битта стакан мажбурий, – такрорлади Шомил. – Кейин рулдагилар ва мусулмонлар ичишни тўхтатишлари мумкин... Мен Россияни бежиз яхши кўрмайман! Оҳ, табиат, табиат...

Лобарнинг кўзига бутун олам ўзгача тароват-ла кўрина бошлади. Арок ичини киздириб, бошига ёқимли сархушлик индирганди. Бир-икки кадам ташлаган эди, чайқалиб кетди. Шомил унинг тирсагидан ушлаб, милтиклар тахлаб кўйилган стол томон етаклади. Рус овчилари ўттиз-ўттиз беш кадам нарига нишонларни ўрнатмоқда эди. Шомил кўшотарни ўқлаши билан овчилар нари кетишди. Гумбурлаган ўк товуши Лобарнинг кулоғини қоматга келтирди, аммо у ихтиёрсиз тарзда куроллардан бирига қўл чўзиб, зўрға ўқлади-да, пақ-пук ўк отди. Шомил хохолаб кулди. Лобар хожасини таниёлмай қолди. У бутунлай бошқа одамга айланган эди...

Кўп ўтмай рус овчилари уларни ўрмоннинг қуюқ жойига бошлаб борди. Қор тиззадан келарди. Лобар тез-тез йиқилар, кулар, ҳар гал Шомил уни турғазар, кучоқлаб, яноғидан оҳиста ўпиб кўяр эди. Аллақаерларга етганларида қуёнга дуч келишди. Кетма-кет ўк узилгач, қуён кизил қонига беланиб, жон таслим қилди. Икки соатда овлаганлари шу қуён бўлди.

Қайтишда бир кулбанинг яқинидан ўта бошлашди. Мўридан чиқаётган тутунни кўриб Шомил:

– Анави ерда ким яшайди? – деб сўради.

– Билишимизча, – деди овчилардан бири, – Игнатий деган телба чолнинг кулбаси. У табиат жинниси. Шаҳар ва барча цивилизация турларининг душмани. Кирсангиз кўрасиз, кийимлариниям қўлда тайёрлаган.

– Игнатий деганинг арок ичадими?

– Руслар арокни рад этишармиди, – кулди овчи.

Шомилнинг истаги билан кулба томон бурилишди.

– Бўларим бўлди, мен кетаверсам-чи, – зорланди Анна Сергеевна (уни Шомилнинг кўрикчиси суяб турарди).

– Шундоғам Игнатийнинг кулбасига ҳаммамиз сиғмаймиз, – деди Шомил ва бир имо қилган эди, йигити тушунди: Шомил, Лобар ҳамда бир овчи қолишди.

Эътироф этилганидек, Игнатий телбасифат одам экан. У эшикни очиб, алланималар деб гўлдиради-да, ёпиб қўйди.

– Ахир, биз беозор меҳмонлар-ку, – деди овчи эшикни тақиллатиб.
– Ҳеч нарсанг керак эмас. Ташқарига чиқ, бизда ароқ бор. Ҳақиқий рус ароғи. Қўлдан тайёрланган.

– Шунчаки меҳмон қилмоқчимиз, – Шомил ароқ пўкагини тиши билан суғуриб олди. – Кел, Игнатий, тўлдириб ичайлик, армон қолмасин.

Игнатий умидвор бўлиб мўралади. Совуқ ўрмонда жонни киздирувчи рус ароғи қолбасасидан афзал яна қандай неъмат бор улар учун?! Игнатийнинг оstonасига ароқ ўз оёғи билан келганда, у эшик очмайдими!

– Йўқ, шу ерда, тик оёқда ичамиз, – деди Шомил. – Уч йил бўлди бугунгидек маза қилмаганимга!

Лобар ҳам иккинчи стаканни бўшатди. Шомил уни қўлтиқлаб, Игнатийнинг қулбасига бошлади.

– Овчи, Игнатийга ароқни беармон қуй! Хоним совқотган. У исиниб олгунча безовта қилмасин.

Овчи Шомилнинг муддаосини тушунди. Қолаверса, тўнкага ўтириб, Игнатий билан ичмаганига анча бўлганди...

Лобар андишани унутди, нафақат андишани, балки шарм-хаё, номус-иффат – барчасини унутди. Қайнок бўсаларнинг яна давом этишини истар, ўз латофатини кўрсатиб қўйгиси келар, "Шомил буткул маст эмасми? Менинг қандай аёл эканимни билаяптими?" – деб ўйлар эди.

Ароқ икки мусофирни ана шу тарика телбанинг қулбасида қовуштирди.

* * *

Лобар ярим кечаси кўзини очди. Даставвал каерда ётганини эслолмади. Кейин эса ҳаммаси бирма-бир кўз ўнгида намоён бўлди: корли ўрмон, қонга беланган қуён, телбанинг қулбаси, Шомилнинг оғуши... Сўнг дала ҳовлига етиб келишди. Бир вақтлар Лобар уч кун қамалиб ётган ётоқхонага тушишди. Шомил: "Севаман! Менга турмушга чиқ! На сенинг юртингга, на меникига кетамиз – Америкага йўл оламиз!" – деди.

Яна бир гапи эсида: "Мана шу диван остига дипломат яширинган. Ичида нақд икки юз минг АҚШ доллари бор", – деди ва банкадаги ярим миллион долларлик бойлик хусусида ҳам шипшиди... Лобар нима жавоб қилди?.. Эслолмади.

Бош оғриғи кучайиб, қаддини кўтарди, аммо кўнгли айниб узала тушиб ётди. Яна уринса, қайд кириб юборишини сезди.

...У ювиниш хонасига зўрға кириб олди. Душ тагида узок ўтирди. Бир маромда шивалаётган душ суви гуноҳларини ҳам ювиб кетишни чин дилдан истади. Ўзига келгани сайин дод солиб йиғлашдан тийилиш шунча кийин бўлиб борарди. Ахир, у зинога йўл кўйди, пок номи булғанди. Балки Шомил валинеъмат киёфасидаги аёлфурушдир?!

Анна Сергеевна келганида, Лобар эгнига қалин халатни ташлаб, хаёлга чўмиб ўтирарди. Хоналар яхши иситилган бўлса-да, бу ер совий бошлаганди.

– Ахволинг қалай, кўзичоғим? – эркалади Анна Сергеевна. – Шомилнинг тилидагям, дилидагям сен! У оғзидан бол томиб сени мактаяпти.

– Анна Сергеевна, энди мен фоҳишаманми?

– Қизик аёлсан. Бошиданок сенга тушунмагандим. Юр, тепада Шомил кутиб турибди. Нахотки, у фоҳишага уйланса? Ҳечам-да. Уйланаман дедими, фариштадай пок хотин танлайди... Фоҳишаманми дейсан. Мен гуноҳни кўрмайман. Фақат муҳаббат ва висол кўринаяпти, жонгинам.

Лобар калинроқ кийиниб олди. Тонг отган, оппок қорлар юракни увиштирарди. Лобар ўз-ўзидан нафратланган кўйи Шомил чой ичаётган хонага кирди. Кирди-ю Шомилнинг кўзига қараёлмай, туриб қолди.

– Ёнимга кел, – жой кўрсатди хонадон соҳиби.

Лобар ўтирди, барибир ўзини тутолмади. Қўли калтираб, сочини тузатар экан:

– Юзим қора бўлди, Шомил ака, – деди. – Мен бўлмаганимда сиз ҳам зино қилмасдингиз, тўғрими? Бирга ичдим, эркаландим, оқибатда...

Лобар кўз ёшларини артди. Шомил уни енгил кучди.

– Мени кечир, – деди, – ҳайвонларча иш тутдим. Ичмаганимга кўп вақт бўлган эди, бирдан ихтиёрим қўлдан кетди. Бу дунёда шайтон суви нималарга қодир-а?!

Лобар Шомилнинг муддаосини билгиси келарди. "Энди унинг кимиман?" деган савол кийнади. Аввал асира эди, кейин хизматчига айланди. Ҳозир эса... ўйнашми?

– Менга ундай қарама, – Шомил Лобарни маҳкамроқ кучди. –

Барчасини шайтон сувига тўнкаб, маст бўлмаганимда бефарқлигимча колардим, демоқчи эмасман. Мастлик ичимдагини сиртимга чикарди. Сени яхши кўриб қолганман, Лобар! Менга ёқасан... Ўзи ниятимни айтмоқчи бўлиб юргандим, балки Анна Сергеевна ҳам учини чиқаргандир... Қисқаси, сени севаман. Менга хотин бўл.

– Ота-онам, қариндош-уруғларим... – деб гап бошлади Лобар, аммо давом эттиролмай, бир нуқтага тикилди.

– Улардан розилик олиш керак, демоқчимисан? Йўқ, хозир бундай имкон яратолмайман. Ўзинг ҳам тушуниб ўтирибсан, улар сени ёмон қўлларда енгил-елпи яшаб юрибди, деган фикрдалар. "Чеченистонлик кишига турмушга чиқмоқчиди?" деб сўрайсан, худди ўлганнинг устига тепгандек. Ота-онангни тинч қўй. Улар билан кейинрок, бахтли оила қурганимиздан сўнг гаплашамиз.

– Бахтли оила қуришингизга ишонасизми?

– Гуноҳимизни Яратган кечиради, Лобар. Агар рози бўлсанг, шу ҳафта тўйимизни қиламиз. Мулла топиб келаман, никоҳ ўқийди. Биласанми, бир вақтлар менинг ҳам оилам бор эди. Начора, тақдиримиз биринчи турмуш билан бахтли бўлиб қолишни иккимизга ҳам насиб этмаган экан.

– Мен гуноҳни назарда тутмадим, Шомил ака. Касб-корингиз ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Ҳаёлимда сиз ва яқинларингизга ҳар доим қандайдир қора кучлар таҳдид солиб тургандек. Эртага сизга бирон қор-ҳол бўлишидан кўрқаман.

– Бўрилар орасида қўй бўлиб эмас, бўри бўлиб яшаш керак, – деди Шомил. Сўнгра хозирлаб қўйган бриллиант кўзли тилла узукни Лобарнинг бармоғига тақди. – Арзимас совғамни қабул қил, суюқлигим. Ҳали сенга атаб қасрлар қурдираман.

Лобар бир нима дейишга ожиз эди. Бу ожизлиги розилигини билдирарди. Шомил пешонасидан ўпиб қўяркан, деди:

– Москвада умрбод яшамаймиз. Қиладиган ишларим жуда оз қолди. Шундоғам юриш-туришим ҳукуматга ёқмаяпти. Улар мени чечен жангариларга алоқадорликда гумон қиляпти. Казиноларда эса мен америкалик чеченман. Ҳақиқатда ҳам шундай бўлади, Лобар. Мен ҳеч қачон диний экстремистларга хизмат қилмайман. Тез орада ишларимни битираман-у биргаликда кетамиз.

– Америкагами?

– Америкага деяпман-у, аммо тўғриси айтмай, аввало Туркиядаги танишларимникига борамиз...

– Балки Туркияда ҳам қиладиган ишларингиз бордир?

Шомил синовчан тикилди, аммо Лобарнинг юзида ўзи чўчиган маънони кўрмади, шекилли, хотиржам оҳангда:

– Тақдир шамоли қаерга учирса, ўша ерга бориб тушамиз, – деди.

– Ҳозир айтмоқчи эмас эдим-у, бўлажак рафикам эканлигининг хисобга олиб, майли, сирни очай. Ўрта Ер денгизида бир оролча бор, уни Ўлик орол деб аташади. Баланд-баланд қоялар ва қалин ўрмонзордан иборат оролчада истиқомат қилишнинг иложи йўқ. Бироқ Туркиядаги танишларим орқали уни ўзлаштириб, тез орада миллиардерга айланишим мумкин. Одам яшаб бўлмайдиган оролга нега сени олиб бормоқчиман, қандай қилиб миллиардерга айланаман, булар ҳозирча сир бўла қолсин. Шуни билки, келажақда Америкада яшаймиз, Ўзбекистонга ёзги таътилда меҳмонга бориб турамиз.

– Ҳаммаси яхшилик билан тугашига ишонасизми?

– Албатта, ишонаман. Сенинг бунга шубҳанг борми?

– Бахтимни топиб, қайта йўқотишдан кўрқаман.

– Бахтни йўқотишдан кўрқмаган одам борми?! Ҳаммаям кўрқади. Аммо-лекин кўркишни биринчи даражага чиқариб яшамаслик керак. Ҳаёт курашчанларни, ҳеч нарсага қарамай олға интиладиганларни, кейин эса... гўзалларни яхши кўради.

Лобар нозик шамани тушуниб, Шомилга қаради ва беихтиёр юзини жуда яқин тутганини билмай қолди. Эракнинг бақувват қўллари ёш вужудни шундай қучоқладик, қовурғалар гўё майишиб кетди. Лаблар лабларга туташди. Лобар эрга тегиб чиққан жувон бўлса-да, умрида биринчи бор ишқий эҳтиросни ҳис этди.

* * *

Оддий қилиб айтганда, Лобар ўз хўжайини билан никоҳдан ўтиб, шаръий хотинига айланди. Уларнинг тўйи дунёдаги энг кичик тўйлардан бири бўлди. Келин-куёв томондан ҳеч ким иштирок этмади. Меҳмонлар сифатида Шомилнинг икки йигити ва Анна Сергеевна зиёфат аҳлини ташкил қилди.

Мулла москвалик татар эди. У никоҳ ўқигач, пул ва совға-саломларни олиб, жуфтани ростлаб қолди.

Ўша кун кечаси келин-куёв чимилдикқа киришди. Иккинчи қаватдаги хоналардан бири эртақлардагидек шоҳона безатилган эди: шифтда тилла қандил, ёнувчи юлдузчалар; деворларда шуълалар ўйнайди; эрон гиламлари ва янги либосларнинг иси маст қилади; бурчакда, ҳарир парда ортида юмшоқ ётоқ дивани.

Лобар ўз бахтидан сармаст бўлди. Қандай яшаётганини яқинлари кўриб қўйишини жуда-жуда истади. Бир марта бериладиган умрни гурбатга гирифтор этадиган одамлар даврасида улғайганидан, келинчаклик дамларини алам-изтиробга қўмган оиладан, ёрдам қўлини чўзмай, ўз рўзғори билан андармон бўлиб қолган қариндошлардан умрбод қўнгли совигандек туюлди. "Уларнинг нимасини соғинишим керак?" – деган хаёлгача борди...

Эрталаб Лобар деразадан қалин туманни томоша қилиб ўтирди. Қўшни ҳовлилар ҳам оқликка ғарқ бўлди. Секин-аста Шомилнинг девори ҳам кўринмай қолди.

Қўшни хонадан ўлим тўғрисидаги гап-сўзлар эшитилгач, Лобар кийиниб чиқди. Шомил Анна Сергеевнага гапираётган эди.

– Бирон нима бўлди? – сўради Лобар.

Икковиям Лобарга ажабланганнамо қарашди. Лобар кизариб кетди, чунки у илк марта ўзини хонадон бекасидай тутиб, юқори пардада сўзлаганди.

– Ҳеч нима, – жавоб берди Шомил. – Зотдор кучуквачча бор эди-ку, афсуски, кеча томоғига суяк тикилиб ўлибди. Шу, холос!

– Келган бало итга ургани рост бўлсин, – деб Анна Сергеевна хонадан чиқди.

– Шомил ака, – деди Лобар.

– Ака дейишинг жуда ёқади. Сендан бошқа ҳеч ким мени "ака" деб чақирмайди.

– Сиздан бир илтимос.

– Эшитаман, бекам, икки қулоғим сенда.

– Москвага бирров бориб келсак.

– Сабаб?

– Қайсидир супермаркет рўпарасида "Маиший хизмат уйи" жойлашган. Унда сизнинг тикувчи дўстингиз ишлайди. Операга бораётиб, Анна Сергеевна иккимиз устки кийимларимизни алмаштириб олгандик.

– Биладан.

– Ўша жойга олиб борсангиз.

– Жоним билан. Аммо нечун?

– Супермаркетда бир синфдошим сотувчилик қилишини билдим. Исми Зилола, эриники Тагмат. Биз қалин дугона эдик.

– Ажойиб далил! Қўчага чиқишинг ҳамиша хосиятли бўларканда.

– Тасодифан кўриб қолдим, Шомил ака.
– Эътирозим йўқ, лекин бугун-эртан боролмаймиз.
– Тушунаман... Ахир, мен қамоқхонадаман-ку.
– Мен ҳам, – деди Шомил норози бўлиб. – Агар сенинг йўриғинг билан яшасак, тез орада бизни гумдон қилишади.

Лобар совуқ гапнинг мавриди эмаслигини айтмоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю кўзига ёш тўлаётганини сезиб, ётоққа кириб кетди. Тушдан сўнг хоналарни йиғиштириб юриб, Шомил мастликда айтган дипломатни эслаб қолди. Ертўладаги хонага тушиб, диван тагини қаради. На диванда, на полда дипломат яширадиган жой бор эди... Лобар бирдан ўзини ўғридек хис этди-ю хатти-ҳаракатидан чўчиб, диван тагидан бош чиқарди ва Анна Сергеевнага дуч келди.

– Нима ахтараяпсан? – хавотир аралаш сўради Анна Сергеевна.
– Ўзим шунчаки... йиғиштириб юрибман.
– Бу ерни йиғиштиришинг шарт эмас. Ўзим қарайман.
– Бунақа ишларни мен қилсам дегандим.

Анна Сергеевна Лобарни кучди, сўнг нигоҳини ўқдек қадаб, меҳрибон товушда:

– Боравер, ўзим... – деди.

Лобар чиқиб кетаркан, Анна Сергеевна ортидан қараб турганини сезар, оёқлари бўйсунмай, қадам ташлаши бежо туюлар эди. "Қовун туширдим, – хаёлидан ўтказди Лобар. – Энди улар мендан гумонсирашади, қалтис синовлар уюштиришади". Шу тобда Шомил ва Анна Сергеевна бир томон, ўзи бир томон эканлигини, ўртада тубсиз жар борлигини тушуниб, кўрқиб кетди.

* * *

Баҳор келиб, кунлар исиди. Лобар Россияга келганига салкам бир йил бўлиб қолаётганини ўйласа юраги орқага тортарди. Гоҳида ҳаммадан яшириб йиғлаб оларди. Бир куни Шомилнинг раҳми келди чоғи, деди:

– Икки-уч ой аввал бир дугонанг ҳақида гапиргандинг. Уни ахтариб боришимиз мумкин.

Лобар эрининг бўйнига осилиб, икки юзидан ўпди. Шомил хотинининг қорнини пайпаслади.

– Мен-чи, мени севинтирмайсанми? – деди
– Йўқ, ҳали бўлмади, – дея Лобар юзини яширди.
– Шу баҳонада шифохонага ҳам кирамиз.

Эр-хотин йўлга отланишди. Лобар орка ўриндикка ўтирди, Шомил кўндоғи қайирилган "Калашников" автоматини олд ўриндикка қўйиб, устига костюмини ташлади.

Москва бир йилдан бери ўзгармаган эди. Бу сафар кўчалар ва бинолар Лобарда қизиқиш уйғотмади. "Э, Худо, қачон қутулар эканман бу ерлардан?!" – деган оний ҳаёл миясини эғовлаб ўтди.

Худди ўша жойга келишди. Супермаркет ва "Маиший хизмат уйи" жойлашган кўча. Анави ерда Зилола ишга шошилаётган эди...

"Мерседес" тўхташ жойига бурилди. Лобар машинадан тушиб, супермаркет сари юраркан, ўзини кино қаҳрамонларидек ҳис қилиб, бошини мағрур кўтарди. Орқадан машинанинг "вийт-вуйт" этиб кулфланган овози эшитилди. Зилола шу ҳолида Лобарни таний олармикан? Унинг нафакат либослари, балки ботиний ва зоҳирий томонлари ҳам ўзгарган. Оппоқ бўлиб тўлишиб, ҳуснига ҳусн қўшилган. Аввалги қашшоклик нукси урган нигоҳларида тўқлик, ўз ҳаётидан қониқиш мужассам...

Даставвал иккала каватниям айланиб чиқишди. Лобар сотувчилар орасида Зилолани учратмай, ҳафсаласи пир бўлди. Шомил улар билан гаплашгач, Лобарни ташқари эшикка бошлади.

– Уйига кетиб қолишганмикан? – умидвор бўлди Лобар.

– Йўқ, якин йиллар ичида Ўзбекистондан ҳеч ким келмаган экан, – деган жавоб олди.

Шундан кейин икки соат ичида бешта йирик дўконга кириб, Зилола ва унинг эрини суриштиришди, аммо улкан шаҳар гўё уларни ошқозонининг бир четига ҳазм қилиб юборганди.

– Ундан кўра пичан ғарамидан игна ахтара қолайлик, – пичинг қилди Шомил.

– Меҳрибон экансиз, – қолишмади Лобар ҳам, – меҳрингиз кўзиб, уйга хат ёзишимга рухсат беринг ақалли.

– Хат? Оддий хатми? Нега шу ҳақда олдинроқ ўйламадинг? Отанонгда қасдинг бор, шекилли!

– Рухсат берасизми?

– Гап бўлиши мумкин эмас. Марҳамат.

– Худога шукр-э! Ҳозироқ ёзиб почтага ташлайман.

"Мерседес" "Бошпочтамп" кўчасига бурилди. Лобар кутгандек, Шомил яна бир эътирозини кистириб ўтди:

– Хат қисқа ва аниқ бўлсин. Манзил ва хонадонда истикомат қилувчилар хусусида эса битта сўз ҳам ёзилмасин.

—

Хафта ўтмай Самарқандга қуйидаги хат етиб келди: "Ассалому алайкум, онажон! Мен соғ-саломат, ўйнаб-кулиб юрибман. Ишим яхши, яна бир йил ишласам, қайтаман. Маъруф мени киморга ютказиб қўйгандан кейин Худо саклаб, яхшигина мусулмон оиласига бориб колдим. Ойига минг доллар маош беришаяпти. Мени ҳеч ким хафа қилгани йўқ. Ишимни пок-ҳалол бажариб юрибман. Хавотир олманг, деб қизингиз Лобар".

Хат конвертга солинишдан аввал Шомил ўқиб чиққан ва "Нега айнан бир йил?" деб кулиб сўраган эди. Орадан кўп ўтмай Лобарнинг мактубидаги муддат хайрон қоларли даражада қискарди...

Ярим кечаси эди. Шомил уйга кирди-ю деворга суяниб индамай тураверди. Лобар чўчиб ўйғонди, одам шарпасини пайқаб, чирокни ёқди: Шомил чап қўлини ушлаб, хорғин киёфада турарди. Енгининг орасидан оқиб чиққан қон бармоқларидан чаккиларди.

Анна Сергеевна ҳам зудлик билан етиб келди. Икки аёл ярани очиб малҳам қўйишди, бинт билан қисиб боғлашди. Катта жароҳатни кўрган Лобар пичоқ изи деб ўйлаганди, аммо Анна Сергеевна шипшиди:

– Эҳтиёт бўлишимиз керак, кўрдингми, Шомилни отишибди.

– Ким отади? – Лобарнинг ранг-кути ўчди.

– Секинрок, эшитиб қолади... Шомилни бугун кўраётганинг йўқ-ку. Мендан ким отишини сўрайсан-а!

Шу кеча Лобар тўппончасини ёстик остига қўйиб тонг оттирди. Бу тахлит ҳаёт узокқа чўзилмаслигини англаб етганди. Шомил ҳам алланечўк ўзгариб қолган, Лобар дам-бадам унинг юзига қараб кўяркан, раҳми келиб, йиғламоқдан бери бўларди.

– Яна даволанолмайдиган бўлдинг, – деди Шомил афсусланиб.

– Менми? Даволанмасам ҳам майли, – қайғурди Лобар. – Жароҳатингизни нима қиламиз? Касалхонага боришга кўнмасангиз...

– Йўқ, сен даволаниб, фарзандли бўлишинг керак эди. Меники шунчаки яра, битади-кетади. Аммо Москвада шунча яшаб, зўр дўхтирлардан шифо олмай кетишинг менинг гуноҳим.

– Кетамизми, Шомил ака?! Юртингизга бўлса ҳам кетайлик!

Шомил боши билан "йўқ" ишорасини қилди.

– Туркияга, – деди соғ қўли билан Лобарни силаб. – Бошқа жойларда бизни кўнгилсизликлар кутаяпти.

Тонгга яқин Лобарнинг кўзи бир илинди ва қисқа сонияларда

галати туш кўрди: Шомил иккови Москвага чиқиб, Зилолани ахтарган кун эмиш. Сўнгра гинеколог шифокор ҳузурига киришди. Бирок ўнгидагидек у даволаниш кераклигини айтмади. Тўсатдан тиржайди-да: "Аввал фарзанд кўрган бу!" – деб бакирди. Лобар хангу-манг бўлиб, Шомилга қаради. Шомил эса бечора кишилардек эшикка тикиларди. Шунда эшик очилиб, чақалок кўтарган эркак пайдо бўлди. Бунақа хил эркакларни Лобар Ўзбекистонда кўп учратарди: бошида эскира бошлаган дўппи, эгнида тўқ ранг костюм-шим, қора туфлиси ялпайган, камбағалроқ одам бўлса-да, қорин қўйган. Одатда кишлоқ мактаби ўқитувчилари ёки кичикроқ идорада ойлик ҳисобига кун кўрувчи ҳисобчилар шунақа кийинишади...

Лобар сесканиб тушди. Шомил ўрнидан туриб ярасини очмоқда эди.

– Оғримаяптими? – сўради Лобар.

– Оғриси ҳам хавфли томони йўқ, – деди Шомил. – Ўқ суякка кадалмаган, этни юлиб ўтган, холос.

– Мен кўрқаяпман, Шомил ака.

– Кўркма! – деди Шомил жаҳл билан. – Бир йил тузимизни еб ҳалиям аждарҳога айланмаган бўлсанг, ана, эшигим очик. Тўрт томонинг қибла!.. Билиб қўй, энди сен уй бекаси эмассан. Шомилнинг гуруҳидаги ёлланма қотил, одамхўр, учига чиккан киморбозсан! Улардан, – Шомил Москва томон ишора қилди, – фаркли ўлароқ факат ёмонларнинг бошини ейдиган одамхўрсан!

– Мен одам ўлдиролмайман, – Лобарнинг лаблари учди. – Сизнинг тўдангиз аъзоси ҳам эмасман. Қандай ишлар қилиб юрганингизни билмайман ҳам. Ёвуз максадда тўппонча берган бўлсангиз... – Лобар ёстик остидан тўппончани олиб, деразага улоқтирди, ойна жаранглаб синди. – ...қерак эмас бунақа қурол! Ахир, хотинингизман-ку! Нега мендан одамхўр ясаяпсиз? Ё барчаси ёлғонми?! Мени севишингиз, адолат учун қурашаётганингиз, оиласидан ажралган мазлумлигингиз!..

– Бас деяпман! Ҳаддингдан ошма. Бориб қуролингни олиб кел. Молдек сўйилиб кетмайин десанг, Туркияга жўнамагунингизча қўлингдан қуролни қўйма.

Лобар диванга чўкиб бошини чангаллади. Энди унинг учун ҳақиқий қора кунлар бошланган эди. Олға юришни ҳам, ортга қайтишни ҳам истамасди, бир мужда кўринмасди...

Кечқурун Лобар хонасига қамалиб олиб, телевизор кўра бошлади.

Аразлашга ҳақлиман, деб ўйларди. Зеро, шундай бефайз кунларнинг келишига Шомилнинг ишлари сабаб бўлганди. Вақтида этак силкимади, қалтис ишларини битирмокчи, аллакимлардан ўч олмакчи бўлди...

Хонага Анна Сергеевна кириб келди.

– Сиздан ўтиниб сўрайман, – ялинди Лобар, – Шомил акани кўндиринг. Вақт борида бу ердан кетайлик. Қора никоб кийиб, автомат тутган тўрттаси бостириб келса, тўппончанинг тепкисиниям босолмай қоламан. Кўнглим ёмон нарсани сезаяпти, Анна Сергеевна.

– Жуда ҳам кўркиб кетганинг юзингдан маълум. Бизни жуда ожиз деб ҳисоблама. Қинғир йўллар билан топилган пулларини еб, семириб ётганлар маишатидан, ҳашаматидан, азиз жонидан айрилишдан кўркади. Шомил ўшанақаларнинг бошига қора кунларни солади. Сен айтган армияга қарши бормаймиз, керагиям йўк!

Шу пайт телевизорда янгиликларни кўрсата бошлади. Лобар эътибор қаратмаган эди, аммо "отишма" деган сўзни эшитиб экранга кўз ташлади. Беш қаватли уйда истикомат килувчи кампирнинг хонадониди кеча тунда отишма бўлиб ўтибди. Натижада, кампир ва икки эркак отиб ўлдирилган, бир қиз яраланган. Журналистнинг сўзларига қараганда, икки эркак кампирникида ўша қиз билан учрашган. Эшик тақиллагач, кампир очади ва никобли қотил унинг қок пешонасига ўк узади. Ҳалиги эркаклар ҳам қуроллианишган эди. Бири тўппончасини ушлашга ҳам улгурмайди: ўк қулоғидан кириб, юзини ўпириб чиқади, иккинчиси чакқонлик билан қотилни отиб, қўлидан яралайди. Бир неча дақиқа икки ўртада отишма бўлади, аммо босқинчи устун келади. Шунга қарамай ягона гувоҳ – қизни ўлдирмайди. Қиз ҳалок бўлган танишининг ўқидан яраланган...

– Танидингми уларни? – муғомбирона кўз кисди Анна Сергеевна.

– Қайдам... Кимлар экан? – Лобар хайрон бўлди.

– Ира! Бу Иранинг хонадони! Бир куни кўшмачилиги унинг бошига етиши аниқ эди. Мана, ҳаммаси бир кемага тушгунича Шомил кутди.

– Шомил ака?... Шунчалар қонхўрлик!..

Анави эркаклар ким, деб сўра. Уларния танийсан. Ўзинг айтиб бергандинг Жавҳар ва Жамик деб! Ўлганлар ўшалар!

– МалOVER лақабли қиморбознинг йигитларими? Наҳотки?... Улар мени қимордан ютиб олишганди-я?!

– Фақат МалOVER қолди, – қўлини мушт қилди Анна Сергеевна. – Кейин узоқ-узоқларга кетасизлар.

- Сиз-чи, Анна Сергеевна, сиз қоласизми?
- Кексайганимда Россияни ташлаб кетмайман. Москвада мени жин ҳам урмайди. Сизларни эса ҳали кўп саргузаштлар кутиб турибди. Кўркма, бахтли саргузаштлар!..
- Вақтинча бўлсаям кетишингиз керак. Алғов-далғов дамлардан сўнг...
- Э, мени Москванинг гадойтипмас чордоқлариям яширади.

* * *

Шомил яраланганининг учинчи кечаси кимдир Лобарни турткилаб уйғотди. Анна Сергеевна хавотир билан энгашиб турарди.

- Тур, жонгинам, вақт бўлди, – деди у.
- Нима?.. Нима бўлди?.. Нега?.. – уйку аралаш алаҳсиради Лобар.
- Тур, кийин.

Шундан сўнг Лобар барчаси тугаганини, энди жон саклаш учун қочиш кераклигини тушунди. Бироқ ўтган ойлар мобайнида Шомилга боғланиб қолган эди. "Қани у? Нега кўринмаяпти?".

Ҳовлидаги юк машинасига энг зарур ва қимматбаҳо буюмларни ортишди. Шомилнинг соқоли ўсган, ҳорғин юзида аламзада кўзлари йилтиллаб турарди.

– Ортиқча савол бериб уни кийнама, – деди Анна Сергеевна. – Кечкурун йигитларидан бирини ўлдиришди, ҳозир кайфияти йўқ.

Лобар эрига тикилиб тураверди. Юрак ютиб бир сўз деёлмади.

– Розиман, – деди Шомил.

– Нима? – Лобар ҳеч вақони англамади.

– Сен тенги йўқ хотинсан, Лобар. Мен розиман.

– Одамни кўркитманг, Шомил ака.

– Йўқ, сен нотўғри тушунма. Хотинлик садоқатингдан, иродангдан, жасурлигингдан розиман деяпман, холос.

Лобар Шомилнинг соғ қўлини кучиб, юзига босди-да, йиғлай бошлади. Негадир, Шомил уни юпатмади, бир нуктага тикилиб тураверди. Юк машинасининг рулига Шомилнинг иккинчи йигити ўтиргач, Анна Сергеевна Лобарни етаклаб кабинага чиқарди.

Лобар эри билан хайрлашгани шу бўлди...

Машина узок юрди. Бир соатдан кўп вақт ўтди. Қандайдир даладан сўнг оқ уйлар кўринди. Марказий кўчалардан бирида жойлашган икки қаватли ҳовлисиз уй ёнида тўхташди. Йигит шоша-пиша юкларни киргизиб берди-да, машинага ўтириб жўнаб қолди.

Ҳайхотдек хоналарда Лобарнинг юраги қисилди. Мебеллар бўлса ҳам, бўм-бўш уйни эслатарди.

– Тўппончангни олганмисан? – Анна Сергеевна Лобарга ўқрайди.

– Йўқ, – Лобар бутунлай шалвираб, стулга ўтирди.

– Майли. Биз Шомилсиз қурол ишлатолмаймиз, шекилли. Биринчи ўқ отилганидан милиция етиб келиб, камокқа олади.

– Ер ютсин бунақа ҳаётни... Тўйиб кетдим...

– Ноливермай гапимга кулоқ сол. Биз жуда эҳтиёт бўлишимиз шарт. Эшикни бегоналарга ҳеч қачон очмаслик, кўчага чикмаслик, иложи борица навбат билан ухлаб, кўчадан кўз узмаслик...

– Мен кўрқаяпман, Анна Сергеевна.

– Сени ҳеч ўлдирмокчи бўлишганми? Қўл-оёгингни боғлаб, оғзинга латта тикиб, хилват бир жойда бўғзинга пичоқ тирашганми? Йў-ўқ! Билмайсан, ўлим талвасаси нималигини билмайсан...

Албатта, иккови ҳам Шомилга зафар тилаб, тинч, фароғатли кунларни соғинарди. Бироқ истак-орзулар ҳамиша ҳам рўёбга чиқмайди. Шомил ва унинг йигитидан бир ҳафта ўтса ҳамки дарак бўлмади. Буйруққа биноан аёллар дала ховлига ва Москвага қадам босмай туришлари лозим эди.

Озик-овқат харид қилиш учунгина дўконга бир зум чикиб келардилар. Узуқун карта ўйнашар, бир бурчақдан топилган эски радиоприёмникни тинглашар, ухлашнинг кизиғи қолмаган эди.

Нихоят, Анна Сергеевна дала ховлидан хабар олишга азм қилди. Лобарни эргаштирмади. Икки аёл, қолаверса, Лобарнинг осиелиқ эканлиги душманларнинг эътиборини жалб этиши мумкин эди.

Лобар кун бўйи чўғ устида юргандек бўлди. Турли хаёллар исканжасида бошини қаерга уришни билмасди. Ҳатто, аэропортга йўл олиб, Ўзбекистонга учиб кетишниям ўйлади. Паспорт ва бир неча минг доллари бор... Лекин Маловер тўдасидагилар ҳамон Лобарнинг пайида юрган бўлишлари мумкин. Шомилдан ўч олиш мақсадининг ўзиёқ Лобарнинг умрига нуқта қўйилишига сабаб бўлиши эҳтимолдан холи эмасди.

Кечга яқин Анна Сергеевна эшик коқди. Ранг-рўйи бир ахволда эди. Уйга киргандан совук сув ичди, юзини чайқади. Кейин эса:

– Тамом, ҳаммаси тамом, – деб йиғлаб юборди.

– Шомил акага нима бўлибди. Гапиринг!

– Биз кетганимиздан сўнг эртасига, туш чоғи отишма бўлибди. Уйнинг бир қисми портлатиб юборилган, одамларнинг айтишича,

бешта ўлик топилибди. Биттаси мафия бошлиғи эмиш. Яна бирини келиб-кедиб юрадиган йигит дейишди. Шомилнинг йигити. Куйиб-кулга айланган бир мурданинг шахси аниқланмабди.

Лобар ҳам йиғлади. Уларни кўз ёшлардан бўлак ҳеч нарса юпатолмас эди. Кечагина тирик юрган одамлар, қирчиллама йигитлар бугун йўқ. Бир-бирини ваҳшийларча қириб ташлашди, кўзларига тупроқ тўлдиришди. "Э-воҳ... Шомил ака!.. Қандай жон берди экан? – ўйларди Лобар. – Хаёлидан мен ўтгандирман?! Шундай одам бекафан кетди-я!..".

Энди уларнинг кунлари аввалгидан-да фэйзсиз ўта бошлади. Қарта ўйнаш ҳам кўнгилларига сиғмасди. Гоҳида адашган йўловчилар шубҳали тарзда эшик қоқишарди. Ёки ойнаси қорайтирилган машина кўчанинг нариги томонидан кимнидир соатлаб кутарди.

– Нима қилсам экан? – Лобар Анна Сергеевнага маслаҳат солди. – Россияга келганимга бир йил бўлди, қайтиб кетсаммикан?

– Шомилни кутмай қаерга кетасан?! Менга Москва бир қадам, бунинг устига Шомилга на қариндош, на хотинман. Шунда ҳам кутаяпман-ку! Кўрасан у қайтади! Одамлар ўттиз йиллаб кутган, умрбод кутган. Нима қилибди биз бир-икки ой кутсак! Борғунимча ҳеч қаерга чиқманглар, мен ҳақимдаги иғволарга ишонманглар, деб қайта-қайта такрорлагани бежиз эмас экан. Кўнглим сезаяпти, у тирик. Аллақаерларда санғиб юришга мажбур бўлгандир. Кўчадаги шубҳали кимсалар ҳам уни кутаяпти. Агар лаънатиларга биз керак бўлганимизда, худо кўрсатмасин, эшикни синдириб киришарди-да, ахир.

Бирок кунлар ўтган сайин Лобарнинг умид чироқлари сўниб бораверди. Дала ҳовлидаги қирғинбаротда Шомил ўлган, деган катъий тўхтамга келди. Нахотки, шундай тажрибали инсон тириклиги хусусида бирон хабар беролмаса?!

* * *

Бир ойдан сўнг Лобарнинг сабр косаси тўлди. Худди Анна Сергеевна иккови тириклайин кўмилгандек эди. Ҳеч ким билан мулоқот қилмай ўзларига ўзлари бемақсад минғирлаб ўтиравериши телбаликнинг бир тури бўлиб туюлди. Шунда ҳам Анна Сергеевна уйдан чиқишни истамасди. Лобар ўйлаб-ўйлаб бир қарорга келди: "Шомилнинг хотиниман, демак, бойликлари меники. Уларни олиб, ота-онамникига кетишга ҳақлиман".

Шунда унинг хаёлига ов куни Шомил мастликда айтган бир дипломат тўла долларлар келди. Ертўладаги диван тагига яширилган дипломат ҳақиқатда мавжудлигига Лобар шак-шубҳа қилмасди. Анна Сергеевнанинг феъли айниб тургани учун унга ўз қарори ҳақида оғиз очмади. Тўғриси, бу аёлнинг инжиқликлари энди жонига тега бошлаган эди.

Тонг саҳарда уйғонди-да, кўчага ўғринча чикиб, йўловчи машиналарга қўл силкиди. Бир "Газел"да дала ҳовли яқинигача борди. Ёзги ҳовлиларга ҳам одамлар кўчиб кела бошлагани боис унда-бунда машиналар, сайр истовчилар кўзга ташланарди. Шомилнинг уйи ҳақиқатан ҳам вайронага айланган эди. Мусодарадан қолганларини шу атрофда яшовчилар ташиб кетишган, шекилли, қўлга илинарли нарса кўринмасди. Ҳовлининг кунчиқар томонидаги девор ўпирилиб тушган. Лобар таваккал қилиб ўша ердан ҳовлига ўтди. Гишт ва куйган ёғоч уюмлари оралаб дераза ўрнига келди. Бильярдхонадан бадбўй хид тараларди, кимлардир чиқинди ташлаб кетган, шекилли. Қуролхонанинг темир эшиги олиб кетилган, ичкари қоп-қорайиб турарди. Лобар юраги дук-дук уриб, уйни айланиб ўтди ва ошхонага кирди. Кейин йўлак орқали ўша ётоқхона сари юрди. Йўлак деворларига эрталабки қуёш нурлари тушган эди. Ўқ изларини, ҳатто, қорайиб қолган қонларни ҳам кўриш мумкин эди. Лобар олға юраверди. У бурни остида минг-минглаб АҚШ долларлари яширинганига ишонарди.

Кимдир бу ерга мебель синиқларини ва эски латта-путталарни уйиб ташлаганди. Уларни бир четга оларкан, "наҳотки орган ходимлари пол остини текширмаган?!" – деб ўйлади.

Дарҳақиқат, ёғоч синиғи кўринди. Пол ва бетон ер оралиғига сичқон ҳам сиғмасди. Бир қулоч жойнинг полини бузишган, бетондан бошқа нарса йўқ деб ўйлаб, ишни тўхтатишган эди. Лобар ётоқ диван жойини аниқлади-да, полни чиқиндилардан тозалади. Қизғиш рангга бўялган тахта тагидан пул чиқиши амри маҳолдек туюлар, аммо ички бир туйғу ҳаракатга бошларди. Темир бўлагини топиб, минг азобда биринчи тахтани қўпориб олди. Бу вақтда қуёш терак бўйидан ҳам ошган эди. Кейинги тахталарни суғуриш унчалик қийин кечмаса ҳам, темир бўлаги Лобарнинг нозик кафтини қавартириб юборди. У қўлига ух-ухлаб, бир оз нафас ростлади. Тахта оралиқларида ингичка сим излари кўзга ташланарди. Лобар энди тушунди: орган ходимлари полни буза бошлашган, қарашса тагида пойдевор бетонидан бошқа

нарса йўқ. Сўнгра сим суқиб кўришган ва ҳеч нарса беркитилмаганига ишонч ҳосил қилишган.

Лобар ҳалиям ноумид эмасди. Яна бир нечта тахтани кўпориб олди ва узукдек келадиган ҳалқани кўриб, қичқириб юбораёзди. Шубҳасиз, у қопқок туткичи эди. Илгак топиб, жон-жаҳди ила тортган эди, қопқок кўтарилди... Лобар беҳол ўтириб қолди, кўзларига ишонмасди. Наҳотки, целлофанга ўралган дипломат лик тўла доллар бўлса?!

Кўлини секин теккизди: бадани ёкимтой жимирлади. Дипломатии авайлаб тортиб чиқарди, оғиргина экан. Унга рақамли кулф ўрнатилган эди. Лобар темир бўлаги ёрдамида очишга уннади. Томирларида гупираётган қон миясига урар, қўллари калтирар, кўзи фақат дипломатини кўрар эди

Ва ниҳоят кулфчалар қирсиллаб синди. Лобар бир зум нафас олишдан тўхтади, пешонасидан оққан тер кўзини ачиштирса-да, киприк қокмади. Ахир, унинг олдида бели букланмаган доллар бойламларининг зичланган тахи яраклаб турарди. Ҳа, яраклар эди!

Лобар уларни ҳалтачага сола бошлади. Агар адашмаган бўлса, ҳазина бир юз йигирма минг долларни ташкил этди. Қоқиниб-суриниб юқорига чиқар экан, пулларни юртига қандай жўнатиш ҳақида ўйларди. Биринчи галда харобадан эсон-омон узоклашиб, Москва шаҳрига кириб олиши керак, сўнгра ижарага уй топиб, пулларни банк орқали ота-онаси номига кам-камдан юборавериши лозим...

Лобар бетиним режалар тузган кўйи қатта йўлгача тентираб борди. Узокдан микроавтобус кўрингач, Лобар уст-бошини тартибга солди. Сумкача харид қилиши керак эди, лекин атрофда дўкон йўқ. Йўл четида эса бир қиз келаяпти, қўлида сумка. Лобар унинг истикболига шошилди ва юз доллар тутқазди.

– Илтимос, сумкангизни бўшатиб беринг, менга жуда зарур.

Қиз долларга тикилиб, хайрон бўлиб турди. Афтидан Лобарни телба деб ўйлади, аммо телбаларда доллар нима қилсин? Қиз шоша-пиша сумкасини бўшатиб, Лобарга берди-да, орқасига қараб-қараб қочиб қолди. Микроавтобус ҳам етиб келди.

– Москвага, – деди Лобар.

Унга эшик ёнидаги ўриндикни кўрсатишди. Йўловчилар Лобарда шубҳа туғдирмаса-да, у юрак ҳовучлаб ўтирарди. Нигоҳлари ташқарида, ҳаёли эса олдинда, ёнида, орқадаги эркак ва аёлларда. "Менинг бир юз йигирма минг доллар олиб кетаётганимни булар қачон билди?" – деб ўзини юпатди.

– Дачада ахволлар қалай? – сўради ёнидаги эркак.

Лобар қисиниб ўтираркан, эркакка бир қараб қўйиб, хушламайгина:

– Билмасам, бир танишимникига келиб-кетаяпман, – деди.

– Эшитдингизми, яқинда жиноий тўдалар ўртасида жанг бўлган эмиш.

– Йўқ, эшитмадим, – дея Лобар лип-лип ортида қолаётган дарахтларни кузатди.

– Яқинда эмас, бир-икки ой бўлди, – ўзича гапиринди эркак.

Лобар унинг овози ўчганига шукр қилиб, чуқур тин олган эди, ортидан кимдир елкасига кафт ташлади.

– Салом!

Лобар ростакамига чўчиб тушди. Ўгирилиб қараганида, кулимсираб ўтирган Анна Сергеевнани таниб, лол қолди. Кийимларию соч турмакларини ўзгартириб, бежиримгина кўзойнак таққан бу аёлни таниб олиш анчайин мушкул.

– Узр, машинага чиқаётиб кўрмабман, – деди Лобар ўлганининг кунидан.

– Қочаяпмиз дегин.

– Ҳм...

– Москвага етайлик, гаплашамиз.

Лобар сумка туткичини қисиб, ўз ёғида ўзи қовурилиб кета бошлади. Анна Сергеевнадан қандай қутулишни билмасди. Икковини учраштирган тасодифга лаънатлар ўкиб, ҳозир қочишнинг иложи йўқлигини тан олди. Микроавтобусдан тушишлари биланок Анна Сергеевна, зимдан бўлса-да, сумкага кизиқиши аниқ. Ичидагининг нималигини аниқлаш Анна Сергеевнадек кўпни кўрган аёлга ҳеч гап бўлмаса керак.

Шу тариқа Лобар йўл-йўлакай таслим бўлиб борди. Бекатга тушганлари заҳоти шивирлади:

– Анна Сергеевна, мен сиздан қочаётганим йўқ. Бошқа жиддий муаммо чиқиб қолди.

– Ўша муаммо сумкадами?

– Ҳа.

– Қанча?

– Нима қанча?

– Шомил беркитиб кетган доллар-да, ахир.

Лобарнинг юзидаги асаб пайлари тортишиб кетди. Анна Сергеевна

у ўйлагандан ҳам зийрак, ичидан пишган муғомбир чикиб қолди.

Лобар бўшашиб:

– Долларнинг қаердалигини билармидингиз? – деб сўради.

– Билардим, – аёлнинг бир оз аччиғи келгани оғзининг қийшайиб кетганидан сезилди, – аммо Шомилнинг ижозатисиз бир тийинга ҳам тегинмайман.

– Узр, Анна Сергеевна, мен мажбур бўлдим. Акс ҳолда, бегоналар ахтариб топишарди. Пул уларнинг қўлига тушгандан кўра хотинида тургани афзал эмасми?

– Хўп, кўчада гаплашмайлик. Ўзи қаерга бормоқчи эдинг?

– Ижара уй топиб, сўнгра сизни олиб келмоқчи эдим, – ёлғон гапирди Лобар.

– Балосан-ку, – Анна Сергеевна такси тўхтатди. – Менинг уйимга борамиз. Балерина Аннаникига!

Такси кўчаларни оралаб, дарахтли йўлакда уларни туширди. Кўп қаватли уй ортига ҳам кўчатлар ўтқазилганди. Анна Сергеевнанинг уйи учинчи қаватда эди. Лобар сал кам музейга айланган икки хонали квартирани оғзи очилиб томоша қилди. Турли портретлар, фотогалерея, чолғу асбоблари, пианино...

Чангни сидирган Лобар деди:

– Охирги марта қачон келгандингиз?

– Охирги марта қачон келганимни эслаёлмайман-у, лекин биздан олдин қимдир келганини аниқ биламан.

Лобар уй соҳибаси тикилиб турган нарсага яқин борди: қайчи, бинт ва қон доғлари.

– Шомил тирик, – деди Анна Сергеевна, – қалит фақат унда бор эди.

– Тирик бўлса қанийди! – ўқинди Лобар. – Анна Сергеевна. Шомил ака дала ҳовлидаги фожиадан аввал келган бўлиши мумкин. Наҳотки, бизга тириклигидан хабар беролмайди?

– Балки бирон сабаби бордир. Шомил ўлмайди. Қон доғлариям фожиадан кейин пайдо бўлганини кўнглим сезаяпти.

– Ишонмайман. Мени кечирасиз, Шомил ака энди йўқ. Биронта мулла топиб руҳига қуръон ўқитишим керак. Кейин эса... Гапнинг очиги, Анна Сергеевна, мен Ўзбекистонга кетаман. Фоҳиша, бузуки деган тавқилаънат олсам ҳам майли! Аммо энди қоллолмайман.

– Тушунаман, – Анна Сергеевна ғамгин нигоҳини қадади, – ёш ва гўзал хоним дарров ҳаётини янги йўлга солишни ўйлайди. Ахир, пул дегани энди муаммо бўлмаса.

– Ижозат берасиз-а, Анна Сергеевна?

– Мен сенга хўжайин эмасман. Истаган вақтингда кетавер. Бирок аэропортда қўлга олинишинг ҳам мумкин. Чунки Шомилнинг уйида охириги пайтлари икки аёл яшагани ва дом-дараксиз қўйиб бўлгани ҳақидаги миш-мишлар милициянинг қулоғига етган деб ўйлайман. Яна бир неча ой уйдан чиқмаганинг маъқул. Изимизга кимдир тушганми-йўқми, шу вақт мобайнида аниқлаб оламиз.

Лобар ўйланиб қолди. Анна Сергеевнанинг гапларида жон бор эди. Бир юз йигирма минг доллар билан қўлга тушса ҳолига маймунлар йиғлашини тасаввур этди-да, ғалати чимирилиб:

– Пулларни ота-онамга юбормоқчиман, – деди.

– Тушундим.

– Долларни кўтариб кетмайман-ку.

– Ҳа-а, хали дардисаринг ҳам бор-а?! Кел, бундай қиламиз: бир қисмини банкдан юбор, бир қисмини менга бер, ҳозир пулга жуда зорман. Қолганлари ўзингга тура турсин. Москвада менинг ҳисобимдан яшамайсан-ку.

– Қанча берай? – Лобарнинг қовок-тумшуғи осилди.

– Йигирма минг берсанг қайтиб сўрамасдим. Юз минг доллар! О-ҳо! Сенга етиб ортади. Қара, бриллиант узугинг ҳам бор. Унинг пулига битта ўй беради-я!

* * *

Анна Сергеевнанинг уйи Москванинг сўлим гўшасида жойлашган. Лобар ҳавас қилди. Шундай жойни ташлаб, Шомилнинг уйида маҳбусдай кун кечиришга собиқ балеринани нима мажбур қилганини тушунолмади. Бир йилда бир марта операга боришдек аҳмоқона одатни ким ўйлаб топди экан? Дарвоже, Анна Сергеевна тақдирнинг залворли зарбалари оқибатида телба бўлиб қолмаганмикан? Шомилнинг ўлгани шунчалик ишонарлики, Анна Сергеевнадан бўлак ҳеч ким шубҳа қилмайди... Сўнгги нафасигача Шомилни кутади энди...

Шундай қилиб, Лобар кейинги тақдирини белгилаб олди. Шаҳар айланишга фурсат топган куни банкка борди. Пул жўнатиш муаммо тугдирмаслигига ишонч ҳосил қилиб, кўчаларни узок кезди. Ота-онасига хабар бериш қолган эди. Телеграмма юбориб, Анна Сергеевнанинг телефон рақамини маълум қилиши керак.

Миясида яна бир фикр ғужғон ўйнарди. Москвада Самарқанддан

келиб ишловчилар кўп, биронта қайтиб кетаётганини топиб, хат-хабар бериб юборса-чи? Қурилишда турли миллат кишилари ишламоқда. Ўзбекистонликлар ҳам бор, албатта...

Йўқ, Лобар уларга учрашишга ийманди. "Яхшиси, телеграмма жўнатаман", хаёлидан ўтказди у.

Эрталаб анча-мунча олиб чиққанди. Тўрт қаватли дўкон витриналаридан кўриниб турган сумкачалар-у либослар ўзига оҳанрабодек тортди.

Лобар бошдан-оёқ кийим танлади. Кўзгуга боқаркан, умри бино бўлиб кетган либослари бу даражада ярашмаганига имони комил бўлди. Сотувчи аёл Лобарнинг харидларидан мамнун эди. Шунда ҳам янада кўпроқ мол ўтказиш мақсади-да, кичик бўлма томон кичқирди:

– Кечаги кофталардан олиб келинглар! Ёшларбоп тўрт хилидан бўлсин! Италиянча ички кўйлақлар ҳам!..

Лобар ажиб бир ғурур туйди. Кўзгуга бокиб, кичик бўлмадан келган ходиманинг мутеларча хизматга шай туришидан завқланди. Завқланди-ю, завқ ўрнини яшин тезлигида хайрат эгаллади. Ялт этиб ортига ўгирилди: кўзлари алдамаган экан: қаршисида Зилола турарди. Синфдоши, сирдоши, Россияга кизиқиш уйғотган дугонаси Зилола!..

– Зилол!!!

– Лобар?!

Икки дугона йигитлардек қучоқлашишди. Кўзларидан севинч ёшлари чиқиб кетди. Сотувчи эса:

– Мана! Қандай яхши! Ахир, бизнинг дўкон бахт келтиради-да! – деб чапак чалиб юборди.

Бўлма бурчагидаги стулларга чўкишди. Зилол чашкаларга қахва қуйди. Лобарга узатар экан:

– Ўзгариб кетибсан, – деди.

– Тарихимни эшитгандирсан?

– Эшитгандай бўлувдим, – чайналди Зилола. – Ўзи нима гап? Эринг ростдан ҳам сени киморга тикдими?

Лобар жавоб ўрнига ўзини қизиктирган нарсани сўради:

– Қаердан эшитдинг?

– Уй билан телефонлашиб турамиз. Қайнонам айтганди. Шунгаям бир йил бўлаяпти-ёв. Эшитиб роса хафа бўлдим, Тагмат акам сўкинди, "ўшаям эркакми?" деди. Ноинсоф, бошидан одам эмас эди.

– Қиморга ютқазгани рост. Лекин яхши одамларнинг қўлига тушдим, кўнглимга қарашди. Эрим ишонмади. Сенга улар тегинган деб талоғини берди, кўчага бир тийинсиз қувиб солди. Менга яхшилик қилган одамникига қайтиб бордим. Уйда ишлаб юрдим. Хотини йўқ эди, ялиниб-ёлворди, ўз хоҳишим билан турмушга чиқдим. Никоҳ ўқитиб, тўй қилиб берди.

– Вой, турмуш қурдингми? Мусулмонми?

– Ҳа, чечен эди, бечора.

– Тавба, нега бечора деяпсан?

– Ўлдириб кетишди, – деди Лобар овозини пасайтириб.

– Вой-й!.. Сенга ҳеч нарса қилишмадими?

– Эримникида эмасдим... Қисқаси, уйга қайтишим керак.

– Қачон кетаяпсан? Биз икки ҳафтадан кейинги самолётга билет олмақчимиз.

– Бугун ўнг томоним билан турган эканман-да, – Лобарнинг кўнгли кўтарилди. – Мен ҳам бирга кетаман. Лекин озроқ пулим бор эди, шуни банкдан юборсам. Йўлини қилайлик...

Лобар дўкондан тўлиб-тошиб чиқди. Дугоналар телефон станциясига бориб, Зилоланинг отаси билан гаплашдилар. Шу кунёқ Зилоланинг отаси Лобарникига борадиган ва дўкондаги телефон рақамини берадиган бўлди.

– Узугинг бриллиантми? – ишонкирамай сўради Зилола.

– Ҳақиқий бриллиант.

– Маъруф ака ёлчитиб бирон нарса олиб беролмасди. Ҳозир аввалгидан ҳам хор бўлиб юрибди.

– Маъруф ҳалиям Москвадами? – Лобар, негадир, севиниб кетди.

– Ҳа, кетолмаяпти, шекилли. Ё пули йўқ, ё хотини қўймапти.

– Қанака хотини? У уйланганми?

– Билмадим, биттаси билан юради. Бирга яшаса керак. Истасанг кўришинг мумкин. Квартирамиздан узоқ бўлмаган бир ошхонада коса-товок ювади, пол тозалайди.

– Ўша хотиннинг миллати нима? Аввал ҳам фаррошлик қилармиди?

– Хотини рус. Лекин аввал ҳам, ҳозир ҳам нима иш қилишини билмайман. Ошхонада ишлайди деб эрингни айтаяпман, Лобар, собиқ эрингни.

Лобарнинг ичида қониқиш ҳисси пайдо бўлди. Унинг Москвада қиладиган навбатдаги иши Маъруфнинг кўзига тик қараш эди.

У Анна Сергеевникига хурсанд ҳолда қайтди. Уй соҳибаси

хушчакчаклик сабабини янги кийимлар деб ҳисоблади, либосларга караб мийиғида кулиб қўйди.

* * *

Эртасига Лобар дугонасининг ишхонасига қанот боғлаб учди. Бугун у ота-онаси билан гаплашади, уларнинг овозини эшитади. Ватандан, яқинларидан йироқда яшаш нақадар қийинлигини, ўтган ишларни инсон унута билиши ва ҳаётини қайта изга тушириши лозимлигини айтади.

Супермаркет ҳар доимгидай гавжум эди. Лобар Зилоланинг бўлмасида бир соатлар ўтирди. Телевизорда Чеченистондаги қўпоровчилик ҳаракати ва Россия кўшинларининг Грознийни эгаллаши ҳақида хабарлар берилди. Лобар Шомилни ўйлади. Балки ростдан ҳам уни террорчиларга алоқадорликда гумон қилишгандир. Агар "Шомил иши" шу тахлит тус олган бўлса, Лобарга ҳам, Анна Сергеевнага ҳам қийин кечади. Сирли дала ҳовлида яшаганлардан иккови тирик қолишган. Демак, икки аёл ҳақида қандайдир хабарлар тарқалиб бўлган. Балки шахсни аниқлаш ишлари олиб борилаётгандир, балки аниқлаб бўлиб, кузатиб юришгандир.

Лобар телевизор қаршисида ортик ўтиролмади. Юраги санчиб, ўрнидан турди, дўконни айланган киши бўлиб, ташкари чикди. Москва улкан аждаҳодек офтобда товланарди. Лобар чуқур-чуқур нафас олиб, ўриндикка ўтирди ва кўзларини юмди. Мусофирлик кечмишлари хайрли хотима топмайдигандек туюлиб, сесканиб тушди.

– Лоба-ар! – Ҳаяжонли чақирик эшитилди. – Лобар! Тез чоп, уйдагиларинг!

Лобар супермаркет телефонига қандай етиб борди, билмади. Ўпкаси оғзига тикилиб, кичкирди, йўк, кичкиришга ўхшаш ғалати нола эшитилди ўзига:

– А-й-й-а-а!..

– Лобаржон!.. – йиғларди онаси. – Лобар қизим... Болагинам... Тирикмисан? Худога шукр... Биз ҳам яхшимиз. Ўлсин, пул ўлсин! Тез қайт, болам. Зилоладан қарз олиб бўлсаям...

Лобарнинг кўз ёшлари шашкатор окди. Нима дейишни билмас эди. Онаси бунчалар интизор кутаётганини ўйлаб кўрмабди. Шу тобда қалбида ҳеч қандай гина-кудурат, иснод, гуноҳ ҳис қилмади. Соғинч ва армонга ўхшаш алам ўртарди уни.

Онаси тинмай гапирди. Ўша мудҳиш хабардан сўнг куда-анда, яъни

ака-сингил ўртасида катта жанжал бўлганини, Лобарнинг кўрпатўшаги-ю, буюмларини кўчага отишганини, Маъруфнинг отаси ичиб, машина тагида қолиб ўлганини, жанозасига бормаганини...

Лобар кўп гапиролмади. "Гуноҳим йўқ, – деди. – Кейинги эримдан катта пул мерос қолди, пулларни жўнатаман, Самарқанддан ҳовли олинг..."

Гўшакни қўйганида, терлаб кетган эди. "Илоҳим, мусофирчилик тугагани рост бўлсин", – деди ўзига ўзи.

Ўша куни Зилолаларникида меҳмон бўлиб қолди. Анна Сергеевна гўё ўйиндан чиққан жонсиз одамга айланганди. Лобар ундан руҳсат сўраб ҳам ўтирмади. Дугонасиникида қолаётганини телефондан айтди, ҳолос.

Аммо эрталаб қутилмаган воқеа юз берди. Лобар мезбонлар билан хайрлашиб, Анна Сергеевнаникига йўл олди. Димоғи чоғ эди. Биринчи эри – Маъруф ишлаётган ошхонага кирмоқчиям бўлди. Бироқ "Ҳали эрта, аввал пулларни жўнатиб олай", деган фикр уни тўхтатди... Анна Сергеевна эшикни очавермагач, Лобар қаттиқ-қаттиқ тақиллатди, товони билан тепди ҳам. Ташқарига чиққандир, деб ўйлади, лекин шубҳа-гумонлар бўрони ёпирилиб келди: у пулларни олиб, мамлакатнинг чекка бир шаҳарчасига жўнаворганимикан? Ахир, одати бор-ку...

Кўшнининг эшиги очилиб, найнов аёлнинг боши кўринди.

– Сиз Зина Леонидовнамисиз?

– Мен Лобарман, шу ерда, Анна Сергеевнаникида яшайман.

– Қирғизистондансиз, шундайми?

– Ҳечам-да, – Лобар эзма кўшнини жеркиб берди. – Кўрмаяпсизми, ўзбек эканлигимни!

– Бўпти ишондим. – дея кўшни аёл калит узатди. – Анна Сергеевна ташлаб кетди. Ўзбекистонлик Лобарга бер, деди. Ростдан ҳам Лобар эканлигингизни билиш учун синовчан саволлар бердим. Агарда Лобар бўлмаганингиздаям ҳеч нарса ўғирлаёлмас эдингиз, чунки уй бўм-бўш.

– Нега бўм-бўш бўлар экан? – Лобарнинг бошидан оёғига ча музлади.

– Анна Сергеевна кетди, – деди кўшни аёл оёғига шиппак илиб. – Энди у бу ерда яшамайди. Тўғриси, яшаёлмади, боякиш.

Лобар жон ҳолатда қулфга калит солди. Эшикни эмас, тобут қопқоғини очгандек бўлди. Ростдан ҳам уй бўм-бўш эди! Полда

кераксиз газета парчалари-ю, бутилкалар ётарди. Лобарнинг бўғчаларидан ҳам, пулларида ҳам ном-нишон колмаганди.

– Қаерга кетди? Қаерга кетди у?! – кичкирди Лобар.

– Мен қаёқдан билай? – найнов аёл кўзойнагни кўтариб кўйди. – Балки хат ташлаб кетгандир.

Лобар атрофга телбаларча аланг-жаланг бокди. Дарҳақиқат, дераза ойнасига бир парча қоғоз ёпишиб турарди. Лобар юлқиб олди-ю ўкиди: "Лобар, 12-озик-овкат дўконида мени кут".

– Ахмок! Бир оғиз айтса бўлмайдими?!

Хатда учрашув вақти ёзилмаганди. Лобар эшикни кулфлаб, кўчага отилди. Уйдан сал нарида озик-овкат дўкони жойлашган эди. Рақамига қаради: 12-дўкон. "Қачон келади? Қачонгача кутаман?.. Ишқилиб пулларимни берсин-да..." – хаёлидан кечирди Лобар.

Дўконда Анна Сергеевнанинг корасиям кўринмасди. Лобар йўлнинг нариги томонига ўтиб, бекат ўриндиғига ўтирди ва кўчани зимдан кузата бошлади. Ҳали замон Анна Сергеевна кўринса чопиб бориб ёқасидан тутадиган важоҳат бор эди.

Орадан бир соат ўтди. Дўконга одамлар кираяпти-чиқаяпти, аммо шум кампирдан дарак йўқ. Шунда Лобар дўкондорга эътибор қаратди. Анна Сергеевна унга нимадир тайинлаган бўлиши мумкин-ку. Шунинг учун учрашув вақтини ёзмагандир...

Лобар дўконга қайтиб кирди. Харидор савдо қилиб бўлгач, сотувчи унга саволомуз тикилди.

– Мен... – Лобар тутилиб қолди. – Мен... шу атрофда яшайман... Биласизми, қандай тушунтирсам экан... Шу ерда мени бир аёл кутиши керак эди. Мабодо сизга ҳеч нарса демаганми?

– Йўқ, ҳеч ким ҳеч нарса демади. Кечирасиз, ўша аёл мени танирмикан?

– Қайдам.

– Истасангиз кутиб ўтиринг. Тез орада келиб қолар.

Лобар эшик олдида кута бошлади. Ўтган-кетганларнинг барчаси нотаниш чехралар эди. Ярим соатдан сўнг Лобарнинг оёғи толиқди. Кун бўйи кутишга мажбурлигини тушуниб, руҳи баттар чўқди.

Дўкондаги телефон жиринглади. Сотувчи гўшакни кўтарди, бир зум тинглагач Лобарни чақирди:

– Сизни телефонга!..

Лобар гўшакни қулоғига шошиб тутди.

– Сюрприз деб ўйлама, жонгинам, – деди Анна Сергеевна. –

Ҳаммаси табиий. Такдир тақозоси!..

– Қаердасиз? – чўрт кесди Лобар, ҳозир унинг асаблари фалсафий гапларни кўтарадиган аҳволда эмасди.

– Албатта пулларингнинг ташвишини қилаяпсан. Бекатда сарғайиб ўтирганингни кўриб, пулини йўқотибди-да бечора, деб ўйладим.

– Ундай қилманг, Анна Сергеевна!

– Такси юборайми?

Анна Сергеевна гапани тугатар-тугатмас дўкон ёнига ғийкиллаб такси тўхтади. Лобар барчаси пухта уюштирилаётганини тушунди.

– Ўтир, – деди Анна Сергеевна гўшакдан.

Лобар бошқа чора тополмай такси сари юрди. Айни пайтда аллақайси бурчакдан киморлар маликаси кузатиб турганини ҳис қилди.

– Сизни ким юборди? – сўради таксичидан.

– Бир бойвачча хоним ёллади, – деди ҳайдовчи. – Ўзи дарров жўнаб қолди.

– Хўш, мени қаерга олиб боришни буюрди?

– Ҳеч қаерга. Шунчаки сайр қилдиришимни тайинлади.

– Ҳазилни ёмон кўраман.

– Мана, – таксичи бир сиким пулни кўрсатди, – шу пуллари тутқазди-да, хоҳлаганча сайр қилдирасан, деди. Ҳарқалай бу менинг ҳазилим эмас.

Лобарга ўйлаб олиш учун вақт керак эди. Анна Сергеевнанинг хатти-ҳаракатининг замирида нима ётибди, тушунмоқ лозим эди. Уни нотаниш манзилга шу усул билан ўғирлаб кетмоқчими?

Чорраҳадаги светофорга тўхтаган таксининг эшиги очилганида, Лобар чўчиб тушди ва Анна Сергеевнани таниб, кичкириб юбораёзди. Аёлнинг юзидан меҳр нури балкиб турарди.

– Қизил чироқ ёнгунча нариги йўлга ўтиб оламиз, юр, – деди у сирли овозда.

Лобар киморлар маликасининг ортидан эргашди. Таксичи эса: "Ўйинларингдан ўргилдим! Кўчанинг ўртасидаям тушадими!" – деб қолаверди. Анна Сергеевна яшил чироқ ёник кўчада кутаётган "Волга"га шошиб ўтирди, Лобар унинг ёнидан жой олди. "Волга" шиддат-ла олға интилиб, камқатнов кўчага қайирилди. Анна Сергеевна кулиб юборди.

– Нима деб ўйладинг, Лобар? Роса қайғургандирсан-а? Биламан, юртингга кетмоқчисан. Оқ йўл тилайман, Лобар, оқ йўл...

– Пулларим қаерда?
– Янги уйимдаги сейфимда.
– Нега ундай килдингиз, Анна Сергеевна? Одам деган бир оғиз айтади.

Анна Сергеевна орқага ўгирилиб, ҳеч қандай машина кузатиб келмаётганига ишонч ҳосил қилди. Сўнгра олдинга им қокди-да, деди:

– Уйга етайлик, гаплашамиз.

Шаҳар четидаги мўъжазгина ҳовли уларни кутиб турарди. Лобарга бошқа вақт бу уй жуда ёққан бўларди, аммо ҳозир кўнглига сиғмасди. Хавотир олганидек, пуллари яна йигирма минг долларга камайиб қолганди.

– Анна Сергеевна, сиз эсдан оғаяпсиз! – Лобарнинг кўзларида ёш ғилтиллади. – Шунча уйни бошингизга урасизми?! Кимингиз бор? Ким учун бу уйлар?! Москва марказида квартира, шаҳар четида ҳовли, у ёқда эса бир эмас, иккита дала ҳовли! Ахир, гўрингизга ортмоқлаб кетолмайсиз-ку!

Анна Сергеевнанинг ранги бўздай оқарди. Бирок бақириб-чакирмади, креслога чўқди-да, кулимсиради.

– Дала ҳовлилар Шомилники. Балерина Аннанинг квартираси эса сотилади. Энди у, яъни мен умрбод шу ҳовлидан чиқмайман. Қўркма пулларингни квартирамни сотганда бераман. Агар яна кичкирсанг, квартирамни минг долларга сотаман. Сенга беш юз, менга беш юз. Йиғлаворсанг кераг-а?!

– Сиз психиатрга кўринишингиз лозим, Анна Сергеевна.

– Шомилнинг дардида мияси суйилаяпти, деб ўйласанг, адашасан. Ҳатто, опера ҳам энди бир тийин. Билиб қўй, қачондир мен тентак бўлиб ўлсам, бошимга қарта етган бўлади. Оддий қарта ўйинлари эмас, "Қора қарта ракси!". Худди шу афсунгарона ўйинни билган чечен кампир ҳам охирида жинниликдан қазо қилган эди. Бошида сенга айтмаганимнинг боиси, ишонмагандим. Қара, мен секин-аста эсдан оғаяпман. Бундан чиқди, бир кун келиб сен ҳам шу касалликдан кетасан.

– Нафасингизни ел олсин! – Лобар шундай дея ўзининг янги хонасига кириб, эшигини қарсиллатиб ёпди.

* * *

Кейинги кунларда Лобар банкдан пул юбориш билан шуғулланди. Охири унинг қўлида икки минг доллар қолди, холос.

Зилола ва Тагмат ҳам ишдан бўшадилар. Москвадаги сўнгги кун эди. Зилола деди:

– Лобар, Маъруф акага учрашиб кетмайсанми?

– Хўп, учрашаман. Ҳеч бўлмаса бир бора тик қарашим керак-ку.

Иккови ошхонага йўл олишди. Кеч тушиб бормоқда эди. Ошхона стуллари тўнтариб қўйилган. Бир эркак пиёз арчимоқда, ювинди ҳиди анкимоқда эди. Зилола бурнини жийирди, Лобар эса эркакка тикилиб қолди. Соч-соқоли ўсган, юзига ажин тушган, бурни кизарган шу нусха, наҳотки, Маъруф бўлса?!

Пештахта ортидан барваста хўжайин бўй кўрсатиб келувчиларга хитоб қилади:

– Ошхона ёпик!

Кейин эса булар қанақа жувонлар экан деб синчков тикилиб турди. Маъруф ҳамон бошини кўтармасди.

– Бизга Маъруф ака керак эдилар, – деди Зилола.

– Маъруф? Ана, ўтирибди-ку, – дея ошхона хўжайини ичкарига кириб, кўздан йўқолди.

Пиёз арчиётган кишининг қўлидаги пиёз ярим арчилган ҳолда полга думалади. Маъруф айб иш қилиб қўйган боладек икки ҳамшаҳарига, ҳамшаҳар бўлганда ҳам аммасининг кизи – собик хотини Лобар ва унинг дугонаси Зилолага безрайиб қараб қолди. Нигоҳлар тўқнашди. Бу ўша кўзлар эди, аммо аввалги йилтиллашлар йўқ, мурданинг очик қолган кўзи каби жонсиз. Маъруф ҳам дастлаб таниёлмади. Оппоқ тўлишиб, хуснига хусн қўшилган. шоҳ қизларидек кийинган бойвачча хоним Лобарми?! Шундай хотинни киморга тикдим?..

Аммо Маъруфнинг миясига чакмоқ урди. Бу хотин кимлардан қолган?! Аллақандай фоҳишабоз бойваччанинг харом тўшагидан чиқиб, "рангим кирди, пулга, кийимга ёлчидим" деб нега кеккаяди? "Тўғри, мен киморга ютказдим, – деди Маъруф хаёлан. – Бу ишим гуноҳ. Бирок сенинг эндиги юришинг энг жирканч гуноҳ..."

– Маъруф ака, танидингизми? – гапиришга журъат этди Зилола.

– Нега танимай? – Маъруф пичоғини ташлаб, қўлини артди-да. сигарет тутатди. – Сен Зилоласан, манави эса... киморбозларнинг эрмаги.

– Қўйинг, Маъруф ака, Лобар унақа эмас. Сиз қаттиқ янглишаяпсиз...

– Туриши айтиб турибди-ю.

– Ҳаммасига ўзингиз айбдорсиз, Маъруф ака. Ўшанда дугонам ёнингизга пок-ҳалол бўлиб қайтган. Сиз эса фоҳиша деб кўчага қувгансиз. Шунчаликка борибсиз-а?!

Зилола уф тортиб юборди, тош ҳайкалга айланган Лобарга қараб кўйди.

– Лобар айтганда ишонмагандим, – деди ғазаб билан. – Ҳақиқатан номард экансиз. Қиморга ютқазиб, ўз хотинингизни бегона эркакларга бериб юбордингиз. Бунинг устига ижарадаги аёлнинг эри касалхонага тушишидан фойдаланиб, ўйнаш қилиб олдингиз, эсон-омон қайтган хотинингизга талоқ айтдингиз. Яна қанақа хиёнат ҳақида гапиряпсиз?!

– Бу... дугонанг ҳалиям пок юргандир? – ишшайди Маъруф.

– Бошқа эрга тегди, никоҳ ўқитди, албатта, пок-ҳалол! Лекин энди сизнинг хотинингиз эмас...

– Нега келдинглар?! – ўшқирди Маъруф.

– Биз эртага Ўзбекистонга қайтаяпмиз, бутунлай.

Маъруфнинг кўзлари пирпиради, сигаретини босиб-босиб чеккан эди, тугаб қолди. Негадир пештахта томонга қўрқа-писа қараб кўйди-да:

– Яхши боринглар, – деди овози қалтираб.

Дугоналар бурилиб кета бошлашди. Лобарнинг томоғига бир нима тикилиб келар, бахтини барбод қилган кимсадан нафратланганиданми, ачинганиданми, йиғлашни истарди. Шу пайт орқадан аянчга тўлиқ овоз эшитилди:

– Зилола, мен анчадан бери кетолмаяпман... пулим йўқ... Илтимос қарз бериб тур, йўл пули қиламан... Самарқандда қайтараман, ўлай агар... Менга ишонмасанг, дадам бор-ку, дадамдан...

Лобар сумкачасини очиб, тўртта юзталиқ долларни дугонасига узатди. Зилола Маъруфнинг отаси ўлганини эслаб:

– У билмайдими, дадаси вафот этган-ку? – деб пичирлади.

– Омонат гапни айтиб қўй, Зилол, – деди Лобар. – Савоб бўлади...

Ҳаял ўтмай ошхонадан эркак кишининг ўкириб йиғлаши эшитилди. Қўшни ошхонадагилар винодан қарзи кўпайган хизматқорни хотини келиб ураяптими ё хўжайинми, дея баҳслаша бошлашди...

Кечаси Лобар Анна Сергеевна билан ҳам хайрлашди. Самолётга кечикмаслик учун йўл тарадудини бошлаганида Анна Сергеевна уйғониб, маҳзун тикилиб ўтирарди. Ниҳоят, ҳамма буюмлар

йиғиштирилгач, бир дақиқа сукут сақлашди, сўнг кучоклашдилар. Иккови ҳам йиғлади.

– Қариндош-уруғларни шунчалик соғинганмисан? – сўради Анна Сергеевна.

– Таърифлашга тил ожиз.

– Нега?.. Нега бировларни соғинасан-а? – куюнди уй соҳибаси.

– Ватанни соғинмай яшаб бўладими?! – деди Лобар ва оғир сумкаларини кўтарди.

Такси аэропортга келди. Лобар хотиржам кўринса-да, худодан омонлик тилаб илтижо қилиб борарди. Самолётга чиқиш, эсон-омон ҳавога кўтарилиш кейинги вақтларда тушларига ҳам кирарди.

Зилола ва Тагмат ҳам катта сумкалар билан келиб қолишди. Кўп ўтмай самолётга чиқиш бошланди. Лобарнинг юраги гуп-гуп урар, оёқда зўрға турар эди. Ҳозир ёки милиционерлар "биз билан юришингизга тўғри келади", деб қолса, Лобар ҳушидан кетиши аниқ эди.

– Сенга нима бўлди, Лобар? – дея Зилола хавотирга тушди.

Лобар самолётга чиқиб бўлишганини англаб:

– Биз самолётдамизми? – деди. – Наҳотки, ҳозир учсак?! Ўзбекистонга, Тошкентга...

Самолётга жон кирди. У учиш йўлакчаси бўйлаб илдамлади. Сўнгра тезлиги ошди ва... Москва Лобар билан хайрлашди.

У юклари орасига Анна Сергеевна хат солиб қўйганини ҳали билмасди. Мактуб қуйидагича эди: "Лобар, шуни билки, Шомил тирик. Мен ишонаман! У бизни хавфли ўйиндан чиқариш учун атайин ташлаб кетган. Шу боис пулларига тегинмаган эдим. Сен эса у ёққа сочдинг бу ёққа сочдинг, бир юз йигирма минг долларни йўқ қилдинг. Эртага пулларини сўраса, топиб бероласанми? Шомил хиёнаткорларни қандай жазолашини биласан. Бир кун келиб пешонангдан отмаса деб қўрқаман!".

* * *

Тошкент аэропортида Лобарни ҳеч ким кутиб олмади. Зилола ва Тагматларни яқинлари қуршовида кўриб, у ичдан зил кетди. Ҳар ҳолда хўрликларнинг бошланиши шу бўлса керак, деб хаёлидан ўтказди. Аммо тоға, жиян, амакилари фоҳишасан, дея тош-бўрон қилмаслигининг ўзиям бир бахт эди унга.

Тагматнинг дадаси буюртма қилган микроавтобусда жой бўлишига

карамай, Лобар уларнинг таклифини рад этди. Эркаклар зимдан қараб қўяётгандай туюлди. Зилолага кўрсатилаётган ҳурмат-иззат ҳам Лобарнинг кўксини аламли жизиллатарди. Шу тобда "мен юборган пулларга онам маҳалладан уй олганмикан? Пулларим нима бўлди экан?" деб ўйлаб қолди.

Аэропортдан бир йўла Самарқандгача боришини айтганда, таксичи иккиланди. Лобар унинг қўлига юз доллар тутқазиб, амр қилди:

– Ҳайданг машинангизни, ортиқча вақтим йўқ.

Шундан сўнг Лобарнинг юрак ҳовури бир оз босилди. Тошкентдан Самарқандгача ҳаёллар қуршовида келди. Аслида, у ҳаёлпараст эмасди. Охирги пайтлари ҳаётнинг ўзи ўйлашга мажбур этаётганди...

Мана, онаси! Ўзгармаган... Дадаси! У кўзларини олиб қочаяпти, истар-истамай гапиряпти. Кейин кариндошлар келишди. Қиз-жувонлар ҳол-аҳвол сўрашиб, гап авзойи Маъруфга ва Лобарнинг иккинчи турмушига бурилгач, дадаси ичкари уйга кириб кетди.

Ҳамма Маъруфни ёмонларди. Пиёниста бўлиб қолганини, рус хотин бошида ёнғоқ чақаётганини эшитиб, баттар бўлсин деб вағир-вуғур кўтаришарди Лобарнинг долларлари, кийим-кечаги, айникса, бриллиант узуги баъзиларнинг ҳушини учирди.

– Энди нима қиласан? Уй оласанми?

– Машина оласан-да!.. – кабилидаги гаплар кўчагача эшитиларди.

Лобар оркаваротдан ифво қилишганини, нафратланишганини эшитиб юрди-юрди-ю, ахийри барчасига қўл силтади. "Ит хулар, қарвон ўтар, – деди ўзига-ўзи. – Шуларга асабийлашиб, эрта қариб, касал бўлайми? Ҳечам-да. Бир марта бериладиган ҳаётнинг гаштини мен ҳам сурай-да энди".

Шундан кейин у ҳайдовчиликка ўкиди. Энг биринчи чиққан "Тико"лардан бирини олди. Шаҳарнинг бошқа четидан ҳовли харид қилиб, буздириб ташлади-да, янги иморат курдирди. Ярим йилдан сўнг Лобар уйи ва машинаси бор, гўзал ва ёш жувон сифатида тилларга тушди. Қўлини сўраб келувчи эркакларнинг қадами узилмасди. Лобар бирортасига рози бўлмай ўзига ўхшаш дугоналари билан ялло қилиб юраверди. Бирон эркакдан совчи келса, ота-онаси кийин-қистовга олишарди, бир неча кун кўчага чиқармай қўйишарди. Бироқ Лобарни аввалгидек бўйсундириб бўлмади. "Бузуқчилик қилаяпманми?! – деб гап қайтарарди у. – Нима бўлсам, ўзларинг мажбуран берган ўша итнинг касофатига бўлди! Яна шунақа бўлсин деяписизларми? Йўқ, энди мен эрсиз ўтаман...".

Россиядан жўнатилган долларларнинг охири кўриниб қолгач, Лобар тайинли бир ишнинг бошини тутиш кераклигини тушунди. Ўша пайтлари Тошкентдаги "Отчопар" бозоридан буюм олиб келиш урфга кирган эди. Лобар шаҳар буюм бозоридан дўкон сотиб олди ва Тошкентдан мол келтира бошлади. Сотувчиликка бир аёлни таклиф қилди.

Лобарнинг янги иши ҳам омадли келди: унинг пули яна кўпая бошлади.

– Сен балосан, – деди бир куни Зилола. – Бу кетишингда ойига икки-уч минг доллар ишлаб кўясан. Россияга, Туркияга бориб ишлашга ҳожат қолмайди.

– Э, доллариям курсин, – дея Лобар юракдан ўқинди. – Бир кун келиб ҳаммасига қаллам билан жавоб бермасам гўрга эди.

– Ахир, жиноий иш қилаётганинг йўқ-ку.

– Жиноятни қилиб бўлганман, Зилол. Москвада иккинчи эримни ўлдириб кетишган дегандим. Бироқ унинг ўлганига шубҳам пайдо бўлаяпти. Ўша фожиали кунда дала ҳовлида кинолардагидек отишма бўлган. Сўнг портлаш юз берган, ёнғин чиққан. Ўлганлар орасида фақат бир мурданинг шахсини аниқлаёлмаганлар. Мен билан она-бола тутинган Анна Сергеевна аввалига қуйиб кетган мурда Шомил деб жуда қайғурди, кейинчалик ўз-ўзидан умид пайдо бўлди ва "Шомил тирик, кўнглим сезаяпти" деб алжирай бошлади. Шомил акани жуда яхши биламан. Абжир, ақлли, жуда устамон киши. Шундай инсон, наҳотки, ўзининг тириклиги ҳақида маълумот беролмайди? Нега у мени ташлаб қочади? Шуларни ўйлаб, у ўлган деган катъий қарорга келдим. Ҳеч кимга айтмасанг, яна бир сирни очаман. Бу сирни эшитсанг Шомил аканинг ўлганига сен ҳам ишонасан. Фожиадан сўнг мен дала ҳовлига бориб, пол тагидан доллар тўлдирилган дипломатни чиқариб олдим. Хоҳ ишон, хоҳ ишонма, унинг ичида бир юз йигирма минг доллар бор эди.

Гап шу ерга етганда, Зилоланинг кўзлари олайиб кетди ва:

– Бир юз йигирма минг доллар?!! – деб қичкириб юбораёзди.

– Ҳа, мен шу кунгача Шомил аканинг бойлигини деярли совуриб бўлдим. Москвада сал кам эллик минг доллар йўқ бўлиб кетди. Ҳовли, усталар ҳақи, машина, дўкон, рўзғор – буларнинг бари қолган маблағни ҳам тамом қилди. Ўз-ўзидан кўзим ярқ этиб очилди. "Мабодо Шомил ака тирик бўлса, пулларини сўраб келса нима қиламан?" – дея ўзимга ҳеч савол бермабман. Анна Сергеевнанинг

гаплари ҳақиқатга айланадими, деб кўрқаяпман. Бунинг устига у Россиядан қайтишимда сумкамга хат солиб юборибди. Мудҳиш хатни оловга ташладим, аммо кўнглимнинг қоронғи бир бурчагида лоп этиб шубҳа-гумон олови пайдо бўлди. Қисматимдан нолирдим, кўрганларим ҳали ҳолва бўлиб қолишини тасаввур қилсам, даҳшатга тушаман. кечалари уйғониб кетаман. "Бир юз йигирма минг долларни сен олдингми, жойигаям сен қўясан!" – деган фармонни қачонлардир эшитадигандек бўлиб юрибман.

– Меңимча, ўша Шомилнинг ўлгани рост. Агар Россиядан ёки Чеченистондан биронтаси келиб пулни сўраса, тан олмайсан. Табиийки, милицияга айтолмайди, прокуратурага арз қилолмайди.

– Ҳамма гап шунда-да, – деди Лобар қуюниб. – Бизнинг масаламизни милиция ва прокуратура ҳал қилмайди. Пуллар чечен мафиясига тегишли эди. Мен дипломатии жойига қўймасам, уларнинг ҳаёлига орган одамлари эмас, овози чикмайдиган тўппонча ушлаган қотил келади. Ҳеч бўлмаганда, бирон муюлишда "Тико"нинг устига "КамАЗ" ҳайдаб юборишади.

– Нафасингни иссиқ қилсанг-чи, дугон, – Зилола унинг елкасидан қучди. – У ҳали тирикми, йўқми? Тирик бўлса, балки ёнингга келиб яшар. Ахир, мафиячи бўлсаям эринг-ку.

– Йўқ, ундан кўнглим совиди. Қўрқаман энди.

– Менга қара, Лобар, жа камбағал эмассан-ку! Савдонг авж олса, анча-мунча тўплаб қўясан. Машинангни, ҳовлингни сотасан. Сендаям тил бор. Анна Сергеевна қўярда-қўймай бир қисмини олиб қўйганини айтасан... Эҳ, у сал кам ярмини олган-а!

– Зилол, ёмонларни билмайсан, уларнинг даврасида бўлмагансан. Дипломатни олганимнинг ўзиёқ мени ўлим жазосига маҳкум этишлари учун етарли. Раҳм-шафқат қилсалар, пулни жойига қўйишим учун муҳлат беришади, ҳолос.

– Ишкилиб, сўрамай-нетмай ўлдириб кетишмас экан-ку, – деди Зилола.

– Сўраб ўлдиради, нима-ю сўрамай ўлдирди нима?!

– Э, қўй шуларни! Ундан кўра юр, сени ошга олиб бораман.

– Йўқ, зиёфат мендан, – Лобар машинаси қалиғини чиқарди.

Икки дугона "Тико"да ошга боришди. Қўшни столни икки эркак банд қилган эди. Лобарга уларнинг бири иссиқ кўринди.

* * *

Лобарга у икки сабаб билан таниш кўриниши мумкин эди. Биринчидан, худди шундай одамни Россиядаги тахликали кунларда тушида кўрган (бу одам гинеколог хузурига чакалок кўтариб кирган, камбағал тоифадан бўлса-да, кориндор киши эди); иккинчидан, "Отчопар" бозорида кўзи тушган. Бирок ҳозиргидек рўпарадаги студда ўтирмагани боис муттасир этмаган...

Эркак бошини кимиралатиб саломлашгандай бўлди. Ош еб бўлингач, кўчага чиқилди. Ҳақиқатан, ҳалиги эркаклар бой эмас экан. Бекатгача бориш ҳақида бош қотира бошлашди.

– Синглим, бекат томон юрасизми? Илтимос, бизни ташлаб ўтинг.

Лобар розилик билдирди. Эркаклар орка ўриндикка ўтиришиб, хижолатомуз сўзладилар:

– Қорин тўйгандан кейин пиёда юришга қийналасан киши. Узр-да, сизларниям безовта қилдик.

– Куёвлар кўриб қолмасин энди!

Зилола деди:

– Кўрса сиз жавоб берасиз, амаки. Чунки илтимос қилган ҳам сиз.

– Худога тўғримиз-ку, синглим. Бу дейман, куёв жуда рашкчими?

– Сўраманг.

– Ҳа, мусулмон йигитда рашк бўлиши керак, – деди эркак фахр билан. Сўнг Лобарга қаради. – Синглим, айбга буюрмайсиз, сизни танидим.

– Меними? Ҳўш, ким эканман? – деди Лобар ўзини хотиржам тутиб.

– Исмингизни билмайман-у, лекин Тошкентга тез-тез бориб турасиз. Буюм билан шуғулланасиз. Дўконингиз бор. Кўпрок, Жўрканинг автобусини "заказ" қиласиз.

– Танир экансиз, – жилмайди Лобар. – Ўзимизнинг бозорчилар билан Жўрка аканинг автобусида бориб келаман. Сиз ҳам "Отчопар"дан нарса олиб келасиз, шекилли?

– Маҳаллада кичикрок дўкончам бор. Шуни юргизиб турибман. Кўпрок микроавтобусда бораман. Бир инсофли йигитга қўшниман, автобус нархини олади. Агар хоҳласангиз "состав"имизга қўшилишингиз мумкин. Менимча, сизга микроавтобус қулай, нима дедингиз?

– Кўрамиз, – мужмал жавоб берди Лобар.

– Мана телефон рақамим, – эркак машинадан тушаётиб, қоғоз тутди. – Исмин Абдулла, муаллимчиликдан ҳам озроқ хабардорман.

– Савдогар бўп кетдим денг, ҳўп, майли... – деб Лобар эркаклар билан самимий хайрлашди.

Ўша кундан сўнг негадир Абдулла акани ўйлайдиган бўлди. Танимасидан неча ойлар аввал тушига чакалок кўтариб кирган бу одамнинг бирор каромати йўқмикан?

Навбатдаги савдо сафарида Абдулла ака қуюқ сўрашди. Юкларини автобусга чиқаришиб қўйди, ўзларининг микроавтобуси қулайлигини бот-бот уқтирди...

Қайсидир куни у Лобарнинг дўконига кириб, газлама тўпламларини санаётган гўзалга дуч келди.

– Танимабман, – деди Абдулла ака, – жуда ўзгариб кетибсиз.

Лобар бир ҳафтадан буён гўзаллик салонига қатнаётган эди. Натижасини Абдулла аканинг оғзидан эшитиб юракдан севинди. Иккови дўкон ичкарасида анча ўтириб қолишди. Нимқоронғи гўшадан чиқишга шошилмаётганлари ўзларигагина маълум эди. Абдулла ака ўтли нигоҳларини узмасдан гапирар, Лобар эса атайин уялибгина қараб-қараб қўярди.

Абдулла ака оддий ўқитувчидан чиққан майда савдогар эди. Онда-сонда ичиб, маишат суриб турар, гоҳо кимор ҳам ўйнарди. Шу тобда у қаршисида киморлар маликаси Анна Сергеевнанинг шогирди, Ўрта Осиёда тенги йўқ киморбоз аёл ўтирганлигини хаёлига кам келтирмай, деди:

– Қартадаги "дама"га ўхшар экансиз.

Лобар ғалати бўлиб кетди. У қартани эслатганларни ёмон кўрарди.

– Абдулла ака, – деди шунда ҳам хиёл кулимсираб. – Бугун атир сепиб, посон бўлиб олибсиз. Янгам хидингиздан ахтариб келиб қолмасин.

– Астаффурулло, ростдан ҳам шунақа бўлса борми, ҳамманинг юраги ёриларди.

– Нега?

– У ўлган, – деди Абдулла ака дўпписини олиб ўйнар экан, – мазордап чиқиб келган одамдан ҳамма кўркади-да, ахир.

– Ҳе... ҳазилингиз курсин. Марҳумни шундай гапирадими одам.

– Қисқаси, – тиззасига шাপатилади Абдулла ака, – шанба куни Тошкентга кетамиз. Мехмонхонанинг зўрлари бор. Микроавтобус эса якшанба куни ўнларда бозорда бўлади. Розимисиз? Тошкентга фақат бозор учун борилмайди-ку. Мундоқ айланишимиз ҳам керак, шундайми?

– Қаерларни айлантирасиз?

Абдулла аканинг юзидан тер қўйилмоқда эди. Дастрўмоли билан артар экан, кўзлари чакнаб:

– Ҳамма жойни, ҳамма жойни, – деб такрорлади.

Лобар нега йигирма беш ёш катта одамга розилик билдирганига ўзи хайрон эди. Абдулла акани яқиндан билгиси келарди. Шунинг учун йўлга чиқишдан аввал ўзига яна оро берди, баттар ёш кўрсатадиган енгсиз калта кўйлагини кийди. Кўзида қора кўзойнак, елкасида бежиримгина сумкача... Кўрганлар "анави қизни отаси ўқишга олиб келибди", деб ўйларди.

Тошкентнинг диққатга сазовор гўшаларини айланишган бўлишди. Абдулла аканинг чарчаб қолгани нафас олишидан ҳам сезиларди.

– Ресторанга борайлик, – деди у.

Такси уларни ресторандан ўн кадам нарига туширди. Абдулла ака кўп қаватли уй сари бошларкан, "аввал сумкаларимизни қўйиб чиқайлик", деди.

Квартира эшигини кўҳликкина аёл очди.

– Э, келдингизми? – дея қўл етар жойда турган калитни олиб узатди.

Абдулла ака зинанинг чап томонидаги эшикни очиб, Лобарни таклиф этди. Шинам безатилган икки хонали уй ошик-маъшуқаларга мунтазир эди.

– Калитни эски танишлардек олдингиз, – дея Лобар диванга ўтирди, – мабодо у киши яқинингиз эмасми?

Абдулла ака беихтиёр Лобарнинг очик тиззаларига қараб ютиниб қўйди-да:

– Йўғ-э, унинг бинойидай эри бор, – деди. – Мен шунчаки бозорда танишиб қолганман. Квартирадан ёрдам қиламан деган.

– Аввалдан ёрдам қилиб келаётганга ўхшайди.

– Худо сакласин, Лобар, мени шунчалик ёмон деб ўйлайсизми?

Иккови қулишдилар. Сўнг Абдулла ака Лобарнинг ёнига ўтирди ва қўлини секин елкасига ташлади.

– Мени тушунинг, Лобар, сизни яхши кўриб қолганман.

– Нима бўпти? – оёқларини қалиштирди Лобар.

– Бирга яшайлик... Болаларим умуман безовта қилмайди. Икки қизимни турмушга чиқарганман, бир ўғлимни уйлантирдим, кенжам эса армиядан келиб, ишлаб юрибди. Ўзини ўзи эплаб кетган.

– Вой-бў, шу гапни айтиш учун Тошкентга олиб келдингизми?

– Розилигингиз керак, – Абдулла ака иккинчи қўлини жувоннинг белига юборди.

Лобар сапчиб турди.

– Сиздан кутмагандим! Мени енгилтак аёл деб ўйлашингизни билганимда...

– Лобар, розилик сўраяпман, холос.

– Сиз билан бу ерда тунаб қолмайман, ниятингиз ёмон экан.

– Бўпти, ўзимга бошқа жой топаман. Лекин ҳозир бир оз дам олиб, ресторанга тушамиз. – Лобар ётоқхонага кириб, боқладим дегандек "ес, ес" деб қилиқ қилди-да, кўзгу қаршисига ўтирди. Яна нимадир ўйлаб топиш ҳақида бош қотирди. "Семиз одам, тагин қон босими ошиб кетмасин", дея ташвиш ҳам чекди...

Ресторан олдида машиналар анча кўпайиб қолганди. Улар бурчакдаги столни банд этишди. Ширин вино буюришди. Икки хил овқат еб, тўрт соатлар, чамаси, ўтиришди. Абдулла ака бўкиб қолган одамдек ҳарсиллаб нафас оларди.

– Кетдик, – деди Лобар.

Зинадан юқорига кўтарилишаётганда, Абдулла ака юз бериши мумкин бўлган ҳолатнинг олдини олиб сўзлади:

– Энди, гап бундай. Квартира икки хонали. Демак, иккимизга ям етади.

– Ҳурматингизни билинг-да, Абдулла ака, – деди Лобар жўрттага.

Собиқ ўқитувчи жавобан нимадир деб бўлдиради, аммо Лобар тушунмади. Ҳар ким ўз ётоғига кириб, тўшагига чўзилди. Вино таъсирида Лобарнинг боши гувилларди.

Бир вақт эшик тақиллади. Лобар чирокни ёкиб, ички кўйлақда эшик очди.

– Қизиқ экансиз, – деди Абдулла ака. – Мен билан Тошкентга келиб, бир сутка ёнимда юришга рози бўласиз-у, лекин...

– Нима лекин?

Абдулла ака ошқора баҳона тўкиди:

– Сигаретим қолибди, олсам бўладими?

Абдулла ака чирок тугмачасини босиб ўчирди. Лобар кичкиришни ҳам, ялинишни ҳам, билмасди. Қап-катта одамнинг эсини йўқотиб қўйиши қизиқ эди унга.

* * *

Тошкентдан қайтгач, Абдулла ака совчи юборди. Ҳафта охирида Лобарни янги хонадонга узатиб кетишди. Бироқ, кўп ўтмай, эр-хотин бошқа уйга, Лобарникига кўчиб ўтишди ва савдо ишларини ривожлантириб юборишди.

Таниган-билганлар борки, Лобардан бесўнақай эркакка турмушга чиққанининг сабабини сўрашарди. Тайинли жавоб олишмагач,

ўзларича турли тахминлар тўқишар, гап-сўзларни урчитишарди. Ойлар мисоли поезд вагонларидек шиддат билан ўтиб борар, Лобарнинг фарзанд кўриш орзулари тобора армон манзилига яқинлашарди. Шифокор кўригидан ўтгач, даволанса бўйида бўлиши мумкинлигини айтишди, лекин ҳеч фойдаси сезилмади. Лобар бепуштлик балоси тақдир эканлигига ишонч ҳосил қилди. Тушида кўрган одам Абдулла ака эканига ҳам шубҳа қила бошлади. Унда ким эди у? Нахотки, тўртинчи эр... Йўқ, Лобар шундоқ ҳам учинчи бор эрга текканига эзилар эди. Маъруф, Шомил, Абдулла ака... "Пешонам курсин, – дерди баъзан, – Абдулла ака ўн-ўн беш йилдан сўнг қарий бошлайди. Унга бир нарса бўлса, мен ўттиз-ўттиз беш ёшларда бева қоламанми? Бефарзандман, яна турмуш қуришимга тўғри келадами?"

Абдулла ака ёмон одам эмасди. Бироқ хотинбозлик одати қўзиб турарди. Кимларнингдир хотинини, ўйнашларини, Европа исловатхоналарини гапириб қоларди. Фарзандлари онда-сонда хабар олишар, ўзлари тенги ўғай оналари билан ўртада гап қочмаган бўлса-да, ҳеч қандай илик муносабат йўқ эди. Лобар ҳаммасини тушунарди: ёш, гўзал, бойвачча хоним, албатта, шўрлик оналарига ўхшамасди-да.

Куз кунларининг бирида Абдулла ака кўчадан маст холда кириб келди.

– Хотин, ҳўв хотин, – чақирди сўрига суянар экан. – Бу ёққа кел, сенда гапим бор.

Лобар эрига ғазаб билан яқинлашди. "Менинг орқамдан одам бўлдинг, – деган гапни ўйлади. – Ярим ставка ишлайдиган муаллим, халта кўтариб юрадиган савдогар эдинг. Энди ҳашаматли уйинг, машинанг, дўконларинг бор. Истаган кишингга ўдағайлайсан-да, а?! Билиб қўй, умрбод сендан паст кетмайман!"

– Ҳа, эшитаман, – қўлини кўксига чалиштирди Лобар.

– Фақат тўғрисини айт, – бармоғини нукди эри, – Россияга борганингда юз минг доллар ўғирлаб келганинг, пулнинг эгалари халигача сени ахтараётгани ростми?

Лобарнинг кўзидан ўт чиқиб, юраги санчди.

– Ким?... Ким айтди?..

– Айтади-да. Ўғирлик қиласан-у, одамлар билмайдими?!

– Ўғри эмасман, Абдулла ака, менинг ўша пулларда ҳаққим бор эди...

– Рост экан. – Абдулла ака сўрига беҳол ўтириб қолди. Лобар тезда эрининг пинжига суқилди.

– Юрагимни ёрманг, юз минг долларнинг эгалари мени ахтаришаётганини ким айтди? Гапирсангиз-чи!

– Эшитдим.

– Кимдан? – Эрининг елкасига муштлади Лобар. – Чўчкадек ичиб олиб, нега кўркитасиз одамни? Худо кўрсатмасин, пулнинг эгалари рўстдан ҳам мени ахтариб юришган бўлса, нима бўлади, биласизми? Сизниям, мениям сўйиб, уйимизга ўт қўйиб кетишади. Юз минг эмас, бир юз йигирма минг долларни қаердан топиб бераман?!

– Шунинг учун менга тегиб олдинг! – қутилмаганда Абдулла ака вазоҳатли киёфага кирди. – Айтдим-а, ёшгина нарсa дарров рози бўла қолди деб! Лаънати чеченлар пулни сўраб келишса, энди тўлай оласан! Ўзингникига қўшиб, менинг пулларим-у, дўконимни қарзингга сарфласанг тамом, юз мингга яқинлашади. Қолганини савдогарлардан қарз-ҳавола қиласан, шундайми? Кейин Абдулла гўрга киргунча қарзларингни тўлайди. Битта-яримтаси қолиб кетса, гўримни очиб ҳам сўрашдан тоймайди ўша баччағарларинг.

Лобарга эрининг гапи "Шомил тирик, у пулини сўраяпти" дегандек таъсир қилган эди. Шу боис қалтироғини анча вақт босолмай, юрагини чангаллаб ўтирди. Кечаси эри ўзи билан, Лобар ўз ҳолига андармон бўлиб ётди. Эрталаб шифокор ҳузурига борди.

– Кўп асабийлашасизми? – сўради шифокор барча текширувлардан сўнг.

– Йўқ, фақат кеча жудаям сиқилдим.

– Кўнглингиз айнаидими?

– Лоҳас бўлдим...

– Ўтиб кетади, – деди шифокор Лобарнинг қоғозларини текшириб.

– Асабни асранг, болага таъсир ўтказиб қўясиз.

– Нима? – Лобарнинг эти жимирлаб кетди. Нотўғри эшитдимми, дегандек қайта сўради: – Нимага таъсир... дейсиз?

Шу пайт ҳамшира кириб, узр сўради-да:

– Беморни гинекологияга юборайми? – деди.

– Ҳа, – шифокор қоғозларни узатди, – қолганини ўша ёқда текширишади.

– Кечирасиз... – Лобарнинг овози титраб чиқди. – Бола ҳақида гапирдингизми?

Шифокор ҳайрон бўлиб қаради.

– Ҳомиладор эканлигингизни билмасмидингиз?
– Мен... мен ҳомиладорманми?!
– Ҳа, мана натижалари. Сизни табриклаш керак экан-ку.
– Биринчи фарзандингиз-а, адашмасам... – жилмайди ҳамшира ҳам.

Лобар шифохонадан гўё тумандек енгил сузиб чикди. Боладан бошқа ҳеч нарса кўринмасди кўзига. Овозини баралла қўйиб қўшиқ айтгиси, рақсга тушгиси, учраган ҳар бир инсонга яхшилик қилгиси келарди. "Мана, ҳаммаси бўлар экан-ку, – дерди у чуқур-чуқур нафас олиб. – Тушим ўнг келди-я! Ё Оллоҳ кўрган барча азобларим энди бир пул. Мен ҳомиладорман... Болам бор менинг!..".

Лобар машинаси турган жойга эмас, пиёдалар йўлакчаси томон кетаётганини англаб, кулиб қўйди-да:

– Болажоним аянгни бунча ҳаяжонлантирма, – деди жинниларча қорнини сийпаб.

"Тико"ни тўғри ота уйига ҳайдади. Онаси тузланган бодрингни банкаларга ёпмоқда эди.

Қизини кучок очиб кутиб олди.

– Узр, ая, курук келаяпман, – деди Лобар.

– Вой атаганинг бўлса бошқа вақт берарсан, – деб онаси сўрига бошлади. – Қишнинг ғамини емасам, қийналиб қоламиз, болам, сенга ўхшаб бой бўлмасак.

– Ортикча пули ачиб ётибди, деган гапларни маҳалланинг қулоғига сиз қуймаяпсизми, ая? Тунов куни бир эмас, икки киши пул сўраб борди. Ноилож, биттасига бердим. Анави киши... Оти нимайди? Сизнинг узок тоғаларингиздан...

– Кеча тўй қилди у... Лекин барча аёллар сени макташди. Тўйга борганинга мендан ҳам тўрга ўтказишворарди.

– Аёллар нега макташади? – Лобар хурсанд эмасми, янада ҳаволаниб кетди.

– Юриш-туришингга ҳавас қилишади-да. Ейиш-ичиши зўр экан, тўлишибди, дейди. Эрини қўлга олволган, дейди. Айтгандай маҳалла аёлларидан кимни кўрсанг, машинангда элтиб қўяркансан.

– Э, битта ғийбатчиларингизни овсинлари билан жанозага ташлаб ўтгандим. Россияда юрган кезларим орқамдан гапирмаган гапи қолмаган, ифлоснинг. Бир кўзини ўйиб деб миндирдим-да, ая.

– Боғлабсан, қизим.

– Маъруфга ўхшаганларнинг мингтасини бир тийинга ҳам олмайман десам, оғзи очилиб қолди.

– Айтгандай, Маъруф келди, эшитдингми? Пиёниста бўп копти, карзга ботибди, касалманд ҳам эмиш.

– Булар кам унга. Россияга олиб бориб киморга тикиш канакалигини кўрсатиб кўяман ҳали.

– Кўй энди, ўтган ишга саловат.

– Ая, худо менга ҳар томондан берапти. Айнан ҳозир қаердан келаяпман, топинг-чи?

Онаси елка қисиб, қизига мутеларча боқди.

– Гинекологиядан келаяпман. Юзимга каранг, доғ туша бошлабдими?

– Ўргилай сендан, бўйингда борми?

Она-боланинг қувончи чексиз эди...

Орадан саккиз ой ўтиб, Лобар туғуруқхонага тушди. Интизор кутилган фарзанд дунёга келди. Ўғил эди! Унга Парвиз деб исм қўйишди.

* * *

Умр оқар сув деб шуни айтсалар керак. Кечагина Парвиз чакалок эди. Бугун эса беш ёшда. Ўғай опаларини-ю акаларини деярли кўрмайди. Ота-онаси савдо орқасидан янада бойиган. Энди Лобар Тошкентга катнамайди, дўконларига бориб келади, холос.

Абдулла акани бир вақтлар мактаб ўқитувчиси бўлган деса ишониш қийин. Ёши ўтган сайин ёшларга хос одатларни касб этган. Ёзувли қўйлак, калта шим, қора кўзойнак, икки ёни олинган соч... У "Нексия"дан саланглаб тушади, қаддини ғоз тутиб бостириб келаверади. Бир қўлида калит, иккинчисида телефон. Тўйларда сигарет тутунини пуркаб, ўйинчи қизлардан кўз узмай ўтиради. Беш юзталик, мингтапик сўмларни аямай қистиради.

Бир куни Лобар унинг чўнтагидан бир кути қарта топиб олди. Синчиклаб қаради: икки-уч қўл ўйналган, махсус белгичалар қўйилган. Анна Сергеевнадан олган сабоқларини синаш учун картани чийлади. Етти йилда қўли анча чиқиб қолибди. Хаёлий ракибларга қарта тарқатди. Ўзига уч туз, бошқаларга турли зотлар тушди. Бирок бу кўнгилдагидек эмас эди. Лобар қайтадан чийлади, ҳавога қориб-қориб аралаштирди, "гармон" ҳам чалди. Ниҳоят, ақл-хушни ўғирловчи қарталар ҳар бир ракибга тарқатилди. Қиморбозлар

бундай қўлларга ҳамёндаги борини тикишга рози бўлади...

– Тўхта! – ўзига гапирди Лобар. – Қарталар Абдулла аканинг чўнтагида нима қилиб юрибди? Маишатпараст бўлиб қолганини биламан. Нахотки, киморбозларга қўшилган бўлса?!

Лобар ухлаб ётган эрини силтаб уйғотди-да, қарталарни тумшугига тақади.

– Нима бу, Абдулла ака? Тушунтириб беринг!

– Дунёни ўт олибдими дебман-а, туф-туф...

– Гапни айланторманг. Нима бу деяпман?! – Лобар қарталарни сочиб юборди.

– Эрталабдан мияни кокасан. Кўрмаяпсанми, карта-ку. Оддий карта.

– Карта ўйнайдиган бўлиб қолдим денг!

– Нима қилибди, бўш вақтларимизда эрмак учун ташлашамиз.

– Ёлғон! Эрмак учун ўйналадиган қарталарга махсус белгичалар қўйилмайди. Пул деганда қасам ичиб тўймайдиган, фирромликни одат қилган мараз киморбозларгина белгилардан фойдаланишади.

Абдулла аканинг уйқуси очилиб кетди. Ўрнидан туриб, қоринини қашлади.

– Зўрсан-ку, хотин. Қартани мендан яхши ўйнайсан, шекилли.

Лобар кулишни ҳам, йиғлашни ҳам билмасди. Шу одам ўзини карта ўйинчиси ҳисоблаб, кимор ўйнаб юрибдими? Лобар билган нарсанинг юздан бирини, йўк-йўк, мингдан бирини билармикан?

– Қани кўрсат белгиларини, – деди Абдулла ака қарталардан бирини олиб томоша қиларкан.

– Карта кимники? – сўради Лобар.

– Ошнамники. Шунга ота гўри козихонами?

– Фақат тўғрисини айтинг, қанча ютқаздингиз?

Оғзи куйган қатикниям пуфлаб ичар, деганларидек Лобарнинг ҳозирги хавотирини Абдулла ака ўзича тушунди.

– Қўркма, сени ютқазганим йўк.

– Қанча?!

– Тўрт-бешта.

– Тўрт-беш миллионми?

– Нима, жинни бўлганмисан?! Тўрт юз минглар ютқаздим. Замон қайтма-қайт. Эртага мен ютаман. Шу билан гулдур-гуп. Энди айт, ярамас қаерга белги қўйган экан?

– Кўзни каттарок очиш керак, – Лобар карта нақшлари орасини

кўрсатди. – Нақш ичидаги кизил чизик "туз", бу нукталар "етти", булар эса "таппон", "чиллик", "ғишт", "қарға"ларни англатувчи белгилар...

– Эй, бир қарашда қартанинг ўз нақши деб ўйлайсан-а?!

– Сиз ва сизга ўхшаган лақмалар шундай ўйлайди.

– Ютган пайтларим ҳам кўп бўлган. Лақмадан олиб, лақмага тикма.

– Огоҳлантириб қўй, агар яна қимор ўйнасангиз бу уйдан кетасиз.

– Ўрнимга қимни опкеласан? Пиёниста тоғаваччангиими ёки гўрда ётган чеченними?

– Марҳумларга тил теккизиш одадингиз экан! Шомилнинг ўлганига эса шуқр қилмайсиз! У тирик бўлса, меникидан аввал сизнинг терингизни шилади, биласизми шуни?!

– Шилгизадиган аҳмоғини топиб олсин! – деди Абдулла ака ва қаҳ-қаҳ уриб кулди.

Кейинги вақтларда қиморнинг дастидан оилада тез-тез жанжал бўла бошлади. Абдулла ака қанчалик яширмасин, унинг қимор ўйнаётганини Лобар сезарди. Бунинг устига Лобарга қарашли дўконларда савдо суръати пасайиб, ходимлар тез-тез алмаша бошлади. Ишнинг бошида шахсан на Лобар, на Абдулла ака турарди. Даромад камайгани яққол сезилиб қолди. Бозор ёнидан қурилган бир неча қаватли савдо марказидан жой ололмадилар. Бунга пул ҳам, ҳафсала ҳам топишолмади.

– Бу кетишда бизни бозордан суриб чиқаришади, – деди Лобар.

– Ташвишланма, – деди Абдулла ака бўйинбоғини боғлар экан, – яқинда ўша савдо марказидан бир эмас, иккита хонани қўлга киритаман. Ишонавер, хотинжон.

– Лотереядан ютасизми?

– Бу – бизнес.

– Кўрамиз кучингизни...

Ўшанда Лобар нега шубҳаланмади, кейинчалик ҳайрон бўлиб юрди. Абдулла ака катта маблағни қаердан олишни режалаштирган эди? Яна "лотереядан ютасизми?" деб сўрабди-я. Бор-будини қиморга тикиш даражасида тубанлашган шахс бу сафар ҳам ёстикдоши бўлиб чиқишига ишонмаган эди.

Тонг-саҳар Лобар дарвоза қўнғироғи чалинишидан уйғонди. Абдулла ака бўш қоп каби шалвираб турар, салқиган ковоклари, маъносиз нигоҳлари, осилган лаблари адойи-тамом бўлганидан дарак берар эди. Бир-бирига сўзсиз тикилиб туришди. Лобар ҳаммасини тушунди.

- Машина қани?
- Кетди, – деди Абдулла ака.
- Накд суммадан-чи?
- Уч ярим миллион...
- Дўконлардан қайси бирини тикдингиз?
- Ҳаммасини, – дея Абдулла ака лаб буриб қўйди. Гўё бу билан "дўконлар кетса кетибди-да", дёмокчидек эди.
- Ҳовли, мен, ўғлим... Молдек ютказилдикми?

Абдулла ака миқ этиб оғиз очолмади. Лобар йиллар давомида тўплашиб келган нафратини, киморбозлардан жирканишини ифода этиб, эрининг юзига туфлади. Бундай ҳақоратни кутмаган Абдулла ака ток урғандек сапчиб тушди.

– Сен ҳали карта ўйноламан деб юрибсанми?! Мана сенга!.. – Лобарнинг кетма-кет шапалоқларига жавобан эри ожиз қолди. – Мана!... Бир чеккада сассик савдогар бўлиб юргандинг! Энди сен ҳам мени киморга тикадиган бўлдингми?! Болам учун... Уйим учун... Дўконларим учун...

Лобар эрининг юз-кўзини тимдалаб, бир тутам сочини юлиб олди. Абдулла ака қонга бўялди. Жони киморбозларнинг эмас, хотинининг кўлида эканлигини жуда яхши тушунган эди. Дўконларни ва ҳовлини сотишга рози бўлмаса, тамом, Абдулла аканинг ажали шу.

– Дадамни урманг! Дадажон!.. Ая... ая!.. – Ногаҳоний кичкирик Лобарни ўзига келтирди. Парвиз йиғлаб турарди. Кўзларида қўрқув, раҳм, ожизлик мужассамлигини кўриб Лобар инсофга келди. Ҳозиргина миясида чарх ураётган "эримни ҳайдаб юбораман, мол-мулк менинг номимда, ютказганларини тўлолмай итдай хор бўлсин" деган фикрдан воз кечди. Битта-иккита кўшнилари томошага чиқа бошлашган эди. Лобар ўғлини кучоқлаб, эрига йиғлаб буюрди:

– Ичкарига киринг!

Эрини қувиб солса, у ўлади, аникроғи, ўлдирилади. Ёмон бўлсаям, Парвизнинг отаси. Парвиз аяси қандай дўппослаганини кўрди. Агар дадаси ўлса, Лобар умрбод таъна-дашномлар остида яшайди. Ўғли эсини танигач, айтмайдими "тош дўкон учун дадамнинг ҳаётидан кечгансиз", деб! Қолаверса, Лобар яна бир фикрга келиб қўйганди. Гарчи қалтис ҳаракат бўлса-да, у пулни тўлашга эри билан бирга бориб, киморбозларни ўйинга таклиф қилмоқчи эди. Анна Сергеевна ҳар гал карта ўргатаётганда, "сенга Ўрта Осиёда ҳеч ким бас келолмайди" деб такрорлашни қўймасди. Ҳеч бўлмаса, бир марта

ўзини ҳақиқий киморда синаб кўришга имкон келиб турарди. Ҳам имкон, ҳам қасос!..

Дўконлар ва молнинг пули Абдулла ака ютқазган миқдорга етмади.

Қарз берадиган одам топилмагач, Лобар деди:

– Бориға барака! Қани, йўл бошланг.

Абдулла ака муҳлат ўтиб бораётгани сабаб бошини қайси деворга уришни билмай юрганда, тўсатдан хотини тутган йўл ғалати туюлди. Лобарга тушунолмади.

Сал кам бир гектар майдонни эгаллаган данғиллама иморатнинг ярмида ҳалиям усталар ишлаб ётарди. Айвонлардаги бир қатор машиналар орасида ўз "Нексия"сини таниган Лобарнинг кўксидаги қасос алангаси янада гуриллади.

– Нега хотинингни эргаштириб келдинг? – сўради киморбозлар сардори.

Абдулла аканинг ўрнига Лобар жавоб берди:

– Аксинча, уни мен эргаштириб келдим. Мана пуллар! Етмаганига ўзимни баҳолайсиз.

Қиморбозлар шошиб, бир-бирига қарашди. Сардор эса беписанд кулимсиради.

– Чакки эмассан, – деди у еб қўйгудек тикилиб. – Дангаллигинг ҳалитдан аллақаеримни жизиллатиб юборди. Эшикдан кираётганларингда кулоғимга "Абдулла ака ёш хотини билан келибди" дея шипшиб қўйишди. Акс ҳолда сени қизи ё келини деб ўйлардим.

– Бас қилинглар! – Абдулла ака ортиқ чидаёлмади. – Пулни сананглар, етмаганига мен жонимни тикаман... Истасанглар, бир-икки йил ишлаб бераман.

– Йўқ, жонингни тикавер, – кесатди кекса киморбозлардан бири. – Бизни сарик чақасиз қолдирмоқчи бўлган полвоннинг жон беришини томоша қилишни болаларимдан орзу қиламан.

– Менга қаранглар, – деди Лобар жасурлик билан, – эрининг қарзини тўлашга келди деб ўйламанглар. Эрим ютқаздими, ўзи тўласин. Бу пуллар эса меники. Дўконларимни сотиб, йиққанларимни тахлаб келдим. Мен ҳам гап-гаштакларда дугоналарим билан карта ўйнаб кўрганман. Мана, пулим нақд. Мен билан ҳам ўйнанглар. Етмайди десанглар ҳовлимни, ўзимни тикаман. Розимисизлар?

Бундай таклифни эшитган киморбозларнинг оғизлари очилиб қолишди. Албатта, Лобарни жамики бойлиги билан ютиб олишни

хар бир киморбоз жон-жонидан истарди. Бирок ҳеч қайси бири, ҳатто. эри Абдулла ака ҳам, Лобарнинг суперпрофессионал даражадаги қартабоз эканлигини билишмас эди.

Абдулла ака "Мен розимасман!" деб шовкин кўтаргач, икки барзанги йигит қўлтиғидан судраб кетди.

– Айтиб қўй, – айёрона кулимсиради сардор, – бу ер аёллар гап-гаштаги эмас. Кейин минг дод-вой қилсанг ҳам фойдаси йўқ.

Сардор киморбозлардан учтасини ўйинга қўшди. Самарқанддаги катта бойлардан бири келиб қолганди, у ҳам қўшилди. Стол атрофида олти ўйинчи ўтирарди.

– Ҳар кимнинг ёнида факат ўз одами бўлсин, – деди Лобар ва эрини чақиртирди. Орқа томонида бегона одам туришига йўл қўймади. Қартанинг икки қутисини қайтариб юборди. Белги қўйилмаган тоза карта сўради.

– Қани, бошланг бўлмаса, – мазах оҳангида манзират қилди киморбозлар сардори. – Дугоналарингиз коидаларни роса ўргатишган, шекилли.

Лобар тиржайган башараларга қараб, ғолибона кулди.

– Ҳамма эркакми? – сўради қарталарни чийлашдан аввал.

– Ташвишланма, сендан бошқа ҳамма эркак.

Лобар қарталарни секин-секин аралаштирди, кейин шундай ўйната бошладики, гўёки резинадай чўзилаётган ва "фирр... фурр" деб овоз чиқараётган қарталар атрофдагиларни сеҳрлаб қўйди. Ўйновчиларга карта сузилгач, Лобар ўзиникини очиб ҳам қарамай, пул тикди. Қиморбозлар жиддий қиёфага кириб қолганди. Ҳатто, Лобарга хавотир аралаша ўғринча боқиб қўярдилар.

– Қартангга қараб пул тиксанг-чи, – пичирлади Абдулла ака (пешонасида реза-реза тер пайдо бўлган эди).

– Қараш шарт эмас, – деди Лобар.

Кекса киморбоз оппоқ мўйловини силаб, қарталарини тескари ташлади-да:

– Мен бу аёл билан ўйнамайман, – деб қўлларини кўтарди.

Бошқалар эса кизишиб кетишди. Натижада, биринчи қўлнинг ўзидаёқ Лобар тўққиз миллион саккиз юз эллик минг сўм ютиб олди. Иккинчи қўлда ҳам қозир Лобарга тушди. Самарқандлик бой "Дамас"идан айрилиб, ўйиндан этак силкиди.

– Элликта "Дамас"ни ижарага бергансан, ўйнайвер, – пичинг қилишди унга.

Киморбозлар сардори ўртага битта "Ласетти", яна йигирма бир миллион сўм тикди. Лобар ҳам бор-будини, ховлисини, маблағ етмагач, кариндош-уруғларининг бўйи етмаган қизларини тикканлигини айтди.

Ўйин қондаси шундай эди: киморбозлар галма-гал пул ёки бирон нима тикаверади, кимда ўртага тикадиган нарса қолмаса, карталарини тескари ташлаб таслим бўлишга мажбур. Лекин "шифт" деган тушунча ҳам бор. Ўртадаги ютуғ маълум бир миқдорга етгач, ҳар икки томон пул тикишни тўхтатиб, ҳужум қилишга қелишиб олишлари мумкин. Киморбозлар сардори хали бунча нарса тикмаган эди. Шу важданми, Лобарга деди:

– Менимча, етар. Сендаям ўртага ташлайдиган нарса қолмади. Кел, карталарни очамиз.

Лобарда ҳам, сардорда ҳам учтадан карта бор эди. Ҳаяжонли сониялар яқинлашган эди: бир лаҳзадан сўнг бири қирк миллион сўм, битта "Ласетти", иккита "Дамас", ховли ва қизларни ютиб олиши мумкин... Айниқса, Абдулла акада жон қолмади, дир-дир титраб, йиқилмоқдан бери бўлиб турарди.

Киморбозлар сардори карталарини очганда, бутун давра "во!" деб юборди. Учта "етти"ни ҳамма кўрди, бири зотдор эди. Сардорни кучоклаб ўпиб, қийкира бошлашди. Абдулла ака эса йиғлар эди, боягина умид бор эди-я...

Лобар бошини кўтармай ўтирарди. Қўллари мушт бўлиб тугилган, елкалари билинар-билинемас силкинарди... Абдулла ака "Нима қилиб кўйдинг?!" деб бақирдиш учун хотини томон энгашган эди, кулаётганини кўриб қолди. Ҳа, Лобар кулаётган эди. Ахир, хали унинг картаси очилмаган-ку! Тўғри, уч "етти" жуда кучли қўл. Аммо унданда кучли яна битта қўл бор: уч "туз"!

Уч "етти"га қарши уч "туз"нинг чиқиб қолиши кимор оламида камдан кам учрарди. Эҳтимол, юздан бир, мингдан бир ҳолатда...

Лобарнинг кулаётганини бошқалар ҳам сездди. Шу аснода у карталарини нозик қўл ҳаракати ила пуллар устига сочди. Биринкетин уч карта очилиб тушди ва... бир лаҳза даҳшатли сукунат чўкди. Кекса киморбоз карталарни кўриш учун энгашган жойида қотди. Сардор ва ҳамтовоклари тиржайган ҳолатда лаб-лунжларини йиғиштиролмай жонсиз сурат бўлгандилар.

Бирдан Абдулла аканинг одамникига ўхшамаган бўкиргани эшитилди:

– Уч "туз"!.. Уч "туз"!.. Ютдик! Биз ютдик!..

Уни бир неча дақиқа тинчлантиришнинг иложи бўлмади. Ахийри, сардор столни муштлади.

– Ўчир овозингни, ифлос чўчка! Аввал карзингни тўла, чумо!

Дарвоқе, ютукнинг анча-мунчасидан воз кечишга тўғри келди. Киморбозлар сардори "эрингнинг карзини тўла" деб столдан ўн миллион сўм ва "Ласетти" калитини олиб қўйди.

– Начора, давом эттирамизми? – деди Лобар.

Абдулла ака буткул озод инсонга айланиб, пулни қопга жойлай бошлади. Лобар ўз ҳунарини қайта-қайта намоиш этганидан сўнггина киморбозлар тан берган эди. Унга энди ҳадик ва ҳайкиш билан боқардилар.

Кейинги ўйинлар суст бўлди. Кўпи билан бир миллион сўм ўйналди. Лобар ракибларини киздириб олиш учун пайт пойлаётганини ҳеч ким сезмади. Уларни чув туширишнинг юзлаб усули Лобарнинг миясини банд этиб турарди. Қартабозлардан бири ҳовлиқма эди. Дастлаб худди шу йигитнинг оиласини тикишга мажбур қилди. Бунинг учун Лобар унинг қўлига икки "зот"ни туширди, ўзиники ҳам икки "зот" эди, аммо ҳисоб жиҳатидан яримта устун қилиб қўйди. Яна бир баҳона билан "туз"лар, "етти"лар столидаги карталар орасида эканлигини, қўлидагилар оддийлигини жўрттага сездирди. Ўртага яна миллионлаб пуллар тикила бошлади ва ниҳоят, хотинини ҳам тикканлигини маълум қилди...

Лобар биринчи бўлиб шу ҳовлиқманинг уйини қуйдирди. Юраги дов берганлар бор-будидан айрилдилар. Ўйин бошланганининг олтинчи соати Лобар киморбозлар сардори билан юзма-юз қолди. Сардорнинг ўйин бўлаётган шу ҳашаматли саройи ва уйдаги хотинигина қолган эди. Сарой эллик миллион, хотин беш миллион сўм ўрнига ўтгач, ўйин шиддатли тус олди. Лобар ҳам ўртага нақд пул тикмай, ютиб олган аёллар-у ҳовлилар, "Ласетти" ва "Дамас"ларни чўтлаб ўйнади. Машина ва бегуноҳ аёллар қўлдан-қўлга ўтиб турди. Лобар бир вақтлар ўз тақдири Москвадаги ана шундай киморда ҳасчалик кадр-қимматга эга бўлмаганини бировлар мисолида яққол кўриб ўтирарди. Бир неча соат мукаддам ўзи ҳам қалтис ҳаракат қилди: қариндошларининг ўн беш-ўн етти ёшли қизларини картага тикди. Агар ютқазганида...

Абдулла ака "Нексия" яна қайтганига севиниб, уни эшикка яқин ҳайдаб келди. Киморбозлар ютқазган машиналарини берармикан, деб

калитларга тамшаниб караб тураверарди. Ўйин охирлаб қолган эди. Бир томонда усталар ишлаб ётганига карамай бу бадқирдор кимсалар пул устида тортишиб қолиши ва Лобарни эри билан қўшиб гумдон қилишлари мумкин эди.

Кеч тушиб, усталарнинг овози ҳам тинди.

– Сенинг ким эканлигингни биламан, – деди кекса киморбоз. – Афсунгар кампирнинг шогирдидан. Чошгоҳдан бери ўйлайман: чечен жодугарининг шогирди Москвада эмасмиди деб...

– Тўғри, "карта ракси" чечен кампирига бориб тақалади, аммо мен уни кўрмаганман. Устозим бошқа бир оккўнгил инсон эди.

– Бундан ўрганиш керак, – гирғирок овозда хитоб қилди киморбоз.
– Бу ўша! Мен сенларга айтган жувон!

Ўйин тўхтади. Лобар нима гапиришини пухта ўйлаб, ўрнидан турди.

– Мен ҳунаримни ҳеч кимга ўргатмайман, хомтаъма бўлманглар, – деди дона-дона қилиб. – Чорасиз қолганим учун бугун ўйнадим. Бу биринчи ва охириги ўйиним! Қартанинг ҳаромлигига ўз кўзим билан гувоҳ бўлдим. Хотинларинг, қизларинг ўзларингга буюрсин. Машиналаринг ҳам керак эмас. Сизлардан битта илтимос, бунақа ишларни йиғиштиринглар. Ва ҳеч қаерда "мен эркакман, киморни биламан" деб кўкрак керманглар.

Лобар ва Абдулла ака копағон ит олдидан эҳтиётлик билан узоқлашаётган кишилардек ҳовлига секин чиқишди. Усталар орасида Лобарнинг маҳалладоши ҳам бор экан:

– Лобар опа, хорманг! – деб қичқирди.

Қиморбозлар нима қилишларини билмай турардилар. "Нексия" дарвозадан чиккач, сардор стулларни деворга отди, карталарни майдалаб сочди.

– Уйинг, машинанг фойдага қолди-ку, – деди кекса киморбоз.

– Аёл билан ўйнадик-а!.. Аёлга ютқаздик-а!..

– Пулларниям ташлаб кетмади-да, – афсусланди бири.

Қиморбозлар сардори баттар тутакди:

– Ўв, эшакмия, аёлдан ютқаздик деяпман, аёлдан! Пулларингга карамадиям. Анави Абдулланг халтага соливолди, эшитаяпсанми, эркак!.. Эркак!..

* * *

Ўйиндан сўнг Лобарни бир неча марта безовта қилишди. Бирок у

киморни энди унутганлигини такрорлашдан чарчамади. Ўртада айтилмаган аҳд бор эди. Лобар миллионлаб сўмга баробар ютуқларни рад этди. Агар киморбозлар тазйик қила бошлашса, ўз-ўзидан ютуқлар тақдирини яна Лобар фойдасига ҳал этиларди.

Ҳар ҳолда низолар келиб чиқмади. Лобарнинг хафа бўлгани шундан эдики, ўша ўйинда расвоси чиққанлардан бир кишигина, яъни самарқандлик бой киморни ташлади. Қолганлари эса картадан бош кўтаришолмади.

Абдулла ака ҳам кимордан кетди. У Лобарга бутунлай тобе бўлиб қолганди. Ўзидан билиб бир иш қилолмас, Парвизга ҳам қаттиқ гапиролмас, айтмасдан ҳеч каерга чиқмас эди. Эрининг ўзини тутиши Лобарга эриш туюлса-да, ҳеч вақо демасди. Ахир, қилғиликни қилган шу одам эмасми?!

Бироқ вақт ўтгани сайин Абдулла ака яна ўзгара бошлади. Диний китоблар мутолаасини йиғиштирди. Савдо марказидан Лобар олган янги дўконлар эшигида ўтган-кетганларга беписанд тикилиб, ёш дўкончи йигитлар билан ғийбатлашишга киришиб кетди. Лобар "DVD" дисклари орасидан беҳаё фильмларни топиб олгач, барчасини тушунди: бу одам тавбасига таянмабди, оёғи яна бузуқчиликка тортмоқда.

Лобар ичидан куйса-да, билдирмади. Нима ҳам қиларди? Ўзини ишлар билан овутиб юраверди. Ҳовлининг ташки кўринишини ўзгартирди, баҳорда кўчат ўтқизишни режалаштирди.

Бир четдаги қазноққа қараса, кераксиз ашқол-дашқоллар уюлиб қолибди. Девоклари захлаган, юқори қисмини ўргимчак инлари қоплаган. Лобар мардикор олиб келиш мақсадида "Нексия" сига ўтирди ва мардикор бозорига жўнади. Машинани бир зумда эркаклар ўраб олишди.

– Икки киши чиқсин, – деди Лобар. – Битта хонани тозалаб, деворларини оҳак қилиш керак.

Иккитаси шоша-пиша орқа ўриндикка ўтиришди-ю эшикни ёпишди. "Нексия" равон йўллардан илгариларди. Мардикорлардан бири йўталди, алланималар деб гўлдиради. Лобарга унинг овози шунчалик таниш туюлдики, орқани кўрсатувчи кўзгудан ялт этиб қаради. Соч-соқоли ўсган, кўзлари ботиб кетган эркак чўнтагидан нон олиб қавшанарди, Лобар таниди: у Маъруф эди... Тоғасининг ўғли... Биринчи эри... Москвада Лобарни киморга тикиб, Маловер тўдасига бериб юборган кимса...

Лобар икки йиллар аввал Маъруф ҳақида эшитганди. Қамалиб ҳам чиқибди, уйдан кетиб бутунлай пиёниста ва дарбадарга айланибди. Бу сафар Лобарнинг асаблари исён кўтармади. У чарчаган эди, бойиб кетишдан, тасодифлардан, душманларига рўпара келишдан...

Тоғаси ва унинг хонадонини ўйлади. Ўтган йили Маъруфнинг онаси ҳам ўлди. Бир замонлар тўлиқ шодлик, шавкат ҳукм сурган хонадон бугун аянчли аҳволга тушган. Маъруф айбдорми? Ё Маъруфни тарбиялаган ўша оиланинг ўзими? Лобар илк марта юракдан ачинди. Ахир, шулар ҳам, уларнинг каторида Лобар ҳам бахтиёр турмуш эгаси бўлиши мумкин эди-ку. Ҳозир машинасини тўхтатиб, Маъруфни қувиб-солишдан нима наф кўради?

"Нексия" светофорда тўхтаганида, Лобар орқага пул узатди.

– Манавининг олинг-да, машинадан тушинг, – деди ёш йигитга. – Менга бу кишининг ўзи ҳам етади.

Мардикор йигит Лобарнинг айтганини қилди.

– Салом, Маъруф ака, – деди Лобар "Нексия"нинг газини босиб.

– Сенмисан? – Маъруф ҳайикиш билан қараб қўйди. Айтдим-а таниш туюлаяпти деб...

– Уйдан кетиб чакки қилибсиз. Тоғамнинг, аянгизнинг руҳи чиркиллаб колган...

– Тўғри гапираяпсанми ё устимдан кулаяпсанми?

– Бўлар ишлар бўлди. Сизнингча, ортингиздан пойлаб машинамни атайин кўндаланг қилдимми? Ҳозир танидим сизни, хозир. Қисқаси, Маъруф ака гапирадиган гаплар кўп.

– Сенинг гапингни эшитадиган ёш бола эмасман. Тўхтат машинангни, авлиё бўлсанг ҳам!

– Тўхтатмайман, – деди Лобар тезликни ошириб. – Уйимдаги ишларни бажарасиз, кейин...

– Ҳузур қилиш учун ишлатмоқчимисан? Чучварани хом санабсан. Қўлимни қонга ботиришга мажбур қилма.

– Дағдағангизни бас қилинг! – қичқирди Лобар. – Мен сизга собик эрим эмас, тоғамнинг ўғли деб гапираяпман. Ўтган ишларни унутганман, тупурдим ўша воқеаларга! Сизни бундай аҳволдан қутқармоқчиман. Яхши ишласангиз, ичмасангиз, сизга пул бераман, Россияга кетасиз. Бир аёлда менинг пулларим колган, опкеласиз ва ҳаётингизни изга тушириб оласиз.

Маъруфнинг дами ичига тушиб қолди. Лобарни таниган лаҳзадаёқ ундан нимадир таъма қилишини яшин тезлигида режалаштирган эди.

Дарбадарликда кўп одамни кўрди. Пул унадиган жойда итнинг косасини ялашга тўғри келса, ялаб бўлсаям пулни қўлга киритадиган ҳамтовоклар орттирди. Эртага уларга: "Биринчи хотиним уйига таклиф килди, Россияга кетишга пул бермокчи бўлди, гурурим йўл кўймади", деса Маъруфни ғирт жиннига чиқариб, гапирмай кўйишади-ку. Биттаси бор эди (у ҳам пиёниста), хотини бойваччага тегиб олади-да, собик эридан ўч олиш учун ресторанга ишга олдиради. Иш вақтида ичса, бир кадам нари кетса, ишдан ҳайдалади. Ҳар кеч бепул арок, колбасалар беради. Бир куни бойвачча эри билан унинг кўз ўнгида кучоклашади, ўпишади. Собик пиёниста эр ўша кунлари Маъруфга: "Лўлининг эшагини суғор, пулини ол, тўғрими? Менга яхшигина ҳақ тўлашаяпти. Ишини ташлаб кетсам ҳам, барибир, улар кучоклашаверади, битта тўшакда ётишади", деган эди. Маъруф ўша кимсанинг ароғини ичиб ўтиргани учун ғиринг деёлмаганди...

Лобар эса аммасининг кизи. Қариндош-уруғчилик ҳурмати раҳми келаётгани рост бўлиши мумкин.

– Хўш, канча бермокчисан? – сўради Маъруф машина Лобарнинг дарвозасига етгач.

– Минг доллар, – деди Лобар.

Маъруфнинг кўзлари олайиб кетди.

– Берасан сен, берасан, – дея машинадан тушиб Лобарнинг ортидан эргашди. – Россиядаям кўрганман-ку, тўрт юз доллар бергандинг... У ёқда, Россияда қолган пуллари ҳам шунчадир?

– Йигирма минг доллар, – деди Лобар дарвозани очаётиб.

Маъруф бемажол ўтириб қолди.

– Йигирма минг доллар?! Шунча пулни ташлаб келибди-я? Ўв-в... менга айтмайсанми, олиб берардим...

Кечкурун Абдулла ака ҳовлида юрган кимсани кўриб, Лобардан сўради:

– Ким бу?

– Мардикор.

– Ёкмади менга мардикоринг.

– Нима, менга ёкадими?! – кесатди Лобар.

* * *

Маъруфга Лобар ростдан ҳам минг доллар берди. Бир кун ўтиб, Парвизни эргаштириб квартирасига ҳам борди. Маъруф озрок ичиб олган бўлса-да, аввалгидек тушкун кайфиятда эмасди. Иккови Россия

тўғрисида гаплашиб олдилар. Лобар шу ерда ўтириб, Анна Сергеевнага хат ёзди. Пулга зориқаётганлари учун йигирма минг долларни қайтариб беришни илтимос қилди. Агар уйлардан бирини сотишга тўғри келса, эри кутишга тайёрилигини уқтирди.

– Мени сўраса чақалогига қараяпти деяверинг, хайр, сизга омад ёр бўлсин, – Лобар чиқиб кетаётиб шу гапларни айтди.

– Хайр, – деди кичкина Парвиз ҳам.

Кечкурун Абдулла ака келгач, Парвиз билафонлик қилди:

– Дада, бизникида ишлаган одамни танидингизми?

– Йўқ, – сергакланди Абдулла ака.

– У менинг тоғам экан. Иسمи Маъруф. Аям иккови роса гаплашдилар. Бугун уйига бордик. Хайрлашиб келдик.

Парвиз гапни тугатар-тугатмас, Лобар кириб қолди. Эр-хотин бир-бирига тикилиб, тошдай қотдилар.

– Ўғлингнинг гаплари ростми, деб сўрамайман, – деди Абдулла ака ғазаб билан. – Мардикор баҳонасида биринчи эрингни уйга олиб келганингни, остонани ҳаром қилганингни ҳозиргина кўчадан ҳам эшитиб келаяпман.

– Кулоқ солинг, Абдулла ака...

– Кулоқ солмайман! – тутакиб кетди эр. – Мени ҳамма нарсага чидайди деб ўйласанг адашасан. Дўконлар ҳам сеники! Бироқ мени эшакдай миниб олиб, кулга айлантиролмайсан. Мен эркакман! ғурурим бор!

– Гапларингизни рад этмайман. Ўша мардикор аввалги эрим эди. Лекин мен унга тоғамнинг ўғлига қарагандай...

– Тоғамнинг ўғлига қарагандай деяпсанми? Яъни ака-сингилдай демокчимисан?

– Ҳа.

– Бу ёғи қандок бўлди?! Ота-онанг сени акангга эрга берган эканда? – Абдулла ака масхараомуз кулиб, Лобарни силтади. – Аввал эр эди, энди ака бўп қолдимми? Минг лаънат сенга ва сени улғайтирган ота-онангга! Минг лаънат яқин қариндошини ҳам эр, ҳам ака, ҳам ўйнаш ўрнида кўраверадиган сенга ўхшаган бузуқиларга!

– Қўлингизни тортинг! Ким бузуқи? Ким орқамдан гап қилди?! Исботлайсиз!

– Айтган одам ҳозир Москвага учиб кетаяпти.

– Нима?! Маъруфнинг ўзи тухмат қилдимми ҳали?!

– Йўқ, бечора Маъруфинг айбдор эмас. Сен киморда чув туширган

одамлардан биттаси изингни санаб юрган экан. Дардини биласан: "Қора карта ракси". Қараса, Маъруф билан топишиб колдинг. У Маъруфниям кузатибди. Сени Маъруф бир вақтлар киморга тикканини, киморбозлар қўлига тушганингни, рус аёлидан карта сирларини ўрганганингни билиб олибди. Энди айт-чи, Маъруфни бугунги рейсда Москвага, устозингнинг уйига юборганинг ростми?

Лобар индаёлмади. Абдулла аканинг гаплари аччиқ ҳақиқат эди. Киморбозлар энди умрбод тинч қўймаслигини бир вақтлар Анна Сергеевна сўзлаб берган таржимаи ҳол мисолида ҳам кўрди. Ўшанда унинг ҳузурига Шомил келиб, карта сирларини ўрганиш учун оёқ тираб олганди ва энг дахшати, карта ўрганиш учун ҳар қандай ёвузликка тайёр эди. Бугун Лобар Анна Сергеевнанинг қўйига тушаяпти. Ҳад-ҳисобсиз бойликлар келтириши мумкин бўлган карта сирларини билиб олиш учун киморбозлар Лобарни, оиласини, устозини ўз ҳолларига қўймаслиги янада яққолроқ англашилган эди.

– Нокаслар! – чинқирди Лобар бир дақиқалик сукутдан сўнг. – Хайвонлар! Бундай кабиҳ инсонлар қайдана пешонамга битди-я!..

Абдулла ака Парвизга маъносиз тикилиб, бўзрайиб ўтирарди. Парвиз эса ковоғини солганча ўйинчоғини баҳона қилиб, жанжал дақиқаларини зерикш билан ўтказмоқда эди.

– Мен кетдим, – деди Абдулла ака чуқур ух тортиб. – Очиғини айтсам, сен билан яшашдан чарчадим. Бошидан ўзимга муносиб хотин топишим керак эди... Фақат бир илтимос, ўғлим ўксимасин.

Лобар ялт этиб қаради.

– Кетсангиз кетаверинг, – деди у. – Иродасиз эркак эканлигингизни мен ҳам бошидан билгандим. Ўзимга муносиб эр чиқишини кутмадим... "Ўғлим ўксимасин" эмиш! Отасиз қандай ўксимайди?! Ўзи сизда оталик туйғуси борми?! Битта мени деб шунча фарзандингизни ташлаб келиб ўтирибсиз-ку.

– Ундан ҳам баттарман... – Абдулла ака кип-кизариб кетди. Парвизни кучокларкан, йиғламокчидек кўзларини охиста юмди. – Кўришиб турамиз, ўғлим... Мен шаҳардан ҳеч каерга кетмайман.

– Биламан, – деди Парвиз катталардек. У яна гапиришни истарди, лекин болаларча калби ила шуни тушундики, ота-онаси айни вақтда ўз дардларини кўпроқ афзал кўрмоқда.

– Бу билан кутулмайсиз ҳали, – деди Лобар.

– Битта дўкон номимда эканлиги қийнаяптими сени?

– Битта дўконсиз ҳам куним ўтади. Мен бошқа нарсани назарда тутаялман.

- Айт, нимани?
- Шунча гапни кўтариб келдингиз-у, кимдан эшитганингизни айтмадингиз. Нахотки, менинг, қолаверса, оилангизнинг изидан тушган одамлар кимлигини била туриб айтмасангиз.
- Айтдим-ку киморбозлардан деб. Тўғриси, ўзимам айнан ким Москвага кетганини билмайман.

Абдулла ака бошини ҳам қилиб чиқиб кетди. Лобар узоқ вақт тик туриб қолди. "Учинчи оилам ҳам бузилдими?" деб ўйларди у.

* * *

Орадан кўп ўтмай совуқ хабар келди: Маъруф Москвада ўлибди. Хабарни эшитган куниёқ Лобар машинасига ўғлини ўтиргизди-да, онасиникига борди.

– Унга нима бўпти? – Онасини дарров саволга тутди у. – Қандай ўлибди?

– Акам бечорага ўхшаб кўп ичган экан. Маст ҳолида мотоцикл хайдаб, автобуснинг тагида қолган эмиш.

– Ўлигини опкелишибдими?

– Э, ким югуради, болам? Мен борди-келди қилмасам, бошқаларнинг ҳам ўз сабаб-баҳонаси бўлса.

– Тоғалари жон куйдиргандир?

– Тоғаларида пул қаёқда?! Кунини зўрға кўриб юришибди-ю.

Лобар сумкачасини кавлаб, минг доллар чиқарди.

– Ая, илтимос шу пулларни уйига элтиб берсангиз. Етмаганига ўзларидан кўшиб, Маъруф акани опкелишсин.

Биринчи эри учун йиғлашни истамаган Лобар ўғилчасини эргаштириб машинаси томон юрганида, онаси:

– Ўғлинг билан кўп ёлғиз қолаяпсан-да, кизим, душманларингдан эҳтиёт бўл... – деб жавради.

Она-бола машинага етган лаҳзада аллақаяқдан икки кимса пайдо бўлди. Уларнинг қора никобларини кўрган захоти Лобарнинг онаси дод солиб кизи ва невараси химоясига отилди...

Лобарга орқа томондан мушт туширган боскинчи иккинчи аёлни ҳам уриб йикитди. Лобар чинқириб йиғлаётган Парвизни кимдир кўтариб қочаётганини сўнгги лаҳзаларда англади ва бор кучини тўплаб боласига талпинди, аммо юзи аралаш пешонасига тушган тепки оғзи-бурнини қонга тўлдирди...

Ўша куни шаҳар алғов-далғов бўлиб кетди. Куппа-кундузи

шафкатсиз усулда бола ўғирлаш ҳали содир этилмаганди. Милиция машинасида Абдулла ака етиб келганида, Лобар бир аҳволда ўтирарди. Биринчи галда қиморбозлар, сўнг Абдулла ака гумондорлар рўяхатига киритилган эди. Лобар терговчига Шомил хакида гапириб бергач, униям "иш"га тиркаб қўйишди.

Шу-шу Парвизнинг дараги чикмади. Босқинчиларнинг машинаси, аслида ўғирланган такси экан. Қиморбозлар бир неча кунлик ҳибс ва терговлардан сўнг қўйиб юборилди. Ҳафта ўтмай жиноятга алоқадорликда ҳибсда ўтирган шахснинг ўзи қолмади.

Абдулла ака ҳар куни келар, Лобарга ҳам, қариндошларига ҳам тик қараёлмас, гоҳо "менинг айбим нима?" деб йиғларди. Унинг аҳволига қараб кўпчилик Парвизнинг ўлдирилганига беихтиёр ишонч ҳосил қиларди. Лобарнинг ҳаёлида Парвиз ана-мана эшикдан кириб келаётгандек, "ая... аяжон!" деб бўйнига осилаётгандек туюлаверарди.

Қайғули кунларнинг бирида Маъруфнинг ўлигини Москвадан олиб келишди. Ҳалокат натижасида оғир тан жароҳат олгани кўриниб турарди. Бироқ ўлимига бошқа нарса сабаб бўлгани аён бўлди. Тўппонча ўки унинг пешонасидан дарча очиб қўйганди.

Лобар аёлларга қўшилиб уввос солиб йиғларкан, Шомилнинг тириклигига ич-ичидан амин бўлди. Парвизни ўғирлашда ҳам унинг қўли бор деган хулоса ясади. У ҳолда Парвизнинг бир тола сочи ҳам тўкилмаса керак.

Жиноят содир этилган кундан буён милиция ходимлари Лобарнинг уйини кузатишарди. Агар болани гаровга олиш учун ўғирлашган бўлса, жиноятчилар эрта-индин шартларини баён этишлари лозим. "Мендан нима ундириш учун боламини ўғирлашди? – ўйларди Лобар. – Бир юз йигирма минг долларними? Ё киморбозлар "Қора қарта ракси"ни ўрганишмоқчими? Балки Абдулла ака мендан усталик билан ўч олаётгандир?...".

Лобар Парвизни соғ-саломат кўриш учун ҳар қандай шартга тайёр эди. Ўғрилар ҳам шуни кутган эдилар... Лобар жанозадан чиқаётганида нотаниш жувон кўлига рўмолча тутказди:

Кечирасиз, сизники тупди, шекилли.

Рўмолчага пулми, туморми ўралган эди. Лобар халиги жувонга гапиришга ҳам улгурмади: узун либоси-ю оқ рўмолинигина кўриб қолди, холос.

Рўмолчадаги нарса хат эди. Лобар шоша-пиша ўкиди: "Агар ўғлингни тирик кўришни истасанг, органга бу хатни кўрсатма. Келаси

чоршанба куни Тошкент-Анкара рейси бўйича Туркияга учасан. Ўша ёқда сени бизнинг одамимиз кутиб олади ва йирик кимор ўйинига олиб боради. Билиб қўй, у ерда юз минглаб долларлаб ўйинга тикилади. Бир неча ойдан буён бир чечен қартабози ҳаммани шилаяпти. Сенга топшириқ шуки, чеченга қарши ўйнайсан. Ютсанг, ўғлинг уйингда бўлади".

Хартугул Лобарнинг кўнгли юришди. Демак, Парвиз тирик, уни қаергадир қамаб ўтиришибди. "Аблаҳлар, – деди Лобар ўзига-ўзи, – шартларинг бор экан, эртароқ айт, одамни тириклай ўлдиргунча! Чеченни ютишим керак эмиш... Ўнта бўлмайдими?! Йўқ, ҳали ўнтасини ютиб ҳам қутулмасам керак. Анна Сергеевна айтганидек жинни бўлиб ўламан, шекилли".

Лобар икки ўт орасида қолди: милицияга айтиш керакми-йўқми? Айтса нима бўлади, айтмаса-чи? Хаёлида мактуб нари-бери экспертиза қилинадиган, жаноза бўлган хонадонга бориб, ўша жувон суриштириладиган, сўнгра Парвизни тез орада топишга ваъда бериладигандек туюлди. У ёқда ўйин бошланади. Лобар иштирок этмаса, ўғлининг аҳволи не кечади?

* * *

Лобар машинасини ёкилғи қуйиш шаҳобчаси томон бурди. Шу пайт орқадан қизил "Жигули" келиб тўхтади. Лобар бензин ҳақини тўлаётганда, "Жигули"нинг ҳайдовчиси бегона кўзлардан пана қилиб гувоҳномасини кўрсатди.

– Бу ердан чиқиб тўппа-тўғри дўконингизга боринг, сизни меҳмонлар кутмоқда, – деди у. – Айтгандай, машинангиздаги аёлларни бирон бекатга ташлаб ўтинг.

Лобар унинг айтганларини бажарди. Дўконга кириб келганида, сотувчи хавотир инган нигоҳини қадаб:

– Ичкарида одамлар бор, – деди. – Хужжатларини кўрсатишди, нозик идорадан.

Лобар дадил кириб борди. Тўртта эркак салобат билан ўтирар, қўйниларида тўппонча дасталари кўриниб турар, ҳар бирининг қарашида синовчан боқиш зухурланганди.

Улар ўзларини таништирганда, Лобар Россия вакилига алоҳида эътибор қилди. "Демак, Маъруфнинг отиб ўлдирилгани изсиз кетмайди, – ўйлади у. – Булар қатта ишларни бошлаб қўйишганга ўхшайди".

– Бизга хатни беринг, – қўл чўзди гуруҳ раҳбари.

Лобар ҳаммасини билиб ўтиришганини тушунди.

– Гап бундай, – деди хатни ўкиган раҳбар, – ўғлингиз Парвиз вилоятдан четга олиб кетилмаган. Умид қиламанки, яқин кунларда у бағрингизда бўлади. Бироқ бунинг учун сиз ҳам ҳаракат қилишингиз лозим.

– Ҳаракат қилиш тугул ўзимни еб-битиришгайм тайёрман.

– Биладан, сиз ҳам анойи эмассиз. Кечирасиз-у, уларнинг жиддий рақиби, учига чиққан қартабозсиз.

– Қарта менинг бутун ҳаётимни алғов-далғов қилиб юборди, – деди Лобар. – Сиз таърифлагандек учига чиққан қартабоз эмасман, картани жуда яхши биладан, холос. Шунчаки ҳамхонам ўргатган.

– Ҳамхонам денг, – мийиғида қулди раҳбар.

– Келинг, гапни чувалаштирмайлик, – деди Лобар асабийлаша бошлаганини сезгач. – Очикчасига гаплашамиз. Мен Москвада Анна Сергеевна деган аёлдан "Қора қарта ракси"ни ўрганганман. Шомил исмли чечен киллерининг уйида яшаганман, аниқроғи, унинг хотини эдим. Ўзбекистонга қайтишдан аввал дала ҳовлиси ертўласидан бир юз йигирма минг доллар солинган дипломатни олиб чиқдим. Бойиб кетганимнинг сабаби шу. Учинчи марта оила қурганимдан сўнг бу эрим ҳам киморга берилди. Бор-будимни ютказгач, ноилож ўйнадим – ҳаммасини шилиб олдим. Шундан сўнг биринчи эрим, яъни тоғамнинг ўғли пайдо бўлиб қолди. Айнан у мени киморга тикиб, ҳаётимни қора қилганига қарамай, кечирдим. Қўлига пул бериб, Москвага юбордим. Анна Сергеевнада йигирма минг долларим қолган эди. Маъруф акага, ҳеч бўлмаса, бир қисмини берса, ҳаёти изга тушиб кетар, деб ўйловдим. Афсуски, уни ўлдиришибди, авария бўлди деган хабарга гўёки ҳамма ишонди. Қалласидаги жароҳат ёнида ўқ изи бор экан-ку, ахир. Шунча ғавғо етмагандек, мана, ўғлим йўқ. Куппа-кундузи, бир неча гувоҳлар олдида онам иккимизни уриб, боламини ўғирлаб кетишди. Ўйлаб кўрсам, барча воқеаларнинг учи битта илгакка боғланган. Сизлардан ёрдам кутганим учун очик гапирдим. Яна бир гапни ҳам айтиб кўяй. Агар ёрдам беролмасангиз, менинг йўлїмни тўсманг. Туркияга бориб киморда иштирок этаман. Мақсадим – ўғлимни эсон-омон кўриш! Ундан бошқа суянчим йўқ, усиз энди яшолмайман ҳам.

– Шомил ҳақида менга батафсил маълумот берсангиз, – деди россиялик ходим.

Лобар кўз ёшларини артиб бўлиб:

– Аввал менга тўғриси айтинг, у тирикми? – деб сўради.

Россиялик ходим негадир гуруҳ раҳбарига қаради. Раҳбар лабларини чўччайтирди, сўнг бошини охишта қимирлатди.

– Ҳа, у тирик, – деди Лобарга ўқрайиб.

– Ўғлимни у ўғирламаган, шундайми? – хатга ишора қилди Лобар.

– Сезилиб турибди, албатта, у эмас. Ўғрилар шу ерлик киморбозларнинг одамлари. Бироқ хатда ёзилган чечен киморбози Шомил бўлиб чиқиши мумкин.

– Бу фикрингизга қўшилмайман, – деди Лобар. – Чунки Шомил киморни ташлаб, киморбозларга қарши уруш эълон қилган. Маловер тўдасини ҳам Шомил йўқ қилди. Ундан ташқари қанча киморбознинг бошига етгани менга қоронғи, аммо шунга ишонаманки, у ҳозир ҳам киморга кирғин келтириб юрибди.

– Унга дуч келсангиз, сизга қандай муносабатда бўлиши мумкин? – сўради раҳбар ва қўшиб қўйди: – Албатта, тахминингизча.

– У мени ёқтириб қолганди. Ҳеч нарсани аямасди, мард одам эди. Лекин қаттиққўллик ҳам қиларди. Масалан, биз тутқунликда яшагандек доимо девор ортида юардик. Анна Сергеевна айтган эдики, "Шомил тирик бўлса, сени ўлдиради, чунки пулини ўғирлаб кетаяпсан". Билмадим, яна дуч келсам мени ўлдирадими-йўқми? Аммо у ҳам мен учун қочоқ ҳисобланади, яъни қочоқ эр!

– Яхши, – деди раҳбар. – Бояги гапим: ўғлингизни топишимиз учун сиз ҳам ҳаракат қилишингиз лозим.

– Менинг ҳам бояги гапим.

– У ҳолда Туркияга боришга розимисиз?

– Розиман.

– Қўркманг, халқаро киморбозларга қарши Россия ҳам, Туркия ҳам кураш олиб бораёпти. Ҳаммаси режа асосида бўлади, фақат сиз ўзингизни хотиржам тутишни машқ қилинг. Тилга эҳтиёт бўлинг. Билишимизча, сиз ўқотар қуроллардан фойдалана оласиз?

– Ҳм...

– Туркияда сизга тўппонча берилади. Қиморхонага биз бостириб қирмагунимизча хавфсизлигингиз ўз қўлингизда бўлади. Энди Шомил мавзусига қайтсак. Баъзи саналарни эслай олсангиз нур устига аъло нур бўларди...

* * *

Чоршанба куни Тошкент-Анкара йўналиши бўйича учган самолёт йўловчилари орасида Лобар ҳам бор эди. Махсус "Уч туз" операциясини бошлаган хавфсизлик ходимлари билан дўконда гаплашганидан сўнг кўп ўтмай номаълум кимса Лобарнинг уйига чипта пулини ташлаб кетган эди.

Самолёт Туркия заминига қўнганида Лобар баҳоли қудрат ўзини хотиржам тутишга уринар, аммо ҳадик ва ҳаяжон вужудини камраб олганди. Аэропортдан чиқиш жойида бир йигит жилмайиб кутиб олди. Лобар баланд бўйли ўзбек йигитининг кўзларидаги муғомбирликни илғай олди.

Такси меҳмонхона дарвозаси тагида тўхтади. Йигит хушомадни котириб қўяркан. Оғзидан "опа" деган сўз тушмас, нукул мулозамат қилар, тинмай жилмаяр эди.

– Ўйин қачон, қаерда, кимлар билан бўлади? – деб сўради Лобар.

– Қанақа ўйинни айтаяпсиз? – ўзини гўлликка солди йигит. – Мен бир оддий одам бўлсам. Гапингизга тушунмадим, опагон.

– Унда сени бошимга ураманми?! – деди Лобар ошкора жеркиб. – Бошлиқларингга айт, бугуноқ мен билан учрашсин.

Йигитнинг авзойи заррача ўзгармади. Ҳамон жилмаяркан ва таъзим қилиб чиқиб кетаркан:

– Кеч соат тўққизда, меҳмонхонанинг катта ресторанида, – деди.

Вакт бўлиб қолган эди. Лобар қийимларини алмаштириб пардоз қила бошлади. Ҳиёл ўтмай эшик чертилди. Швейцар либосидаги турк йигит чамадонларни кўтариб турарди. У таклифни ҳам қутмай остана хатлади.

– Бу юклар меники эмас, адашдингиз чоғи. – деди Лобар.

– Ростданам адашибман, – швейцар чўнтагига қўл солди-да, кичик тўппонча чикарди. – Минг бор узр, хоним, – деб қуролни тутқазди.

Швейцар чиқиб кетгач, Лобар пардоз-андозини якунлаб, тўппончасини сумкачасига беркитди ва ресторанга тушди. Хорижлик хўрандалар овқатланмоқда эдилар. Лобар стуллардан бирини банд этгач, қаршисида олтамиш беш-етмиш ёшлардаги пўрим қийинган одам пайдо бўлди.

– Ўтиришга рухсат этинг, Лобархоним. Сизни Туркияда учратганимдан бағоят хурсандман.

Лобар бу нухани таниди. Илк қимор ўйнаган куни дарров таслим бўлган кекса қиморбоз эди.

– Хўш, ўйин қаерда бўлади? – сўради Лобар.

Кекса киморбоз кулди.

– Бунча шошмасангиз? Аввал ҳол-аҳвол сўрашайлик. Яхши етиб келдингизми? "Номер"ингизнинг шарт-шароити қандай? Ҳеч ким безовта қилмадимиз?

– Ҳаммаси яхши, – деди Лобар киноя билан. – Сўрамасангиз ҳам бўларди, ҳаммасини биласиз-ку.

– Биз ҳам яхши жойлашдик, кайфиятлар "беш"!

– Кайфият "беш" бўлади-да. Тилаб олган фарзандингизни ўғирлатмаган бўлсангиз.

– Лобархоним, нега ташвишланасиз-а? Парвиз юртингизда, беҳавотир жойда ўйинчоқ ўйнаб ўтирибди. Ишонасизми, уйингиздан уч-тўрт километр нарида, холос.

– Аёл киши бўлсам-да, қўл кўтардинглар. Нокасларнинг ҳам қўлидан келмайдиган ифлосликлардан тап тортмадинглар. Менга қаранг, хўв, қариб-қуйилмаган амаки, қарта ўйнайман, ютаман, лекин ўғлимга бир нарсга бўлса ҳеч қайсингиз соғ қолмайсиз.

– Бунчалик кўрқитманг, Лобархон.

Лобар унинг туркига қарашга ирганиб юзини четга бурди. Қарамасдан сўзлади:

– Москвада нима ишлар қилдингиз?

– Москвадами?.. Москва – ажойиб шаҳар. Менга жуда ёқади. Ҳмм, "нима ишлар қилдингиз?" денг... Хў-ўш, исми нимаиди? Аннами?

– Униям ўлдирдингизми?

– Ие, ўлибдими ўша жинни кампир?

– Билмасам, ўлдирдингизми-йўкми, шуни сўраяпман. Маъруф ёлғиз қурбон бўлмагандир?

– Бе-е, қўйсангиз-чи, Лобархоним Маъруфни ўлдириш зарил кептими?! Эшитишимча, авария бўлибди. Жинни кампир эса олдига солиб қувди. Психиатрга қўнғироқ қилмоқчи бўлдим, аммо "менга нима фойда?" деб жўнавордим.

– "Қора қарта ракси"ни ўрганиш учун нималар қилаяпсиз-а?! – уф тортди Лобар. – Ёшингиз бир жойга бориб қолган. "Қора қарта ракси"ни ўрганиш осонми?! Анна Сергеевна бежиз эсдан олмаган. Қарталар аслида жоду парчалари. Охир-окибат ўз соҳибини адо қилади. Намозингизни ўқиб, неваралар қуршовида ўтирмайсизми?

– Сенга нима?! – тўсатдан қиморбоз тутақиб кетди. – Кўп пичинг қилаверма! Сенинг ҳам, ўғлингнинг ҳам жони менинг қўлимда эканлигини эсдан чиқарма. Эртага кўришамиз! – ўриндан турди у. –

Махмадоналикни йиғиштириб, қандай ютишни ўйла! Тагин Туркияда абадий қолиб кетма, исловоатхонага ёдгор бўлиб!.. Хўп, хайр.

Овлоқ макон бўлганда, Лобар, эҳтимол, тўппонча тепкисини босиб юборармиди? Ҳар ҳолда ўғлини ўйлаб ўзини қўлга олди. Ич-ичидан титроқ нафас чиқараркан, эртанги ўйин ва чечен киморбози ҳақида ҳам ўйлади.

Пайшанба тонги Лобарни уйғотиб, Туркиянинг шовкинлари таралаётган азим шаҳарни кўз ўнгидан намоён этди. У деразадан кетолмай узок туриб қолди. Парвиз онасидан бир қадам айрилмасди. Аҳволи не кечди экан? Йиғлаб-йиғлаб, ичкиб қолмадимикан? Бечора бола! Ҳатто у ҳам мудҳиш кимор ўйинлари жабрини тортмоқда.

"Уч туз" операцияси бўйича Лобар кимор ўйналадиган жойга бориши ва ўйиндан аввал ўғлининг овозини эшитиш истаги борлигини айтиши лозим эди. Ўзбекистонда махсус қўнғирокни кутиб туришарди. Телефон гўшаги олинган хонадондаги жиноятчиларни қўлга олиш ва болақайни қутқариш учун барча шаҳарда махсус бўлинмалар буйруққа шай эди. Агар Парвиз ростдан ҳам ўзлари томонда бўлса, қисқа муддат ичида у озод қилиниши керак эди. Шунингдек, шаҳар атрофидаги туманлардан топилиши ҳам операцияда назарда тутилганди.

Лобар Оллоҳга илтижо этди, бошига тушмиш бу савдолар хайрли хотима топишини сўради.

Тушдан сўнг меҳмонхона хизматчиси келиб, Лобарга пастда бир киши кутаётганини маълум қилди. Бу кекса киморбоз эди. Машинада эса яна икки киши ўтирарди. Бири тошкентлик, иккинчиси козовистонлик машҳур пулдорлар эди. Лобар учаласининг олти юз минг доллари билан ўйинга кириши керак...

Машина шаҳар четидаги уч қаватли бино ёнида, йўл таъмирлаётган ишчилардан сал нарида тўхтади. Лобар бу ер дўконми, ошхонами, тушунмади. Ичкари хонадаги зинапоядан ер ости залига тушишгач эса катта киморхона эканлигига ақли етди.

Бугунги ўйинда етти киши иштирок этар экан. Қиморбозлар ва уларнинг одамлари ўттиздан зиёд эди. Лобар узокданок чеченларни бошқалардан ажрата билди. Йўқ, уларнинг орасида Шомил кўринмасди.

Залдагилар Лобарга қизиқиш билан қараб туришарди. Бугунги ўйинга аёл киморбоз қилишини баъзилар эшитишган эди. Лобар ҳақидаги миш-мишлардан хабардор қимсалар бошқаларга у ҳақда сўзлаб бера бошлаганди.

– Ўйин муддати ҳам доимгидай уч кун! – деб эълон қилди киморхона эгаси. – Ичкарига ўйинчилардан ташқари фақат битта хизматчи киради, холос.

Шундан сўнг кекса киморбоз Лобарга уч юз минг доллар солинган сумкани берди ва омад тилаб:

– Шу пулнинг ўзи кифоя қилар, – деди. – Илойим, биздан бошқа пул сўрама.

Қиморбозлар ичкари хонадаги айлана стол атрофидан жой олишди, пул эгалари ҳамда кўриқчилар залда қолишди.

– Ўйин бошланишидан аввал мен бир кўнғирок қилишим керак, – деди Лобар.

Хизматчининг юзида саросима пайдо бўлди.

– Нега, ахир? Бу мумкин эмас!

– Хавотир олманг, мен Ўзбекистонга, ўғилчамга кўнғирок қиламан.

– Ўғилчангизгами, қизчангизгами, фарқи йўқ – барчаси ман этилган.

Бирок Лобар ўрнидан шахд туриб, залга чикди.

– Аввал ўғлимнинг овозини эшитай, – деди у кекса киморбозга, – сўнгра кўлим картага боради, акс холда...

Шу пайт Лобарнинг одамлар орасидаги бир кишига кўзи тушди-ю ичи шув этди. Бу одам шунча йилдан буён ўзгармаган тикувчи эди, Москвадаги ўша "Маиший хизмат уйи" тикувчиси, Шомилнинг одами! Бир вақтлар Лобар Анна Сергеевна билан операга боришаётганда бу тикувчи йигит устки кийим берган, ўшанда Лобар эркак тикувчига қизиқсинаш ила боккан, хотирасида умрбод муҳрланиб қолганди.

– Олдинрок айтиш керак эди! – кекса киморбознинг фигони фалакка чикди.

– Бусиз иложи йўқ, – деди Лобар, айна пайтда у Шомилнинг шу атрофда писиб турганига ишонч ҳосил қилди. – Илтимос, тезрок телефон қилайлик...

Кекса киморбоз Лобарга ғазабнок тикилиб, телефон рақамларни терди-да, аввал ўзи гаплашиб, сўнг узатар экан:

– Битта найранг – битта ўлим, – деб уқтирди.

– Алло... алло... – Лобар ҳаяжон-ла хитоб қилди.

Олисан заиф овоз келди:

– Ая!.. Мен Парвиз! Аяжон!..

– Йиғлама, асалим. Эртага олиб кетаман, – Лобар йиғлаб

юбормаслик учун пастки лабини тишлади. – Амакиларинг билан ўйнаб ўтиргин, хўпми?

– Йўқ, ая, йў-ўқ...

– Йиғлама, ахир, сен ўғил боласан-ку...

Улар залга қайтиб тушишди. Қиморбозлар норози бўлиб боқишар, турли тилларда сўқинишар эди. Лобар уларнинг орасидан тикувчи йигитни кидириб, ўйин бўладиган хона сари ўтиб кетди.

Тикувчи ғойиб бўлишга улгурганди.

Айлана стол Лобарга мунтазир эди. У ўтириши билан хизматчи патнисда ўн хил карта келтирди. Чечен киморбози биттасини олиб очди ва Лобардан кўз узмай чийлай бошлади.

– Сенинг сумкачангда нима бор? – деди у рус тилида кавказча талаффуз билан.

Эркакларни текширишган, аммо илк бора аёл ташриф буюргани учун шундок ўтказиб юборишган эди. Лобар ўғирлик устида қўлга тушган хотиндек шарманда бўлгиси келмай ростини айтиб қўя қолди:

– Дастрўмол, пардоз ашёлари, тўппонча... Шулар, холос.

Чечен киморбози хизматчига иршайиб қараб, Лобарга имо қилди:

– Тўппонча деяпти, биродар, тўппонча!

Хизматчи Лобарнинг сумкачасига қўл узатган ҳам эдики, залдан гумбурлаган овоз эшитилди; айна лахзада эшик карсиллаб очилиб, автомат тариллади. Хизматчи йигит Лобарнинг устига кулаб, стули билан полга ағанатди. Ўқлардан бири Лобарнинг ўнг бикинини гўёки ўпириб ўтгандек бўлди. У кичкиришга-да улгуролмади...

"Нега бизни отишди, нега? – ўйлади Лобар сониялар ичида. – Манавилар ростдан ҳам ўлишдими? Мен-чи? Энди ўлаяпманми?"

Хизматчининг кони Лобарнинг юзига сачраган эди. Чечен киморбози қора конига беланиб, Лобарнинг кўз ўнгида бир зумда жон таслим қилди.

Эшикдан аччиқ газ хиди кела бошлади. Лобар бошини хиёл кўтарди ва газниқоб кийган қотилни кўрди. У, албатта, турк полициясидан эмасди.

Кутилмаганда қотил автоматини стол устига қўйиб ёрдамга шошилди. Лобарнинг бир қўли ҳамон сумкасида эди. Қотил уни стулга ўтиргизиб, жароҳатига боқди ва бош чайқади.

"Сўроқ қиладими? Хор қилиб ўлдирадими?.."

Лобар иккиланарди. Ҳозир отишга имкон бор. Балки бу сўнгги имкондир?!

Босқинчининг чалғиганидан фойдаланган Лобар сумкачасидан тўппончани олди-да, тепкини босди. Босқинчи эшик кесақисига суяниб қолди. Лобар иккинчи марта ўқ узишга журъат этолмади. Шунда босқинчи газниқобини ечиб, Лобарга:

– Ўйлагандим-а, тахминим рост чиқди, – деди.

Лобар кўзларига ишонмасди. Нахотки, қаршисидаги одам Шомил бўлса?.. Ҳа, у Шомил эди!

– Сиз?! Сиз... тирикмисиз?

– Ўлдиришингга сал қолди, – деди Шомил.

– Кетинг, бу ерни ҳозир полиция қуршаб олади.

– Автомат товуши, газ бомбанинг гумбурлаши ташқаридагиларнинг эътиборини жалб этолмайди, – Шомил оғрикдан юзини тириштирди. – Чунки кўчада одамларим моторларни гуриллатиб, атайин бетон ўйиб, йўл таъмирлашни бошлаб юборишди.

– Йўқ, сиз тушунмадингиз, – Лобар ҳам оғрикдан юзини бужмайтирди. – Мен қиморбозларга қарши махсус операцияда иштирок этаётгандим, тўппончам ҳам турк полициясиники. Ҳозир бу ерга бостириб киришади...

Лобар гапини тугатар-тугатмас залдан "Қуролни ташланглар!" деган хитоб эшитилди, сўнг тасир-тусир отишма бошланди. Шомил эшикни ичкаридан кулфлади.

– Пуллар ҳамиша шерикларимнинг бошини еб келган, – деди-да девордаги вентиляторга автоматдан ўқ узди. Сўнгра синган паррак ва панжарани олиб ташлаб, қочишга йўл ҳозирлади.

Эшик тақиллаб: "Очинг! Акс ҳолда бузиб қирамиз!" деган овоз эшитилди.

Шомил:

– Мен буларни гаровга олганман, кирсанглар ёмон бўлади! – деди.

– Ўликларними? – кесатди турк полициячиси.

– У рост гапираяпти, – деди Лобар беихтиёр.

– Яхши-яхши, – деган овоз эшитилди эшик ортидан. – Шартинг нима? Айт!

– Залдаги пуллар! Ҳозир бир шеригимга қўнғироқ қиламан, пулларни берасанлар.

Лобар Шомил ёлғонни котираётганини, ҳозир қочиб кетса, умрбод кўрмайдигандек туюлди.

– Шомил ака, – деди Лобар бўғилиб, – Туркияга қочиб келганингизни нега менга айтмадингиз? Шунақа ташлаб кетар

экансиз, нима учун уйландингиз? Мен сиздан кутмагандим. Мард деб ўйлагандим.

– Лобар, сен яхши аёлсан. Менинг конли ҳаётимга шерик бўлмаслигинг керак. Хато қилганимни кеч тушундим. Алвидо!

– Қиморбозларни ўлдириб нима фойда топдингиз? Маъруфниям сиз ўлдиргансиз. Ахир, у қиморбоз ҳам эмасди...

– У ўғри, собик қиморбоз. Наҳотки, сени айнан Маъруф қиморга тиккани эсингдан чиққан бўлса?!

– Маъруфнинг ортидан жосуслик қилган кекса қиморбозни нега тирик қўйдингиз?

– У ярамасни Туркияда отиб ўлдиришни режалаштирган эдим. Режам амалга ошди. Мен кетганимдан сўнг чиқиб қара. Қимор одамларни не қўйларга солди. Тирик қолганлари ҳам бир кунмас-бир кун қон қусадилар.

Шомил ҳаво туйнугига зўрға сиғди. Девор унинг қонига бўялди.

– Мен ҳам ўғриман, – деди Лобар, – нега ўлдирмай кетаяпсиз?

– Нега ўлдирай сени?! Қўлингга қара.

– Қўлимга нима қилибди?

– Ҳалиям менинг совғамни – бриллиант узукни тақиб юрибсан-ку!

Лобар тўппончасини кўтарди, Шомилни мўлжалга олди.

– Лобар, – деди Шомил, – бу узук менинг онамдан эсдалик эди.

Уни таққан қўл доимо бошимни силаган...

– Сиз жиноятчисиз... Қотилсиз!..

Шомил ютиниб олди-да, давом этди:

– Бугун эрталаб Анна Сергеевна қазо қилибди. Рухий касалликлар шифохонасида... Сенга маслаҳатим: ҳеч қачон карта ўйнама, қўлингга ҳам олма ва ҳеч кимни ўлдириш пайига тушма. Акс ҳолда тақдир чархпалагини орқага қайтаролмайсан.

Лобар кўзини чирт юмди. Тўппончани тутган қўли қалтирарди... Бир вақт кўзини очса, туйнукда ҳеч ким йўқ.

* * *

Анкарадаги жарроҳлик касалхонасида бир ҳафта ётган Лобар соғайиб кетмасидан ватанига шошилди. Парвизни жуда-жуда соғинган эди. Пайшанба кuni кечқурун Лобарга Парвизнинг қутқарилгани ҳақидаги хушхабар етказилган эди. Касалхонада ҳам Ҳафат ўғлини ўйлади...

Самарқанд аэропортида уни икки киши кутиб олди: Парвиз ва

Абдулла ака.

Лобар оиласи билан кўришгач, ота-онаси, орган ходимлари, "Тез ёрдам" ҳам ҳозир туришганини кўрди.

"Мен барибир бахтли бўлишим керак, – деб ўйлади Лобар. – Ҳа, бахтлиман дея ҳозир ҳам айтоламан... Мен бахтлиман...".

Шомил эса яна дом-дараксиз йўқолди. Турк полицияси ҳам, Интерпол ҳам уни кидириб тополмади. Фақат шу йили АҚШнинг Марказий Разведка Бошқармаси Сицилия мафиясида чечен миллатига мансуб Шомил исмли янги киллер пайдо бўлганини хабар қилди.

II қисм ФАРЗАНД ДОҒИ

Бахтли дамлар узокқа чўзилмади. Қалтис ўйинлардан сўнг "тинч, беҳавотир яшайман, оилам – менинг бойлигим", деб ўйлаган Лобар ҳали ҳам тақдир тизгинлари бегоналарнинг қўлида эканлигини тушунди. Нафақат тушунди, балки даҳшатга тушди. Шомилнинг ўқидан олган жароҳати эндигина битаётган кунлари Парвиз кўчадан беҳол қайтиб келди.

– Ким хафа қилди сени? – сўради Лобар.

– Менгаям айтмаяпти, – дарров ўзини оклашга тушди энага. – Майдончадаги турникка осилди, нарвончага чиқди, ҳалинчакка учди. Кейин ўз-ўзидан кайфияти тушиб, бир четда ўтираверди. "Нима қилди?" десам, индамайди. "Паркка олиб бораймиз?" деганимда, "йўқ, шувок" дегандек бўлди. Билмадим "шувок" нима дегани. Балки "Шваки" демокчидир, а? Шунака ўйинчок борми?

Лобар ўғлига жиддий тикилди ва пешонасидан ушлади. Иссиғи чиқаётгандек туюлиб, энагага қаради:

– Бирон ёмон нарса еб қўйдимикан?

– Уйдаги овқатлар. Кўчадан ҳеч нарса олиб берганим йўқ.

– Ўғлим, болажоним, айт, бирон жойинг оғрияптими? "Шувок" дебсан, нима у?

Парвиз тез-тез нафас ола бошлади. Энага ҳам бошини ушлаб кўрди:

– Иссиғи чикаяпти, шекилли.

– Қаеринг оғрияпти, менга айт, асалим? Кап-катта йигитсан-ку! Нимани хоҳлайсан, истаган нарсангни олиб бераман.

– Шувок, – деди Парвиз яна.

– Шувок? Нима у? Ўтни гапираяпсанми? Тавба, қаерда бор экан?

Уни нима киласан?

Бола ҳолсизланиб, юзини она кўксига босди. Йиғламсираб:

– Кўчада... Анави ёқда... – деди.

– Шу гапни сизга ҳам айтдимиз? – Лобар энагага норози тикилди.

– Айтди, лекин... – каловланди энага. – Биласизми, беш-олти уй нарида светофордан бурилишда бузилиб, тупрок тепага айланган хароба бор. Неча йиллардан буён ҳеч ким сотиб ҳам олмайди, қурилиш ҳам қилмайди. Эшитишимча, бир вақтлар у ерда қарғиш урган хонадон бўлганмиш. Қон ҳам тўкилган дейишади. Тўғриси, у ерга ўзим боришга сесканаману Парвизжонни яқинлаштираманми? Менимча, тупрок ўйнагиси келган. Шундайми, Парвизжон? – энага илжайиб болага қаради. – Тепаликда тупрок ўйнамоқчийдингми?

– Шувок, – тақрорлади Парвиз.

– Майли, – деди Лобар, – соғайиб қолдим, энди Парвизни ўзим ҳам айлантирсам бўлади. Юр, шувокни менга кўрсат. Унинг нима қаромати бор экан, бориб кўрамиз.

Она-бола уйдан пиёда чиқишди. Парвиз онанинг қароридан хурсанд эди, дадил одимларди. Лобар ўғлини ўғринча кузатар экан, унинг кўзларида катталарникидек мунг, ўйчанлик, одамнинг раҳмини келтирадиган нимадир борлигини пайқаб, юрак-бағри ўртанди. Бир ёмонлики кўнгли сезиб, ўғлига узоқ умр, соғлиқ, бахт тилаб, етаклаб кетаверди. Харобозорга яқинлашганларида, Парвиз қадамини секинлаштирди. Лобар унга қаради-ю ранги оқариб, ҳолсизланаётганини кўрди.

– Нега менга айтмайсан? Каеринг оғрияпти? Бошингми, қорнингми?

Парвиз дўнгликдан униб чиққан шувокларни кўрсатди-да, сўнг онасига қаради.

– Ая, ундан гўрнинг иси келадими? – сўради худди катталардек.

Лобар ялт этиб қаради.

– Бунақа гапларни ким ўргатди? "Гўр" деган сўзни оғзингга олма! Уйга кетдик. Дадангни чакириб сени шифокорга кўрсатмасам бўлмайди.

Аммо Парвиз қаршилик қилиб туриб олди.

– Кампирларнинг гапини эшитдим, ўтган куни... шу ерда... – йиғламсиради у. – Қабристонларда шувок кўп ўсади, ҳидласам гўрни ўйлайман, дейишди...

Лобар энгашиб, ўғлининг кўзларига қаттиқ тикилди. Туйқус баданига чумоли ўрмалагандек жимир-жимир этди. Парвиз "ая, мен

ўлишим керак, сиз ҳеч нарсани тушунмайсиз" демокчидек сирли ва босиклик билан қараб турарди.

– Жинни бўлаяпман, шекилли, – пичирлади Лобар ўғлининг кўлидан ушлаб уйга шошиларкан. – Лаънати кимор! Анна Сергеевна!.. У "Қора қарта ракси"ни ўрганган банда охир-окибат эси оғиб ўлади деб чечен кампирни мисол келтирганди... Ўзиниям, мениям башорат қилганди. Мана, умри Москвадаги рухий касаллар шифохонасида тугади. Меники-чи? Наҳотки, ўттизга ҳам қирмай аянчли ўлим топсам?! Йўқ-йўқ...

Хархаша қилаётган Парвиз ўзини буткул ташлаб юборди. Шундагина Лобар бу на эркалик, на шувовқа қизиқиш эканлигига ақли етди, ўзи ҳам эсдан оғмаяпти... Бу – Парвизга бир касофат урганидан дарак! Ҳамма гап унда... У – касал!

– Ўғлим! Парвизжон... – дея Лобар жигарбандининг жажжи гавдасини кўтарган эди, бола ўқчиб юборди. Кейин зардоб қуса бошлади. Уйга етиб келганларида эса зардобга қон араллашиб чиқди.

Лобар эрига қўнғирок қилди. Бирок эрини ҳам, "Тез ёрдам"ни ҳам қутмай, "Ласетти"га ўғли ва энагасини ўтиргизиб, касалхонага жўнади. Болани "Тез ёрдам" бўлимида текширувдан ўтказишаётганда Лобарнинг бўлари бўлди. "Нега Парвиз қон қусди? – ўйларди у. – Тилаб олган боламга кимнинг кўзи тегди? Ички аъзоси касал десам, нима учун шувок деб алаҳсираяпти?!".

– Наҳотки, ҳеч нарса билмасангиз?! – Лобар энагага қаҳрини сочди. – Балки куёшда кўп ўйнатгандирсиз? Ёмон жойга... Эскичада айтишади-ку, шаҳид жой деб... Шунақа ерларга билмасдан олиб боргандирсиз? Балки кимдир бемаза узумми, шоколадми бергандир...

Нима дейишни билмай довдираб турган энагага аччиқ қилаётган Лобар ўз гапидан ўзи сесканиб, бирдан оғзини юмди. Миясига яшиндай урилган даҳшатли фикр оёқларигача қалтиратиб юборди: "Қиморбозлар Парвизга заҳарланган ширинлик беришганмикан?!".

Шу ўйда шифокорларнинг хонасига югуриб кирди-да:

– Ўғлим заҳарланганми? Тезроқ аниқлашнинг иложи йўқми? Заҳарланмаганми ишқилиб? – деб кетма-кет саволлар бериб ташлади.

Беморнинг аҳволи аниқланиб бўлинганди. Лобар нафақат аини пайтда, балки аини мавзуда ҳам сўз очиб қўйганди.

– Ўғлингиз... – деди-ю шифокор бир лаҳза тўхтади. – ...Ўғлингиз заҳарланган. Лекин бунақа заҳарни у қаерда еб қўйган экан? Менимча, уйингизда заҳар сақламасангиз керак? Яна денг, бизда кам учрайдиганидан...

– Унга ҳеч нарса қилмайдими, дўхтир? Айтинг, соғайиши учун нималар қилишим керак? Гапирсангиз-чи!

– Синглим, ўзингизни босволинг. Манави курсига ўтиринг. Гап бундай, мен ўғлингизни дарров соғаяди десам даволовчи врачларни балога қўяман. Эртага сиз уларнинг ёқасидан олиб, "яхши бўп кетади дейишганди, сенлар қарамагансанлар" деб жанжал қилишингиз мумкин.

– Бу билан нима демоқчисиз? .. – Лобарнинг кўзлари ёшга тўлди. – Эртага у... болажоним...

– Шифокор сифатида ростини айтаяпман, болангизнинг аҳволи оғир. У секин-аста таъсир қилувчи захар еб қўйган. Тахминан, бир ойлар муқаддам захарланган. Сиз саволимга жавоб бермаяпсиз. Уйингизда шунақа захар сақлайсизми-йўқми?

– Йўқ, захар нима қилади менда? – дея Лобар бошини чангаллади. – Эй худойим, бу уларнинг иши! Айтдим-а иблислардан осон кутулдим деб! Э воҳ, энди нима қиламан? Улар болажонимни захарлашибди-ку! Бегуноҳ мурғак гўдакни-я?

– Кимлар захарлашган? Танийсизми уларни?

Лобарнинг дод-войига шифокорлар тўпланишди. Беш яшар болага жиноятчилар секин-аста таъсир қилувчи ажал дорисини беришгани ҳамманинг қалбини ларзага солди. Қоида бўйича дарров милицияга қўнғирок қилишди.

– Улардан ҳар нимани кутса бўлишини сезгандим-а! – йиғларди онаизор. – Қўллари Москвага, Туркияга, ҳатто Сицилияга ҳам етганда, мен ким бўпман?.. Эримни ютишди, кайтариб олдим. Боламни гаровга олишди, қутқардим... Заҳарлаш қанақалигини кўрсатиб қўяман! Жинояти исботланмай қамалмаган, киморини ўйнаб ялло қилиб юрган киморбозларни, ўша палид сардорини ҳам тирик қўймайман. Болам ўлса, улар яшайдими?! Бемалол юраверамиз деб ўйлашадими?..

Энага Лобарни тинчлантиришга уриниб, йўлак охиридаги ювиниш хонасига олиб борди. Лобар ҳамон киморбозларни қарғамокда эди.

Эшлик очилиб, ҳамшира кўринди.

– Ўғлингизни реанимацияга ўтказаяпмиз, – деди у.

* * *

Парвизнинг захарлангани аниқланган мудҳиш кунда "жиноий иш"га қўшимча киритилди. Кекса киморбоз отиб ўлдирилган, бола

ўғирлаган жиноятчилар эса тергов ҳибсхоналарида ётишарди. Лобар шунга амин эдики, Парвизни ўғирлаб, гаровга олган шахслар ёлланма кимсалар эди. Улар буюртмачи сифатида Туркиядан ўлиги қайтган кекса киморбозни кўрсатишарди. Албатта, кекса киморбоз барча қабиҳликларнинг бошида тургандек туюлади. Қолаверса, ўлган одамни айбдор қилиш жиноят оламида гоҳида соткинлик ҳисобланмайди. Лобар киморбозлар сардори калаванинг иккинчи учи эканлигига шак-шубҳасиз ишонарди. Гумонини неча марта терговчига айтганди. Шундоқ ҳам сардор терговга қатнайвериб туфлисини тешди. У аслида унча-мунча одамлардан эмас. Биринчи терговчи "сиз айбдорсиз, камокда чиритаман" деб дўк-пўписа қилгани учун устидан шикоят ёзди, терговчи ишдан четлатилди.

Лобар ҳаёлларига фарқ бўлиб, машинасини киморбозлар сардори яшайдиган кўчага ҳайдаб келиб, яна ўйлай бошлади: "Ёлғизгина болажоним ажал билан олишиб, минг азобда реанимацияда ётибди. Бунинг данғиллама уйини қаранг. Инсон зоти ҳузур ҳилиб яшаши учун нималар яратилмаган бу ерда. Эҳ-хе... Барчаси кимор ва кингирликлар орқасидан. Кимларнидир қон қакшатишни терговчи ҳам, бошқалар ҳам билади, лекин ҳеч кимнинг тиши ўтмайди. "Исботлаб берасан!" деб оламни бошига кўтаради бу одам. Агар Парвизнинг юраги уришдан тўхтаса "сен айбдорсан" дея йиғлаб тармашмайман. Уни шундай ҳолга соламанки, одамлар ўн йил гапириб юришади. Бир марта кечирдим: картадан ютганларимни ўзларига қолдирдим. Энди-чи? Энди кечироламанми? Парвиз соғайиб кетганда ҳам ақлан заиф, мажруҳ бўлиб қолармиш. Бунинг эса... ана, дарвозаси олдида болалари ўйнаб ўтиришибди. Анави аёл ким? Хотини бўлса керак. Бой ва бахтли хотин! Машинадан тушиб жанжал қилсаммикин? Яна ўша гап бўлади "Исботлайсан!", "Тухматинг учун жавоб берасан!". Дарвоқе, Парвизни заҳарлашга айнан ким буйруқ берганининг далил-исботи, гувоҳи керак. "Кўнглим сезаяпти" дейиш билан иш битмайди. Кекса киморбоз сардорнинг измидаги одам бўлганлигини эса жуда яхши биламан..."

Лобар уйига қайтди, аммо ўз уйига сиғмади. Нега келганини тушунолмай узок ўтирди. Қўл телефони жиринглаб, Абдулла ака чақирмаганида, хали ҳам бемақсад ўтираверарди.

– Парвизнинг аҳволи яхшими? – сўради Лобар кўчага чиқаркан, қўл телефонини қулоғига босиб.

– Ўзинг биласан-ку, – деди Абдулла ака. – Умидимиз ёлғиз Худодан. Ҳозир шифокорнинг олдига кирамиз...

Кўчанинг нариги томонидаги уйга сувоқчилар келган эди. Қишлоқ йигитлари эканлиги шундоқ билиниб турарди. Лобарнинг мияси қанчалик банд бўлмасин, жилмайиб қараган йигитга беихтиёр диққат қилди. Йигирма-йигирма бир ёшлардаги лойчининг меҳнатда пишган чайир гавдаси кир кўйлагига ярашиб турарди. Унинг қарашларида машина ва ҳашаматли уйга чексиз ҳавас, аммо шу билан бирга, мустаҳкам ҳалоллик балқир эди. Лобар "Ласетти"га ўтириб, юргизиб кетар маҳал йигитга яна бир кўз ташлади. Тиззадан лой кечиб, кетмонига суянган ҳолда тикилиб қолган йигитни каттароқ уста чакирди:

– Қувон! Опкел!..

Лобар хўрсиниб қўйди. Парвиз бир кун келиб ана шундай йигит бўлармикан? Қишлоқдан келиб, бировларникида лой ишларни бажариб юрадиган бу йигит нақадар бахтли, қўнгли тинч. У бир бурда нон пулини топса, бас. Парвиз эса... гўдак бўла туриб, онасининг касофатига қолди...

Лобарнинг яноғидан ёш думалаб тушди.

– Нега бундай бўлди?! Нега? Нега? – ҳўнграб йиғлади у.

Йўлакда одам кўп эди. Абдулла ака, унинг фарзандлари, Лобарнинг ота-онаси... Мана, Зилола ҳам келибди.

– Балки эскичага ўқитворарсан, – деди Зилола. – Яқинда менинг болам ҳам оғриб қолди. Касалхонама-касалхона чопдик, ҳеч натижа чикмагач, муллага бордик. Ғаллаоролда кучли бир мулла бор экан. Бир ўқигандан соғайиб, овқат еб қолди болам бечора.

– Қиламан, нима бўлса қиламан, – Лобар рўмолчаси билан кўз ёшларини артди. – Фақат ўғлим омон қолса... яшаб кетса...

– Яшаб кетади, дугон, нега унақа дейсан...

Шифокор эр-хотинни кабинетига чакирди. Столидаги қоғозларни кўздан кечирган бўлди-да, деди:

– Бир ой аввал ўғлингизни ўғирлаб кетиб, гаровда ушлаб туришган даврида унинг устидан ҳукм ўқилганга ўхшайди. Қаранг, қандай ваҳший одамлар бор. Ҳайвон ҳам бунчалик даражага бормайди! Улар болага инсон ҳаёти учун ўта ҳавfli оғу беришган. Бир ой, узоғи билан икки ой ўтгач, таъсир қила бошлайди. Таъсир жараёни бошлангач, бир ҳафта ўтмай бемор ҳаётдан кўз юмади. Аммо кам миқдорда заҳарланган бўлса, яшаб кетади. Маълумотларга қараганда, бунақа оғу Эрон ва Покистонда махсус тайёрланади. Кўпроқ террорчи ва мафиячи нокаслар қўллайдилар. Бирок ёш болага нисбатан

ишлатишларини кўриб шундай нафратландимки... Эҳ, қанийди ўғлингизни оёққа турғазиб юборсам! Бугун иккинчи кун. Аввало Худодан мадад олиб, болангиз соғайиб кетишини чин дилдан истардим.

– Москвагами, Германиягами, қаерга олиб бориш керак бўлса, қанча пул кетса – ҳамма-ҳаммасини тўлайман, – деди Лобар. – Ўғлим омон қолиши шарт! У ўлса, менга ҳаётнинг кераги йўқ. Кўп қон тўкилади, кўп одам ўлади, агар... у ўлса... ҳаммасини ўлдираман! Отилиб кетсам ҳам, умрбод камокда чирисам ҳам...

Абдулла ака хотинини тинчлантиришга уринар экан, шифокорга узрхох нигоҳ ташлади.

– Барчаси учинчи кун аниқ бўлади, – шифокор ота-онага ачиниб қаради. – Агар қоринда кучли оғрик пайдо бўлса, бизга ҳам, беморга ҳам кийин. Негаки, оғрик кучайган сайин тинчлантирувчи укол, уйку дори, махсус наркозлар беришга мажбурмиз. Бошқа илож қолмайди. Баъзан беморнинг қариндош-уруғлари билан келишиб, атайин ўлим ҳолатини тезлаштирувчи укол қилинган вақтлар ҳам бўлган. Албатта, бизда эмас. Унақа вазият бўлмасин ҳам.

Абдулла ака бошини асабий силкиб қўйди. Қайғуга чўмган қариндошлар унсиз тикилиб туришарди. Лобар уларнинг кўзига қараёлмади. Гўё улар ҳамдардлик билан эмас, "аёл бошинг билан картани ўрганиш, ҳаром бойлик орттириш мана шунақа бўлади" деяётгандек эди.

Шу вақт орган ходимлари ҳам келиб қолишди. Лобар терговчининг рўпарасида телбаларча туриб олди.

– Айтинг, ким заҳар бергани маълум бўлдимиз? Айтмасангиз ухлаёлмайман... Раҳмингиз келсин менга! Аниқ сезаяпман, ўша қари киморбоз эмас. Чунки у мендан ҳали кўп фойдаланмоқчи эди... Заҳарлашга буйруқ беролмай ўлиб кетди. Боламини гаровга олиб турганлар ҳам заҳар беришга улгуролмаган. Айтинг, ўша ажал ким? У шу ерда, Самарқандда яшайди, қимор билан шуғулланади, қимордан бойлик орттирган... Шунақа одамдан бошқа ҳеч ким эмас. Айтинг унинг исмини?

– Сингилжон, – қўлини кўксига қўйди терговчи, – бизни тўғри тушунинг. Бу бир кунда аниқладиган жиноят эмас. Ишни эндигина бошладик-ку, ахир. Лекин гумонларингиздаям жон бор. Фақат гап исботлашда. Озми-кўпми вақт ўтади, барибир топилади. Сиз менга ишонинг, ўзингизни босинг. Бақириб-чакираверсангиз терговга ҳалакит берасиз.

– Тергов килинаётган анави икки зўравон айбни яна ўлиб кетган сассик чолга тўнкаяптими? Ишонманглар уларга!

– Йўк, бу сафар улар ҳам инсофга келди. Сиз айтаётган кекса киморбоздан тепада яна бир шахс бўлганини, лекин ким эканлигини билмасликларини кўрсатма беришаяпти. Буюртмачи ўртага яна бошқа одамларни қўйган бўлиши керак.

– Сардор! Сардордан бошқа ким бўлиши мумкин?..

Лобар қанчалик куйиб-ўртанмасин, киморбозлар сардори далил-исботсиз қамоққа олинмас эди. Гоҳ шифокорга, гоҳ терговчига дарду аламини тўкиб солаётган онаизор руҳан толиққанини тушунган кариндошлари уни уйига жўнатиб юборишди. Касалхонада Абдулла ака ва Лобарнинг отаси қолдилар.

– Қўй, кизим, – деди онаси Лобарга, – Худо хоҳласа, Парвизжон отдай бўлиб кетади. Тўполон қилиб безорингни чиқаради ҳали. Қишлоққа олиб борсанг, сойларда чўмилади, тепаликларда варрак учиради.

"Тепалик... Тепаликда шувок ўсади...".

Лобарнинг юраги санчди, кўз олди қоронғилашди. Сўнг "қандай кунларга қолдим, онажон" деб узоқ йиғлади.

Парвизнинг энагаси ҳам унсиз кўз ёш тўкарди.

* * *

Учинчи куни эрталаб Лобар касалхонага бориб келди-да, боласини кўролмаганини ўйлаб лойчи йигитларга маҳзун тикилиб ўтираверди. Улар шўх-шодон меҳнат қилишарди. Қувон деган йигит йўл четидаги лой хандакка тез-тез чиққани боис, ниҳоят, Лобарни кўриб қолди. Лобар уйда ҳам, кўчада ҳам ҳушбичим либосларда юрарди. Кўзлари йиғидан кизариб кетган бўлса-да, ўн беш-йигирма қадам наридан латофатли кўринарди. Йигит тикилиб қаради-ю, индамади. Албатта, у Лобарни қиз бола деб ўйламаган. Ёш хотин "Ласетти"да, қари эри эса "Нексия"да юрадиган ажабтовур хонадон ҳақида келган кунлариёқ уй эгасидан сўраб олишгани аниқ. Зеро, кишлоқ йигитларининг қўпчилиги шаҳарликлар ҳаётига қизиқсиниб қарашади, айниқса, ёши катта эркакнинг ўттизга ҳам қирмаган чиройли хотинчаси у ёқ бу ёққа "Ласетти" хайдаб ўтаверса...

Сувоқчи эркак Қувонга ҳазил қилди:

– Ўл-э, Қувон, ўқийман дейсану, карра-каррани билмайсан! Лойингни қип, уйқунгни уриб юравер-да. Фаллаоролнинг битта

боласи ўқимаса, осмон узилиб ерга тушармиди?! Қартани ойдай ўйнайсан, ит ҳам ютолмайди сени. Ичингга барака келгур, молингни сот, Қозоққа бориб ташлаш. Битта мошиннинг пулини ишлаб келасан. А, Мамарасул, нима дединг?

Бошқа бир сувоқчининг овози эшитилди:

– Йўғ-э, ака, молни сотиб нима қилади?

– Қарта ўйнайди деяпман-ку.

– Энасини... қартанинг! Ким фойда топибди ўйнаб!

Усталар хохолаб кулиб юборишди. Мамарасулнинг сўкиниши Қувонга ҳам нашъа қилди, лекин дарвозаси тагидаги ўриндикда ўтирган қўшни жувондан уялди, шекилли, кизариб-бўзариб лой корий бошлади.

Лобар енгил тортгандек бўлди. Рухияти алланечук беғуборликка чулғанди. Ўғли касал бўлгандан бери қалби бир лаҳза ором олиб, ўрнидан турди. Машинасининг орқа филдирақларини текширганга ўхшади-да, Қувонга зимдан қараб қўйди.

– Қанчага келишдинглар, йигитлар? – сўради Лобар, ниҳоят.

– Каттамитиз келишган, мен билмайман, – деди Қувон лой ҳандақдан чиқиб.

– Ие, қанча пул олишингизни билмай ишляпсизми?

– Катта мени алдаб қаёққа боради?! – кулди йигит. – Битта кишлоқданмиз-ку.

– Тўғри, – Лобар унга узоқ тикилиб туришга уялди ва таъмирланаётган уйни кузатган бўлиб: – Гапларингизни эшитиб билдим, исмингиз Қувон, Фаллаоролдан экансиз, – деди.

– Ҳа, опа, Жиззахдан келиб ишляпмиз.

– Сиздан бир нарсa сўрамоқчи эдим... Фаллаоролда кучли мулла бор экан. Ўғлим касал, ўқитсам дегандим.

– Муллалар кўп. Эскича касалга чалинган бўлса, ўқитсангиз дарров тузалади.

Лобар шу жойда Зилолага қўнғирок қилиб, мулла ҳақида сўради. Сўнг Қувонга:

– Мойтошдан экан, – деди.

– Э-э, Мойтош бизнинг қўшни кишлоқ-ку! Ҳа, у ерда нафаси кучли мулла бор.

Лобар машинасига ўтирди-да, касалхонага қайтди. Рухсат беришса, Парвизни олиб бормоқчи эди, аммо шифокорнинг ташвишманд юзини кўриб, юраги орқага тортди.

– Тинчликми? – Лобарнинг тили зўрға айланди.
– Афсус, оғрик бошланди, – деди шифокор. – Кучли уколдан қўйдим.

– Болам унақа уколни кўтаролмайди. Беш-олтитасидан кейин одам ўлади-ку. Ахир... Қўйманг, бошқа қўйманг!..

– Бардам бўлинг. Кап-катта аёлсиз. Очиғини айтай, ўғлингизнинг ички аъзолари ишдан чикиб бўлди. Бир неча кун заҳар шунақанги азоб берадики, катта одам ҳам чидаёлмайди, кийнала-кийнала жон беради. Синглим, ўғлингизнинг азобланишини хоҳламайсиз-ку, ахир? Гап уколда эмас, заҳарда!

Шифокор кабинетига кирган заҳоти, Лобар реанимацияга чопди. Бирок аламзада онани киритмадилар.

– Нахотки, ўғлимни энди тирик кўролмасам?! – Лобар пешонасини касалхонанинг совуқ деворига босди. – Энди ўладими? Ёлғиз болам-а?..

Қанча турди, билмайди. Бир вақт ҳамширалар чопишиб қолдилар. Лобар гапларидан англадики, Парвиз хушига келган, яна укол қўйиш керак. Акс ҳолда...

Лобар эшикни шундай итардики, ойнаси жаранглаб синди. Йўлни тўсган ҳамширани ашқол-дашқоли билан ағанатди... Мана, Парвиз! У титраб-қакшаб ётарди. Онасини таниб, бир лаҳза тинчлангандек бўлди.

– Болам! – деб қучоклаб олди Лобар. – Мени кечир... Ҳаммасига мен сабабчиман... Гапир, бир оғиз гапир, овозингни эшитай, жон бола-а-м...

– Шувок... – деди бечора бола.

Лобар донг қотди... Лобар эсидан айирилди. Реанимация ускуналарини юлиб-юлиб отди. Боласини кўтарди-да, йўлакка чикиб, боши оккан томонга кета бошлади. Ҳеч ким қайтаролмади... Ҳеч ким яқинлашолмади... Бир вақт қараса, йўлда пою-пиёда кетиб бораёпти. Машиналар сигнал бериб ўтмокда, одамлар хайрон... Бағрида Парвиз! Унинг чўпдай озғин оёқлари осилиб кетмокда...

– Ая, – деди Парвиз. – ая... Ичим ёнаяпти... Ерга қўйинг... Туширинг, аяжон...

– Ҳозир етамиз, болам... ўша дўнгликка олиб бораман... Шувок узиб бераман...

Лобар сўнгги кучини тўплаб, олға интилди. Маҳалласига бунчалик интиқ бўлиб шошилмаган эди. Машинам бор-ку, нега пиёда

кетаяпман деб ўйламасди ҳам. Даҳшатли оғрикка чидаёлмаган бола кўкариб кетди. Қўл-оёғи тарашадай котиб, силтана бошлади. Лобар шундаям қўймади. Асфальтга ётқизиб нима ҳам қиларди? Ана, светафор... Дўнглик ҳам кўринмоқда... Бирок Лобар ҳолдан тойди. Тиззалари букилиб-букилиб кетди-ю, ахийри чўккалаб қолди. Парвиз онасининг ёқасидан чангаллаб бир нуктага тикилиб ётарди. Оғзидан кўпик аралаш қон сизиб чиққан...

Лобар болам деб ҳайкиролмади. Жонсиз вужудининг бегуноҳ кўзларига телбаларча бақрайди.

Одамлар она-болани зўрға ажратиб олишди. Айниқса, Парвизнинг кўлларини онанинг ёқасидан бўшатишга хийла уринишди. У "мени ўлдириб қўйдингиз, ая" демоқчидек эди, гўё.

Лобарга сув ичкизишди. Бир култум сувни қийналиб ютгач, пичирлади...

– Уруш бошланди, уруш... Бу урушда ҳеч ким омон қолмайди...

Шундай қилиб жанубий-ғарбда Самарқанддан Сицилиягача, шимолда Москвагача бўлган ҳудудларда Лобар ва киморбозлар ўртасида қонли уруш бошланиб кетди.

* * *

Лобар ўғлининг маъракалари ўтгунча ҳам сабр қилмади. У бутун ҳаётини ўзини қийнаётган дардларга бағишлашга аҳд қилганди. Булар фақат киморбозлардан ўч олиш эмас эди...

Ишларини якунлаётган сувоқчиларни кўргач, Қувон билан яна гаплашгиси келди. Йигитнинг чиқишини пойлаб турди-да, сўнг ёнига чақирди.

– Ҳа, опа, хизмат борми? – деди Қувон Лобар кўрсатган ўриндикка ўтиришга журъат этолмай.

– Тик турманг, ўтиринг.

Қувон йиғлайвериб овози битган жувоннинг таклифини бу сафар, эътиборсиз қолдирмади.

– Анча кундан буён шу ерда ишляапсиз, – деб гап бошлади Лобар. – Биласиз, жигарбандимдан айрилдим. Эрим, ота-онам бор. Лекин энди мен ёлғизман. Ҳаётнинг ҳам қизиғи қолмади. Сизни кўрдиму Мойтошдаги мулла эсимга тушди. Кўп йиллар аввал Москвада Худога илтижо қилиб, мушқулимни осон қилдиргандим. Маъракаларда ўқилаётган сураларни тинглаб енгил тортгандек бўламан. Машинам бор, биргаликда Мойтошга жўнасақ, мени бир ўқисалар.

Кутилмаганда ёш хонимнинг ўз дардини тўкиб солиши Қувонни шошириб қўйди. Умри бино бўлгандан бери ҳеч қайси аёл унга дардларини айтмаган, биргаликда шаҳардан қишлоққа боришга розилик сўрамаган эди.

– Майли, олиб бораман, – деди Қувон Лобарга тик қараёлмай.

– Қачон вақтингиз бор?

– Сиз айтсангиз бўлди, кетавераман.

– У ҳолда устангиздан жавоб сўранг. Эрталаб чиқамиз.

Кечкурун Абдулла ака эътироз билдирди:

– Лобар, Парвизжонни йўқотишимиз менинг ҳам юрагимга ўк бўлиб қадалди. Мен ҳам дунёга сиғмаяпман. У ёкдаги фарзандларим оила куриб, йўлини топиб кетишди, кўнглим тинч улардан. Бирок... Парвизжондан умидим катта эди... Бунчалик тез айрилишимни билганимдами... Лобар, биз ҳали яна фарзандли бўламиз. Илтимос, уйда ўтиргин. Чекка жойларга кетишинг, эрта-ю кеч қасос ҳақида ўйлашинг, очиғи, юрагимнинг мазасини қочираяпти. Сен барибир ёшлик қилаяпсан, менга ўхшаб олтмишга қараб борганимдами, кўп нарсани тушунган бўлардинг.

– Мен нима учун муллага ўқитмоқчиман? Сал-пал англагандай бўлибсиз! Биринчидан, гўдагимни олиб боролмаганман, у кўриши керак бўлган маконга унинг кўзи билан боқмоқчиман. Иккинчидан, мени ўқиса, руҳиятим таскин топиб, бир оз ўзимга келаман, бунга ички туйғу чорлаяпти. Учинчидан, сафар менга кўп нарса беради, ўнлаб режалар тузаман.

– Одамлар муллага яхшилик йўлида боришади. Сенга ўхшаб ҳар хил кўз билан эмас!.. Парвизнинг кўзи билан боқсанг, нега ўнталаб қонли режалар тузасан?!

– Боламнинг кўзи ҳақида гапирманг. Гапириш сизга ҳайф. Ахир, сизнинг юрагингиз касал, олтмишга кетаяпсиз. Биронта душманга тик қараб қўйсангиз, юрагингиз така-пука бўлиб, қон босимингиз ошади. Ажалингиздан беш кун бурун ўлиб қолишдан қўрқасиз. Ҳа, сиз қўрқасиз! Истаган одам болангизни заҳарлаб ўлдириб кетаверади. "Тақдиримда бор экан, нима қилай" деган гап билан ўзингизни овутасиз... Сиз боламнинг кўзи ҳақида гапирманг! Унинг кўзи абадий юмилди. Унинг кўзи тупроққа тўлди... Сиз эса юрагингизни авайлаб, иссик чой ичиб, юмшоқ диванда ўтирибсиз. Болам эса бир парча сурпга ўралиб, қоронғи гўрда ётибди. Кечаси тик этган нарсадан чўчиб: "Ая, у нима?" дея пинжимга тикиладиган якка-ю ягона гўдагим

хозир мозорда! Сиз эса "Қасос ҳақида ўйлашинг юрагимнинг мазасини қочираяпти" дейсиз! Тупурдим, унақа юракка! Суғуриб олиб итларга ташланг!

– Лобар, кизишма.

– Йўк, сиз боламнинг кўзлари ҳақида гапирманг! – кичкириб юборди онаизор. – У жон бераётганда менга қандай тикилганини кўрганингиз йўк! У менга қандай илтижо билан бокқанини билмайсиз! Уни ўлдиришди, тушунаяпсизми шуни?! Қотиллар топилмаганига, улар шу шаҳарда бемалол юрганига фаҳм-фаросатингиз етаяптими? Йўк, сизга руҳ етишмайди. Факат ўз тинчини ўйлайдиган одам килиб ғарбиялангансиз. Пандавақи бир муаллим эканлигингиздан ҳам сезгандим. Парвизжоннинг кўзи билан боксам, қонли қасосларни ўйламаслигим керак эмиш. Ўйлайман! Минг марта ўйлайман! Уларни бегуноҳ боланинг қони тутиши учун ҳам ўйлайман!

– Менга ҳам бир кулоқ сол, илтимос сендан. Нотўғри гапириб қўйган бўлсам, узр. Лекин, барибир, тўғри иш қилмаяпсан. Бир хатонинг орқасидан иккинчисини, сўнг учинчисини такрорлаяпсан.

– Энди менга фарқи йўк! Ўнта, йигирмата хато бўлсин...

– Нега фарқи бўлмас экан? Кейинги фарзандларингнинг тақдирчи? Улар қамокда туғилишини истаяпсанми?.. Қимор бўлмаганида, Парвизжон тирик юрарди, ўнг кулоғинг билан ҳам, чап кулоғинг билан ҳам эшитиб қўй!

– Афсуски, энди у йўк, – юзини тўсиб ингради Лобар, – бечорагинамни ўлдиришди. Буни хато деб ҳисоблаяпсизми? Яъни менинг хатойим, қартани ўрганганим учун жазойимми? Агар қиморга қўшилмаганимда болам ўлмасди, шундайми?! – Лобар тап этиб хонтахтани урди. – Сиздан сўраяпман, шундайми?

– Балки шундайдир, – мужмал жавоб қилди эр.

– Нега унда уларнинг болалари тирик?! – Лобарнинг кўзлари олакула бўлиб, оғзидан тупук сачраб кетди. – Миллионлаб пулларни, бегуноҳ қизларни, болали аёлларни ютиб олишади, бировларнинг оиласини бузади, ҳўрлайди. Мен атиги битта ўйинда катнашиб тузатиб бўлмас жазони оламанми? Йў-ўк, мен қўймайман... Уларни ўз ҳолига қўймайман. Мен ноҳақ жабрландим!.. Аслида биринчи ўринда сизнинг пешонангиздан отиш керак! Қартани ўрганган мен, тўк ҳаётдан қутуриб қиморбозлар сардорига ютказиб келган сен! – бирдан сенсирашга ўтди Лобар. – Ўйнамаганингда мен ҳам бормасдим, Парвиз ҳам ўғирланмасди.

Абдулла ака оғир бўлди, ўзининг ҳам айби борлигидан кўркиб кетди, ҳар ҳолда гиринг демади. Жойидан турди-ю, ҳовлига чиқди. Лобар эса узоқ ўтириб қолди. Уни ҳеч ким юпатолмас, йўлидан қайтаролмас, қайтадан бахтли этолмас эди.

Ўша куни Лобар алоҳида тўшак солди. Сездики, энди уларнинг тўшаги бир бўлмайди...

* * *

"Ласетти" оркаси билан кўчага секин чиқди. Кувон сувоқчилар билан хайрлашиб, машинага ўтирди.

– Бир ярим кунлик иш қолди, – деди у Лобарга, – қайтиб келмайман. Пулимни каттамик уйга обориб беради.

Бу шаҳарга тикилинч поездда, ола-ғовур орасида келган эдилар, энди эса даврнинг энг обрўли машиналаридан бирида гўзал аёл билан то қишлоғига кетиши Кувонни маст қилиб қўйди.

– Майлими, ойнани очиб олсам?

– Бемалол, – деди Лобар ва тугмачани босган эди, ойна охиригача тушди.

"Ласетти" катта кўчада шитоб-ла кетиб борарди. Кувон ойна ўрнига тирсагини қўйиб, ўриндикка суянди. Йўлга эмас, машинанинг ички тузилишига кўз югуртирди. Баногоҳ Лобарнинг оёғини кўриб қолиб, бирдан кўзини олиб қочди. Лобар рўмол ўраб, қора кўзойнак таққан, эгнига узун, лекин бир ёни "йиртик" қўйлак кийганди. Йигитга сездирмасдан тез-тез нигоҳ ташлаб қўяётган эди, инчунин, очилиб қолган оёғига йигитнинг ғалати қараб қўйганини ҳам пайқайди.

Этагини ёпиб, ним жилмайди-да:

– Бир ойда қанча пул топасиз? – деб сўради.

– Ишга қараб, – деди йигит. – Баъзан кўп, баъзан кам. Камбағалга бўлади-да.

– Қамбағалмисиз?

Лобар "ғурурингни ерга урмасанг-чи, йигит" дегандек ўта жиддий оҳангда сўрагани боис Кувон довдираб:

– Йўғ-е, унчаликмас, – деди.

– Билиб қўйинг, ҳеч қачон камбағалман деманг. Ҳаракат қилсангиз, бойиб кетишингиз ҳеч гап эмас.

– Ўқишга ҳужжат топширмакчиман. Муаллим бўламан. Битта-иккита мол олсам, яхши яшаб кетаман. Бизда, опа, молнинг оркасидан уй қуришади, уйланишади, мошинли бўлишади... Лекин сизникига ўхшаш машина олиш учун қишлоқ одамларининг кучи етмайди.

– Нега етмас экан? Олганлар бор-ку.
– Ахир, бунга юзта молнинг пули керак. Бу бутун бошли пода дегани.

– Пода?

– Битта ферма дегани.

– Эҳ-хе, бутун бир фермани миниб юрган эканмиз-да, – Лобарнинг баҳри-дили очилди.

– Сиз нима деб ўйловдингиз? – жилмайди Қувон.

– Фахрлансам бўлар экан, – дея Лобар рулга охиста уриб қўйди.

Жабрдийда онанинг асаб торлари бўшашиб, кўнгли ёриша бошлади. Қувоннинг гаплари "сиз бахтсиз эмассиз" деб бонг уриб турарди.

– Магнитофонни қўйсангиз, – илтимос қилди Қувон. – Машинада мусиқа эшитиб кетишни жуда ёктираман.

Лобар магнитофон тугмасини босган эди, инглиз тилида қўшиқ бошланди.

– Мен ҳам ёктираман, – деди Лобар. – Ўғилчам ўлгандан бери тингламаган эдим.

– Кечирасиз, ўйламай гапириб юборибман, ўчирсангиз ҳам майли.

– Ҳечкиси йўқ...

– Бизда мотам тутган одамлар қўшиқ эшитмайди, телевизор карамайди, шунга...

– Бу артист, – қўшиққа ишора қилди Лобар, – Самий Юсуф. Эшитганмисиз?

Ҳонанда кейинги бандларни туркча куйлай бошлади.

– Йўқ, – деди Қувон, – лекин овози таниш.

– У саловатларни куйлайди. Англияда уни ислом поп юлдузи деб аташади.

Қувон "э, шунаками?" дегандек караб қўйди. Машина Галаосиё нонлари сотиладиган жойга етгач, у бир зум тўхташини илтимос қилди. Чопиб келган нонфурушлардан тўртта нон, иккита патир олди. Йўлда патирни ушатиб, аввал Лобарга узатди.

– Емайман, – кескин рад этди Лобар.

– Олинг, опа, мазасига гап йўқ экан, – Қувон иштаҳа билан кавшана бошлади. – Анча вақтдан бери емагандим.

Йигитнинг гапларига, хатти-ҳаракатига Лобарнинг кўнгли суст кетди. Алланечук ором олиб, атайин саволга тутди:

– Қўшнимизникида ишлаётганлар қанақа нон ейди?

– Буханка.
– Қишлоқда қанақа нон?
– Энам тандирга ўхшатиб нон ёпадилар. Бу нонларнинг олдида бизники коп-кораку-я, аммо тўйимли.

– Нега коп-кора? – кулимсиради Лобар.

Кувонга ҳам шаҳарлик бой хонимнинг қизиқиши ёқиб тушди, шекилли, ўгирилиб сўзлашга тушди:

– Биз козокнинг унига нон ёпмаймиз, ўзимизнинг дашту далалардаги буғдойдан қиламиз. Аввал шамолга совуриб, кейин ғалвирлаймиз. Хас-хашакларини териб ташлаб, бир ювиб оламиз. Сўнгра куёшда яхшилаб қуришиб дийирмонга оборамиз.

– Дийирмон деганингиз нима?

– Тегирмон-да, опа, ҳеч кўрмаганмисиз?

– Шунақа денг. Нима, магазинда сотиладиган ундан олмайсизларми?

– Оламиз, хамир овқатга ишлатамиз. Кўпинча, нонгаям қўшамиз. Бизнинг оилага икки тонна буғдой етмай қолади. Агар даламизга ғалла экмасак, икки-икки ярим тонна ун сотиб олишимизга тўғри келади. Энди-и, бизга ўхшаган "рабоччи" одам ҳамма нарсани сотиб олаверса, қийналиб қолади.

– Шунча унни битта оила қандай еб қўяди, тасаввур қилолмаяпман.

– Кап-катта эркак бир ўтиришда битта нонни паккос туширади. Кун бўйи тўртта-бешта нон ейди. Болаларни айтмайсизми? Акамнинг ўғилчаси бор. Айланиб келиб нон сўрайверади. Ноннинг тўртдан бирини синдириб берамиз. Томоркадан саримсоқми, помидорми олиб, нонига суркаб еб юради. Кўпинча, бола катталардан кўп нон еб қўяди. Бир тандир нон дарров тугаб қолавергач, маккажўхорининг унидан қўшамиз. Шунда нон баракали бўлади, болаям хадеб нон сўрайвермайди...

Лобарнинг кўзлари беихтиёр ёшланди. Парвизни ўйлади. Агар у тирик бўлгандами?! Нон экан, жонини ҳам қўшиб бермасмиди?! Оғзидан чиккан нарсани мухайё қиларди. Ўл деса ўларди, тирил деса тириларди. Бироқ энди Парвиз йўқ. Уни қон қусдиришди... Дахшатли азоб билан ўлишга мажбур этишди...

Магнитофондан ҳамон Самий Юсуфнинг хонишлари янграб эди: "Ал-лох-у ак-бар...". Қўшиқ ўзгача бир эзгуликка, илоҳий куч-қудратга, тақдири азалга кишини ишонтириб борарди...

Лобар тўсатдан магнитофонни ўчирди. Самарқанд-Тошкент

йўлининг икки ёнида Жомбой манзаралари тез-тез алмашинар эди.

– Сиз бирдан бойиб кетишни, уй, машина, кийим-кечак, озиқ-овқат – барчаси ҳеч қанақанги муаммосиз ҳозир бўлишини истайсизми? – сўради Лобар.

– Ҳозирги кунимдан нолиётганим йўқ, – деди Қувон Лобарнинг туси ўзгарганидан ҳайиқиб. – Мусулмончилик аста-аста. Ўқисам ишласам, ҳаммасига эришаман.

– Бир кунда уч минг доллар ишлайсиз, мен айтган ишни қиласиз десалар, рози бўлармидингиз?

– Бир кунда уч минг доллар?! Ўҳ-хў, бунча пул бекорга берилмайди Хойнаҳой, одам ўлдириш бўлса керак.

– Дейлик, одам ўлдириш.

Қувон боши билан рад этди. Сўнгра бир оз аччиқланиб:

– Опа, пул учун одам ўлдиргандан кўра ҳайвон бўлиб туғилган яхши эмасми? – деди.

– Мени опа деманг. Нега опа дейсиз? Лобар деб қўя қолинг. Ё жуда қари кўринаманми?

– Ие, – доводиради Қувон, – мендан каттасиз-ку.

– Катта бўлсам беш ёш каттадирман, борингки, олти-етти ёш каттадирман. Сиз билан опа-ука эмас, тенгқур дўст бўлишни хошлаётгандирман. Розилик берасизми?

– Энди-и... – Қувон гап тополмай тутилиб қолди.

– Розимисиз? – дея Лобар қўл чўзди.

Қувон қандай қўл ташлаганини ўзи ҳам билмади. Жувоннинг кафти иликкина, юмшоқкина, эхтирослигина эди. Боякиш йигитнинг юраги гуп-гуп уриб, вужуди ёғдай эриб кетди.

– Хўш, беш минг доллар берса, ўлдирармидингиз?

– Нахотки, мен қонхўр йигитга ўхшасам? Пашшага озор берсам уч кун ухлолмай чиқаману. Қўйинг, менга ёмон гаплар гапирманг.

– Ўн минг.

Қувоннинг таъби тиррик бўлди. Кейин бу аёл ҳазиллашяпти, дегад ҳаёлда, деди:

– Юз минг доллар беринг.

– Эҳ-ҳе, – Лобар совуқ илжайди, – бунча қимматсиз?! Хўп, иложими: қанча? Розиман, лекин йигирмата одамни нариги дунёга жўнатасиз

– Бутун бир оломонда ўчингиз борми, астафтурулло, – деб Қувон ёқасига туфлади. – Ҳазиллашдим, миллион доллар берсангиз ҳам одам ўлдирмайман.

– Улар ёвуз кимсалар бўлса-чи? Айтайлик, ёш кизларни зўрлаган, болаларни дорга осган, эркакларни кийнаб ўлдирган.

– Гитлернинг шахсан ўзи бўлмайдими?! Ўлдириш менинг касбим эмас. Мен сувоқчиман, оддийгина сувоқчи.

– Э, каллам курсин, – деди Лобар. – Сизга одам ўлдиришни тушунтирмай туриб, нега таклиф килаяпман-а? Ўйладингизки, пичок ё болта билан жонини оламан деб! Йўқ, ҳатто, тўппончадан ҳам отмайсиз. Ўлаётган кимсанинг аянчли ҳолини кўрмайсиз ҳам. Биласизми, сиз снайпер милтиғидан отасиз. Узоқда бир кимса кимирлайди, мўлжалга олиб тепкини босасиз, ўйинчокка ўхшаб лип этиб ғойиб бўлади. Қийинми?

– Тўғриси, машинангизни тўхтатинг, пиёда кетганим минг марта маъкулроққа ўхшайди.

– Кўркманг, нега кўркасиз? Ишонасизми, милтикни кўтариб ҳам юрмайсиз. Уни белгиланган жойга ўрнатиб қўйишади. Сиз шундоқ борасизу рўйхатдаги нусха кўчага чиққан маҳал ўқ узасиз ва индамай йўлингизда давом этаверасиз. Милиция ўқ отилган жойни аниқлагунича бир соат, ҳаттоки, бир кун вақт ўтади. Сизнинг изингизниям топишолмайди. Айтгандай, армияга борганмисиз?

– Ҳа, Олмалиқда, ички қўшинларда хизмат қилганман.

– Қанақа аскар бўлиб?

Қувон чап қўли билан юзини тўсиб, бош чайқади ва Лобарга қараб:

– Менинг таржимаи ҳолимни ўрганиб чиқиб, мулла баҳона қотилликка ёлламоқчимисиз? – деди. – Аҳмоқ бўлиб лакка тушиб келаяпман-а! Қачондан бери мени танийсиз?

– Ваҳимачи экансиз-ку. Армияга борганингизниям ҳозир билдим. Очиғини айтсам хафа бўлмайсизми? Армияга борганга ҳам ўхшамайсиз.

– Яхши аскар эдим, – кизарди Қувон. – Снайперман.

– Э, гап бу ёқда денг! Сиз снайпермисиз? Ҳақиқий снайпер-а?

– Бир ярим йиллик армиянинг оддий снайпери эдим. Сизнингча, кинолардагидек устаси фаранг, ёвуз қотил бўлишим керакмиди?

– Мендан хафа бўлманг, – деди Лобар яна магнитофон қўйиб. – Сал асабий бўлиб қолганман. Кеча-ю кундуз алламбалоларни ўйлайман.

"Ласетти" шувиллаб Булунғурга яқинлаша бошлади. Ғўбдин тоғи чап томонда, олисда чўзилиб ётарди. Ўнг томонда, шундоққина йўл четида ҳашаматли ресторанинг чиройли томи кўринди.

– Ғаллаоролда ҳам яхши ресторанлар бор-а? – сўради Лобар.

– Кўп.

– Сизга зиёфат беришим керак.

– Бепул олиб келаётганингиз учун қайтанга мен қарздорман-ку.

– Гап майда-чуйда қарзларда эмас, – деди Лобар. Сўнгра Ғўбдинга ишора қилди. – Тоғда ов қилиб бўладими?

Қувон пешонасини тириштирди.

– Аниқ билмайман, лекин какликлар кўп. Миш-мишларга қараганда, бир чўпоннинг беш-олтита қўйи йўқолибди. Қанча ахтармасин, ҳеч қаердан дараги чиқмабди. Бир йилдан кейин қайсидир дарада овчилар ёввойи қўйларни учратишибди. Жунлари ўсган семиз-семиз қўйлар эмиш. Шунга ўхшаб, қутилмаган ҳайвонлар чиқиб қолиши ҳам мумкин.

– Бояги гапларим ҳазил эди, хафа бўлмаг, – деди Лобар Қувоннинг тиззасига уриб қўяркан. – Синаб кўрдим, холос. Аёл бошим билан одамхўрлик қиламанми? Лекин менга ростдан ҳам милтиқ керак. Овга жуда қизиқаман. Эрим эса бутунлай менинг аксим. Сизнинг номингизга давлатдан милтиқ олсак. Қанча харажат бўлса, мендан Ҳар замонда келаман, овга олиб чиқасиз.

– Майли, – деди Қувон бош қашиб.

– Мен билан танишганингиздан хурсандмисиз ўзи?

– Албатта, хурсандман, – хижолатомуз сўзлади Қувон.

Лобар ғамдан чарчаган, аммо мафтункор кўзларини йигитга тикди. Қувон яна унинг очилиб қолган оёғини кўрди. Кўрди-ю, бу сафат энтикиб кетди.

– Патирингиздан қолдимиз? – сўради жувон.

Йигит қўш қўллаб узатди...

Лобар Абдулла акага турмушга чиққандан буён илк марта бегон эркекнинг қўлидан нон еди.

* * *

"Ласетти" катта йўлдан бурилгач, бир неча қишлоқларни ортда қолдириб, Мойтошга кириб келди. Мулланинг уйи орқасидан машиналар тизилиб туришарди. Одам кўплиги боис навбат ҳосил бўлганди. Қувон Лобарнинг гали қачонлигини аниқлаб келгач машина эшигини очиб ҳаёл суриб қолди.

– Нималарни ўйлаяпсиз? – Лобар унга меҳр-ла боқди. – Уйнинг соғиндингизми?

– Уйдан чикканимга кўп вақт бўлгани йўқ. Хув ана, оқ томлар кўринаяпти-ку, ўша менинг кишлоғим.

– Севган кизингиз борми?

– Бор эди, – Кувоннинг энсаси қотди, – кутадами, кетди эрга тегиб!

– Нега энди?

– Акам кеч уйланган, мен ҳам кеч уйлансам керак. Пул бўлганда-ку...

– Шошилиб нима киласиз? – ҳазиллашди Лобар. – Аёл билан яшаш осон эмас. Мана, мен бир мисол. Тўғриси айтинг, менга уйланармидингиз? Рўзгор ишларини эпполмайман, савдо ишлари билан юравериб юзим очилиб кетган. Билаверингки, бошқа хотинларнинг ҳам камчиликлари кўп.

– Сиздай хотиним бўлса жон дердим, – гудранди Кувон.

– Нима? Эшитмай қолдим? – гулдай очилиб кетди Лобар. – Мендай хотинга жон дейсизми? Савдогар, баджаҳл, картабозга-я?

Лобар тилини тишлади. У қартанинг устаси эканлигини сир тутишга бошиданоқ уриниб келарди. Эри Абдулла ака ҳам киморбозлар сардорининг уйидагина унинг мохир картабозлигини билди. Қариндошлар эса Парвиз ўғирлангач, баъзи узункулоқ гаплар оркали хабардор бўлишди.

"Эҳ, бошимга битган балони нега тилга олдим-а? – деди Лобар ичида. – Қарта ҳеч қачон ҳосият келтирмаган, ҳозир ҳам бир касофат бўлмаса гўрга эди".

– Мен ҳам сизга ўхшаган йигитга жон дердим, – дея Лобар Кувонни шошилиш чалғитмоққа уринди. – Афсуски, бошимда эрим бор, колаверса, ўн саккиз ёш ҳам эмасман...

– Худди янгамдек ҳазил киласиз-а? – Кувон ўзгача маъно ила қаради. – "Янганинг бир оёғи ҳалол", деган бемаъни гап бор кишлоқда. Баъзан янгаларга уятли гаплар гапирамиз, кизларнинг, келин-куёвларнинг нозик сирларини сўраймиз. Ҳа, майли, буям бир омади гап-да. Лекин мени ҳозир битта сўзингиз хайрон қолдирди. Картабозман дедингизми?

– Йўқ, айтмадим.

– Айтдингиз.

– Айтмаган бўлсам-чи?

– Хўп-хўп, бунинг нимаси ёмон? – деди Кувон. – Шаҳар аёллари қартани шунчаки билишади. "Дурак", "Қора хотин" ўйнашади. Курортларда, санаторияларда, касалхоналарда ўрганишади. Лекин

буям бир маданият, менимча. Сиз эса картабозман, дейсиз. Бу картабозликка кирмайди. Масалан, мен уйланадиган киз карта ўйнашни билишини эшитсам, айниб кетмайман. Ахир, у шунчаки шахмат-шашка ўйнагандек ўйнайди, киморбоз эмас-ку.

Лобар Қувонга термулиб ўтирди. Шу йигит билармикан қаршисидаги жувон киморга тикилганини, кимор турмушини бузганини, яқинлари ўлимига сабаб бўлганини, умрбод бахтсиз қилиб қўйганини!.. Билармикан, чечен жодугарининг шогирди Анна Сергеевнадан "Қора карта ракси" деган ҳалокат ўйинини ўрганиб келганини!..

– Қувон, – деди Лобар, – мен ростдан ҳам картабозман.

– Хўп. картани билар экансиз, – деди Қувон ва чўнтагидан бир кути карта чиқарди. – Аралаштирамиз, яна, яна. Қани, бир кесинг-чи?

Лобар картадан канчалик нафратланмасин, қўл узатиб, бир тахлам картанинг таҳини бузди. Қувон бузилган жойидан олиб, карта сузди.

Очиб қўйилган битта карта "ғишт" эди, Лобар қўлига қараб икки зотни кўрди. Ҳисобласа йигирма етти ярим чиқаяпти.

– Бошланг, – деди Қувон.

Хужум Лобар томонидан бўлди. "Етти чиллик"ни берган маҳал Қувон "валет" билан урди. Кейинги икки зотни ҳам йигитнинг карталари бир поғона устунлик билан забт этди.

– Кўрдингизми? – Қувон қошини чимирди. – Сиз шунчаки ўйнайсиз...

Лобар тошдай котди. Ранги мурданикидай оқариб кетган бўлса, ажабмас. У уйқусирадими, алаҳсирадими? Нега оддий кишлов йигитига бой берди? Қувон Ўрта Осиёда тенгсиз деб ҳисобланган киморбоз аёлга бас келганини билса, қандай ҳолга тушаркин?

– Қайтадан ўйнаймиз, – деди Лобар шошиб. – Мен бепарволик қилдим...

– Марҳамат, ўзингиз сузишингиз мумкин.

Лобар карталарни чийлади. Сўнгра ўзига уч туз, Қувонга уч зот чиқариб, карта тарқатди. Қувон карталарни очди-ю, ўртадаги зотга қараб, дарров ўйиндан чиқди.

– Агар кимор ўйнаётганимда ҳам мен ўртага ҳеч вако тикмай, шу йўлни тутган бўлардим, – деди у. – Чунки сиз ростдан пишиқ экансиз. Ҳозир қўлингизда уч туз бор, топдимми?

Лобар лол бўлиб қолди. Қувон деганлари аслида ким? "Қора карта ракси"га билиб туриб устунлик қилаяптими, билмай турибми? Лобар келиб-келиб кишлоқни содда йигитга ютқазадими?

– Биз мол бокиб юриб, карта ўрганганмиз, – кулди Қувон. – Жайдари кишлоқ картаси дейдилар буни.

– Бўлиши мумкин эмас! – Лобар кичкириб юбораёзди. – Биласизми, мен кимман? Йўқ, сиз ҳазиллашаяпти деб ўйламанг! Мен кимор жодусини биламан. Россияда чечен жодугарининг шогирдидан карта ўрганганман. Ҳали ҳеч ким бас келолмаган эди. Сиз... Сиз эса...

– Қизиқ экансиз, – қарталарини йиғиштирди йигит, – карта ўрганиш учун Россияга бордингизми? Ўша чечен кампир ҳозир Самаркандда яшайди-ку.

– Сиз адаштираяпсиз. У ўлган!

– Ёши тўксондан ошган, яқинда кўрдим-ку. Иси Зарема, Грознийда туғилган, Қарталар жодугари деган лақаби бор, олтмишинчи йилларда қамалиб чиққан. Шундайми?

Лобар гарангсиди...

Гўё мияси тўхтаб қолди...

Шу пайт кўчадан ўтаётган бир киши Қувонни таниб:

– О-ҳай, Қувон, нима кип журипсан? – деб тишсиз оғзини илжайтириб сўради. – Вой-пой, "Ласетти"га минибопсан-ов. Ўларсан-а!..

Қувон машинадан тушиб йўловчи билан кўришди.

* * *

Аммо Қувон чечен кампирнинг манзили ҳақида гапирмади. Бу пайтда мулланинг қабулига киришга фурсат келган эди. Тумор истовчилар, эри билан уришганлар, касаллар, мол ўғирлатганлар, ҳаттоки, бахти очилишини истаганлар қатор тизилиб ўтиришарди. Лобар аввал қоронғи даҳлизга, сўнг шарқона жиҳозланган, кичик деразали хонага кириб борди. Қирқ ёшлардаги мулла чордона қуриб ўтирарди. Қабулда турган "богарний"лик бир аёл Лобарга қаерда, қандай ўтириш лозимлигини шипшитган эди. Шу боис у довдирамасдан сассиз юриб борди-да, мулланинг қаршисидаги кўрпачага муслималардек мискинона чўкди.

– Келажагингиздан сўз очмасам бўлмайди, синглим, деди мулла ва айни дамда ўз кафтини очиб-юмиб Лобарга ҳам кафтини очишга ишорат этди. – Танлаган йўлингизда оғирликлар кўп. Учта фарзандингиз бўлади, лекин оғирликлар давом этаверса, бошингизга бахт қуши қўнмайди. Аввал итоаткор бўлгансиз, энди эса исёнчига айланиб қолибсиз. Шайтонга ҳай беринг. Жудоликларга мусулмон

фарзандидек бардош килинг. Биринчи марта фол очираяпсиз, қайтиб ҳеч қачон фолга ишонманг... Бошингизда қора капалак учиб юрибди. Уни ҳайдаб юбориш учун қилаётган барча ишларингизни ташлаб, ҳаётингизни қайтадан бошланг.

– Ўғлимни сизнинг олдингизга олиб келмоқчи эдим, – деди Лобар.
– Унинг аҳволи оғир эди. Сиз дуо ўқиб, соғайтириб юборармидингиз?

– Йўқ, биринчи фарзандингизнинг умри қисматингизга йигирма саккиз йил бурун "қиска" деб ёзилган.

– Мен қанча яшайман?

– Бу сизнинг икки йўлдан бирини танлашингизга боғлиқ. Эзгуликни танласангиз узок яшайсиз, оқ тўшакда оққа ўралиб вафот этасиз. Ҳозирги оғир йўлингиздан кетаверсангиз, яқин кунларда бир чечен кампирга дуч келасиз. Ўша кампир киморнинг барча сирларини биладиган киморлар афсунгаридир. Жуда-жуда қариб, кўздан ҳам қолган. У бир гап айтади. Гапнинг маъзини чақолсангиз узок яшайсиз. Эҳтиёт бўлинг, акс ҳолда сизни атрофи сув билан ўралган тошлок маконда отиб ўлдиришади.

Мулла зўрға сабр-тоқат қилаётгандек шошиларди. Лобар ҳам ортиқ ўтирмоққа журъат этолмай, сўнгги саволини берди:

– Нима қилсам ўғлимнинг руҳи шод бўлиб, гўрида тинч ётади?

– Гўрида нотинч ётибди, деган фикр қаллангизга қаёқдан келди? Сиз жуда ҳам даҳрийча фикрляяпсиз. Илоҳиятни тушунмасдан ўликларни турлича тасаввур қилишни одамлар қаёқдан ўрганadi-я? Менинг ҳузуримга ўзингизни ўқитиш учун келганингизни остона ҳатлаётганингиздаёқ билдим, аммо тилимга ўз-ўзидан келажагингиз ҳақидаги сўзлар ёрилаверди. Ёмонликни ташлаб, тавба қилинг, Оллохни унутманг. Ўзингизга қўшиб бировларни ҳам шайтонлар оламига итарманг. Чечен кампир билан учрашув қанчалар тасодифий бўлса, ўзингизга шунчалар яхшидир. Бирор кимсадан унинг манзилини сўрасангиз, бошлаб боришларини талаб этсангиз, ўша айтган одам ҳафта ўтмай ажалга йўлиқади... Энг ёмони, сизнинг кафтингизда икки йўлдан бирини танлаш имконияти соат сайин йўқолиб борапти. Қасосга бунчалар ҳавас қилиш яхши эмас. Ўтмишни унутинг.

Лобар кўрпача тагига пул қистириб, ўрнидан турди. Гавдаси зил-замбил бўлиб қолганди. Кўчага чиқар экан, бу не синоат, деб ўйлади. Муллага, фолга, умуман, ғойибдан келувчи хабарларга ишонмас эди. Лекин ҳозир қулоғи тагида жаранглаган сўзлар ҳақиқат эмасми? Дунё

факат моддий нарсалардан иборат бўлса, мулла бу гапларни қаердан олиб гапирди?

– Ўқитдингизми? – сўради Қувон машина магнитофонининг овозини пасайтириб. – Жуда ўткир мулла-я? Айтгандай, фолбинлик одатиям бор.

– Нима қилишни билмай қолдим, – рулга ўтирди Лобар. – Бошим котаяпти... Қувон, тўғриси айтинг, нега сиз намоз ўқимайсиз?

– Ҳар бир мусулмон намоз ўқиши керак, лекин... Нима десам экан?.. Мен...

– Ўқишга ҳафсала йўқ. Ҳали вақти-соати келади, дейсиз. Тўғрими?

– Тўғри... Бўлади-да, секин-аста. Бироқ бу юришимни оқламайман.

– Менда ҳам шундай бўлаяпти, – Лобар "Ласетти"ни тор жойда зўрға буриб олди. – Бирдан тоат-ибодатни бошлаб, намозхон аёлларга ўхшаб, уйда ўтиришни истаб қолдим. Аммо ичимда нимадир бунга йўл қўймайпти. Ҳозиргидек яшаб юраверишни амр этаяпти.

– Намоз ўқигингиз келдими, ўқинг. Яхши иш яхши-да.

– Намоз ўқиб, ҳижобгаям кираман, – деди Лобар катъий оҳангда.

– Фақат бошлаган "иш"имни охирига етказиб олсам, бас.

Улар кимор ҳақида гаплашмадилар. Шу тобда Лобар ўйларди: "Ўғлимни олиб келганимда-ю, шифо топганида, эзгулик нима эканлигини битта эмас, ўнта юрак билан ҳис этмасмидим?! Ўлим муқаррар бўлган ҳолатда мўъжиза туфайли омон қолинса, шукрона келтириб, ўша кунгидек намоз ўқимасмидим?! Энди кеч... Жуда-жуда кеч! Урушга кирган, душманга рўпара келган одам "мен қон тўкмайман" деб ортига бурилиб кетоларми? Йўқ, ўлдиришади. Осонгина йўқ қилишади уни!..".

Лобар мулланикидан юз қадам узоқлашмасдан икки йўлдан бирини танлаб бўлди.

* * *

– Жийдазор бўйлаб кетган йўл бизнинг қишлоққа олиб боради, – деди Қувон.

– Аввал бирон ошхона топиб ўтирамыз, кейин сизни ташлаб келаман. Шунга келишгандик-ку.

Самарқанд-Тошкент йўлидан бир оз юришгач, кабоб қўраларидан тутун ўрлаётган, мармар ҳовузчасидан сув тошиб чиқаётган айвонли, баланд ошхона кўринди. Лобар ва Қувонни тоғ томонга қараган

айвонга таклиф қилишар экан, хизматчилар сирли қараб қўйишди. Кувон бош кимираб кетди. Сўнгра улар кетишгач:

– Булар сиз билан юрганимга ҳайрон, – деди. – Қаллаларига дарров бошқача ҳаёллар келди.

– Бўлганим шу-да, – ҳазиллашди Лобар. – Бировнинг ёш хотини кетдик, деса кетаверасизми?

– Лекин-да ҳозир ўзимни шу айвондан ташлаб қочаман, – жўрттага хезланди Кувон.

– Сиз менга анча таскин бердингиз, – Лобар йигитнинг қўлидан охиста ушлаб, қўзларига ўтли бокди. – Бундан кейин ҳам алоқаларни узиб юбормасак.

– Овчилар уюшмасини тузамиз, дедингиз-ку. Келиб турасиз, қаранг, қандай баҳаво жойлар. Манави лалмикор адирлар Ғўбдингача чўзилган. Қаллик отмоқчи бўлсангиз қаллик, дарёдан балиқ тутмоқчи бўлсангиз балиқ бор. Уйимга келсангиз, эшигим ҳамиша очик. Ота-энам, янгам, сингилларим билан танишасиз.

Кувон бундан ортиқ яна қандай алоқалар бўлиши мумкин, дегандек ҳадиксираб қараб ўтирарди. Лобар ҳам сездики, бу йигит унинг измига осонликча юрмайди.

Дастурхон безатилди. Ўртадаги ароқни кўрган Кувон:

– Шу бало керак эмас, – деди. – Ўлай агар, ичмайман. Қасофати ёмон уради.

Уст-бошларини қоқиб, икки эркак айвонга кўтарилишди. Чарм ғилофларда милтиқлар борлиги, сумкадаги ов ўлжалари эканлиги шундоққина кўринарди. Улар бурчакдаги столни банд этишди.

– Кўрдингизми? – шивирлади Кувон. – Улар овдан қайтишяпти. Сиз ҳам шулардек юра оласизми?

– Албатта, юроламан. Ёнимда сиз бўласиз, нимадан кўрқаман?

Кувон овчиларга ўгирилди.

– Акалар, ов қандай бўлди?

Овчилар ҳўмрайишди. Афтидан чиройли аёлнинг олдида қишлоқ йигит ўзини кўрсатапти, деган ўйга боришди.

– Овми? Ов қандай бўларди, яхши-да, албатта, – деди чўзиқ юзли киши.

Бақалоғи баҳонада Лобарга суқланиб қараб олди. Кейин шеригига бир нималар деб пичир-пичир қилди-да:

– Сен қаердансан, ука? – деб сўради.

– Шу ердан. Ҳув анави қишлоқдан. Самарқандга ишлагани

боргандим, бу киши ҳамсоя эди, Мойтошдаги муллага олиб боринг, деб илтимос килди. Ок "Ласетти"ни кўраяпсизми? Бу кишиники.

– Мен. – деди чўзик юзли овчи, – ок "Ласетти"ни ҳам, столларингдаги ок шишани ҳам кўраяпман. Бу нимаси? Мулладан чикиб ичиш шаҳар конунларида ёзилганмикан?!

Лобар кўзи билан имо килган эди, Кувон шишани уларнинг столига қўйди. Овчилар пул камлиги учун юз-юз ичишмоқчи эди, шекилли, очилмаган бутун бир шишани кўриб, Кувонга хурсандчилик балкиган саволомуз нигоҳларини қадашди.

– Бу киши овга жуда кизикади, – деди йигит Лобарни "опа" дейишга ийманиб. – Иккимиз ҳам ичмаймиз, ошхоначи адашиб олиб келди. Энди сизларга совға.

– Раҳмат, – деди бақалок такаббурлик билан.

Лобар бош ирғади. Кейин кутилмаган бир таклиф айтди:

– Столларни бирлаштирсак, қаршилиқлар йўқми?

Овчилар бир-бирига қарашди.

– Зиёфат менинг ҳисобимдан, – Лобар ўрнидан турди. – Чин кўнгилдан.

– Бизга аёл киши ҳақ берса, тўғри келармикан? – чўзик юзли ўйланган бўлди.

– Майли, боримизни ўртага ташлаймиз, етмаганига синглимиз тўлайди, – деди бақалок. – Сахардан бери бўларим-бўлди, бир байрам қилайлик.

Ошхона хизматчилари яна ноз-неъматлар келтиришди. Овчилар иккинчи қадахдан сўнг ўзларини эркин тута бошлашди.

– Мен ҳам бир вақтлар овга чиққанман, – деди Лобар. – Биротардан ҳам, кўшотардан ҳам отганман. Жуда мерган бўлмасам-да, анча-мунча нишонни қулатоламан. Кувон билан йўлда гаплашиб келаётиб, тўсатдан ов милтиғи ҳақида ўйлаб қолдим. Овга олиб бор, деб Самарқандда кимга ялинаман? Эрим кизикмаса, қариндошлар ичида овчи бўлмаса, бегона эркаклар билан овлоқларда юриш тўғри келмаса... Кувон иккимиз дўст тутиндик. Укам катори бўлган мард, ҳалол, қўли гул йигитдан кўп ёрдам кутса бўлади. Милтиқниям у олиб беради, уникида туради. Мен ҳар ойда бир келаман...

– Ҳар ойда бир келишингиз шарт эмас, – деди чўзик юзли. – Бизда мавсумлар бор, шунга қараб иш тутганингиз маъқул. Ов қизийдиган кунлари уч-тўрт кунга келсангиз, нур устига аъло нур бўларди.

– Хўш, ука, – деди бақалок Кувонга, – шаҳарлик меҳмонга қанақа қуроли олиб бермоқчисан?

– Худди сотадигандек гапираяписиз, ака?

– Олсаларинг сотаман.

Лобар чарм ғилофга бир қараб олгач, деди:

– Жиддий гапираяписизми? Биз Қувон билан келишганмизки, у қурол танлаб, ўз номига расмийлаштиради, пулини мен тўлайман.

– Пулидан қочманглар, бу энг зўр қурол, – дея бақалоқ мақташга тушди. – Ҳақиқий бешотар. "Автоматический"га қўйсангиз, кетмакет бешта чўчкани ер тишлатасиз, фақат бешта овсар чўчкага дуч келсангиз, албатта.

– Дўстим тўғри гапираяпти, – деди чўзиқ юзли ҳам. – Пулим бўлганида ўзим сотиб олардим. Меники бир отар, бир юз йигирма мингга олганман.

– Бешотар неча пул? – сўради Лобар.

Бақалоқ гоҳ шеригига, гоҳ Лобарга аланг-жаланг боқди.

– Биласизми, бунақасини тўрт юзга ҳам тополмайсиз, – деди у шошиб. – Сиз учун уч юзтага бераман. Қуролни тушунасиз-а? Қаранг, қарабинга ўхшаб махсус ўқдони бор. Какликлар қандай уцади, кўрган бўлсангиз керак. Йигирма-ўттиз қадамга самолёт тезлигида пир-р-р учиб ўтади, илғаёлмай қоласиз. Бунда битта ўқ зое кетса, кейингиси бор, кейингиси бўлмаса, ундан кейингиси... Айникса, чўчка ярадор қилинса, бешотар роса аскотади-да.

– Хўп, розиман, – деди Лобар. – Пулни ҳозир берсам, қуролнингизни топширасизми? Йигирмата ўқи билан...

Чўзиқ юзли бош чайқади.

– У ҳолда шеригимниям, Қувонниям қамокка тикасиз. Қурол савдоси қонуний бўлиши керак. Бунинг учун Қувон ука "Овчилар жамияти"га аъзо бўлиб, уч ойлик аъзолик пулини олдиндан тўлайди. Бу кўп эмас, ўттиз олти минг сўм бўлади. Мелисадан рухсатнома олади. Сўнгра милтикни унинг номига расмийлаштириб берамиз, холос. Ўқ масаласига келсак, тайёр ўқ минг сўмдан. Сиз чўчка отмоқчимисиз? Бизга ўқнинг эҳтиёт қисмларини, порохини олиб берсангиз, кўрғошин эритиб, даҳшатли қўлбола ўқ тайёрлаб берамиз.

– Келишдик, – Лобар Қувонга қаради, у ноилож розилик билдирди.

– Бизга сочма ўқ керак эмас, ўзингиз айтгандан тайёрлайверинг.

– Қанча?

– Юзта.

– Юзта-а?!

* * *

Лобарнинг мулла хузурига бориши ана шундай кечди. Ўзига шерик топди, чечен кампирнинг дарагини эшитди, киморбозларни кириб ташлаш учун қуролланиш имконияти туғилди.

Дарҳақиқат, тез кунларда Қувон милтик ва юзта ўқни қўлга киритганини хабар қилди. Лобар қанот боғлаб учди-ю, ўша кунийёқ қуроли ўқ-дориларни йигитдан олиб қўйди.

У биринчи галда киморбозлар сардорини уруғ-аймоғи билан йўқ қилишни режалаштирган эди.

* * *

Лобар катта кимор қаерда ўйналаётганини билишни истарди. Энди улар жуда эҳтиёткор бўлиб қолишганди. Айниқса, Лобарни кўрса, иситмалари чиқиши аниқ. Аёл бир нарсани тушуниб етди. Парвонани захарлаб ўлдирганлар тўдани ташкил қилади. Бу тўда йирик кимор доираси таркибидадир. Лобар улар билан юзма-юз учрашиши учун кимор доирасига кириши лозим, яъни анча-мунча пул билан киморларда иштирок эта бошлаши керак.

Бир куни ёлғиз ўзи тоққа борди. Кимсасиз қирлар оралиғида милтиғини синаб кўрар экан, тўдани бутунлай кириб ташлаш нақадар мушкуллиги ҳақида ўйлади. Муаммо фақат мўлжалга теккизишда эмас. Биринчи киморбозни ўлдирган кунийёқ Лобарнинг қўлига кишан солишлари муқаррар. Шундан сўнг уни тергов ҳибсхонасидаёқ бўғиб ўлдириш киморбозларнинг қўлидан келади, уйига эса ўт қўйиб юборишади.

– Бундай бўлмаслиги учун, – ўзига-ўзи гапирди Лобар, – ваҳшиёна қонхўрликни амалга оширишим керак. Яъни тўда бир жойга жамлангач, бостириб кириб, битта қолдирмай ўлдиришим шарт. Тўхта-тўхта, менда Шомилнинг такдири такрорланмаяптими? Наҳотки, мен чечен киллерига ўхшаб, киморбозлар қушандасига айлансам?! Нозиккина ўзбек аёли ўнлаб одамларни профессионал қотилларга ўхшаб нариги дунёга жўнатадими?.. Жўната оладими?

Лобар бутилкаларга кетма-кет бешта ўқ узди-да, милтикни ғилофга жойлади. Қир устидаги харсангтошга чиқиб атрофни томоша қилгиси келди... Шомилни ҳам шундай қисмат қотилликка ундаган эди. Унинг ёш хотини ва ширин фарзандини ҳайвонларча ўлдирдилар. Фожиадан сўнг Шомил нималар қилмади? Бутун-бутун тўдаларни ер тишлатди. Қасос қанақа бўлишини кўрсатиб қўйди. Қўшмачи Иранинг

ўлдирилиши-чи! Йўқ, Лобар чечен киллеридек бўлмайди. Шомилнинг мафияга ва курул савдосига алоқаси бор эди. Ҳозир ҳам у бежиз Сицилия мафияси орасида эмас. Газеталар валимадор килиб "жахон статусига эга профессионал киллер" деб таърифлаётган собик эридан Лобар нималарни ўрганди? Совуққонлик билан ўч олишними? Тўппонча, ов милтиғи ва "Калашников" автоматидан фойдаланишними?

Йўқ, энди Шомил бошқа дунё, Лобар бошқа. Эртага Лобар йирик котилликка қўл уради ва тезда ушланади. Қаёққа ҳам қочади? Қиморбозлар қотили аёл киши эканлигини билган орган ходимлари тўппа-тўғри Лобарникига келади. Кейин эса... умри қамокда ўтади.

"Сицилияга кетсаммикан? – ўйлади Лобар. – Шомил билан учрашсам, боламни ўлдиришганини сўзлаб берсам... Уни юртимга бошлаб келаманми? Унинг қўли билан қасос оламанми?".

Лобар харсангтошга ўтирди. Кўз олдида яшил воҳа намоён бўлди. Уйларнинг томлари, туман марказидаги завод миноралари, уфқдаги тоғлар ва қўм-қўк осмон... Юзига ҳаёт шамоли урилди. Шу тобда Лобар марҳум ўғилчасини шу қадар соғиндики, ўкириб йиғлаб юборди. Яқин одамнинг ўлиmidан кейин бир қанча вақт ўтгач, соғинч чидаб бўлмас даражада хуруж қилишини билмаган экан. Бемажол ҳолда тошга юзини босиб, елкаси силкиниб-силкиниб, узок йиғлади. Тош кўз ёшлардан ҳўл бўлди, шамол сочларини силади аёлнинг...

Қанча вақт ўтди, билмади. Бир пайт боши узра хайкирик эшитилди. Дунё кўзига тор кўринган онаизор қўкка бокди. Бургут эди хайкирган... Бургут уни яшашга чорлади... Нега бургутлар йиғламайди? Нега улар мағрур? Нега муте, бечораҳол, кўрқок ҳолда кўрмаймиз уларни?!

Бургут шиддат билан тоғ томон энгач. Лобар ҳам қирдан тушди. Қуролини ўриндик тагига беркитди-да, "Ласетти"ни тоғ йўлидан ҳайдаб кетди.

Шу куни у қиморбозлар сардорининг уйини кузатди. Кун ботгунча ҳеч қим кўринмади. Кейин иккита машина келди. Савлатдор кишилар тушиб, ҳовлига киргач, Лобар йўлнинг нариги четидан юриб, машина рақамларига қаради: биттасиники бир хил рақамлар бўлиб, Лобар аввал ҳам аллақерларда учратганди.

Кетсамми, деб иккиланиб турганида уйдан калта иштон, ола қўйлак кийган етти-саккиз ёшлардаги бола чопиб чикди. У дўкон сари

шошаётганини англаган Лобар ҳам йўлини бурди ва озиқ-овқат дўконига кирди.

– Салом, жўра, – дея кепка кийган одам болани тутиб олди. – Қандайсан? Мени танидингми?

Лобар болани бошқа бир одам пойлаб турганини кутмаган эди. Шу боис дарров ўзини ўнглаб, растадан маҳсулот ахтараётгандек синчиклаб қарай бошлади. Қулоғи эса ҳалигиларда эди.

– Нахотки, танимадинг? – давом этди эркак. – Мен Собир поччангнинг ўртоғиман-ку. Қора "Жип" ҳайдаб келгандим, эсладингми?

– Йўк, сиз адашаяпсиз, – деди бола. – Мен Бобо аканинг ўғлиман. Собир ака ҳамсоямиз Хуршиднинг поччаси. Мен Хуршид эмас, Дамирман, тушундингизми, Да-мир-ман!

– Атиги бир марта келгандим, адаштирибман-да, узр, жўра. Лекин анави машиналар нега уйларинг орқасида турибди? Улар Хуршидларникига келар эди-ку?

– Қанақасига Хуршидларникига келаркан? Сиз кимсиз ўзи? Билмайсизми, улар доим бизникига келишади-ку! Эҳ-хе, катта ишларда ишлашади улар. Уйларида бундан ҳам зўр машиналари бор.

– Нега билмас эканман? Биламан, қарта ўйнаганман-ку, ахир.

– Дадам билан ҳам ўйнаганмисиз?

– Йўк, шунинг учун танимайман-да дадангниям, уйларингниям... Ҳозир келган одам мўйловли Сухроб аками? Қартани зўр ўйнайди у, тўғрими?

Бола юлжиниб эркакнинг қўлидан чикди.

– Қарта ҳақида гапирсам, дадам тилимни кесиб олади. Сухроб ака керак бўлса, ўзи билан гаплашинг.

– Ҳозир гаплашиб нима киламан? Менга пул керак эди, пул уйида бўлади-да. Кўчада юз минг кўтариб юрармиди?!

– Нималар деяпсиз, машинасидан оғир сумка туширди. Мени билмайди дейди, лекин сумкасида пулдан бошқа нима бўлади?

– Раҳмат сенга. Мен билан гаплашганингни ҳеч кимга айтма. Агар оғзингдан гуллайдиган бўлсанг, Сухроб аканинг пули ҳақида гапирганинг учун тилингни эмас, каллангни ҳам кесиб олишади.

– Ўзингизникиниям кесиб олишмасин!.. – бола хафа бўлиб нари кетди ва тўртта музқаймоқ сотиб олди. Эркак дарров кўздан йўқолди.

Лобар суҳбатни узук-юлук эшитган бўлса-да, ҳаммасига тушунди. Чопиб кетаётган боланинг ортидан қараб қоларкан: "Унда нима айб?"

– деб ўйлади. – Бугун унинг дадаси ўлади! Меҳмонлари ҳам қонга беланишади, бешотар ўқлари афтларини таниб бўлмас даражада ўзгартириб юборади... Аммо фарзандларига тегинмайман. Ахир, менинг Парвизимни фарзандлари ёки хотини ўлдиргани йўқ-ку! Эртага эса бир неча жаноза... Қирққа кирган қирчиллама йигитлар кафанга ўралишади. Қимор уларни шу кўйга солган бўлиб чиқади. Қиморга аёлни тикиш, қимордан бойлик орттириш, қимор учун бегуноҳ болани қон кустириш шундай оқибатга олиб келади!..".

Чоррахага етганда, қўл телефони титраб, рингиллай бошлади. Нотаниш рақамлар экан.

– Алло, – деди Лобар.

– Ассалому-алайкум, – деган овоз эшитилди, – бу мен, Қувонман. Яхшимисиз, Лобар? Сизни жуда соғиндим. Ёшлик қилган эканман, энди қўп нарсани тушундим...

Қувоннинг кайфи борлиги сезилди.

– Нимани? – Лобар аввалгидан-да, мулойим гапирди. – Қачон "Лобар" дер экан, ўзига тенг кўраркан, шу йигитдан ҳам садо чиқармикан, деб кеча-ю кундуз интиқ эдим.

Қувон кулди, хийла вақт ўзини тутолмади.

– Лобар, – деди яна, – илтимос, милтиғимни қайтариб беринг. Сиз жуда аламзадасиз. Биронта "чўчка"ни отиб қўйсангиз, мен ҳам қамаламан.

– Шунинг учун соғиндим деяётган экансиз-да?

– Ростдан ҳам соғиндим, э-э-э... Ишонмайсиз-да! Фақат ўша лаънати қуролни, майли, ахлатхонага ташланг, кўнглим хижил бўлмасин.

– Эҳ, Қувон, ҳеч ичмайдиган одам атиги шунга ичиб ўтирибдими?

– Йўқ, мен бугун ўқишдан йиқилдим! Ҳеч қачон талаба бўлолмаслигимни тушундим. Ҳар ким ўз касбини қилиши керак экан!

Лобар уҳ тортиб, пешонасига тушган сочларини йиғиштирди.

– Энди сувоқчи бўласизми?

– Нега сувоқчи? Мен иш тополмаганим учун сувоқчилик қилиб юргандим. Асл касбим нима? Ўйлаб кўринг-чи.

– Наҳотки, қартабозликни назарда тутаяпсиз? – Лобар жаҳл билан сўради.

– Қимор ўйнамайман мен! Қиморни жодугар ўйнасин! Мен снайперман!.. Снайпер! Эсингиздан чиқдими? Илтимос, "иш" топиб беринг, ҳеч бўлмаса биттагина... Сиз учун биттагина...

– Қувон, сиз мастсиз. Ўқишдан йиқилиш фожиа бўптими? Ўзингизни қўлга олинг, йигит, Эртага гаплашамиз. Мен сизга дўкондан иш топиб бераман, агар... Одам ўлдириш ҳақида иккинчи гапирманг! Сиз ҳалол, мард, очикқўнгил йигитсиз... Қувон, бирон кун мени кўргани келасизми?

– Поччам рашк қилмаса, албатта, бораман.

– Абдулла акани баҳона қилмай қўя қолинг. У одам билан фақат қоғоздагина эр-хотинмиз. Қолаверса, нега рашк қилади? Биз дўстмиз-ку! Дўст бўлиб қоламиз... Қувон, сизга бахт тилайман... Энди хайр!.. Хайр, менга ишонган йигит! Хайр, мен ишонган йигит!..

Лобар телефонни ўчирди. Қувон ҳам қайтиб қўнғироқ қилмади.

* * *

Болалар ухлайдиган вақт келди. Кўчалар ҳали ҳам серкатнов эди. Ресторанларда одамлар гавжум, таксилар аллақаяқларга ғиз-ғиз шошади. Унда-бунда мастлар, калта юбка кийган кизлар кўринади.

Лобар қора "Нексия"ни хайдаб чикди. Қиморбозлар сардори истикомат қиладиган маҳалла орқасида қўп қаватли уйлар жойлашган эди. Бирининг ёнига машинасини тўхтатиб, рубоб ғилофини кўтариб тушди. Эркакча кийинган Лобарга диққат қилмаган киши уни ҳақиқатан эркак деб ўйлар, рубоб ғилофи ичида ўқланган бешотар борлигини ҳаёлига келтирмасди.

У бой хонадонлар яшайдиган маҳалла кўчасидан илдам юриб бораёпти. Ана, Бобо аканинг сал кам бир гектар майдонни эгаллаган икки қаватли уйи. Уй орқасида бояги машиналар турибди. "Демак, малъунлар шу ерда, – ҳаёлидан ўтказди Лобар, – олдимдан чиққанини отиб кетавераман. Ким айбдор, ким беайб у ёқда – нариги дунёда жавоб бераман... Бу дунёда эса... Қасос ва ўлим!".

Лобар эшик қаршисига етгач, милтикни олиб, ғилофни ташлади ва кулфга қарата ўқ узмокчи эди, кулфланмаганини пайқади. Эшикни итариб, ҳовлига сирғалиб кирди. Чироклар ёник, ҳеч ким кўринмас эди. Лобар бир неча ой муқаддам ўзи карта ўйнаган хона сари юрди. Бирок ёндаги эшикдан аёлнинг бўғиқ инграши эшитилиб, Лобарнинг юраги дуқирлаб ура кетди. Қия очик эшикка қаради-ю, сесканиб тушди. Кечкурун дўконга чиққан бола қонга беланиб ўлиб ётар, аёлнинг типирчилаётган, қон сачраган, яланғоч оёқлари кўринар эди. Лобар ўпкасини тўлдириб чуқур нафас олди, бармоғини бешотар тепкисига қўйиб, бир қадам ташлади. Қора никоб, қора либосдаги

кимса бир аёлни, афтидан, хонадон бекасини бўғиб ўлдирмокка уринарди. Биринчи курбон шу бўлди: Лобар унинг коп-кора бошига ўк узди. Гумбурлаган товушдан саросимага тушган яна бир кора ниқобли шахс кўшни хона эшигида ҳозиргина олган бойлам-бойлам долларларни кўлида кисиб котиб турар эди. Лобар ўйлаб ўтирмай уни ҳам отиб ташлади. Бироқ боскинчи қорнини ушлаб, судралиб қоча бошлади. Кейинги ўқдан ҳам ўлмади. Лобар ярадорнинг ортидан кўшни хонага кираркан, очилган сейф, бир уюм пулларни кўрди. Шериги уй бекасини бўғаетганда, буниси сумкасига бамайлихотир пул жойлаётган экан.

Лобар милтик кувурини боскичининг елкасига тўғрилаб, тепкини икки марта босди... Хоналарда порох тутуни сузиб юрарди. Лобар милтиғини қайта ўклаб, беканинг бошига борди. Бечора аёлнинг калта, гулдор халатида ўғлининг кони ҳали котиб улгурмаган эди. Ўлиб кетишига бир баҳя қолган аёл ўрнидан туролмади: Лобарга мўлтираб, алланималар деб ғудранди.

У шифокор ёрдамига мухтож эди, қолаверса, ўғли ва икки эркаkning жасади ёнида қолдиришга Лобарнинг виждони чидамади. Қўлтиғидан кўтариб, ташқарига судраб чиқаетганда бояқиш тушунарсиз ғўлдираб, нималарнидир гапирмокчи бўлди. Хунрезликдан аёлнинг эси оғиб қолган деб ўйлаган Лобар адашганди: аёл ҳовлининг нариги томонига ишора қилиб, хавфдан огоҳлантирмокда эди.

Дарвоқе, қуролланган яна икки боскинчи чиқиб келди. Бири пичоғини енгига артганига қараганда киморбозлар сардорининг тақдири не кечгани маълум бўлди-қўйди.

– Ўв тўнка! – деди пичок тутган киши. – Ов милтиқдан ким отди? Бутун маҳалла эшитди-ку, ит боласи!

Лобар ўлган боскинчилардан бири билан кийими ўхшашлигини, булар адашаётганини тушунди.

– Айт анавига, чиқсин!.. Аёлни эса ўлдир... Эй!.. Эй!.. Нима қилаяпсан?..

Боскинчи гапини тугатолмади, Лобар лаҳзалар ичра милтиғини қўлга олиб, гумбурлатиб ўк узди. Пичоғи тушиб кетган боскинчи додлаган қўйи ерга кулади, иккинчиси эса тўппончасини олишга ва икки марта отишга улгурди: қарс!.. қарс!..

Ойна жаранглаб синди. Лобар ичкарига чекинаётиб мўлжалга олмасдан отди ва шошганидан қокилиб йиқилди.

Боскинчининг ўзи галварс эди. У ов милтиғи бешотар эканлигига фаҳми етмай Лобарга якин келди. Бир сония ҳам ўтмади... Милтиқ ўки миясининг қатигини чиқариб юборди.

– Бу уйда яна ким бор? – сўради Лобар киморбозлар сардорининг хотинидан.

Шўрлик аёл бош чайкаб:

– А-а... у-у... – деди, холос.

– Илтимос, меласага менинг аёл эканлигимни айтманг! – дея Лобар беканинг кўлларида ушлади. – Манавилар менинг боламниям ўлдиришган. Агар меласа қотил аёл киши эканлигини билса, мени камокка тикади. Тушунаёписми? Буларнинг бари бир гўр! Улардан қасос олдим... Лекин... лекин мен бошқа одамларни ўлдирмоқчи эдим. Сизни эса қутқариб қолдим. Хайр, мен кетдим, ҳозир "Тез ёрдам"ни чакираман.

Лобар кўча эшикдан югуриб чиқиб, сал нарида, кўча ўртасида турган кизалокка кўзи тушди. У дарвозага пусиб якинлашган чоғи, Лобарнинг чопиб чиқиши ўтақасини ёриб юбораёзган эди. Сочлари тўзғиган, тунги кўйлақдаги бу кизча дир-дир титраб йиғламокда эди.

– Аямни нима қилдингиз?! – чинкирди у. – Майли ўлдириб мени ҳам, ўлдириб!.. Аяжоним... Аяжонимни нима қилдингиз?..

Лобар бир қадам ташлаган эди, кизча қочди, аммо онасини ўйлади, шекилли, тўхтаб, яна овоз чиқариб йиғлади. Онадан кўнгил узиб бўлармиди? Жон аччиғидаги овозини эшитиб қандай ташлаб қочади? Қаргача қочади бу гўдак?!

– Ая! Аям қани? Нима қилдингиз?..

Лобар бир сўз айтиб юпатолмади. Фақат билардики, қонхўрларнинг кўзини шамғалат қилиб, кўча эшикни очиб чиққан норасида қиз энди умрбод кўз олдидан кетмайди. Қанийди бу воқеалар содир бўлмаган бўлса! Боскинчилар кизчанинг оиласини не аҳволга солишди? Лобарнинг ўзи ҳозиргина неча эркакнинг умрига зомин бўлди!..

Лобар ва кизча тикилиб қолишди. Қизча сезди: қаршисидаги бошқа одам. У тутиб олмайди, яқинда 2-синфга бориши керак бўлган Дамир ақасини ўлдиргандек ўлдирмайди, дадаси-ю меҳмонларини отиб ташлаганидек отмайди, аясини қийнагандек қийнамайди. Эҳ, соддадил кизча! У барибир уйига талпинди. Йиғласам раҳм қилади деб ҳикиллаб кела бошлади. Лобар-ку унга хусумат этмас. Бирок кимор ва бойликка муққасидан кетган қавм омон қўярмиди? Балки

дадасининг айби – уйида коп-коп доллар асраганидир, балки кимгадир ютказиб, қарзини тўламай юргандир.

Лобар кўшни уйларнинг деразаларига қаради. Айримлари билан одамлар мўралашмоқда эди. Лоқайд кимсаларми улар? Ё киморбозлар сардори шунчалик бездирганки, отишма садоларига "баттар бўл" деб қўлоқ солишганми?..

Нариги кўчадан милиция машиналарининг сиренаси эшитилгач, Лобар девор ёқалаб югура кетди. Кўча охирига етмасдан, уни пайкаб қолишди. Бир машина тезлигини янада ошириб бостириб кела бошлади ва қарнайдан: "Тўхта! Қурулни ташла!" деб дағдаға қилди. Лобар илгари бунчалик тез югурмаган эди: ўпкаси оғзига тикилиб, оёқлари ўзига бўйсунмай қолди. Машина сизмайдиған тор йўлакка дуч келмаганида, қўлга тушиши ҳеч гап эмасди. У қоронғи йўлакдан илгарилар экан, милиция машинаси кескин тормоз бериб тўхтаганини, эшикларни очилиб-ёпилгани эшитилди.

Кувиб келишяпти!

Лобарнинг югуриши унмасди. Қўрқув оёқларига тошдай осилиб, орқага тортарди. "Энди нима қиламан, эй худо?" деган нидо келди ичидан.

Йўлак эса ҳали узун, ҳаш-паш дегунча етиб олишади. Қизиқ, етган маҳал уриб йикитишармикан ёки қўлларини қайириб ерга юзтубан ётқишишармикан? Нозик қўллари синиб кетмайдими? Тепкидан биқини ўйилади-ку, ахир...

Лобар жон ҳолатда ортга бурилиб ҳавога ўк узди. Тахта девор ортида итлар қурди. Лобар яна отди, сўнг панжара билан тўсилган чикиндилар ариғини кўриб, чопиб бориб, ошиб ўтди. Лойка арикнинг таги балчик, тош ва турли ашқол-дашқолларга тўлган экан, эллик қадамлар юрмасдан Лобарни бутунлай ҳолдан тойдирди.

Чап томонда қия очик эшик кўринди. Бу ҳовлидигилар мол боқишади, шекилли, гўнг уюлиб турибди. Лобар арикдан зўрға чиқиб, эшикни итарди. Кираверишда оғилхона жойлашган экан. Чирок ёруғида уй эгаси мол тагини тозалайпти. Гаранг бўлса керак, ишдан бош кўтармади ҳам. Лобар кўримсиз ҳовлининг дарвозасини ахтариб ичкарирок юрди ва пастаккина кўча эшикка рўпара келди.

Бу уй боши берк кўча охирида жойлашганди. Лобар тўғрига юриб, пасткам кўчадан чиқди. Гоҳ ўнгга, гоҳ чапга бурилиб, таъқиб қилувчиларни адаштириш умидида охири ўзи ҳам адашди. Қарга келиб қолганини, кўп қаватли уйларга қандай боришни билолмади.

Аксига олиб бир тўда ёш-яланг чуғурлашиб яқинлаша бошлади. Қоронғи бурчакдаги шарпани пайкаб қолишлари мумкин эди. Лобар бир чети синган, омонатгина эшикни очиб, зим-зиё маконга кирди. Қандайдир ховли айвони эди. Одам яшайдиганга ўхшамасди. Лобар шу ерда тонг оттириш хусусида ўйлаб турганида рўпарасидаги хонада шам ёнди. Шам ёруғида чўпдай озгин, бир бурдагина бадбашара кампир намоён бўлди. Бурни шалвираган кўзлари юмук эди. Гугурт чўпини зўрға ўчириб олгач, дераза томон имо-ишора қила бошлади. Лобар аввалига тушунмади, сўнгра кампир кимни чакираётганини англаб, эти жимирлаб кетди. Шам ёруғида ўтириб қоронғидаги кимсани соғ одам кўролмайдиган, кампир қандай кўрсин!

Аллақандай куч ичкарига етаклади. Лобар мўъжазгина хона эшиги ғийқиллаб ёпилганда ростакамига чўчиб тушди.

– Сени етти йилдан буён кутаман, – хириллоқ овозда гапирди кампир. – Ўтир. Мендан кўркма. Бор-йўғи кимор афсунгариман, одам емайман.

* * *

Лобар башоратда айтилган учрашув содир бўлганидан лол эди. Нахотки, шу кампир киморлар афсунгари бўлса? Қонли жиноятлар аслида унинг касри... Одамлар "қора карта ракси" деб ўлиб бораётти. У таркатган ўйин оилаларнинг бузилишига, бахтсизлар сони ошишига, гўрлар кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Лобар милтиғини тиззасига қўйиб, кампирга ғазаб билан бокди.

– Сен ҳам унинг йўлига юрибсан-да? – деди кампир.

– Кимнинг йўлига? Шомил деган миллатдошингизнинг йўлигами?

– Йўқ, опамни назарда тутаяпман.

– Опангиз? Ким у?

Кампир жавоб беришга шошилмади. У Лобардек шиддат билан гапириш ёшидан ўтиб қолганига ҳам анча йиллар бўлган эди.

– Юзга кирган кампирнинг опаси қандай йўлдан юрган экан? – Лобар бўшаб қолаётган ўқдонга ўқ жойлай бошлади. – Билсам бўладими?

– У ҳам одам ўлдирган эди. Ҳаммаси кимор туфайли бўлган. Кейин қаллоблиги учун қамалди. Мен унинг умрини энг расво аёл умри деб ҳисоблайман. Ҳа, энг расво!

– Сиз чеченсиз, шундайми?

– Ҳа, мен ҳақимда яқинда эшитгансан.

– Яқинда эмас, бир неча йиллар аввал Россияда эшитганман. Эрим билан ишлагани боргандик. Озрок пул йиғиб даволанмоқчи ва фарзандли бўлмоқчи эдик. Афсуски, биз жойлашган квартирада тожикистонлик эр-хотинлар ҳам туришарди. Акмал деган ўша одам қиморбоз экан. Бир куни эримни қиморхонага бошлаб борди. Эрим қизиқ ўстида мени қиморга тикиб юборди. Эрталаб кавказликлар машинага босиб олиб кетишди. Кўп кўргуликларни кўрдим, лекин ёлғизгина болажонимни ўлдиришганида чидаёлмадим. Мана, менинг ҳам кўлим қонга ботди. Биласизми, асиралик чоғимда Анна Сергеевна деган шогирдингиз менга "қора карта ракси"ни ўргатди. Юртингга қайтсанг, Ўрта Осиёда тенгсиз қиморбоз бўласан, деди. Худди шу ўйинни билганим учун болам ўлди. Ўзимни ҳам, қотилларни ҳам ҳеч қачон кечиролмайман. "Қора карта ракси"ни Грознийда Анна Сергеевнага ўргатганингизни ҳисобга олсам, бахтсизлигимга сиз ҳам сабабчисиз!

– Менинг ҳеч қанака айбим йўқ, – тамшанди кампир. – Сен яна опам ҳақида гапираяпсан. Билиб қўй, дунёда иккита афсунгар бор эди: опам ва мен. Опам анча йиллар бурун Грознийда эсидан оғиб, хор бўлиб ўлди. Унинг рус шогирди борлигини эшитгандим. Исмини нима дединг ўша шайтоннинг?

– Анна.

– Анна? Ҳа, сен Аннадан эшитгансан опамнинг таърифини. Мен ҳақимда эса яқинда билдинг.

– Қувонга қартани сиз ўргатган экансиз-да?

– Буни ким айтди сенга? Мен аллақачон кўздан қолганман, қизим. Шу ёшимда бировга карта ўргатишдан нима наф? Қувон дедингми? Қувоннинг ўзи истеъдодли картабоз, дилбар йигит у. Бир гал шу ерда ётиб ишлади. Шерикларининг гапидан билдимки, у қартани қойиллатар экан. Ҳеч ким йўқлигида ёнимга чақирдим. "Сен бола карта ўйнама, – дедим. – Карта не-не умрларни ҳазон этмаган, не-не қасрларни кунпаякун қилмаган!". У шунчаки эрмакка ўйнашини айтди. Қойиб бердим. Қартани ўрганиш қиморхонага чипта олиш демакдир.

Сўнг болага раҳмим келди. Битта-иккита ховлиқмалар бир кун барибир қиморга тортишади. Шунинг учун унга дунёда "қора карта ракси" деган бало борлигини айтиб, ундан ҳимояланиш усулини ўргатдим. Бу усул "оқ карта ракси" деб аталади, болагинам. Шундоқ ҳам Қувоннинг ўзи анча-мунча усулларни биларкан, мен "оқ карта

ракси" ҳақида оғзаки айтдим, холос. Тағин мени Қувоннинг устози, киморлар афсунгари деб юрмагин. Гоҳида беҳосдан ўзимни афсунгар деб таништира бошлайман. Мен менманми ё опамманми, фарқлаёлмай қоламан. Ҳаммаси қартанинг касофати, айланай.

Билсанг, мен разолат ва кўзбўямачиликка қарши курашиб яшаган муштипар аёлман. "Оқ қарта ракси"ни ўйлаб топгунча қирқ йил вақт сарфладим. Сал кам бутун умр!.. Сезаяпсанми, менинг биринчи душманам опам бўлган. Опам қарта ўйинлари билан одамларни қон қақшатиб, ота-онамни қора ерга тиккан пайтлариёқ ҳамма ўйинлар шайтонийлигини киморбозларга тушунтиришга уринганман. Қайси қартабоз тушунарди дейсан! Шунда миямга бир фикр келди: қарта ўйинларида ютишнинг турли усуллари мавжуд, мана шу усулларга қарши турадиган қартабозни дуёга келтириш лозим. Шундай қилдим ҳам. Умримни сарфлаб бўлсаям, "оқ қарта ракси"ни кашф этдим. Бу кашфиётдан баҳараманд киши киморда ютказмайди, шу билан бирга ўйинлар аслида арзимас бир математик қонуният асосида бўлиб беришини тушунади. Шайтон қутқусига учган одам борки, ўзини қартага уради, қонуниятни билмасдан туриб ўзига-ўзи омад тилайди. Одам қартани эмас, қарта одамни қандай ўйнатишни "оқ қарта ракси"дан хабардор кишигина билади. Омадим кеп қолар, деган гаплар бекор! Бир кун у ютса, бошқа пайт мен ютаман, деган гаплар сафсата! Қарта ҳар бир қартабозни навбати билан хонавайрон қилмагунча қўймайди...

Бу ҳақиқатни одамларга етказишга кечикдим. "Оқ қарта ракси"ни кашф этмасдан туриб қуруқ насихат қилсам, ким ҳам қулоқ соларди? Бироқ кейинги авлодлар билса, шунинг ўзиям савоб.

– Опа-сингил роса қартабоз бўлган экансизлар-да, а? – илмоқли савол ташлади Лобар. – Бири "қора қарта", иккинчиси "оқ қарта"! Балки "оқ қарта"ни билган одам инсофини еб қўйиб, ҳамманинг пулини шилишга ўтиб кетар? Сиз эзгулик ўйини деб тасаввур қилаётганингиз ҳам барибир қарта бўлса!

– Йўқ, болагинам, – деди кампир, – ноинсоф, иккиюзламачи, очкўз одам "оқ қарта ракси"ни ўрганолмайди. Бу бир сеҳр эмас, "оқ қарта" қисқа муддатда, бир қарашдаёқ рақиб найрангини аниқлаш ва қарши чора қўришга асосланган. Пулга учган одам ўйинни давом эттиради ва ўз-ўзидан "оқ қарта" "қора қарта"га айланиб қолади. "Қора қартачи" эса вақт-соати келиб, иккинчи "қора қартачи"га дучор бўлганда, албатта, ютқазади.

– Бундан чикди, сиз ҳам опангиз билган қарта найранглари қайта кашф этган экансиз-да? Гапларингиздан сезиляптики, "оқ қарта" ҳам, "қора қарта" ҳам бир хил тажриба натижаси. Фарқи, "оқ қарта ракси" қисқа ўйин. Меъёрни билсанг, пулга қизикмасанг. бас.

– Афсуски, жуда ўхшаб кетади, – деди кампир. – Икковиям бир гўр, қарта деган номи бор. Аммо оқибати бутунлай бошқа-бошқа. Сен менга диққат билан қўлоқ сол. Имиллаб гапиришимга жаҳлинг чикмасин. "Қора қарта ракси" фалокатдан ўзга нарса эмас. Айт, мана сен "қора қартачи" сан, ўғирликка гувоҳ бўлмадингми, котиллик қилмадингми, қиморга ёш қизларни тикмадингми? Айт, азиз кишингдан айрилмадингми?

– Ҳа, шундай бўлди, – хўрсинди Лобар тиззасидаги милтиқни ўзига яқинроқ тортиб. – Бўлгандаям баттарроғи бўлди, момо.

– Яна бир нарсага эътибор бердингми?..

– Қандай нарсага?

– "Қора қарта ракси" ни ўрганиш эркакларга камдан-кам насиб этади, у асосан аёлларни ўз домига тартади. Бахтли аёлларга яқинлашмайди. Сен ҳам бахтсизлигингда ўргангансан. Ё адашдимми, тўғрисини гапир.

– Бу ҳақда ўйламаган эканман. Гапингиз тўғри, эрим мени қиморга тикиб, оилам бузилган, асираликда юрган кезларим картани ўрганганман. Устозлик қилган Анна Сергеевна ҳам москвалик зўравонлар таъқибидан қочиб, Грознийда яшаб турганида чечен кампирдан, яъни сизнинг опангиздан билиб олган. Демак, опангиз ҳам бахтсизлик чоғларида кимгадир шогирд тушган экан-да?

– Опам ҳам бахтсиз бўлгани рост. Эҳ, унинг ҳаёти бир дoston, фожиали doston. Биз икки опа-сингил эдик, ота-онамизнинг биздан бошқа фарзандлари бўлмаган. Онам бойларнинг уйида кир ювган, отам чилангарлик қилган. Айтишларича, аждодларимиз тоғ овулларида яшаган, одам ўғирлаб, гаров пули билан кун кечиришган. Бегуноҳ одамларни кўп ўлдиришгани учун балки бизни мазлумларнинг қарғиши ургандир...

Ўша дамларда рус аскарлари олис овулларни ҳам босиб олишади. Тоғликларнинг қўлидан қурол, тагидан тушпорлари тортиб олиниб, ҳукумат йўриғи билан яшашга мажбур қилинади. Отам бахт излаб тоғдан тушади ва шаҳарга жойлашиб қолади. Чилангарга шогирд бўлиб, ўзи ҳам катта устага айланади.

Отамни тоққа қайтиб бормаган дейишарди, лекин бу катта

бахтсизлик эмас экан. Икки кизи дунёга келгач, уларни оқ ювиб-оқ тараб вояга етказа бошлашади. Эсимда, бизларга бирон марта ҳам каттик гапирмасдилар. Ножоиз иш килиб қўйсак, одоб билан койирдилар. Опам менга қараганда шўх эди. Баъзан отамга тақлид килиб менга насиҳат ўқир, кейин кулгидан ўзини тўхтатолмай хиринг-хиринг қиларди. Тан оламан, у болалигидан зеҳнли эди. Бир иш буюрсалар, қандай бўлмасин бажармасдан қўймасди. Ҳар балогоа ақли етгани учун ота-онам уни "билимдон" деб эрқалашарди. Афсус, ўшанда ота-онам катта қизлари келажакда "қарталар билимдони" бўлиб танилишини билмасди. Кимдир фол очиб, огоҳлантирган тақдирда ҳам опамнинг қиморбоз аёл бўлиб кетишининг олдини олиш жуда мушкул эди. Қисматдан қочиб бўларканми?

Ўша кунлар кечагидай ёдимда. Мингга кирсанг ҳам болалигингни кечагидай эслайверасан. Опа-сингиллар кўзга яқин қизлар бўлиб вояга етдик. Оллоҳ ҳам тенгқурларимиз ичида тенгсиз қилиб яратганди. Айниқса, опам мендан ўн чандон гўзал эди. Йигитлар унинг ишқида бир-бири билан муштлашиб кетар, иш пичоклашишгача бориб етарди. У вақтларда йигитлар жўжаҳўроздай уришқоқ, кароқчилардек пичокбоз бўлишарди.

Кунларнинг бирида кўчамизга биз каби аслида тоғлик бўлган бир йигит келиб қолди. Исмо Мамед эди. У отам билан танишиб, чилангарликка қизиқишини айтди. Отам унга иш ўргата бошлади. Гоҳида жамулжам бўлиб бирга овқатланардик. Қанчалик мактовга сазовор бўлмасин, Мамед менга ёқмасди. Унинг кўзларига қараб самимий эмаслигини ҳис этардим.

Ёз кечаларининг бирида опамни Мамед билан ушлаб олдим. Иккови бурчакка пусиниб, ўпишаётган эди. Мамеднинг кучоклаши, опамни бурчакка қисиши, этагини қўтаришга уриниши ғазабимни кўзгатиб юборди. "Опа!" деб қичқирдим. Бу қичқиригимда опамдан ҳам нафратланиш мужассам эди. Улар менга ялинишди, отамга чақиб бермаслигим учун нима истасам мухайё этишларини айтишди. Енгилтаклардан нима таъма қилардим? Тоғ-тоғ олтин беришсаям опамнинг номусини алмашармидим?

Ўша заҳоти ота-онамни уйғотиб, бўлган воқеадан хабардор қилишдек шаштимни сезган Мамед: "Шошилма, синглим, мен бўлажак поччангман, – деди – Ишонмасанг опангдан сўра. Биз яқинда турмуш қурамиз. Наҳотки, кейинчалик "чақимчи" лақабидан қутулолмай юрсанг?!".

Мен иккаланиб қолдим. Мамеднинг кони бузуклигини шартта-шартта айтиб ташламаганимга ҳали-ҳануз афсус чекаман. Орадан кўп ўтмай, ростдан-да тўй тадориғи бошланди. Отамнинг қарори кўни-кўшиларни ҳам хайрон қолдирганди. Улар "Гулдай кизингизни ҳеч кими йўқ мусофир йигитга бераяпсизми?" деб надомат-ла бош чайкашар, орқаваротдан дув-дув гай қилишарди. "Қартабоз" деган сўзни ўшанда эшитганман. Эмишки, Мамед шаҳарга келган кунлари ўғри ва қиморбозлар даврасига тушиб қолганмиш. Қартани ўрганиб, шаҳар канорасида "Мамед картабоз" лақабини орттирган эмиш.

Отам кўп гапларга парво қилмади. Ўзимнинг тоғлигим дедими, опам ва Мамеднинг мўъжазгина тўйларини қилиб берди. Бу тўйдан мен хурсанд бўлмадим. "Ахир, биз шаҳардаги энг олд қизлардан эдик-ку, деган ҳаёл қийнарни, – нега энди опам бинойидек оилага эмас, келгиндига хотин бўлди?"

Айтганимдек, Мамед бизникида яшашга заррача нотеҳола қилмади. Ҳовлимиз четидаги хужрага гўдайиб кириб олди. Келин-куёв хонаси шу эди.

Биринчи никоҳ кечасида ҳечам уйқум келмади. Ҳозир сенга кулгили туюлар, аммо ростини айтсам, опамни кизганиш туйғуси борган сари жўш уриб борарди. Назаримда, ўша аблах олдиди опамнинг тили қисик жойи бору "куткаринглар" деб бизларга айтолмаётгандек.

Ярим тунда ўрнимдан турдим. Айвончага секин чиқиб, хужра томонга диққат билан разм солдим. Тинчлик эканлигига амин бўлмокчи эдим, аммо шу пайт девордан икки шарпа ошиб ўтди. Нафасимни ичимга ютиб тахтадай қотиб қолдим. Шарпалар хужра эшигини тақиллатишди. Мамед чиқиб биргаликда ичкарига киришгач, аклим шошди. Кимлар эдики улар, куёв ўз келинчаги хузурига ўғринча киритса?!

Айвончадан тушиб, ишқом тагига келдим. Хужрадан ғалати овозлар эшитила бошлади. Отамни уйғотишга қўрқдим. Нима бўлаётганини аввал аниқлаш керак эди. Оҳиста эмаклаб, хужрага хийла яқинлашдим. Ҳалиги овозлардан товонимгача калтирокка тушгандим. Шунда эшик очилиб, биров чикди. Чуқур уф тортиб: "Оббо, занғарлар-ей, икки кишилашиб ўлдириб қўймаса эди", – деб гапиринди.

Овоз эгасини таниб, сапчиб туриб кетганимни билмай қолдим. Ахир, у Мамед эди-да! Нега икки кимсани келинчакнинг уйига

киргизиб, ўзи ташқарида бунақа гап сўйлайди? Уни почча ҳам деёлмадим. "Ҳой, хужрага кимни киргиздинг?" деб бакириб юбордим. Мамед бир лаҳза котиб колди, сўнг менга ташланиб, оғзимни ёпди. "Нега бундай қилганимни тушунтириб бераман, – вишиллади у қулоғимга. – Опангни аллақачон картага ютказганман. Қиморбозларнинг ҳаммаси каллақесар. Акс ҳолда опангниям, мениям сўйиб кетишарди. Сен шуни хоҳлайсанми?! Шу керакми сенга?!".

Қўлини тишлаб, овозим борица отамни чақирдим. Мамед ҳам, кийимларини чала кийган қиморбоз-каззоблар ҳам жуфтакни ростлашди. Нафақат отам, кўчамизнинг барча эркаклари ханжарларини ялтиратишиб боскинчиларни, Мамедни ахтаришди. Бирок ҳеч қаердан топиб бўлмади уларни.

Ота-онам кийин аҳволда колди. Опамга эса минг маротаба кийин эди. Кўкарган, тимдаланган жароҳатлари битиб кетди, аммо қалби умрбод қорайиб колди. Ўзини ўлдириб қўймасин деб неча ойлар пойлоқчилик қилдик. У эса нафрат билан: "Ўзимни ўлдириб ожизаманми?! Уларнинг калласини олмасдан гўрга кирмайман", дерди.

Бошқа шаҳарга кўчиб кетсак-да, ўзгармади. Хонасида турли-туман карталар бўларди. Кеча-ю кундуз ўзи билан ўзи карта ўйнаб ўтирарди. Кейинчалик қаерда биронта маккор картабознинг дараги чикса, дарҳол ҳузурига отланар, қўярда-қўймай карта ташлашарди. Унинг бахтини карта барбод қилди-ку, нега картани яхши кўриб колди, деб ҳеч тушунолмасдим.

Бир қанча вақт ўтгач, ҳаммаси англашилди: опам "қора карта ракси"ни ўрганиб, қиморбозларни хонавайрон қилишни ва бирон кун Мамедга дуч келишни мақсад қилган экан. Сенга "қора карта ракси"ни опам кашф этган деёлмайман. Бунақа ўйин минг тўққиз юз ўнинчи йилларда Кавказда овоза бўлганини эшитганман. Тахминимча, опам "қора карта ракси"ни биладиган картабоз билан учрашган бўлиши мумкин.

Мана, сени ҳам бахтсиз этган "қора карта ракси"нинг опам билан боғлиқ тарихи! Биласанми, опам қайтиб ҳеч қайси йигитга қўнгил бермади, турмуш қурмади. Ҳақиқий қиморбоз аёлга айланиб колди. Эркаклар унинг товонини ўпишга тайёр эдилар... Юз берган ҳодисалар менинг ҳам руҳиятимга таъсир ўтказиб бўлганди. Шу боис мен ҳам эрга тегмадим. Ота-онам дарду ҳасратда урушдан аввал бандаликни бажо келтиришди. Опам уларни гўрга тикди. Қизи

картабоз, қаллоб, суюкоёк бўлиб чиқишини кутмаган эдилар.

Чеченистонда қолишга юзим чидамади. Ҳар куни опанг ҳақида бўлмағур гапларни эшитиб яшаш, кимордан хонавайрон бўлган оидаларнинг кўз ёшларини кўриш осон эмас эди. Бош олиб кетдим, адашиб-улоқиб, охири шу шаҳардан кўним топдим. Умримни "қора карта"га қарши курашга бағишлаганимдан ўкинмайман. Карта опамга нима берди? Фақат бахтсизлик! Ҳатто, никоҳ кечасидаги фожиадан сўнг кирк йил ўтиб, Доғистонда Мамедни учратиб, ваҳшийларча ўлдирганида ҳам заррача таскин топмади. Опамдан нима қолди? Афсунгар чечен кампир деган номми? Ёки бўлмаса, "қора карта рақси"ми? Қувонга ўзимни бежиз Зарема деб таништирмадим! Бежиз ўзимни "киморлар афсунгари" демадим! Булар опамнинг номлари. Чунки шундай қилсам "қора карта"ни билувчи инсон дарҳол мени ахтариб топарди. Манзилни айтмасликка қасам ичтирдим. Ёунинг ҳам бир сири бор...

– Қанақа сир? – Лобар башоратда айтилгандек учрашув тасодиф бўлганини ўйларкан, илоҳийликка тан бериб, кимпирга тикилди.

Кутилмаганда кампир бошқа гап гапирди:

– Сен ўғлинг Парвизнинг ўлганига ишонасанми? Балки заҳар эмас, ўлик ҳолатга солувчи махсус дори бериб, кечаси қабрдан казиб, ўғирлаб кетишгандир?

– К... ки-им?! – Лобар ток ургандек сакраб ўриндан турди.

– Ким бўларди, Шомил-да!

– Мен Шомилга нима ёмонлик қилибман?

– Буни ўзингдан сўраш керак, – деди кампир. – Москвада бир юз йигирма минг доллар ўғирлаганингни тан оласанми?

– Ўғирламаганман! – Лобар зарда қилди. – Уни ўлган деб ўйлаганмиз. Мен хотини эдим, уйда қолиб кетган бир дипломат пулни нима қилишим керак эди?.. Ўғирламаганман, тушундингизми? Олиб кетганман, ҳа, олиб кетганман! Энди менга айтинг-чи, сиз буларни қаёқдан биласиз?

Кампир беҳолланиб, столга суянди.

– Майли, – деди Лобар кампир томон энгашиб, – ҳаммасига тупурдим. Менга ўғлим ҳақида маълумот керак. Фақат тўғриси айтинг, ҳали унга Шомил заҳар берганмиди?

– Парвизнинг ўлганига ишонасанми? – қайта сўради кампир.

– Қўлимда жон берди у!

– Демак, ишонасан...

– Ўлмаган бўлса кани у?! – кичқирди Лобар. – Ўлганини ҳаммамиз кўрдик-ку! Мени эсимдан оғдирмоқчимисиз?!

Кампир қаддини зўрға тутиб турарди. Қалласи оғирлик қилиб қалт-қалт титрай бошлади.

– Шунинг учун Қувонга манзилимни айтма деб қасам ичтирганман. Агар аввалроқ учрашганимда, воқеалар бошқача тус оларди.

– Мен бугун одам ўлдирмас эдимми?

– Мени ўлдирар эдинг! – Кампир шундай дея қутилмаганда чакконлик билан милтик қувурига қўл чўзди ва қўшқўллаб: – От, от мени! – деб хириллади. – Биз сени бахтиқаро қилдик, кўплаб одамларнинг бошига етдик. Ўчингни ол мендан ҳам! Ўлдирил.. Ўлдирил...

Лобар нима қилишни билмасди. Сехрланган каби ўзини бошқаролмас, борлик ва вужуди соя мисоли ундан нари эди. Хаёлида ўғли жонланди: жилмайиб турарди. Гўдаклигида ўлганлар гўдаклигича қолади дейишган эди, аммо Парвиз бир ёшга, йўқ-йўқ уч-тўрт ёшга улғайиб қолибди. Кечагина дафн этишган эди, энди эса худди орадан йиллар ўтгандек қап-қатта бола!

Лобар милтиқни тортди, кампир янада маҳкам ушлади. Ялиндди:

– Илтимос, мени ўлдириб кет! Ортиқ яшаёлмайман... Тўйдим, жуда-жуда тўйдим яшашдан...

– Тўрт кишини ўлдирдим, – деди Лобар, – яна нима истайсиз?

– Мени ўлдиришнинг керак эди, – кампир ўрнига чўкди, қадди баттар букилиб, индамай қолди.

Лобар бу ер ҳам беҳосият макон эканини билиб турар, тезроқ жуфтакни ростлаш кераклигини англади. Девор бўйлаб, кўча бошига юрди, болалар майдончасига етгач, хилват йўлакчага кўзи тушди. Шу ерда устки қора либосларини ечиб, тугун қилди, милтиқни қисмларга ажратиб, латтага ўради.

* * *

Уч кундирки, "Нексия" ховлига кираверишда турибди. Орган ходимлари истаган вақтда келиб, "қотиллик содир этилган куни ўша атрофда сизнинг машинангиз ҳам рўйхатга олинган" деб тинтув ўтказишса, бешотарни топиб олишлари мумкин. Бироқ қўшни маҳалладаги кўп қаватли уйлар ёнидаги машиналарнинг давлат рақамларини ҳеч ким ёзиб олмаган. Лобарни қувган ходимларнинг ҳам қочаётган нусха аёл киши эканлигига фаҳмлари етмаган. Энг асосийси, ягона гувоҳ – киморбозлар сардорининг хотини қотил аёл

эканлигини гулламаган. Акс холда уч кундан буён Лобарнинг хаёти даҳшатли сукунатда ўтмасди.

Ўғиллариникида юрган Абдулла ака қайтиб келганида, Лобар ҳамон кўрпа-тўшак қилиб ўтарди.

– Онанга қўнғирок қилмадингми? – аччиқланди у. – Ўлиб қолсанг, ким хабар топади?

– Ўлсам мен ўламан, сизга нима? – ўрнидан туриб ўтирди Лобар. – Мазам йўқлигини кўриб, кетиб қолдингизу яна гапиришингиз ортиқча.

– Нега кетиб қолмай? Умуман қайтмаслигим мумкин эди. "Нексия"ни ўнғайсиз холда қўйгансан, худди маст одам ҳайдаб келгандай. Калитни ахтариб тополмадим, ўзинг ҳам билмайсан қаердалигини! Бундан ҳар қандай одам "бошқа биров ҳайдаб келган" деган хулоса чиқарадими-йўқми?

– Нималар деяпсиз? Миямни ачитманг.

– Ўша куни жиянларингни олиб келмокчи эдинг, телефон килсам, "почча, биз сизникига борганимиз йўқ" дейишди. Қаерларда санғиб юрибсан, билмайман.

– Билмасангиз, билманг...

– Лобар, мен эрингман. Нега ерга ураверасан? Кеча дўхтирга бордим, менга асабийлашиш мумкин эмас.

– Ёш хотин билан яшаш осон эмас, – кесатди Лобар. – Ўртамизда йигирма беш ёш фарқ бор. Чидасангиз уйланинг эди. Бу биринчидан... Иккинчидан, ўша куни "Нексия"да ёлғиз ўзим шаҳар айландим. Мени тушуниб яшасангиз яшанг, бўлмаса ўғилларингизникида юраверинг.

– Қотилликда қўлинг йўқми, ишқилиб?

Лобарнинг уйқуси энди очилди. Уч кундан бери мудҳиш воқеа хусусида кимдандир эшитишни кутиб ётганди.

– Хўш, кимни ўлдиришибди? – сўради Лобар ўзини хотиржам тутишга уриниб.

– Қиморбозлар сардорини, шерикларини, боласини! Уйида икки юз эллик минг доллар ва етмиш миллион сўм бор экан. Гап-сўзларга караганда, бирон сўмгаям тегинишмабди.

– Тегиниш керак эди, уйига ўт қўйиш керак эди, – деди Лобар. – Бундан ҳам баттар бўлсин.

Абдулла аканинг пешонасидаги чизиклар кўпайди. Уф тортиб:

– Биздан кўрмайдими? – деди хавотирланиб.

– Кўлингиздан шунақа иш келармиди? Ўша сардорнинг кўзига тик караёлмасдингиз-ку!

– Нега шунча одамни ўлдиради-ю, пулларни олиб кетмайди? Сен вазиятга тушунмаяпсан?

– Балки бир-бирини отиб ўлдиргандир, – истехзоли кулиб қўйди Лобар ва бешафкат хунрезликдан сўнг илк марта енгил тортиб, ховлига чиқди.

Кўчада ҳаёт бурунгидек кайнок эди. Кимдир ишга, кимдир ўқишга шошилмоқда. Дарвоза тагида ўтирган кампирлар ҳам гўё жўшқин ҳаётнинг бир лаҳза муаллақ қотган томчилари.

Лобар ўтган кунлар мобайнида мархум ўғилчасининг тақдирини кўп ўйлади. Ўз қўлида жон берганидан сўнг неча-неча одамнинг қўлидан ўтди мурдаси. Наҳотки, уни кечаси гўрдан қазиб тирилтириб олишган бўлса? Шомил бир юз йигирма минг доллар учун шундай мураккаб ҳамда хатарли юмушни бажариб нима қиларди? Шу даражада кучли экан, Лобарнинг уйига бостириб кириб бир неча кун вақт берса, топиб беролмасмиди ўша пулни?

Тўсатдан ҳаёлига келган фикрдан кўзи ярқ этиб очилди: Шомил ўрта осийлик қиморбозларни кириб ташлаш учун Парвизнинг ўлимини уюштирган бўлса-чи?!

Лобар воҳ дея ўтириб қолди. "Қора қарта ракси" бутун ҳаётини ўйинга айлантириб қўйганига чидаёлмади, "Ласетти"га ўтирди-да, кўчага ҳайдади.

– Дўкондаги ишлар нима бўлади? – Абдулла ака уйдан лапанглаб чиқди. – Хор қилмай, сотиб юбор!

"Ласетти" тўхтаб, Лобарнинг ғазабнок боши кўринди.

– Бугундан миждоз кидиринг, ҳаммасини ижарага берамиз.

Абдулла ака машина ортидан бир зум қараб қолди-да, дўпписини олиб ерга урди.

Лобар чечен кампирникига шошилаётганди. Ўзига келган бўлса, барча гапларни қаёқдан билишини, Парвизнинг ўлимини Шомил қандай уюштирганини сўраб-суриштирмоқчи эди. Афсуски, эски иморатлар кўчасига бурилганда, тобут кўтарган одамларга дуч келди.

– Чечен момо вафот этдиларми? – деб сўради бир йигитдан.

– Ҳа, ҳеч кими йўқ эди, маҳалла пул йиғиб, дафн қилаяпти.

Лобар машинасини ортга қайтарди. Светафор ёнидаги дўнгликдан Парвиз истаган шувоклардан бир кучоқ терди-да, қабристонга жўнади.

Парвизнинг қабри атрофдагилардан кичикроқ бўлса-да, чўккидек дўппайиб турарди. Бечора бола ҳаётлигида адашмаган экан: гўристонда оч яшил шувоклар кўзга ташланар эди. Ҳали ўт-ўлан ўсиб чиқмаган, дўппайган тупрокка бир кучок шувокни авайлаб қўйди. Лобар бугун йиғламади, тиловат қилмади. Тупрокни сийпаб, гўр атрофини синчиклаб кузата бошлади. Қайта қазилганми?

Лобар узок ўтирди. Қабрнинг бир кесагини-да авайлади, бармоқ босишга-да кўзи қиймади. Кейин шундай деб нола қилди:

– Сенга кун бермаганларни қонинг тутди, болажоним! Тентак онанг қасосингни олди!.. Сенинг фожианг – менинг фожиам! Сенинг фожиангнинг ҳали тагига етганим йўқ, бундан чиқди, ўз фожиамнинг ҳам охирига етмадим. Менга ишон, болажоним!..

* * *

Қотиллик ҳақидаги миш-мишларни айримлар мисли қўрилмаган даражада кўпиртирар эди. Лобар ҳам турли гап-сўзларни эшитиб юрди. Аммо бир куни ҳақиқатни айтишди:

– Қиморбозлар сардори икки шеригини чақирибди. Ярим кечаси бошқа бир гуруҳ билан қимор бўлиши керак экан. Албатта, қиморбозлар сардорида ҳам, шерикларида ҳам катта пул бўлганмиш. Боскинчилар ҳамма гапдан хабардор эканлар. Ҳалиги учаласи пул санаётганда бостириб киришибди. Дастлаб саккиз яшар болани отиб ташлашибди, онасининг бошига уриб йикитибдилар. Қиморбозларнинг бирини отибдилар, иккитасини пичоклабдилар. Ётоқхонада ётган қизчагина секингина дарвозахонага тушиб, эшик калитини бурабди-да, кўчага қочиб, дарахт панасида йиғлаб ўтираверибди. Бир вақт рубоб ғилофи кўтарган бошқа бир боскинчи пайдо бўлибди. У ашаддий қотил эмиш. Ҳалиги боскинчиларни ваҳшийларча ўлдирибди. Иккитасини таниб бўлмасмиш. Лекин уй бекасини ўлдирмабди. Ҳатто, бир-икки оғиз гаплашибди. Нукул водийча шевада сўзлармиш. "Тузукмисиз?", "Жичча сабр қилинг", "Кенной" дермиш. Уй бекаси: "Қаердансиз, ука?" – деб йиғласа, "Бешарикданман", деганмиш. Мутахассисларнинг фикрича, қотил водий томонлардан бўлиши мумкин, аммо асло Бешарикдан эмас эмиш. Ахир, қайси қотил ўз манзилини айтади?! Яна бошқа гапларга кўра, қотил боскинчиларнинг шериги бўлиб, ўз тўдасини кириб ташлаган. Тўрт-бешта гумондорлар қамоққа олинди, лекин барибир қотил топилмаётганмиш.

Лобар тушунди. Киморбозлар сардорининг хотини унинг фойдасига кўрсатма берган. Йўкса умри камокда ўтиши тайин эди Лобарнинг!

Кувонни эслаб қолди. Энди опа-ука бўлиб яшолмаслигини, унга кўнгли борлигини сезди...

Бу кўнгли неларни тусамайди дейсиз! Кузнинг биринчи ҳафтасида Лобар машинасига ўтирди-да, қайдасан кўшни вилоят деб жўнаворди. Телефон ҳам қилмай қўйган, дом-дараксиз кетган Кувонни ахтариб боришга юраги мажбур этмокда эди.

Катта йўл. Машиналар ғиз-ғиз ўтмокда. Олис тоғлар ортидан куёш эринибгина бош кўтарган палла. Лобар ўз ҳаёти ҳақида ўйлаб борарди. Ўғлининг қабрини қаздирмади. Бир телба кампирга ишониб, арвоҳни азобга қўйишни истамади. Кўнглининг бир чеккасида эса Парвизнинг тириклигига умид ҳам яшай бошлади. Шу умид унга таскин берди, котилликка қайтиб қўл урмасликка ундади. Қандайдир бахтли, хушчакчақ, эҳтиросли ҳаёт кечиришни истаб қолди. Абдулла ака "конуний эр" деган тушунчадан ташқари Лобар учун ҳеч кимга айланиб бўлганди.

Бирок ҳали-вери бахтли ҳаёт бошланмаслигини билмасди... Бу ҳам бўлса, Лобарнинг яна бир катта хатоси бўлиб, ҳеч қутилмаганда рўй берди.

* * *

Кувон уйида йўқ экан. Ўқишдан йиқилгач, аллақаёқларда санғиб юрибди-да, пул топиб Туркияга кетибди.

- Нима учун? Нега айнан Туркияга кетади? – сўради Лобар.
- Бир жўраси портдан иш топиб, чакирибди, – деди акаси.
- Қайси порт?
- Билмасам, Туркияга бормаган бўлсам.

Лобар қайтаётиб ўйлади: "Кувон бешотардан тўрт киши отиб ўлдирганини эшитгач, қочиб кетганга ўхшайди. Милиция ким отганини барибир аниқлашига ишонган, милтиқ эса Кувонники..."

* * *

Кувонлар ишлаган ўша уй ижарага қўйишга қарор қилинди. Лобар Ғаллаоролдан қайтса, ёшгина келинчақ ойна артаяпти. Эғнида зар қўйлак, белида пешбанд, бошида дўппи. Янги оиланинг ғимир-ғимирини Лобар томоша қилиб ўтирди. Куёв бакувват, кўзлари

кисилиб кетган, сочлари жингалак. Ўқдайгина келинчакнинг кўзлари кўк, тишлари тилла, ниҳоятда чаккон. Эрига тез-тез иш буюраб, эри эса иложи борича кўпроқ дам олса. Маишатпараст эканлиги, айникса, хотинбозлиги дарров сезилиб қолди. Лобарга зимдан суқланиб қараб қўяр, бир баҳона бўлса-ю, ёнига учиб борсам, дерди гўё.

Лобар уйига кириб, ҳайҳотдек хонага беҳафсала тикилди. Хаёлидан "Одамлар ижара уйда ҳам бахтли яшайверишади", деган ўй ўтди. Ҳа, унга кўп нарсаси етишмас эди. Рангин моддийлик ичра кўнгли мулки бир хил рангга кириб қолганди. Ўзини овутиш учун кўп ишларга қўл урди: на кийим-кечаклару тақинчоқлар, на ҳовли-жою машиналарнинг қизиги қолди. Топгани бахтсизлик, зерикаш, айрилиқ бўлди.

Шундай маҳзун кунларнинг бирида Парвизнинг қабрига тош қўйдирли. Уйга қайтганида боши оғримокда эди. Ота-онаси келишганди, дарров жўнаб қолишди. Уйга сиғмаган Лобар дарвоза ташқарисига чиқди. Келинчак ҳам уйи орқасида ўтирган экан, Лобарга кўзи тушган заҳоти ўрнидан туриб, ичкарига шошилди. "Нега мендан чўчиб кетди?" – ҳайрон бўлди Лобар ва чақирди:

– Ҳой, ҳамсоя!

Келинчак тўхтаб, кўз ёшларини артган қўйи ортига ўгирилди.

– Мени чақирдингизми?

– Ҳа, бир дақиқага келинг.

Келинчак пилдираб яқинлашди. Лобар унинг чакнаб турган мунгли кўзларини, сепкилларини кўрди.

– Вактингизни олмайманми? – деб сўради ундан.

– Йўқ, ишингиз бормиди?

– Қўшниларим кимлар экан деб қизиқаяпман, – кулимсирашга уринди Лобар. – Ўриндиққа ўтирайлик, икки оғиз суҳбат-да, келинжон.

Ўтирганиларидан сўнг келинчак ўзини таништирди:

– Исмин Озода. Ўтган йили мактабни тугатдим, тўйимизга уч ой аввал бўлган. Хўжайиним новвойхонадан иш топгани учун шаҳарга қўчиб келдик.

– Хўжайинингиз ҳам жомбойликми?

– Йўқ, у киши асли Панжакентдан. Ўн йиллар аввал Ўзбекистоннинг паспортини олиб, Ургутда яшай бошлаганлар, қариндошлари бор.

– Сиз у билан қандай танишгансиз?

- Танишмасдан эрга тегдим, опа. Айтгандай исмингиз нима?
- Лобар.
- Вой, менинг жиянимнинг исмиям Лобар. Жуда чиройли исм...
- Нега танишмасдан эрга тегдингиз?
- Дадам қўймадилар. Энди азобини тортаяпман.
- Нима, эрингиз ёмонми? – Лобарнинг кошлари чимирилди.
- Озода куёвнинг камчиликларини дoston қилишга ийманиб:
- Ёмон эмаслару ёмон қилиқлари бор, – деди.
- Мабодо дадангизнинг қариндоши эмасми?
- Дадамнингми? Дадам... Биласизми.... – Озода чайналиб қолди.
- Йўқ, сизга айтолмайман. Бирон кун ҳаммасини гапириб бераман, ҳозир эмас.
- Бирон жойда ўқиганмисиз? Ишлайсизми?
- Ўқишга киролмадим. Ҳеч қаерда ишламайман. Ўн саккиз ёшимда мингта ғавғо бошимда.
- Рўзғор ғавғоси ҳам ғавғоми? – деди Лобар. – Ҳаётда шундай фожиалар борки, етишмовчилик ҳеч нарса бўлмай қолади.
- Ўзингиз қаерда ишлайсиз? Дўконлари бор деб эшитдим, ростми?
- Ҳа.
- Менга иш топиб беролмайсизми?
- Топиб бераман, – қувлик қилди Лобар, – фақат дадангиз билан эрингизнинг қандай алоқаси борлигини айтсангиз, бас.
- Озода "нега айтарканман, ахир, бу муҳим сирим-ку" дегандек норизо бокди. Кейин ишсиз қолишдан чўчиб, деди:
- Дадам эрим билан бирга ишлаган...
- Майли, ишондим. Барибир ниманидир сир тутаяпсиз. Қийнаб нима қилдим. Хўш, қўлингиздан қандай ишлар келади?
- Сотувчилик... Фаррошлик бўлсаям розиман.
- Дўконларимни ижарага берганман. Ижара ишлари бўйича хўжайиним шуғулланади. Аслида мен ҳам сиздек бекорчиман. Шундай бўлса-да, иш топиб бераман. Лекин сизга тўғри келадими, йўқми?
- Қанақа иш?
- Уйимда ишлайсиз. Овқат қилиш, кир ювиш, супир-сидир – иш мўл. Очигини айтсам, зериққанам учун сизни таклиф қиляпман. Ойлигингиз ёмон бўлмайди.
- Озода жон-жон деб розилик билдирди. У уйда ўтириб, эридан калтак ейишдан кўра энг чиркин жойларда фаррошлик қилишга ҳам

тайёр эди. Лобарникидан осон ва кулай иш топилиши, албатта, унга қувонч бахш этди.

– Юринг, қиладиган ишларимни кўрсатинг, – деди у.

Иккови уйга киришди. Лобар битта-иккита ишларнинг қандай бажарилишини тушунтирган бўлди-да, ўз ҳаётини сўзлай бошлади. Албаттга, киморни қўшмай гапирди.

Озода яхшигина гурунг бераркан. У ҳам ўн саккиз йилдик ҳаёти ҳақида сўзларкан, Лобардан бир нарсани яшириб ўтди. Бу – кимор эди.

* * *

Кунларнинг бирида телефон узоқ жиринглади. Ўша куни ҳам эри келмаган, Лобар тўшагида эриниб ётган зерикарли кун эди. Озода дарвозадан кирган маҳал қўнғироқ овозини эшитиб, тумба сари шошилди.

– Ассалому-алайкум, – деган овоз эшитилди нариги томондан, – бу Лобарнинг уйими?

– Ҳа, Лобар опаники. Сиз ким бўласиз?

– Менми? Кечирасиз, ўзингиз ким? Сал танимайроқ турибман.

– Шу уйда ишлайман, исмим Озода.

– Танишганимдан хурсандман. Менинг отим Қувон, Лобар опангизнинг танишлариман. Илтимос, ҳеч кимга билдирмасдан телефонга чақирсангиз. Қувон десангиз ўзи танийди.

– Хўп бўлади.

Лобар қандайдир яқин одами сим коққанини ҳис этиб, тўшакдан турди. Эшикни тақиллатган Озода:

– Сизни телефонга, – деди. Сўнгра Лобарни ёлғиз кўргач: – Қувон деган танишингиз, – деб қўшиб қўйди.

Лобар гўшакни ҳаяжон-ла оларкан, у ёқдан ҳам ҳаяжонли овоз келди:

– Мен Қувонман! Истанбулдан салом!

– Бормисиз?

– Борман.

– Туркияда эканлигингизни аллақачон билганман.

– Ким айтди? – Қувон ҳайрон қолди.

– Уйингизга ахтариб бордим.

– Тинчликми?

– Тинчлик. "Ўйинчоғ"ингиздан хавотир олганингизни тушунаман, қочиб кетишингиз эса ҳаёлимга келмаганди.

– Қочганим йўқ. "Ов" ҳақидаги мишмишларни эшитдим, "тўнғиз" ўзи аслида мусулмон учун ҳаром, некин-да "гўштини бекор ебсиз". Хафа бўлдим сиздан. Кейин иш топилиб қолди, хайё-ҳуйт деб жўнавордик.

– Менинг ҳам Туркияга кетиш истагим бор. Кундан-кунга ҳаётдан зерикиб бораёпман. Ёшлигимни, бахтимни, жўшқин ҳаётимни – барчасини бой бериб бўлдим.

– Нега унақа дейсиз? Ҳали ҳаммаси олдинда-ку. Бир туш кўрибман. Иккимиз жуда хурсанд эмишимиз. Кенг ўтлоқда қувлашмачоқ ўйнаб юрганмишимиз. Мен сиздан катта эмишман. "Лобарга уйландим!" деб бақириб юрибман. Қарасам...

– Эҳ, Қувон, қарасангиз тушингиз экан.

– Ахир, ўнгимизда бўлгани йўқ-ку.

– Мен сизни севаман...

– Нима?

– Сизни севиб қолганман!

– Тушунмадим, Лобар, сиз...

– Қувон, сизни соғиндим, сизни кўришим керак! Агар ҳаётим шу тарзда давом этаверса, яқин кунларда ўзимни ўлдириб қўйишим ҳеч гапмас. Хоҳласангиз Туркияга бораман!

– Лобар, сиз оилали аёлсиз. Муҳаббат – сизни йўлдан уриш бўлиб чиқади. Қолаверса, уйдагиларим барибир мени қишлоқ кизига уйлантиришади. Қўйинг, мени қийнаманг, Лобар, эрингиз билан бахтли бўлинг.

– Устимдан қулманг, Қувон, мен энди одам бўлмайман. Қимор бошимга етди. Қиморга тикилган аёл умрбод ҳосиятсиз яшашини тушундим.

Шу пайт нимадир тарақлаб кетди. Лобар қайирилиб қараган эди, қия очик эшикдан Озода кўринди: у ағдарилган чашкани бир четга қўйиб, стол устини шоша-пиша тозаламоқда эди.

– Сиз кампир билан учрашдингизми? – сўради Қувон.

– Кампир ўлди, – деди Лобар. – Менимча, унинг умри зое кетди.

– У қўлидан келганини қилди.

– Қувон, қўйинг ўша ғурбатларни. Биз учрашишимиз керак. Ҳаммасига қўл силтаймиз. Сиз ва мен!

– Портда ишляпман, ҳали-вери бўшаш истагим йўқ.

– Келинг демаяпман-ку. Мен бораман, кутиб оласизми?

Қувон ноилож:

– Бўпти, – деди.

Гўшакни кўйган Лобар Озоданинг ёнига борди.

– Узр, опа, тўкиб кўйдим, – деди келинчак.

– Нима гап?

Озода каловланиб қолди. Нигоҳини ўқдек қадаб турган бекасидан ортиқ сир яширолмаслигини англаб, стулга чўкди.

– Лобар опа, ҳалигина кимор ҳақида гапирдингиз. Наҳотки, киморга тикилган аёл ҳосиятсиз бўлса?! Унда... унда мен ҳам бахтсизлик келтирар эканман-да?

– Нима, сиз ҳам киморга тикилганмисиз?

Озода бошини оғир силкиди.

– Дадам мени ютқазганлар, – деди у. – Бўлмаса ўлсам ҳам анавиға тегмас эдим. Ҳар куни ичиб келиб, дўппослайди. Ҳар қадамда ўйнаш орттиради. Қиморниям ташламади.

Лобар Озодани кучоклади. Қисматлари ўхшаш икки аёл энди дардкашдек туюларди. Аммо...

* * *

Лобар Туркияга кетиш йўл-йўриқларини суриштириб, уйига қайтганида, бензин исидан кўнгли айниди. Эшиклар очик, гиламларга бензин томган.

– Ким бор? – жон ҳолатда бақирди у.

– Мен, – деди ичкаридан кимдир.

Лобар чопиб кирди ва хона ўртасида қўлида гугурт ушлаган Озодани кўрди. Унинг уст-боши ҳозиргина тўкилган бензиндан шалаббо эди.

– Нима қилмоқчисиз?! – кичкириб юборди Лобар.

– Ўзимга ўт кўймоқчиман, эрим мени картадан ютқазди. Учта эркакка хомталаш бўлганимдан кўра ўлганим минг марта яхши.

– Яхши бўлса, менинг нима айбим бор?! Ўзингизга уйимда ўт кўясизми?

Озода йиғлаб юборди.

– Опа!.. Опажон!.. Шундок ўлиб кетавераманми? Менинг ҳам яшагим келади. Сўнгги илинжим сиздан. Менга карта ўргатинг. Қўшнилардан эшитдим, сиз Россияда карта ўрганиб, ҳаммани ютиб, бойиб кетган экансиз. Илтимо-о-с!.. Йўқ деманг. Ёш жонимга жабр қилманг. Мен бойлик орттириш учун эмас, ўзимни қутқариш учун ўйнайман. Атиги бир марта!..

– Сизни ютказиб бўлган-ку. Қандай ўйнайсиз? – дея Лобар бир кадам ташлади.

– Яқинлашманг... Эрим уларга "хотиним "картожник"нинг кизи, агар мен уни ютказсам, ўзи билан ҳам бир кўл ўйнайсизлар, ютсаларинг сенларники" деган. Тепамда худо бор, алдасам нон урсин! Менга карта ўргатинг, икки ҳафта муҳлат олдим. Ўша ишларни, аблах эримни, дадамни – ҳамма қиморбозларни доғда қолдириб расво қилиб, бу ерлардан бош олиб кетаман.

– Хомхаёлингизга ўзингиз ишонасизми?

– Ўргатмайсизми? – Озода гугурт чакишга уринди.

– Тўхтанг, сизга карта керакми, майли, ўргатганим бўлсин.

– Қасам ичинг. Ўргатмасам худо урсин, шол бўлиб қолай денг.

– Аввал сиз қасам ичинг, қиморбозларни ютиб, озод бўлганимдан сўнг қайтиб ҳеч қачон карта ўйнамайман денг!

Озода қасам ичди, Лобар ҳам. Икки аёл бир-бирига тикилиб қолишди...

Ўша куни кечкурун келинчак "қора карта ракси"нинг биринчи ўйинини ўрганди. Албатта "қора карта ракси"ни қисқа муддатда ўрганиб бўлмасди. Мадомики, вақт оз экан, ўйиннинг маълум бир қисмини ўргатиш керак эди. Лобар Озоданинг укувига қойил қолди. У Лобар кутмаган ташналик ила картага ёпишар, ҳар бир амални қирқ марталаб синаб кўришга уринар, рақибига руҳий таъсир ўтказиш учун турли қиёфаларга кира оларди. Иккинчи ҳафта охирида келинчак қип-қизил картабозга айланди-қолди. Ётса ҳам, турса ҳам картани ўйларди. Уй юмушларини бажараётиб ҳам ўзича гўнғиллар, "қора карта" усулларини, хаттоки, тилида такрорларди.

Ўргатишнинг яна бир шарти бор эди: карта ўрганаётганини, қим ўргатаётганини, умуман, картадан хабардорлигини ҳеч қимга сир бой бермаслиги керак.

– Озода, – деди Лобар бир куни, – сиз қиморбозлардан халос бўлганингиздан сўнг ҳеч қачон карта ўйнамайман деб қасам ичгансиз. Бу фақат қимор дегани эмас, оддий эрмак ўйинларини ҳам ўйнамайсиз. Қасам ёмон нарсаси.

– Менга ишонинг, Лобар опа. Карта қандай оқибатларга олиб келишини жуда яхши биламан-ку.

– Сиз албатта ютасиз, – Лобар негадир асабийлаша бошлади, – қутуласиз ҳам. Аммо "қора карта ракси"га афсун кетганини ҳам унутманг. У ҳамиша бахтсизлик келтиради. Менга шу лаънати ўйинни

ўргатган Анна Сергеевна деган аёл Москвадаги жиннихонада эсдан оғиб ўлди. Унинг устози Грознийдаги чечен кампир ҳам охир-оқибат мияси суйилиб ўлган. Мен ҳеч кимга устозлик қилмайман, киморга қарши курашаман деб юардим...

– Ҳозир ҳам киморбозларга қарши курашаяпсиз, – гапни илиб кетди Озода. – Бир эмас, мен билан икки киши бўлиб.

– Йўқ, мен курашнинг бошқа йўлини танлаган эдим.

– Истасангиз мен ҳам йўлингиздан юраман...

– Озода! – деди Лобар. – Қанака одамсиз?! Нега менга тақдирингизни боғлаяпсиз?! Ўзингизга бошқа жойда бензин куйиб, бошқа одамдан бошқа нарса талаб қилсангиз бўлмасмиди?! Нега мендек куйган, бағри пора-пора аёлга оғирлигингизни солаяпсиз?! Балки... балки ҳеч қанака киморга тикилмагандирсиз?! Мени алдаб карта ўрганаётган бўлиб чиксангиз, биласизми, қандай қисматга дучор бўласиз?.. "Қора карта ракси"нинг орқасида сизнинг тасаввурингизга ҳам сиғмаган қора кучлар турибди. Улар сизни дунёнинг ҳар қандай бурчагидан топиб, ўлдирмасдан қўймайдилар. Тўғри, мафиянинг сиздан бошқа ташвишлари кўп. Бирок айнан ўша мафия таркибига қирадиган қиллерлардан биттаси шахсан "қора карта"ни билувчиларни тозалаш билан шуғулланади.

– Ўх-хў, карта ўрганиш шунчалик ваҳималими? Эрим бор-йўғи тўрт-бешта одам билан ҳамма биладиган оддий карта ўйнайди. Шундай бўлса-да, картага мафия аралашини ўйлаб кўрмаган эканман. Қарларда қанака карталар ўйналмайди дейсиз. Мактабдан тортиб пахтазорларда, санаторийлардан тортиб зиёфатларда...

– Бас, эрингиз сизни қарда, кимларга ютказган?

Озоданинг юзи изтироблардан буришиб, кўзлари пирпираб кетди.

– Лобар опа, менга ишонмаяпсизми? – шундай дея у бирдан енгини тушириб, момоталоқ елкасини кўрсатди. – Анави киморбоз "яқинда уларнинг қўйнига кирасан, бузуқи" деб кеча роса савалади. Дардимни кимга айтай? Отамгами, мелисагами? Қиморбозлар кимлар эканлигини эрим ҳеч қачон сотмайди. Бекорга ўлиб кетмай дея фақат сизга суяниб ўтирибман, сиз эса... Лобар опа, мен уларни сариқ чақасиз қолдирай, кейин кўрасиз, биргаликда...

– Етар! Ўзимга ўзимнинг гапларимни валақлайверманг. Қутулганингиздан кейин этагингизни йиғиб, аёлга ўхшаб яшашни ўрганасиз, тушундингизми, ҳақиқий ўзбек аёлига ўхшаб!.. Ҳаром пулларига тупурасиз!

Кимдир гурс-гурс юриб келди. Лобар ва Озода ялт этиб карашди. Эшикда Абдулла аканинг касалманд, хорғин юзи кўринди.

– Нима бўлаяпти бу ерда? – Лобарга ғазаб ила тикилди у. – Яна киморми?! Қачон кўзинг очилади сенинг? Буни ҳам йўлдан урдингми?

Лобар Озодага "кет" ишорасини қилди, эр-хотин ёлғиз қолишгач, шундай деди:

– Биз эркакларнинг қўлидан келмаётган ишларни бажаришга мажбур бўлаяпмиз. Шуни била туриб қайси юз билан менга сапчияпсиз?

Абдулла ака диванга ўтирди. Қош мўйлари аралаш-куралаш бўлиб кетди.

– Ким айтди сенга бу ишинг эркакларники деб?! Билиб қўй, эркакнинг ишини қиласанми, аёлникиними, кимор бошингни ейди. Қиморнинг эркагиям, урғочисиям бўлмаган, у жинси йўқ касофат! Мен-ку тавба қилдим, сенга нималар бўлаяпти, Лобар?

* * *

Ҳал қилувчи кунлар яқинлашмоқда эди. Озода "қора қарта"ни тўлиқ ўрганолмаган эса-да, анча-мунча пишиқ қартабозга айланганди. Лобар унинг ғалабасига ишонар, аммо нечундир ичини ит тирнаб, ўзини кўярга жой тополмасди. Туркия сафари ҳам қолдирилди. Худди келишиб олишгандек Кувон навбатдаги сим қоқишида яқин кунларда Туркияга бормагани маъқуллигини айтиб ўтди.

Ягона ташвиши Озода эди. Ўша куни у келмади. Кутиб-кутиб толиққан Лобар уларникига борди. Куз ёмғири шивалаб турар, яхши таъмирланмаган йўлакда ҳалқоблар ҳосил бўлган эди. Эшикни Озоданинг эри очди.

– Эрталабдан буён кутаман, Озода чикмаяпти, уйдами? – сўради Лобар.

– Нима? У йўқ... – ичкиликдан кўзлари сузилиб қолган йигит эшикни ёпмокчи эди, Лобар қўлини тиради.

– Қаерда? – деди қатъий тарзда. – Ишим бор.

– Йўқ деяпману...

– Ўв, хўроз, сендан ўзбекчалаб сўраяпман, – Лобарнинг кўзларидан ўт чакнади, – Озода қаерда? Сен – Панжакент қашкири ким билан гаплашаётганингни биласанми?

– Опажон, у меҳмонга кетган, гапга тушунинг! – йигит шаштидан тушди.

Бироқ Лобар каноат қилмай, эшикни катта очди-да:

– Озода! – деб қақирди.

Дастлаб ҳовлидан тик этган садо чиқмади. Кейин ичкари эшиклардан бири гийқиллаб очилди ва мунғайибгина Озода кўринди. Унинг жуссаси янада кичрайиб қолган, чап кўзи кўкарган, қўрқувдан ранги ўчган эди.

– Бу нима аҳвол?! – Лобар Озоданинг эрига ўтирилди.

– Жуда меҳрибон экансиз, билдик, – йигит бир четга ўтирди-да, чирт этиб тупурди. – Сиз бизларга кимсизки, оилавий ишларимизга аралашасиз?! Боринг, чиқиб кетинг. Озода энди сизникида чўрилик қилмайди. Уни қайтиб кўрмайсиз ҳам.

Лобар бу гўрсўхта билан ади-бади айтишиб ўтиришни истамади. Озоданинг тирсагидан тутиб ичкарига бошлади.

– Ўйин қачон?

– Бугун кечкурун, опа.

– Ўргатганларим ёдингда бўлсин. Қўркма ва хаяжонланма. Мен билан қандай ўйнаган эдинг, ўшандай дадил ҳаракат қил.

Лобар "ҳаммаси яхши бўлади" дегандек Озодага жилмайиб қўйди. Ҳовлига чиққанида эса нигоҳларида ғазаб акс этган эди.

– Агар яна Озодага қўл кўтарсанг, – деди у йигитга, – Зарафшондан ўлигинг топилади.

Уйига келиб, эшикни қулфларкан, анча вақт ўзини босолмади. Яшириб қўйган жойидан милтикни олиб, ўқлади. Диван суянчигига бош қўйиб, узоқ ўтирди.

"Йўқ, энди ўлдиролмайман, – ўйлади у. – Тўрт кишини отиб, қўлга тушмаганим бир мўъжиза эди. Буларни йўқ қилсам, ўзим ҳам кетаман. Шомил нима бўлади? Қачонлардир уни учратиб, ўғлимга ким захар берганини сўрашим керак. Эҳтимол, чечен кампир гумон қилганидек ўғлим тирикдир. Ахир, қабрини очдириб кўрмадим-ку... Шомилнинг бир юз йитирма минг доллари ҳам ҳамоп бўйнимда, ундан қутулишим керак... Қувон ҳам бекорга Туркияга кетмаган. Унинг "оқ карта соҳиби" эканлигини биладиганлар балки ёллашгандир? Телефонда ҳам ниманидир сир тутишга уринди, "яқин кунларда келмай туринг", деди. Порт хизматчиси нима билан бандки, менинг яқин кунларда боришимдан чўчиса?! Қисқаси, Озодани тақдир измига ташлайман. Ортиқча бир кадамни тежайман, асраб қўяман..."

Шундан сўнг Лобар милтигини диван остига беркитиб, деразага яқинлашди. Озода ва эрининг чиқиб кетишини пойлади. Неча соат ўтса ҳамки, келин-куёвнинг қораси кўринмади.

Эрталаб онаси келди. Ёнидан жилдирмай панд-насихат қила бошлади. Онасининг гаплари ҳозир қулоғига кирмас, хаёли кўшни уйда эди: кеча тунда Озоданинг аҳволи не кечган?

– Ўтир, нега ҳадеб ташқарига чиқаверасан? – деди она ёзғириб. – Эринг келмайман деган экан-ку. Сенга тушунмайман, шунча молу давлатинг бўла туриб, ҳамманинг ҳавасини келтириб очилиб-ййраб юрмайсанми? Хаҳ, кизим-а!.. Менга қара, Абдулла у ёқдаги болаларига қўп қарашаяптими дейман? Унинг келиб-кетишининг ҳам тайини қолмаган бўлса, Лобар, жавобини бериб юборсанг-чи? Сенга уйланаман деганларнинг боши-охири кўринмайди, ҳали кўрасан.

– Тўртинчи эрга тегишим ҳақида гапираяпсизми, ая?

– Шу ҳолда қандай яшайсан? Эринг бир кун бор, беш кун йўқ. Уйим, рўзгорим, хотиним демаса! Сен тенгилар боласига тўй қилаяпти.

– Биз ҳам тўй қиламиз... Жуда катта тўй... Кўнглим сезаяпти, ўша тўйда Парвиз ҳам бўлади... Ҳамма ўлган деб ўйлаган ўғлим билан катта тўйда учрашамиз... Атрофда юзлаб одамлар...

– Лобар! – онасининг овози гўё деразаларни ҳам зириллатиб юборди. – Сенга нима бўлди? Ўлган боланг ҳақида ундай дема!

Онаси Лобарнинг елкаларидан тутиб, кўзларига қарамоқчи бўлди, аммо киморбоз аёлнинг кўзлари бошқа ёққа – шифт бурчагига тикилган эди. Гўё у ерда-сеҳрли оламга туйнук очилгандек. Унда Парвиз кикирлаб кулади, унда Лобар ҳам бахтли!..

– Ўғлим тирик! – Лобар онасини силтаб ташлади... – Уни ўлган дейишга ҳақкинғиз йўқ!

– Кел, кизим, диванга ўтир, ҳозир сув опкеламан. Эй худо, бу нима кўргулик?!

Бирок Лобар эшикка қотилди, ҳовлига ялангоёқ чопиб чикди. Назарида, ҳовли одамларга тўлган, қарнай-сурнай чалинган, дастурхонлар безатилган, фақатгина Парвиз кўринмас эди.

– Ҳозир... ҳозир мен болажонимни топиб келаман! Ҳеч ким кетиб қолмасин! – кичкирди Лобар. Дарвозага етгач, ортига ўгирилди. – Огоҳлантириб қўй, биронтанғиз қарта ўйнаманг, ундан кўра ноз-неъматлардан еб ўтиринглар.

– Тўхта, кизим! Ҳой, ким бор, ёрдам беринглар!..

Онаси Лобарни тутиб қололмади. Ялангоёқ, енгил кўйлақда чопиб бораётган жувонга одамлар ажабланиб қарашарди.

– Мен мозорга кетаяпман! – дея кичкирди Лобар йўлини тўсмоқчи бўлган бир кишига. – Қабрни очаман, кўрасиз, у ерда жасад йўқ. Парвизни мафия ўғирлаб кетган. Туркия оркали Сицилияга опкетишган! Ҳамма айб ўзимда! Мен мафияга тегишли хазинани ўғирлаб, бойиб кетганман. Ҳа, мен ўғриман, ўғриман!

Лобарнинг онаси қариндошларга кўнғирок килди. Кимдир "Тез ёрдам" ҳам чакирди. Лобарни шаҳар кўчаларидан ахтара бошлашди. Бу вақтда у Парвизнинг қабрига етиб келган эди.

– Бу қабрда сен йўқсан, болам! Мана, ҳозир кўрамыз!.. Сен тенгиларга суннат тўй қилишаётганмиш! Сенинг ҳам тўйинг бўлади! Бўлаяпти ҳам! Ёлғизгина боламга тўй қилолмасам, мен қанақа одамман?! Майли, топилма! Олис ороллардан бир кун барибир топаман... Фақат ҳозир қабринг бўм-бўш чикса, бас! Бу ерда сенинг йўқлигингни кўрсам, тўй қиламан!.. Тўй қиламан...

Эски кетмонча синиб кетди. Лобар соғни чангаллаб тиззалади-да, жон-жаҳди билан қазишда давом этди. Ёмғирдан сўнг намиққан тупрок тагидан қуриган ҳоклар чиқа бошлади. Лобар борган сайин гўрни чуқурроқ ўйиб борарди. Жуда яқин қолди. Лаҳад чимлари кўлига тегди. Чимни тортиб олди-ю тагида яна тупрок кўрди. Чимни тупроққа аралаштириб, пала-партиш ташлашмайди! Чимларни лаҳад оғзига ғиштдек тахлашади. Кейин тупрок тортилади. Чим орасидан тупрок чиқиши эса...

– Қабрни кимдир қазибди! – Лобар қаҳ-қаҳ уриб қулди. – Ўғлимни олиб кетишгани рост... У бу ерда йўқ!.. Ҳозир биламиз... Бир дакикадан сўнг...

Шу пайт "Ана у!" деган хитоб эшитилди. Бир неча сония ўтиб, Лобарнинг кўл-оёғи, елкаси ва бошига кучли кўллар ёпишди. Уни даст кўтаришиб, чинқириғу илтижоларига қарамай машинага чиқаришди-да, рухий касаллар шифохонасига равона бўлишди.

Лобар машина шифтига қараб ётаркан, "Ўғлимнинг қабри бўшмикан? У ҳозир қаерда? Мени соғинганмикан?" деб ўйлаб кетарди. Прокуратурага ариза ёзишга аҳд қилди. Унинг розилиги билан қабр очилади, орган ходимлари текширувни бошлашади. Майли, улар Парвизни тополмасин, аммо боланинг қабрда йўқлиги аён бўлса, шунинг ўзи катта бахт.

Шифохонада Лобарни дарҳол бош шифокор қабул қилди. Лобар ўзини қанчалик хотиржам тутишга уринмасин, ҳақиқий телбалардек гоҳо гапирган гапини англолмай қоларди.

Ниҳоят, бор иродасини ишга солиб, ўзини тутиб олди.

– Мен касал эмасман, – деди дона-дона қилиб.

– Касал эмаслигингиз аниқ, – шифокор меҳрибонларча жилмайди.

– Шифохонамизнинг номи совук: "Психбалниса". Тагин сиз шунақа жойга келтириб ташлашди, деб асабийлашманг. Битта-иккита дори ёзиб бераман, шуларни еб, уч кун текширувда бўласиз, кейин кетаверасиз.

– Мен зудлик билан прокуратурага арз қилишим керак.

– Нега? – хотиржам ҳолда сўради дўхтир.

– Йўк, ўғлимнинг қабрини текширтираман. Биласизми, боламнинг қабрида боламнинг ўзи йўк! У ер бўм-бўш! Болагинамни қабридан ўғирлаб кетишган, қайта тирилтиришган.

– Кечирасиз, бундай "доҳиёна" ишни ким амалга оширган экан? Билсак бўладими?

– Сицилия мафияси!

– О-ҳо! Сицилия мафиясига сиз нима ёмонлик қилган экансизки, улар Марказий Осиёга келиб, ўғлингизни ўғирлаб кетишган бўлса?! Балки биронта одамни ўлдиришга буюртма бергандир, сиз бир дипломат долларни олиб, шартномани бузгандирсиз? А, кимни ўлдиришни айтишган эди? Ё бошқа вазифани бажармадингизми?

Лобар рўпарасидаги шифокор деб аталмиш локайд кимса мазах қилаётганини тушуниб:

– Мени қўйиб юбор, эшшак! – деб бақирди. – Сенга ўхшаганларнинг дастидан шу ҳолга тушдим! Қўшниларим ҳам бемалол қарта ўйнаб юришибди, эртага уларни ўлдириб кетишади. Тушунаяпсизми, мен органни барчасидан огоҳ этишим, прокурор билан шахсан учрашишим шарт!

– Учрашасиз, албатта, учрашасиз, – деди шифокор ва касалхона ходимига имо қилди: – Олиб кетинг, "прокурор" бугун банд.

– Тўхтанглар, мен касал эмасман! Қиморбозлар қанчалик мараз бўлмасин, улар ҳам одам, уларнинг ҳам бола-чақаси бор! Киллер эса суриштириб ўтирмайди. Қиморбозми, тамом, отиб кетаверади. Сиз оиласи кириб ташланган кизалокнинг мунгли кўзларини кўрганмисиз?! Йўк! Йў-ўк!..

Лобарнинг дод-фарёдига ҳеч ким кулок солмади. Қариндошлар баъзи ҳақиқатларни билишса-да, мум тишладилар. Лобарга қиморбозлар ҳаётига оид кўп нарсалар аён. Бирок "унинг гапларида жон бор" деб бирови аралашишга журъат этолмади. Боягина

кўрдилар, у ялангоёк ҳолда қабристонгача чопиб борди, эс-хуши жойида биронта инсон қилмайдиган ишни қилди: гўрни оча бошлади. Қандай қилиб уни касал эмас деб гумон қиладилар?!

Битта йўли – ўзини хотиржам тутиш ва Сицилия мафияси, Шомил, мархум ўғли Парвиз, киморбозларга таҳдид солаётган хавф ҳамда асабийлаштираётган майда-чуйдалар хусусида чурқ этмаслик эканлигини Лобар тушунди. Бирок соппа-соғман деб айтолмасди. Қабристонгача масофани қандай босиб ўтганини тузук-қурук эслолмайди ва айниқса, ҳовлига чопиб чиққанида кўзига кўринган тўй-ҳашам-чи?! "Қора қарта ракси"нинг касофати, наҳотки, соғ одамни шу тариқа нобуд айласа?!

* * *

Лобар ўн кун ётди. "Бу ердан ҳақиқий жинни бўлиб чиқишимни истамасанглар, тезроқ йўлини қилинглар", дегач, отаси келиб озод қилди. Ҳозирча прокуратурага боришга ҳам юраги бетламади. Жиннига чиқиб қолмаслик учун эҳтиёт бўлиб қадам босиши зарурлигини жуда яхши тушунарди.

Парвизнинг ярми очилган қабрига қайтадан тупроқ тортишибди, уйга ҳоласининг икки қизи ва бир ўғли қараб ўтиришибди, диван тагидаги милтиққа эса ҳеч зоғ тегинмабди.

Касалхонадан қайтган Лобарни энди ёлғиз қўйишмади. Онаси вақтинча кўчиб келди, ҳоласининг қизлари ҳам ўқишга шу ердан қатнайдиغان бўлишди.

Келган куниёк Лобар Озодани сўради:

– Рўпарадаги уйда яшайдиган келинчакми? – деди холаваччаси. – Ҳа, уни кўриб турамиз. Аввалига оддий кийиниб юрганди, беш-олти кундан буён жуда "модний" бўлиб, аллақасларга бориб келади.

Лобарнинг ичида нимадир узилгандек бўлди. Ўрнидан қандай тургапини билмади. Кўнгли яхшилиқни эмас, ёмонлиқни сезди, мудҳиш бир ёмонлиқни!

Кўшнининг уйи ўзгариб қолган эди. Дераза ортида ҳарир пардалар кўринар, деворлар оқланган; дарвоза ҳам тўқ қизил рангга бўялмоқда.

– Ўв, Озода қани?! – сўради Лобар устадан.

Уста кўзлари бежо, аламзада ёш хотиннинг вазоҳатидан эсанкираб қолди, шекилли, тутила-тутила деди:

– Озода?.. Уйнинг эгасими?.. Озода опа... кетгандилар... келиб...

– Эри қани?

- Кетгандилар...
- Мозорга кетадими?! Қаерда ҳозир улар?
- Б-билмасам, менга айтармиди...

Шу вақт ён кўшни келиб қолди. Лобар энди унинг устига бостириб борди.

– Манавиларга нима бўлганини билмайсизми, ода?! Жуда ўзгартириб юборишибди.

– Вой, Лобар, ўзингизми?..

– Менман, кўзингиз яхши кўрмаяптими?! Бу ерда квартирада турадиган келин-куёвларни сўраяпман! Юриш-туришиям ўзгариб қолишди, дейишди, ростми?

Кўшни хотин Лобарнинг ахволи-руҳиясидан ташвишга тушиб, ачиниш ила ёқасини ушлади.

– Рост, айланай, рост. Лотереядан ютганми, бирдан шу ховлини сотиб олишди.

– Ҳозир қаерда ўша Озода?!

Лобардан хавотирланган онаси дарвозадан чиқди-ю кизини асабий ҳолда кўриб, яна бирор қорхон бўлмасин дея кўчани кесиб ўта бошлади. Муюлишда эса такси кўринди. У Лобарнинг ёнига етиб, тўхтади.

Қимматбаҳо кофта-юбка, чарм костюм, этик кийган, аммо нигоҳларида ҳадик сезилиб турган Озода эридан аввал машинадан тушди. Лобар билан кўришмоқ истагида интилди.

– Сен қимордан ўзингни эмас, миллионларни ютиб олдингми? – дея Лобар уни итариб юборди. – Қани, айт, бунча пулни қаердан олдинг?

– Лобар опа, сизга нима бўлди? Ундан кўра мени табрикланг, қутулдик қарздан.

– Ўн кун ичида битта уйнинг нархига тенг қарздан қутулиб, бунинг устига ўзи яшаб турган ховлини сотиб олиб, таъмирлаш учун устайм чақиришга улгурган ўн саккиз ёшли келинчакни табриклайми?! Битта манави этикка пулларинг йўқ эди!

– Айтдимۇ сенга, – деди Озоданинг эри олифталик билан сигарет тутатиб, – бу уйни олмагин, собиқ хўжайининг қидолмайди деб! Озодахон, ҳалиям кеч эмас, сотиб, бошқа ерга кетамиз.

– Озодахон?! Сен сассик чўчка энди уни Озодахон деб атаяпсанми? Биласанми, у ўз қасамини бузди, жирканч қасамнинг қасофати сенга уради. Қасам урмаган тақдирдаям мендан қарта ўрганиб,

миллионлаб пулни супуриб олгани учун Озодахон кора рўйхатга тушади. Бу рўйхат – конли рўйхат. Исми шарифи қайд этилганлар бугун бўлмаса, эртага албатта отиб ўлдирилади.

– Лобар опа... – деб гап бошлаган Озоданинг юзига кетма-кет Лобар аччиқ тарсаки туширди.

Қий-чув, тўс-тўполон авжига чиқди. Икки аёлни ажратиб қўйишга Озодани эрининг-да кучи етмади...

Яхшиямки, онаси бор экан. Лобар биринчи марта онасига ичичидан раҳми келди. "Маъруфга мажбуран бериб, мени бахтиқаро қилган ота-онам..." деб кек сақлаб келган эди. Энди эса кўксига бош қўйиб ҳўнг-ҳўнг йиғлади, ёш боладек кўз ёш тўкди.

– Психбалнисадан чиққан псих! – орқадан қичқирди Озода. – Ҳеч сабаб йўқ, бирдан ташланиб қолди!

Ҳамсоялар Озоданинг гапини маъқуллашиб, Лобар хусусида алланима дея пичирлашар, бояги қўшни хотин "мени ҳам урмоқчи бўлди" деб оғиз кўпиртирар эди.

* * *

Озода кўринмай қолди. Лобар қандай бўлмасин, уни кимордан қайтариб олиш ҳақида бош котираб, кўрсам ётиғи билан тушунтираман, деган мақсадда йўлини пойларди.

Бир куни Озодани қариндошлари ахтариб келишди. Лобар уларга дуч келаркан, жўрттага Озодани сўради.

– Эрига қўшилиб дардабар бўлди, – деди қорачадан келган гапдонгина хотин. – Шу икковининг юриши охири бир қаср чиқаради. Мана, Қозоғистонга кетганига бир ҳафта бўпти, дарак йўқ.

Аёллар қарғана-қарғана изларига қайтдилар. Лобар иш пачава бўлганини, Озода катта кимор доирасига киришга улгурганини, энди бало-қазолар ўз бошига ҳам ёғилажагини англаб, ўзини кўярга жой топелмай қолди. Қозоғистон, Россия, Туркия бўйлаб сарсон-саргардон кезишни туш кўргандек сесканди.

Бироқ Озода узокқа бормади. Бир неча кун ўтгач, Лобар бир мишмишни эшитди: Қозоғистондан Озоданинг ўлиги қайтибди. Айтишларича, киморга бор-будини, ҳатто, ўзини ҳам ютқазиб қўйибди. Маҳалла раисини ҳам "морг"га қақиришган экан, Озоданинг жасадини кўриб титраб кетибди. Бечора жувоннинг бурни синган, ковоклари моматалоқ бўлган, бўйнида, яноқларида эркакларнинг тиш излари бор экан. Унинг эрини ҳозир тергов қилишаётганмиш.

Ўзини жабрдийда килиб кўрсатаётган Озоданинг эрини Лобар ўша кунгач ахтариб топди. Киморбозлар Озоданинг ўлигини яширинча олиб келиб қайнотасиникига телефон қилганмиш, "қизинг картадан бой берди, ўлиги фалон жойда" деганмиш. Эр фожиа ҳақида кейинроқ эшитибди.

– Ўликни кадрлар экан улар, – Лобар истехзомуз илжайди. – Қани, айт-чи, ўйинда бормидинг?

– Меҳмонхонада ухлаб қопман, киморбозларни кўрмадим.

– Сен терговчи билан эмас, киморбоз билан гаплашяпсан. Озода картани мендан ўрганганини меласага нега сотмадинг? Демак, сенга киморбозлар бирон гап айтган. Хўш, нима дейишди?

– Ўлай агар, биттаси сизни танир экан. Лобарни меласага айтсанг, сениям ўлдирамиз деб дўк уришди.

– Ким экан ўша мени танийдиган?

– Россиялик кампир.

– Исми нима?! – Лобарнинг кўзларидан ўт чакнаб кетди.

– Исмини билмайман.

Лобар Озоданинг эрига нафратомуз нигоҳ ташлади. Унга нима десин? "Сенлар "қора карта"нинг ҳидини олгандан қутуриб кетдинглар! Олди-орқаларингга қарамай пул супуриб олавердинглар. Дунёда нафақат Лобарни, балки устози бўлмиш Анна Сергеевнани ҳам мот қилоладиган киморбозлар борлигини тушунмадинглар. Охир-оқибат Озода хор бўлди. Ҳа, уни қасам урди. Бир ойга ҳам бормади, бечора", – деб қойинсинми? Гап таъсир қиладими шу эрқакка?!

Муштини пешонасига тираб, ўйга толган жувонга Озоданинг эри хавотир аралаш қараб турди.

– Лобар опа, – деди у ҳадиксираб, – тагин ўйинда қатнашганимни, киморбозларни танишимни меласага айтиб қўйманг.

– Бориб турган аҳмоқсан!

– Ҳозир ҳар нима десангиз ҳам розиман.

– Сен билан ишим йўқ Панжакент. Менга ўша киморбоз кампирни тасвирлаб бер.

– Ўрис кампир. Тиришган-буришган. Россиялик киморбозлар учун ўйнаб беради, "доля"сини олади, шекилли.

– Исми шарифи Анна Сергеевна эмасмиди?

– Билмасам. Лекин уни "Балерина" деб чақиришганини эшитдим.

– Аниқ ўша! – Лобар уч-тўрт кадам юриб, кўкка бокди. – У Анна

Сергеевнадан бошқа ҳеч ким эмас... У ўлмаган, Шомил мени алдаган. Раҳмимни келтириш учун узук ва Анна Сергеевна ўлими ҳақида гапирган...

Лобарнинг кейинги гапларига Озоданинг эри тушунмади. Балки менга гапираётгандир, деган ҳаёлда яқинлашди.

– Манзилини айт, – деди Лобар. – Қаерга бординглар, қаерда ўйнадинглар, навбатдаги кимор ҳақида хабаринг борми? Билганларингни гапир.

Озоданинг эри кўрган-билганини сўзлаб бергач, иккиси хайрлашдилар. Чиқиб кетаётиб, Лобар шундай деди:

– Башарангни яна кўришга токатим йўк. Уйингни сот-да, бизнинг кўчадан даф бўл. Исмимни эса ҳеч қаерда, ҳеч қачон тилга олма. Менку-сенга ёмонликни раво кўрмайман, аммо, ўзинг ҳам сал-пал хабардор бўлдинг, кимор ортида ёвуз кучлар кўп. Улар сени тинч қўйишмайди. "Тинч қўйишмайди" ибораси кимор доирасида "ўлдинг" маъносини англатишини киморвачча сифатида жуда яхши тушунсанг керак.

Йигит мутелик билан бош эгди, кўзлари пирпиради. Лобар бу гўрсўхта ҳам бир ўлимдан қолганини англади.

* * *

Қозоғистонга боришдан аввал шахсий кўриқчи масаласини ўйлаб кўриш керак эди. Лобар савдо оламида анча машҳур бўлган бир қорчалон танишидан шу ҳақда сўради.

– Тайёр кўриқчилар жуда кам, – деди у. – Айникса, нозик ишлар билан шуғулланувчиларга четдан кўриқчи топиш қийин. Сизга маслаҳатим, уларни ўзингиз тайёрланг. Қариндош-уруғлар, таниш-билишлар орасида иродали, бақувват, унча-мунчадан тап тортмайдиган, кўча-кўйда тўрт-бештаси билан ҳам муштлашиб кетаверадиган йигитлар йўқми?

– Топса бўлади.

– Топинг, тайёрланг. Кўриқчи қандай бўлиши кераклигини яхши биласиз-ку.

– Тўппонча ҳам керак, тоға.

– Ўх, тўппончани дарров ишонманг уларга.

– Ҳозирча менда туради. Шу ҳафта ичида тўппонча топмасам ухлаёлмайман.

– Лобар, сизга жуда қаттиқ ишонаман, мард аёлсиз. Аммо тўппонча

олиб юриш калтис, жуда-жуда калтис. Куролланган одамларга эга бўлдингизми, дарров "туғилаётган мафия" ҳисобланасиз. Бизда эса бунга йўл қўйишмайди. Эрта-индин уйингизни босишади, гулдай ёшпигингиз турмада ўтади.

– Менга вақтинчалик керак. Қозоғистонга бориб, ишларимни битириш учун жон куйдириб юрибман. Овлоқ маконга катта пул билан ёлғиз қандай бораман?!

– Ҳа, майли, – тиззасига таяниб ўрнидан турди корчалон. – Сиз учун иккита тўппонча топилади. Тожикистонлик бир кимса Сурхондарёга ўтиб, урушдан қолган тўппончаларни сотиб кетганмиш. Менга айтишган эди, олмадим. Тўғриси, ортиқча ғавғо керак эмас... Лекин жуда қиммат. Иккови ўқлари билан минг доллар. Эртага келинг.

Ҳафта шундай ташвишлар билан ўтди. Гоҳ тўппонча, гоҳ қўриқчи ахтариб, тиним билмаган Лобар Абдулла аканинг янада ғазабини қўзғатди.

– Менга қара, – деди бир куни, – юриш-туришингдан қўшнилар ҳам бир нарсани сезаяпти. Эринг сифатида эмас, оддий одам бўлиб гапирай, эшитиб қўй: мелиса сенинг изингдан тушган, юз фоиз кафолат бераман.

– Ким айтди?

– Сезаяпман. Уйимизни кимлардир кузатишаяпти. Қозоғистонда жувонмарг бўлган келинчакнинг эрининг ҳам изидан тушишган. Телефонимизни-ку эшитаётгани аниқ. Мендан ҳам гумонлари бор, шекилли, кеча касалхонада, йўлда, бозорда – кун бўйи кузатиб юришди.

Лобар ҳаёлга толди. Милиция гумон қилаверади, кузатаверади. Мухими, жиноятларини исботлаб беролмаса, бас. Дарвоқе, котиллик бўйича далил тополмаган қўринади. Акс ҳолда кузатиб ўтиришармиди?... "Озоданинг эри билан нега учрашдинг?" дейишса, "Озода бизникида ишларди, унга нима бўлганини сўрадим", дейди. "Корчалон билан-чи?" деган саволга ҳам жавоб тайёр: "Дўконларим ҳақида маслаҳатлари керак эди". Кейинги савол: "Нега қўриқчи ёлладинг?" Жавоб: "Улар қўриқчи эмас, бири ҳайдовчи, иккинчиси боғбон...".

Лобар баъзи саволларга жавоб бериш нақадар мушкул эканлигини тан олди. Бир дам пешонасини қашиб, сўнгра уйқудан уйғонгандек эрига қаради ва:

– Қўйинг шу ваҳималарни, – деди. – Сизнинг соғлигингиз ҳақида ҳам ўйлашим керак. Тошкентда зўр шифокор бор эмиш. Истасангиз Қозоғистонга, ҳатто, Россияга ҳам олиб боришим мумкин.

Абдулла ака ёш боладек бу найрангга учди. "Инсоф кирган" хотинига дардини дoston кила бошлади. Қарилик остонасида инсонга ҳамдард қанчалик зарурлигини Лобар тушунмасди. "Биз ҳам қарияпмиз" деган биргина жумлани юракдан эшитадиган одами аслида азоб-укубатлар саргузаштига тортаётганини Абдулла ака тасаввур ҳам қилолмасди.

...Қўп ўтмай, эр-хотин Қозоғистонга учиб кетишди. Қўриқчи йигитлар ҳам ғойиб бўлишди. Улар йўловчи машиналарда Чимкентга етиб, бир кеча тунашди ва тайинланган жойга – Чимкент яқинидаги шаҳарчага туш чоғи кириб келишди. Бу ер катта қимор ўйналган, ютқазганлар орасида Озода ҳам бўлган, россиялик қиморбоз кампирнинг қадами етган одам сийрак гўша эди. Йигитлар ижарага уй топишди. Қозоғистонга ишлагани келдик, деб уй эгасини осонгина ишонтиришди ва Лобарнинг Олмаотадан қайтишини кута бошлашди.

* * *

Юрак ва асаб тизимидаги касаллик энди тарк этмаслигига Абдулла аканинг ўзи ҳам ишонарди. Қозоғистонлик шифокор Самарқанддан бемор келганига ниҳоятда ғурурланиб, "албатта, тузатаман, отдай бўп кетасиз" деб ўз илмий ишлари ва ютуқлари билан ярим соатча мактанди. Лобар зўрға тоқат қилиб ўтирди. Яна бир кун эрининг атрофида парвона бўлишга, дори хиди анқиган йўлакда соатлаб кутишга мажбур эди.

Ниҳоят, Абдулла ака билан хайрлашиб, қўриқчилари жойлашган шаҳарчага йўл олди. Лобарнинг ёнида жами қирқ беш минг доллар қолганди. У ҳар қандай қиморбозни ютишга ишонар, агар ўша кампир Анна Сергеевна бўлиб чиқса, азбаройи аччиқ устида устозини ҳам шип-шийдон қилишга амин эди.

Бегона юрт, бегона йўллар, бегона одамлар. Қаерга борманг одамлар ниманингдир ташвишида юрганини кўрасан. Йўл четида дам камбағалнинг, дам бойнинг уйи кўриниб қолади. Олисдаги кулбаларда ҳам одамлар яшашади, ўйлашади, телевизор кўришади... Бу ёруғ дунёда миллиард-миллиард одам яшайди. Ҳар бирининг ўз қисмати бор: қачондир, қаердадир туғилган; қаердадир, қанақадир аҳволда вафот этади. Шу – уларнинг қисмати! Шу ораликда улар гўё

дунёда асосий шахс умрини кечираётган каби яшашади. Мен борман, мени бор деб ўйлашади, дейишади. Тавба, миллиардлаб одамлар тарих олдида бир сония яшагандек ўтади-кетади. Ҳозир Лобар машина ойнасидан текисликни кузатиб бораркан, шуларни хаёлидан ўтказарди. "Мен ҳам ташвишнинг кулиман. Аллақачон этак силкишим керак бўлган кимор бандасиман. Қиморбоз эканлигини тан олмайдиган ҳақиқий қиморбоз!.. Эртага улар билан ўйнайман. Нега? Нима учун? Шундан сўнг нима ўзгаради? Битта қиморбоз камаядими, ўнтами, дунё учун нима фарқи бор?! Балки бу ўйин охирига етмас, отишма бошланиб кетар... Менга қараб ўқ узилса, битта ўққа ўламан. Мурдам ҳам сарсон бўлади... Бирок ҳозир ортимга қайтолмайман, эримнинг аҳволи оғирлашса ҳам қайтолмайман... Анна Сергеевнанинг дарагини эшитганман. Озодани ютиб олган, хўрлатган, ёш жонидан жудо этган қиморбоз кампирнинг пайида юрибман. Биламан, уларнинг излари Осиё-ю Европада сўқмоқлар ҳосил қилган. Уларнинг излари Парвизнинг мазорини босиб ўтган. Қувонни ҳам эҳтимол шу сўқмоқлар Туркияга элтгандир. Мен эса йўлини йўқотган, бепоён дашт ўртасида қаёққа юришни билмаётган йўловчиман. Бугун ўнгимда, эртан сўлимда чирок милтиллайди. Қиморхона чироғи! Ўзимни ўша ёққа ураман. Аниқ манзилни кўзламаган мендайин дарбадар нечта экан? Санаб бўлармикан уларни?!".

...Йўлдаги оғир хаёллардан толиққан Лобар шаҳарчада кечкурун пайдо бўлди. Озоданинг эри айтган кўчадаги автомойка ёнида қўриқчилар галма-гал навбатчилик қилиб бекани кутмоқда эдилар. Таксидан тушган Лобар атрофини диққат билан кузатди. Қўриқчиларнинг бири ота маҳалласидан эди. Лобар уни туришидан таниди. Бу йигит армиядан қайтгач, кураш тўғарагида мураббийлик қилиб юрди. Соврин учун курашга тушиш, оғир юк кўтариш мусобақаси, гоҳо оддий мардикорлик аслида унинг ўзига ёқмасди. Лобар хизматга чакирганда, шоҳ кизидай қўриқлашига жон-жон деб қасамёд қилди. Иккинчи қўриқчи эса унинг кўча таниши. Кучига ишониб, дуч келган билан муштлашавериб, ахйри ўн ой қамалиб ҳам чиққан. Қозоғистонга биринчи келиши эмас. Қозок тилида гаплаша олади.

- Салом, кўп кутдингларми? – Лобар йигитга қарамасдан гапирди.
- Эрталабдан буён... Ҳаммаси жойида.
- Квартира тахтми?

– Тахт.

Улар Лобарни ўзлари кўним топган уй рўпарасидаги уйга жойлаштиришди. Йигитлар кечаси билан навбатма-навбат кўшнининг эшик-деразасидан кўз узмай чиқдилар. Битта тўппончани Лобар оливолганди.

* * *

Эрталабки тўккизлар эди, чамаси. Хусусий меҳмонхонага мўлжаллаб қурилган, аммо гоҳ диско-бар, гоҳ ресторан бўлиб фаолият юритган бино эшигини тақиллатмасдан очган Лобар қари хўжайинни чўчитиб юборди.

– Кимсан? Нима бор сенга? – беихтиёр ўшқирди хўжайин (негаки, унинг ёнида Қозоғистонга донғи кетган икки киморбоз ўтирарди).

– Бинони жуда чиройли қурибсиз-у, лекин тарбиянгизни бузиб қўйибсиз, – деди Лобар кираверишдаги ушбу залнинг нақшинкор шифти ва тилларанг қандилларига маҳлиё бўлиб.

– Бу ер фоҳишахона эмас! Чикиб кет! – дея хўжайин Лобар томон юрди. – Бўл, бўл тез.

– Нима, мени фоҳиша деб ўйладингми, даъюс?! – Лобар шундай вазоҳат билан гапирдики, хўжайин такка тўхтади. Опишув бошланса, кеч қолмаслик учун Лобарнинг йигитлари остона ҳатлашди; бири қўйнига қўл солиб, тўппонча дастасини маҳкам ушлаб, бармоғини тепкига қўйди.

– Кимсан? – қайта сўради хўжайин.

– Лобарман, картабоз аёл. Агар эшитмаган бўлсангиз, устозимни танирсиз: Анна Сергеевна. Балерина! Уния танимасангиз устозимнинг устозини айтаман: чеченистонлик кимор афсунгари Зарема. Биронтамизни эшитган чиқарсиз?

– Танимайман, танишнияма истамайман. Бу қошона қиморхона эмас, кечки ресторан. Тушунтиролдимми ё русчалаб гапирайми?

– Бўлди, танидик, – деди орқарокда турган қозоқ қиморбози лабига сигарет қўндириб. – Ҳаммамиз сен ҳақингда эшитганмиз, Лобар. Фақат танимасликни хоҳлаганимизнинг сабаби, сен ўтган йилими, баҳордами, интерполга хизмат қилгансан. Ҳозир ҳам уларни эргаштириб келган бўлсанг, энди номеринг ўтмайди. Яхшиликча этагингни йиғ. Қиморбозлар билан ўчакишма.

– Мен ўйнамоқчиман, – деди Лобар.

– Мелисага кучуклик қилмаётганингга қандай ишонсам бўлади?

– Озода менинг шогирдим эди: "Балерина" лақабли ёлланма картабоз уни хонавайрон қилиб, ўлимига сабабчи бўлди. Бечора келинчак карта сурган даврада ўйнамоқчиман. Агар ишонмасанглар, шахримга бориб, билиб келинглар. Биз Озодани кимлар бадном қилганини ҳеч кимга гуллаганимиз йўқ.

– Менга нима фарқи бор?! – киморбоз қулочини кенг ёйди. – Озода деганингга қўлимниям теккизмаганман. Сен биланми, бошқаси биланми, карта ўйнайверамаман. Аммо хоин бўлиб чиқсанг, россиялик киморбозларнинг бошини ейсан. Кейин улар сени ўлдириб қўйишади. Менга эса кимор ўйнаганим учун қанча беришса, шунча ўтириб чикаман, холос.

– Бунча қамоқсирамасанглар-а?! – Лобарнинг энсаси қотди. – Хўш, ўйин қачон, қаерда бўлади? Булар йигитларим милициядан эмас.

Қиморбоз сигарет тутунини пуфлаб, Лобарга жуда яқин келди. Деярли шивирлаб:

– Ўйин энди бу ерда бўлмайди, – деди. – Петербургга белгилаганмиз. Қиш келаяпти, Россиянинг узун кечаларида камин олдида юз минг доллар ютқазсанг ҳам ичинг ачимайди.

– Ичи ачимайдиган одамга ўхшайсиз, – киноямуз кулимсиради Лобар. – Майли, Россия бўлса, Россия-да. Айтгандай, Балеринанинг исм-шарифлари нима экан? Ҳар ҳолда ялмоғиз билан танишиб олгандирсиз?

– Қаёқда! – қўл силтади киморбоз. – У билан танишиб бўларканми?

– Қип-кизил жинними?

– Йўқ, руслар гаплашишга қўйишади. Умуман олганда, у ялмоғиз ҳам эмас. Қимор мафиясининг қўлида қўғирчок. Аниқроғи, ўлимга маҳкум этилган асира. Қачон ютқазса, отиб ташлашади, тамом-вассалом. Нега боя Анна Сергеевна, Балерина дедингу яна мендан сўраясан?

– Анна Сергеевна менга лаънати қартани ўргатган, Балерина деб тахминан айтдим. Чунки у бир вақтлар опера-балет актрисаси бўлган... Россиялик Балерина лақабли киморбоз кампир ҳақида эшитганимдаёқ шубҳа-гумонга бордим. Анна Сергеевнани ўлган дейишганди. Нахотки, Балерина кампир бўлиб қайта тирилган бўлса?

– Петербургда юзма-юз келганда биласан, Аннанг билан Балерина битта одамми, йўқми. Ҳозир эса ичкарига кирамиз. Гап бор сенда, хотин киморбоз.

– Нима масалада?

– Кимордан бошқа қандай масала бўлиши мумкин.

Шу гаплардан сўнг қошона соҳиб ховуридан тушди. Киморбознинг ҳам димоғи очилди. Улар ноз-неъматга тўла дастурхон атрофида анча вақт ўтириб қолишди. Катта кимор нс важдан мазкур шаҳарчада уюштирилгани ҳам ойдинлашди. Шу бино хўжайини шўролар даврида шаҳарчани бошқарган экан. Кремлдаги хизматдош дўстига суяниб, ҳатто, маҳаллий раҳбарларни ҳам писанд қилмай қўйибди. Аҳвол шу даражага етибдики, шаҳарчадаги ёш қари салкам унга сиғина бошлабдилар. Мансабидан тушгандан сўнг ҳам, ҳозир ҳам унинг исм-фамилиясини эшитганлар хайқар эмиш. Бир юмалаб мулкдорга айланиб қолган собиқ раҳбар кимордан даромад лўнда-лўнда тушишини эшитиб, киморхона очибди. Биров мушугини "пишт" дейишига ишонмагани учун ҳам катта киморни шаҳарчада ўтказишга бош-қош бўлибди.

– Яқинда шаҳарчани бутунлай сотиб оламан, – кўксига урди хўжайин. – Москвадаги ўйинга манави икковини ёллаганман. Қўлларига юз минг доллар тутқазаман, насиб этса, миллион билан қайтамин.

Лобар арок кўтаролмай алжираб қолган мактанчоқдан кўз узиб, киморбозга маъноли қаради.

– Ўйин Петербургда бўлади дегандингиз, шекилли?

– Петербург Москва дегани, Москва эса Петербург. Янги келишув бўйича бир талай сўзларни алмаштириб қўллашга мажбурмин.

– Демак, гапларингизни тесқари тушунишим керак экан-да?

– Ихтиёрингиз.

– Озодага қўлингиз теккан, Балерина, бу – Анна Сергеевна, ўйин қишда эмас, яқин кунларда Москвада бўлади, камин олдида ўтирмайсиз, юз минг доллар ютқазмасликка ишончингиз қомил ва ҳоказо. Тўғри тушундимми?

Мезбонлар аламдан хоҳолаб қулиб юборишди. Агар Лобар ёлғиз қелганида ёки тўппончаси бўлмаганида уни ўтирган жойида бўғиб ўлдиришарди.

Ҳозир эса Лобардан кўрқибди. У тўппончадан усталлик-ла фойдалана олармиш, деб ҳам эшитишганди.

Хуллас, Москвага борадиган кунларини аниқлаб, тинчгина хайрлашдилар.

* * *

Хар ким келган йўлидан ортига қайтди: қўриқчи йигитлар йўл машиналарида, Лобар Абдулла ака билан самолётда. Албатта, Абдулла ака даволанишга улгуролмади ҳам. Бир кўнгли Лобарга эрини клиникага ташлаб, Москвага боришда олиб ўтишни амр этса, яна бир кўнгли козок киморбозларидан хадиксиради; улар эрини гаровга олиши ёхуд ўлдириб қўя қолишлари ҳам мумкин, айтиб бўладими.

Қозоғистондан қайтишганини эшитиб, қариндош-уруғлари кўргани келишди. Дарров қайтиш сабабини Лобар тушунтирган бўлди:

– Олмаоталик шифокорнинг устози Москвада яшаркан. Дунёга донғи кетган профессор дейишади. Шогирдининг кўли яхшими, устозиники? Албатта, каттасиники яхши-да!..

Қозоғистон сафаридан рағбатлантириш мақсадида Лобар қўриқчиларга икки юз доллардан мукофот берди. Улар то Москвага кетгунларича тўппонча, пичок қўл жанги бўйича ўзларича тайёрланишди (бироқ Россияга барибир тўппончасиз боришга тўғри келди).

Лобар ҳар куни бир марта жавондаги очилмаган қартага қараб қўяр, аммо ушлагиси келмасди. Қутисида жимгина ётган ҳар бир қарта донаси не-не касофатларни бошлаб келиши мумкин. Қарта – ўйин сифатида кашф этилди, аммо қартани қарғиш урди, бало-қазолар ўйини бўлиб қолди. Лобар "Нега нарда, шахмат-шашка, домино каби ўйинлар ҳалокатли эмас-а?" – деб ҳаёлидан кечирарди. Қарта деганда кимор тушунилади, қарта деганда пул тикиш тушунилади...

Ниҳоят, Россияга кетадиган дам келди. Лобар бир вақтлар Маъруф билан яхши ниятда кадам қўйган ўлкада ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборган савдоларга гирифтор бўлган эди. Ўша пайтдаги Лобар ким эди? Маҳалласидан четга чиқмаган, синфдошларидан бўлак йигитлар билан гаплашмаган, умрида ёлғиз тунамаган ҳуркак киздан чиққан муштипар келинчак! Энди у юз минглаб доллар, қизлару дала ҳовлилар тикиладиган катта киморга бормокда. Икки қўриқчиси икки сонияда мурдага айланмаслигига, Лобарни ҳам ўлдириб, пулларини талаб кетмасликка ҳеч ким кафолат бермайди! Неча марта қамалиб, одамни одам ўрнида кўрмайдиган; юзхотирлик, виждон, имондан бегона кимсалар давраси...

Москвага учишдан аввал Лобар қўриқчиларининг изини йўқоттирди. Биринчи Хоразмга, иккинчиси Тошкентга кетди, гўё.

Ҳақиқатда улар Тошкент аэропортидан Россияга учишди. Лобар ва Абдулла ака эса бир тўда қариндошлар кузатувида Самарқанд аэропортига йўл олишди.

Эрининг фарзандлари шу ойлар ичида оталарига ўзгача меҳр қўйиб, еру қўкка ишонмай қўйгандилар. Қиморга кетаётганларини билсалар борми! Ўғил-қизи-ю, опа-синглиси Лобарнинг сочини битталаб юларди, эҳтимол.

Улар сезмаган бўлса-да, Абдулла ака пайқаган экан, самолёт қўкка кўтарилиши билан Лобарга деди:

– Қозоғистонда икки кун қаерга йўқолиб қолганингни билмайману лекин Худо асради бизни.

– Нега унақа дейсиз? Россияда танишган дугонамни, баҳонади Жезқазғанни ҳам кўриб қайтдим десам, кайфиятимни бузасиз-а?

– Майли, ҳар кимга инсоф берсин. Фақат сендан илтимос Москвадаги шифохонадан рухсатимсиз ташқарига чикмайсан.

– Бу илтимос эмас, буйруқ-ку! Жон-жон дердим, буйруқ бўлса ҳам Аммо шифохонадан менга жой беришмайди. Шундок яқингинасиди меҳмонхона бор.

Абдулла ака хотинининг жавобидан қониқмагани ғам-ғусса аримаган юзидан яққол сезилди.

– Россияга умрингизда биринчи келишингизми? – кулиб сўради Лобар.

– Эҳ-ҳе, икки йил юрганман ўрмонларида, – деди Абдулла ака. Билиб қўй, мен армияга чакирилиб, шу ерлардан учиб ўтганимда сен планда ҳам йўқ эдинг.

* * *

Авалло жосуслардан эҳтиёт бўлмоқ лозим эди. Агар милици: Лобар ва йигитларининг изига тушиб, қиморхонани босишса, шунчи: саъй-ҳаракатлар зое кетади. Анна Сергеевна билан гаплашиб олиш ҳам (агар у тирик бўлса), Парвизни топиш ҳам (агар у ҳам ўлмаган бўлса) чиппакка чиқади. Лобарнинг юрагида тугун ечилмай қолса энди у яшолмайди... У ўйнамоғи керак; ўнамаса ўлади, хумор қилиб ўлади. Азбаройи карта хуморидан эмас, уларни кўриш, курашиш қонига ташналик хуморидан!..

Бу гўша Лобарга нотаниш эди: учли минорали черков, ойнаван банк биноси, бир қаватли ошхоналар. Шомилнинг уй қамоғида камдан-кам чиккани боис шаҳарнинг юздан бири таниш эди унга

Шундай бўлса-да, йигитлари олдида ўзини эркин тутиб, ошхоналардан бирига кириб борди. Бир чашкадан қаҳва ичишгач, кўриқчисидан сўради:

– Россия об-ҳавоси ёқдими?

– Ёқди.

– Ёққан бўлса айт-чи, анави машиналар қачон кетади? Аҳир, сен бу об-ҳавода ўн беш кундан буён турибсан.

– "Мерседес" уч-тўртларда, "Сенатор", кўпинча, бешларда.

– "Лимузин"-чи?

Шу пайт орқадан касалманд аёлнинг хиркирок, лекин жаҳлга йўғрилган овози эшитилди:

– "Лимузин" кечадан бери шу ерда, унинг кетишидан сенга нима наф?

Лобар ўгирилиб, узун қора либос, қора телпакдаги кампирни кўрди. Юзи буришиб, ковоклари салқиб қолган, нигоҳлари алланечук совуқ, ўн-ўн беш ёшга бирдан қариган бу кампир Анна Сергеевна эди.

– Ёлғиз ўзингизмисиз? – сўради Лобар бамайлихотир ўрнидан тураркан.

– Шомилдан қўрқаяпсанми?

– Чеченлар билан сарик чақалик ишим йўқ, – дея Лобар устозининг кўзларига еб қўйгудек тикилди. – Янги хўжайинларингизни назарда тутаяпман.

– Улар менинг хўжайинимми? Истасалар сенинг ҳам хўжайининг бўлишадми.

– Анна Сергеевна, сиз энди ожиз бир кампирсиз, ўзингизни довулга тенглаштирманг.

– Тентак довулга айланганингга раҳмим келади.

Анна Сергеевна ташқари эшикка қараган захоти чарм курткали кимсалар бостириб киришди. Ошпазлар хонасидан ҳам қуролланган барзангилар чиқиб келдилар. Лобар ва кўриқчиларни орқа ховлига ҳайдаб, қутилар ёнига бир қатор тизишди.

– Ким булар? – ўдағайлади тўда бошлиғи тўппончасини силтаб.

– Милицияга алоқаси йўқ.

– Милиция мени кизиктирмайди! Уларнинг киморга ҳам алоқаси борми-йўқми?

– Улар кўриқчиларим...

– Кераксиз нусхалар дегин! – Тўда бошлиғи шундай деб тўппонча

тепкисини икки марта босди. Овоз тиндиргич ўрнатилгани боис ўк овозлари намиккан пистон портлашидек бўғик эшитилди.

Лобарнинг пешонасидан совуқ тер чикиб кетди. Ота маҳалласидан ёлланган курашчи йигит бир нуктага тикилганча оғзидан қайнаб чиқаётган конга бефарқ ётар, иккинчи кўрикчи эса оғрикнинг зўридан тилини гарчча тишлаб, бир сонияда ўлиб қолганди.

– Пулларингга ҳеч ким тегинмайди, касалхонадаги эрингга ҳам, – деди қотил Лобарга. – Ҳаммасини, ҳатто, ўзингни ҳам тикиб, биз билан ўйнайсан. Аниқроғи, Балерина билан!

Деразадан маъносиз бокиб турган Анна Сергеевна билан Лобарнинг нигоҳи тўқнашди. Лобар бу кампирдан шунчалар жиркандики, ортик тикилиб турмоққа тоқат қилолмади. Юзини ўгириб, тишларини фижирлатиб, тўда бошлиғига деди:

– Бошиданок қиморда мард эркакни кўрмадим. Қиморни мард одам ўйнамас экан! Икки йигитимни жувонмарг қилиб, кучингизни бекор кўрсатдингиз! Мен ёлғиз аёл эмасман... Энди ҳаммангизга жуда-жуда қийин бўлади.

Барзангилар кўз уриштириб олишди. Бирини Лобарнинг гапига парво ҳам қилмаганини билдириш мақсадида ўлаётган кўрикчини бир тепди.

– Ўлибди, – деб қулди бошлиғига.

– Москвадан четга чиқариб ташланглар, – деди тўда бошлиғи. Сўнгра тўппончасини Лобарнинг пешонасига тираб, сўзлади: – Шомилни назарда тутаяпсанми, Осиё гўзали? Кавказликдек биз ҳам сенга муносиб бўла олармиз? Ичингда роса сўкаётганингни билиб турибман. Ўзинг муомала қилолмадинг. Қозоклардан қароргоҳимизни аниқлаб олиб, одам қўйдинг. Балки яна одамнинг бордир?... Йўқми? Унда таъзиямни қабул қил.

– Қиморхонангизга бошланг – деди Лобар.

Тўда бошлиғи шотирларига қараб ажойиб мусиқа эшитаётган каби кўз сузди.

– Оҳ-оҳ, кўрдиларингми? – деди у. – Ҳақиқий қиморбоз мурдалар устида ҳам қиморни ўйламоғи лозим. Ўртак олинглар бу аёлдан!

Қотил тўппончани қўйнига жойлаб, эшик сари юрди. Унинг хатти-ҳаракатини сўзсиз тушунган икки йигити Лобарни ўртага олиб, кўчага чиқишди. "Мерседес"лар мунтазир эди. Қозоклар айтган манзил ортда қолиб, бошқа бир маконга – қайсидир касалхонага қарашли лаборатория ҳовлисига кириб келишди. Орқа дарвоза эски

уйлардан иборат боши берк кўчага олиб чикди. Бу ерда кимор ўйналадиган мундайроқ бошпананинг ўзи кўринмасди. Кўчаси йўқ, одамлар ташки оламга лаборатория ховлиси орқали кириб-чикиб юришса-ю, яна халқаро ўйинга марказ бўлолса?!

Лобарни машинадан туширишди. Эски ёғоч дарвозали умумий ховлига, ундан кейин темир эшикдан ҳашамдор ховлига бошладилар. Бу уйнинг дарвозаси бош кўчага қараган бўлиб, орқаларидан пойлаб келмаслик учун махфий эшикдан келишганди.

– Мана, пулинг, – барзангилардан бири Лобарнинг тиззасига сумкасини ташлади. – Эллик минг ҳам чиқмайди-ю, юришинг оламини титратади-я!

– Аёлнинг пулини санаган эркакнинг кўли синсин! – деди Лобар ўзбекчалаб.

Цайка аъзоси тушунмай:

– Нима дединг? Ўлдираман... – деб хезланган эди, Лобар сумка билан кулочкашлаб туширди.

Тўда бошлиғи аралашмаганида Лобар мушт таъмини татиб кўрарди. У шотирини нари итариб, Лобарнинг томоғидан олди.

– Қаерда эканингни унутма! Шомилнинг Маловерга ўхшаганларга кучи етган. Мен эса сеням, униям отиб ташлашга қодирман.

Қимор бошлангунча Лобарни бошқа безовта қилишмади.

* * *

Қоронғи тушиб, хоналарда чироқлар ёнди. Лобар Анна Сергеевнани кеч соат ўнда кўрди. Худди захирадаги қўшниларни жанггоҳга туширишгандек, икки аёлни столга кечроқ таклиф этишди. Бунгача камида беш киши ярим миллион долларга яқин пулидан айрилиб, ичиш-чекиш учун нариги хонага чиқиб кетишганди. Ўйинда иштирок этаётганларнинг ҳам пуллари қўшишганда жами бир миллион доллардан зиёд маблағ тўпланганини Лобар чамалаб кўрди. Ёнидаги қирқ минг доллар билан мактана олмайди, аммо рақибларини янчиб ташлашга шунчалар ишонадики... Фақат Анна Сергеевнанинг хўжайинлари аламларига чидоёлмай қуролларини ишга солишмаса, бас.

– Салом, – деди Лобар.

Анна Сергеевна ҳўмрайиб қаради, сўнг ортидаги хазинабонга саволомуз боқди-да:

– Қанча? – деб сўради.

– Юз минг доллар.

– Ўғри аёлни ютишим учун ярми ҳам кифоя, – деди Анна Сергеевна.

Сал нарида турган тўда бошлиғи қарсак чалиб, гердайган кўйи яқинлашди.

– Браво, Балерина, браво! Сиз енгилмас картабозсиз! Азройил ҳам ўйинингизни кўриб қайтиб кетди, "ютқазсангиз ўлдираман" деган қароримга бекорга хомтама бўлди. Хўш, ракиблар ичида битта янгиси бор. Лекин у сиз учун янги эмас. Аммо пули бор-йўғи кирк минг деб арконни калта ташлаб қўйманг. Унинг эри, дўконлари, тиллалари бор. Қолаверса, ўз жонини ҳам тикиб ўйнашга ваъда берган. Демак, бундан нақд юз минг доллар соғиб олсангиз бўлади. Устомонлар эса, – тўда бошлиғи кўлини Анна Сергеевнанинг елкасига қўйди, – юз эллик мингни қандай ундириш тўғрисида бош котиради.

– Нуткинг тугаган бўлса, ўйинни давом эттиришга рухсат берарсан, – деди калта соқолли, калбош қиморбоз.

Тўда бошлиғи ваҳшатли кимсага ҳайикиброк қараб деди:

– Эҳтиёт бўл, янги хонимга уйингдаги мушугинггача ютқазиб қўйма.

– Аёл картабозларга ҳамиша тупурганман, – деди калбош очикчасига.

Анна Сергеевна гинг демади, гўё у мурватини бураб қўйишларини кутаётгандек бир нуқтага тикилган кўйи бош котирарди. Лобар зомбига айланган собик актрисага киё ҳам боқмади, унинг қандай ўтирганини кўз қирини ташлаб кўрмоқда эди.

– Менимча, бу сафар кон тупурасиз, – деди Лобар паст овозда.

– Бошладик! – ўшқирди калбош. – Бунақа танаффусларга тоқатим йўқ.

Янги карта очилди. Ёкут кўзли узук такқан бақалок кимса ҳаммага карта таркатди. Лобар унинг семиз бармоқларидан кўз узмас экан, карта сузиш украинча усулда амалга оширилганига диққат қилди. Бунақа ўйинларни, айникса, хохоллар роса котиришади. Лобар қўлидагиларга қаради. Ҳа, булар ҳақиқатан устомон кўринади, ютиш осон эмас. Илк қўлда ҳеч қандай ўйинсиз икки минг доллардан айрилган Лобар Анна Сергеевнанинг қарталарига зимдан нигоҳ ташлади. Гарчи сирт томонидан кўринмаса-да, ўртасидаги "туз" эканлигини кампирнинг бармоқларидан англади.

Ўйин давом этди. Ҳаш-паш дегунча бақалок ўн олти минг долларни бой берди. Кейинги қўлда Лобар икки "зот"га ишониб, пул тика

бошлади. Бу сафар ҳам Анна Сергеевна хирмон кўтарди. Лобардан саккиз минг, қолганлардан ўн минг доллар қўлдан кетди.

– Ҳозирча ёмон эмас, – деди тўда бошлиғи Анна Сергеевнанинг ортида тик тураркан. – Хонимлар ва жаноблар! Қимор нафақат коп-коп доллар, балки гўзал аёллар ҳам демакдир.

Барчаси Лобарга ҳўмрайиб қарашди. Бироқ мактанишга ҳали эрта экан. Кейинги ўйинларда Лобар олтмиш минг, Анна Сергеевна эллик минг доллар ютиб олди. Калбош ва бакалокнинг қайтиб омадлари чопмади. Ярим кечага бориб ўйиндан шип-шийдам ҳолда чиқишди. Калбош сал бўлмаса отишма бошлаб юбораёзди.

– Сен, – деди у тўда бошлиғига, – охирги вақтлари урғочи шоқолларинг билан жонимга тегаяпсан! Қўлингдан келса, ўзинг ўйна!

– Шахсан мен билан ўйнашга арзимайсан-да! Арзиганингда хотинларга ютқазармидинг, ялтир бош?!

Икковини зўрға тинчлантиришди. Аммо калбош киморбозларни эргаштириб чиқиб кетди. Улар билан албатта юз минглаб доллар ҳам кетди, чунки ўйинга тушиш ниятида ўтирганлар бир талай эди.

– Давом этинглар, – деди аламзада тўда бошлиғи бир рюмка арокни жигилдонига қуйиб.

Лобар ва Анна Сергеевна бир-бирини эндигина кўраётгандек картадан бош кўтаришди.

– Сенмисан? – гўлдиради Анна Сергеевна.

Лобар олдинга хиёл энгашиб:

– Ҳа, менман, – деди.

– Сенлигингни кўриб турибман, – кампирнинг туси ўзгармади. – "Туллак, айғокчи, ўғри ва хойн сенмисан?" деб сўраяпман.

– Сиз айтган сифатлар меники эмас. Аммо, биласизми, энг ёмони нима?

Аччиқ ҳақиқатни эшитишни истамаган Анна Сергеевна столни муштлади, кўзларидан ўт чакнаб деди:

– Энг ёмони шуки, тутиб бериш учун пистирма қўйиш! Ҳалоскорини ўлдириш учун Москвага ёлланма қотил юбориш! Устозини ютиб, ўлимга маҳкум этиш мақсадида киморда юзма-юз келиш!

– Устоз ва халоскор деб ўзингизни назарда тутаяпсизми? Билиб қўйинг, сиз – одамхўрсиз! Мени, оиламни, адашган келинчакни, йигитларимни, билмаганим яна қанча-қанча инсонларни едингиз! Ҳозир эса мени емокчисиз! Мана!.. Манавини ейсиз!

Лобар бошмалдоғини икки бармоғи орасидан чиқариб телба

кампирга кўрсатди. Тўда бошлиғи кичкина сахна кўринишига атайин халақит бермади.

– Ким нима ейиши ўйин охирида маълум бўлади, – деди у ҳакамлик қилаётгандек карта столи устига қўл чўзаркан. – Ҳозир эса курук гапларни бас қилиб, бошланглар ўйинни!

Ўйин шиддати атрофдагиларни-да терлатиб юборди. Шу боис муздай ичимликлар ича бошлашди. Ташқари эса тобора совиб борар, шаҳар аёздан сукутга чўмганди.

Қартада тентаклик қилиб бўлармиди?! Қартада хис-туйғуга ўрин бормикан? Икки аёлнинг ўчакиши охир-оқибат шу бўлдики, бор бисотларини тикиб ташлашди. Анна Сергеевна жами ютуқлари-ю тўда бошлиғининг пулларини, Лобар ҳам сўнгги чақаси-ю дўконларини тикди. Ҳаёт-мамот ўйини деб шуни айтадилар. Ўртада сон-саноксиз бойлик, икки ёнда икки аёл, икки тақдир. Қўлларида қарталар!

Анна Сергеевна мурдадай қотиб қолганди. Тўда бошлиғи унинг авзойига қараб, қолган пулларини беришга юраги бетламади. Анна Сергеевна ҳам сўраёлмади. Сўрашга ҳоли қолмаган эди. Негаки, Лобар жўртгага қарталаридан бирини, "туз"ни кўрсатиб, маъноли қараб қўйди. Қолаверса, бор-будини тикдими, демак, картасига ҳаддан ташқари ишонаятти. Қўлида "туз"лардан камида иккита бўлса ажабмас.

Тўда бошлиғи Балеринанинг қулоғига шипшиди:

– Нималар қилаяпсан, қари тўнка?! Агар бой берсанг, тўппончам ўқлари коксуяк баданингни шу бугунок илма-тешиқ қилади!..

Анна Сергеевна сесканганини сездирмаслик учун кўзларини бирдан юмди. Хиёл ўтмай ўзига келиб, ҳўжасига тикилди.

– Бизни ҳоли қолдирсанглар, албатта, ютаман.

– Бу нима деганинг, ялмоғиз?

– Унга ўзимиз тушунадиган гапимни айтсам, довдираб қолади, ўйнаёлмайди. Бу – афсун! Беғоналар олдида афсун ўқиёлмайман.

Тўда бошлиғи одамларига ишора қилди. Улар эшикка йўналишганда, орқаларидан ўзиям эргашди.

– Барибир сизни енгаман, афсунларингиз менга таъсир қилмайди, – деди Лобар.

– Енгишинг мумкин эди... Аммо йўлини топдим, – жавоб қилди Анна Сергеевна.

– Йўли қурол кучими? Айтиб қўяй: куч билан тортиб олинган бир

сентим минг-минг доллар бўлиб тешиб чиқади. Хўжайинингиз ҳам вазиятни тушуниб, пайтавасига кurt тушиб колди. Қиморбозларнинг нигоҳи менда! Бугун-эрта натижаларни эшитишга ошиқадилар. Менга куч ишлатилганини билсалар борми, ҳамманг кимордан кетасан! Сизлардан кўркиб, ҳеч ким яқинлашмай кўяди. Бу илоҳиёт эмас, ҳаётий гаплар, Балерина хоним!

– Меникиям афсун эмас, Люба, – деди Анна Сергеевна, – ҳаётий гап, сеникидан минг чандон ҳаётий! Қани, карталарингни ташла, таслим бўл. Ўзингни, эрингни, кариндошларингни ютказмаганингга шукр қилиб, юртингга жўна. Пул топилади, жон эса... – Анна Сергеевна лабларини жуфтлаб, бош чайқади.

– Ўртада икки юз-уч юз минг доллар пул ва менинг эмас, сизнинг жонингиз бор. Ҳозир шармандаларча ютказасиз! Нега шундай музаффар онларда таслим бўларканман? Даволанишингиз керак, Анна Сергеевна, сиз – касалсиз.

– Даволаниб чиққанимга, қайта тирилганимга олти ойдан ошди. Менинг эмас, бошқа одамнинг даволанишини, тирилишини ўйлашинг керак энди.

– Кимнинг?.. – сўради Лобар зўрға. – Кимнинг тирилишини ўйлашим керак?

– Ўғлингнинг... – шивирлади кампир.

Лобарнинг қалбида акс-садо янгради: "ўғлингнинг... ўғлингнинг... ўғлингнинг...".

Унинг боши айланиб кетди. Шу лаҳзада "алдамаяптимикан?" деб кўнглидан ўтказди ҳам.

– Ўғлим ҳақида нималар биласиз? – Лобар гўёки икки киёфада ўтирарди: йиғламокчи бўлган она ва ғажиб ташлашга шайланаётган ёввойи одам.

– Ўзингни бос, Люба, – деди Анна Сергеевна. – Қўлингдаги карталарни ташла, анави қолганлари билан аралаштириб юбор. Юртингга кетишинг учун йўл пули бераман, ўғлингни топасан.

– Алдамаётганингизга қандай ишонтира оласиз?

– Сурадини кўрсатаман. Шомил "унинг исми Парвиз, бечора бола кўп кийналди, ҳали яна даволаниши керак", дебди.

Лобар карталарини столга охиста қўйиб, ўртага сурди. Лаблари алланималарни пичирлади, калтираётган кўли Анна Сергеевнага чўзилди.

– Суратни беринг.

Кампир бир зумда ички чўнтакларини титкилаб, расмни топди.
– Илтимос, аввал карталарингни аралаштириб ташла, – деди у. –
Ўзингга кучсиз карталар ол.

Лобар учта картани умумий карта тахлами орасига тикиб,
аралаштирди. Сўнг ўрнига оддий карталарни олди.

– Ма, – деди Анна Сергеевна, – болангни томоша қил.

Лобар кўзларига ишонмади. Наҳотки, шу Парвиз бўлса?! Шомил
қўлида ушлаб турибди, касалманд Парвиз бошини бир томонга
оғдирган, нигоҳи маъносиз; орқада қумлок сохил, поёнсиз денгиз.

– У каерда? – сўради Лобар ўрнидан туриб кетиб.

– Билмасам, балки Италиядадир.

– Шомилни... қачон кўрдингиз?

– Шомил ўғлингни қутқарган валинеъмат... Ўғлинг Шомил билан
биргалигини, у тирик эканлигини, мана, билиб олдинг.

– Манзилини айтинг!

– Телба кампирга манзилини айтармиди?! Икки ойлар аввал
тўсатдан хонамга бостириб келди. Озиб кетган, чарчаган, аввалги
Шомилга ўхшамайди. Анавилар мени жиннихонада ўлди деб гап
тарқатишганди. Шомил аввалига ишонибди. Қиморбоз кампир
ҳақида эшитгач, Россияга келишдан ҳеч ўзини тиёлмабди. Бир оз
суҳбатлашдик. Сенинг такдиринг, ўғлингнинг ғаройиб қисмати,
ўзининг кейинги ҳаёти ҳақида ҳам гапирди. Мафиялар ўртасида бир
шартнома бўлгани учун Шомил бу гал россияликларга тегинолмади,
лекин ўч олиш фурсати келишини айтди. Ундан шу суратни олиб
қолдим. Эҳтимол, почта орқали уйингга юбормокчи бўлгандир.

– У Сицилияда, – пичирлади ўзига-ўзи Лобар. – Болам тирик...

– Сен ютқаздинг, – пулларга имо қилди Анна Сергеевна. – аммо
ўғлинг ва Шомил ҳақида гапириб қўйма.

Эшик тарақлаб очилиб, тўда бошлиғи кириб келди.

– Яна канча кутаман? – дея дағдаға қилди у.

– Тамом, – деди Анна Сергеевна. – Бунинг бир сенти ҳам қолмади.

– О'кей! Факат қарз-ҳаволага асабим бардош беролмайди.

Икки аёл қанақа қарз хусусида гап кетаётганини тушунмай тўда
бошлиғига саволомуз бокдилар. Жиноят устаси телефон рақамларини
териб, қулоғига тутди.

– Алло, ҳар доимгидек... Ҳа, байрам, – деди у аллакимга. – Аммо
дўконларини сотиб, пулини ундириш учун Осиёга бориб юрмаймиз.
Учта дўкон – учта одам. Иккитасини олиб бўлдик, кеча эрталаб...

Ҳа, кўриқчилари. Энди яна бир одам қолди, иккинчи клиникада. Исмоил Абдулла, фамилияси...

– Нима, сиз эримнинг ўлдирмоқчимисиз? – Лобар сакраб туриб, тўда бошлиғининг тумшуғи тагига икки ҳатлаб етди. – Бундай шартлашмаганмиз!..

Тўда бошлиғи кафтининг тескари томони ила Лобарнинг юзига тарсаки тушириб, гапида давом этди:

– Алло, эшитаяпсанми? Уни касалхонадан олиб кетинглар, ҳеч ким соясини ҳам тополмасин!

– Нима ҳақкингиз бор?! – Лобар бурни қонаётганига ҳам эътибор бермади.

– Қўрма, ўлдирмаймиз, – деди тўда бошлиғи кинояомуз илжаркан. – Лекин катта пулга Туркияга сотамиз. Янги қулдорлар билан битим тузганман. Ўлимдан кўра шу яхши эмасми эрингга! Ҳах-хах-ха-а...

Лобарни яна бир кун қамаб қўйишди. Анна Сергеевна ваъдасида туриб, унга йўл пули берди. Икки йигити, эри ва қирқ минг долларида айрилган Лобар уйига эриникидан қувилган келинчақдай мунғайиб қайтди. Кўнгил чирокларидан биттаси ёниқ эди. Парвизнинг тириклиги хабаридан масрурлик ёғдирган умид чироғи!

* * *

Албатта, ватанга учидан аввал у Абдулла ака даволанаётган ўша шифохонага борди. Эрини "қариндошлари" олиб кетишганини эшитиб, узун йўлак охиридаги дераза тоқчасида узок ўтирди. Парвизнинг суратини кўксига босди, эркалади, ўпди. Абдулла аканинг ҳоли не кечишини тасаввур қилолмай, кўзларидан милдир-милдир ёш тўкди. Қўриқчи йигитларнинг жасадлари бекафан, бежаноза, аллақерларда хор бўлиб ётгани учун ўзини ҳеч қачон кечиролмаслигини ўйлади. Бироқ виждон азобида қуйиб адо бўлиб қолмади, уни кўчага, кўчадан аэропортга, ниҳоят, ўз уйига олиб келган бошқа туйғулар ҳам туғён қиларди.

Кўзини очганида уйида, момик тўшагида ётарди. Тонг отиб кетган, кун совуқ; булутли осмондан ёмғир ёғадими, қор аралашадими, айтиб бўлмайдиган палла эди. Холаваччалари дарров сим қоқишган, шекилли, ота-онаси ва ҳоласи дарвозадан кириб келишаётганини Лобар ювиниш хонасидан маҳзун кузатиб турди. Холаваччалари уларни меҳмонхонага бошладилар.

Илиқ сув қолиб, Лобар совуқ сувга юзини чайқади. Кўзгудаги аксига кўз остида қараб қолди.

– Бу менман, – деди ўзига-ўзи, – секин-аста ўнлаб одамларнинг бошига етаётган, разолат чангини куюклаштириб, тубсиз жарликка елдек учаётган махлук. Шу кўринишимни чиройли дейишади-я!.. Йўқ, ҳақиқатан гўзал аёлман. Баъзан ёвузлик ҳам гўзал киефада намоён бўлади-ку! Яна ёлғон сўзлайман, риёкорлик қиламан, эҳтимол, қўлим яна қонга ботар...

Мехмонхонага кириши билан ҳамма ўрнидан турди. Лобар бирма-бир кўришиб чиқди. Фотиҳа тортилди. Ҳол-аҳвол сўралиб бўлингач, Лобар ота-онасининг юзига қараёлмай, чойни баҳона қилиб, деди:

– Чойдан ичингизлар, бундай об-ҳавода чой жуда кетади-да. Куёвларингиз ҳам ҳозир чой ичиб ётгандир.

– Узоқ ётади дейишдими? – сўради дадаси.

– Бир ойми, икки ойми, ишқилиб даволаб юборишади. Бу ерда қолиб кетаётган иши бўлмаса.

– Ҳм, – дея онаси қошларини чимирди. – Бу дейман, Москвада дўхтир қиммат эмасми? Ёлғиз бошинг билан икки ой Россияда касал боқиш осон бўптими?

Лобар елка қисди. Ёлғонни чўзиш унга осон эмасди. Илло, буниси ҳали ҳолва экан. Онаси томоқ қириб:

– Пастки кўчадаги бола билан ўртоғиям Россияда қолдими? – деб сўради. – Ҳозир келаётганимизда онаси чиқиб, ўғлини суриштирди. Икки юз доллар берган экансан, фотиҳа тўйининг кам-кўстига ишлатишпти. Шунча вақт курашчилик қилиб юрарди, пулга ёлчимаганди, бояқишлар.

– Э, ая, – деди Лобар, – улар... улар... Россияда эмас. Ким айтди? Биз жўнамасдан аввал бири Хоразмга, иккинчиси Тошкентга кетганди. Қўлларига тўрт юз доллардан берганман. Билмадим, нима сабабдан бунча пул сўрашди. Уйига айтиб кетмаганларини қаранг-а!

– Онанинг кўнгли болада, боланики далада деганлари шу-да. Сени Россияга олиб кетган, деган хаёлда юрибди онаси.

– Уларни Россияга олиб бориб нима қиламан? Куёвингиз билан менинг йўл пулим ўзи фалон пул, ая.

– Бир ой ишладими-йўқми, бекор пул бергансан-да, – гапга қўшилди ҳоласи.

– Ҳа, тўғри, – маъқуллади дадаси.

Икки кундан сўнг Абдулла ақанинг фарзандлари ҳам келишди. Уларни кўриб, Лобарнинг хуши бошидан учиб, фалокатни сездириб қўйишига сал қолди.

Тушига Абдулла ака кирди. 30-йиллар эмиш. Аскарлар бир тўда бойларни, шулар билан бирга Абдулла акани ҳам илонизи лой йўлдан Сибирга олиб кетишаётганмиш. Қўллари боғланган, кир яктак-иштонда, оёқяланг... Лобар "вой-дод, бу одам касал-ку, совукда ўлиб қолади", деб айюҳаннос солса, бир отлик: "У сенга нима килиб берди? Севмасанг бошингга урасанми?" – дебди. Лобар тикилиб қараб, Шомилни танибди. "Шомил ака, энди сизнинг хотинингиз эмасман, мана шу асирнинг қонуний, шаръий завжасиман, нахотки, мен эрини ташлаб қўядиган аёл бўлсам?" – дебди. Шунда сал наридаги бошқа отлик қах-қах уриб кулибди. Лобар ялт этиб қараса, у Қувон эмиш. "Мени севаман дегандинг, эрингга кўнглинг бор экан, унда ўзга инсонга муҳаббат изҳор этишинг нимаси?" – таъна-дашном килибди у.

Лобар отликнинг елкасидаги милтикка қарабди. Бешотар ов милтиғи! Қувон "Шу милтиқда кимларни отганингни биламан", демокчидек маъноли нигоҳ ташлабди. Лобар ҳам бўш келмай, кўз қараши ила "Шомилни от, ҳаммасидан қутуламиз... От! Отсангчи..." демокчи бўлибди. Зийрак Қувон ўша заҳоти тушунибди, аммо боши билан "йўк" ишорасини килиб, шувокзор тепаликка тикилибди. Лобар ҳам ўша ёққа қарабди-ю, Парвизнинг қабрини танибди. "Ё тавба, қабрни бу ерга ким кўчиртириб келди?" – ўйлабди у. Қувон кулиб: "Нимани ўйлаётганингни биламан. Бу қабр эмас, Парвиз тупроқни уюб, гўр ясаб ўйнаган... Ана ўзи!" – дебди. Қўллари тупроқ, оппоқ кийимдаги Парвиз "Аяжон! Аяжон!..." деб кичкирибди...

Ярим кечаси эди, Лобар сесканиб уйғонди. Кўрган тушидан қарахт эди. Назарида, кулоклари остида Парвизнинг "Аяжон!..." деган нидоси ҳамон акс-садо бериб турарди.

Орадан бир қанча вақт ўтгач, кўча эшик секин тақиллади. Лобар шундай туюлаяпти, деган ҳаёлда ётаверди. Бирок овоз тинмади. Халатини кийиб, ҳовлига чикди. Қалин туман симёғоч чироғини ҳам хира тортқизиб қўйганди. Иссик тўшакдан чиққан бадан рутубатли кечада дирдирай бошлади.

Дарвозахонадаги нақшинкор эшикка қўнғирок ўрнатилган бўлса-да, ташқаридаги кимса эшикни тақиллатмоқда эди.

– Ким у? – сўради Лобар.

Нотаниш эркакнинг:

– Лобарга хат олиб келдим, – деган овози эшитилди.

– Кимсиз? Танيمаяпман.

– Мен ҳам сизни танимайман. Хатни эшик тагига қўйдим. Хайр.

Қадам товушлари узоқлашгач, Лобар эшикни очиб, атрофга олазarak қаради. Сирли почтачини кўча чироғи ёруғида, туман ичра ғойиб бўлаёзган маҳал кўрди. У узун бўйли, қора плашли, чўлок кимса эди.

Лобар хатни олиб, эшикни кулфлади. Конвертни йиртиб, мактубни ўқиди: "Россияда бошингга қандай савдолар тушганини биламиз, – деб бошланган эди мактуб. – Аслида барчаси ўзингнинг хатоларинг. Агар урушни давом эттираман десанг, декабрнинг ўнинчи кунигача Истанбулга етиб бор. Тошқалъа деган жойда етти мамлакатдан келган киморбозлар ўйин уюштиришади. Россиялик киморбозлар Анна Сергеевнани олиб келишади. Биз сени унга, қолаверса, "Истанбул кашкирлари" тўдасига қарши ўйинга туширамыз. Чўчима, ортингда тиш-тирноғигача қуролланган менинг алп баҳодирларим туради. Биров бир тола сочингни юлолмайди. Фақат ютсанг, бас. Эринг Россияда эмас. Биздаги маълумотга кўра Туркияда ҳам эмас! Уни Сицилияга турклар сотиб юборишган, дейишмоқда. Ўғлинг Парвиз Италиядаги Рим шифохонасида даволанаяпти, деб эшитдик. Истанбулга келсанг, гаплашамиз. Ҳамма муаммоларингни ҳал киламиз. Энг муҳими, россиялик жодугарни енгиб беришинг керак... Лобар, шафқатсиз бўл! Бундан кейин ҳеч кимни аяма! Биз сен билан! (дарвоқе, хатни ёкиб юбор!)"

Лобар деворга суяниб, беҳол ўтириб қолди.

О, кимор! Эзилган аёлни қачон тинч қўясан? Қачон у сендан қутулади? Қутулар кун бормикан?!

Бошини чангаллаб ўтирди. ўтираверди. Совуқ жон жонидан ўтди. Йўқ, совуқ эмас, изтироблар азоб берди...

Шундай қилиб, Лобар ўша кундан бошлаб ўзи билан ўзи қарта ўйнай бошлади. Ҳақиқий "қора қарта ракси" деб шуни айтсалар керак. Энди Лобарга гўё Лас-Вегасдан келган қарта пирлари ҳам бас келолмас эди...

III қисм

ҚОНГА БОТТАН ҚАРТАЛАР

Ноябрнинг сўнгги кунлари эди. Қабристон дарвозаси ёнида тўхтаган милиция, прокуратура машиналаридан ва сал олдинроқ келиб, кутиб турган "Ласетти"дан тушган кишилар қоровулни ҳаяжонга солди. Айниқса, Лобарга ҳайиқиш билан қаради. Беш яшар боласи ўлдириб кетилгач, айрилиққа чидолмай қабрни очмоқчи бўлган, шундан кейин бошига яна кўп савдолар тушган киморбоз аёлни таниган эди у.

Қоровул негадир бош силкиди. Ёшроқ йигит ундан ер қазииш асбобларини сўраганда, хаёлидан "Қабрни мен очсам керак" деган ўй ўтди, шекилли, ичкаридан бел, кетмон ва куракларни олиб, олдинга шошилди.

– Менга беринг, – деди халиги йигит.

Лобар ишонар эди: Парвизнинг қабрида Парвизнинг ўзи йўқ. Ахир, ўлиmidан кейин денгиз соҳилида чечен киллери билан тушган сувратини қўлга киритди, ярим кечаси ташлаб кетилган хатда ҳам унинг Римдаги бир шифохонада даволанаётгани тахмин қилинган. Кўнгли шунчалар ишонаяптики, мингдан тўққиз юз тўқсон тўққиз фоиз... Аммо она юраги безовта типирчилашни ҳам қўймайди. Она, барибир, она-да! Парвиз шу ерга дафн этилган, Парвизнинг қабри бу, Парвиз оқ кафанга ўралиб, мангу ухлаб ётибди... сингари совуқ гаплар миясида неча ойлардан буён айланади. Қора хаёлларни қувиб юбориш учун қабр охиригача очилиши керак. Мана, икки эркак мурдага дуч келишларига ишонган ҳолда тумшайиб, кетмон урмоқдалар. Лобар жиннихонага қамалишдан бурун қабрни қанчалик ожизона қазиган эди-я! Тезроқ қазииш умидида ҳарчанд уринмасин, лоақал айвонигача етолмади. Булар эса... шошилаётгани йўқ, аммо ҳаш-паш дегунча чимга етиб бордилар.

– Чимни қўл билан олинглар, – дўриллоқ овозда амр этди баджовок ходим.

Эркаклар алланима деб ғудранишган эди, бошлиққа ёқмади.

– Умрингда ер қазиганмисан? Нега тўнғиллайсан? Ишла жоншироқ!

– деди у.

Ва ниҳоят, аллақандай мато кўринди. Лобарнинг юраги шув этди. Укаси Баҳром суяб қолмаганида, маст қаби чайқалган, эҳтимол, йиқилиб тушган ҳам бўларди.

– Кафан! – деди бояги махбус. – Начальник, арокни ишдан олдин беришингиз керак эди. Юрагим чаток...

Шу пайт Лобарнинг кўнглидан дахшатли ўй ўтди: "Парвизнинг ўлиги топилса чидаёлмайман! Ахир, унинг тириклигига ишониб қўйгандим!..".

Қандай яқин бориб қолди, идрок этолмади.

– Сиз нари тулинг, илтимос, – деди прокуратура ходими.

Лобар матодан кўз узмай бир кадам чекинган эди, гўр ўпирилиб тушди. Махбуслар энгашиб, лаҳад ичига кўз югуртиришди.

– Ҳеч нарса йўғу, начальник, – деди махбус.

– Ўғирлашибди, – шериги бурнини тортди, – ўликни... ў-ғи-ғи-и...

Лобар ортига, кабристон дарвозаси томонга бурилди. Қалтираётган қўлларини плаши чўнтагига тикди.

– Болам, – деган сўз учди лабларидан, – сен тириксан, болам... Мени кутаяпсан, Парвизжон! Албатта, ёнингга бораман, Италия тугул дунёнинг нариги четида бўлсанг ҳам!..

Бундан бир неча кун аввал Лобар прокуратурага борган ва аризасини топширган эди. Албатта, мафия, кимор, суврат хусусида лом-лим демади. Мазмуни шу эдики, Парвиз заҳарлаб ўлдирилгач, ҳеч қанақа тиббий экспертиза қилинмасдан дафн этилган. Ўтган вақт мобайнида номаълум кимса бир неча марта кўнғироқ қилиб, ўғлининг аслида тирик бўлганини, кечаси уни мазордан қазиб олиб, хушига келтиришганини хабар берган. Бу хабар онага шунчалар таъсир қилганки, эсидан оғиб, кабристонга чопган ва марҳум ўғилчасининг гўрини очиб, текширмокчи бўлган. Одамлар "Тез ёрдам" чакиришган, натижада онаизор ўн кун руҳий касаллар шифохонасида ётиб чиққан. Мазкур ариза жиннилик махсули эмас, психиатр текшириб кўриши мумкин. Қабр лоакал марҳум тиббий экспертиза қилинмасдан дафн этилгани учун ҳам очилиши керак...

Аризани батафсил ўрганиб чиққан прокуратура Лобарни икки кун сўроқка чакирди. Россиядаги котилликлар, ҳаёт-мамот ўйинлари, айниқса, Парвизнинг Шомил билан тушган сувратини у қатъиян сир тутди. Акс ҳолда Интерпол, АҚШнинг Марказий разведка бошқармаси, Россия Федерал Хавфсизлик хизмати, милиция ва ҳатто, рус мафияси томонидан кидирилаётган Сицилия мафиясининг суперпрофессионал киллери милициянинг ҳам асосий эътиборига тушиб қолиши, оқибатда Лобар ва Шомил муаммолар гирдобидан чиқолмай, адоий тамом бўлишлари тайин эди. Декабрнинг

ўнинчисида Туркиянинг Тошқалъасида энг йирик кимор ўйинлари бўлади. Лобар ўйинда ғалаба қозониб, эри Абдулла ака ва ўгли Парвиз томонга йўл очишига ишонарди.

– Буниси қизиқ бўлди, – деди прокурор ёрдамчиси Лобарни тўхтатиб. – Ишқилиб, биздан бошқа нарсаларни сир тутаётганингиз йўқми?

– Ўғлимнинг тириклигига ишонаман, – жилмайди Лобар. – Худога шукр, уни энди ёруғ дунёдан ахтарадиган бўлдим. Бор-йўқ сирим шу.

– Эртага тўққизда келинг, – орган ходими Лобар билан совуқкина хайрлашди.

Бироқ эртасига Лобар синфдош дугонаси Зилоланикига жўнади. Унинг эри – соғлом ва барно, ишбилармон ва зукко – Тагматнинг ҳам Россиядан ўлиги қайтган эди.

* * *

Мудхиш қарта ўйинлари бўладиган кун тобора яқинлашиб келарди. Лобар киморга астойдил тайёрланса-да, Анна Сергеевна, Лас Вегас картабози, Миср афсунгари каби қарта усталари билан тўқнашиш осон кечмаслигини юракдан ҳис этарди. Ўйинлар қурбонсиз бўлмаслиги ҳозирдан аниқ эди. Ҳеч бўлмаганда, Анна Сергеевна отиб ўлдирилишига Лобар ишонарди.

Аввало, у дўконларини ва машиналарини сотиб, бирмунча маблағ тўплашга аҳд қилди. Туркияда кутиб оладиган ҳомийнинг этагидан тутиб кетавермайди. Шарт қўяди! Эримни озод қиласиз, ўрилчамни топишда ёрдам берасиз, дейди.

Кеча ўз ташвиши билан бўлиб, жанозага боролмаган эди. Зилоланикига йўл оларкан, унинг уч бола билан есир қолганини, энди у ҳам тўлиқ бахтли эмаслигини ўйлади. Зилолага келинчаклик давридан буён ҳавас қилиб келди. Эри севарди уни, ҳурматини жойига қўярди. Шунча вақт бир-биридан ажралмай яшади, Россияга ҳам доим бирга боришарди. Бу сафар Зилола ёлғиз қайтди, балки болаларидан хавотир олгандир. Кўп ўтмай эса...

Ҳашаматли ҳовли дарвозаси ланг очик эди. Тўн кийиб, белбоғ боғлаган, дўппили кишилар қатор туришарди. Лобар машинадан тушгач, бошига рўмол ташлади. Қандайдир аёл кутиб олиб, ичкарига кузатиб қўйди.

Лобар бир уй аёл ичидан Зилолани дарров тополмади; бош кўтармай йиғи-сиғи қилаётган хотинлар қўнглини бузиб юборди.

Парвизни ўйлаб, унинг тириклигига шукрона келтириб, аёлларга қўшилиб йиғлади.

Дуои фотиҳадан сўнг хотинлар орасидан бири туриб, Лобарни имлади. Бекасам кийим ва катта оқ рўмолдаги Зилолани таниган Лобар узр сўраб ўрнидан турди-да, оркасидан қўшни хонага кирди.

– Бандалик-да, дугона, кўп куйинаверма, – деди Лобар. – Фарзандларингнинг бахтига эсон-омон бўл. Ҳали уларнинг тўйларини кўрасан...

– Эсиз, шундай одам-а!.. – кўз ёшларини артди Зилола. – Дунёда битта эди, битта эди... Энди қайдан топаман у кишини?! Энди ҳеч қачон қайтмайдилар, умрбод кўрмайман-а!.. Эсиз... эсиз...

– Инсон пешонада борини кўради, Зилол.

– Лекин шу пешонадаги ёзувга одамнинг ўзи ҳам хисса қўшаркан, – дея Зилола диванга ўтириб, дераза томон қараб олди. – Яхшигина яшаётувдик. Тўсатдан бир нокас одам пайдо бўлди-ю, қалтис йўлга бурилиб кетдик.

– Қанақа одам?

– Лобар, ҳозир сенга айтолмайман. Бунинг оиламиз обрўсига, келажагига ҳам таъсири бор. Эрим қандай ўлганини биласанми? Москвадаги квартиранинг балконида тушиб кетибди. Маст экан, тоза ҳавога чиқай деганми, сигарет чекмоқчи бўлганми, ажал қисиб, бир эҳтиётсизлик қилган-да, бечора.

– Нега бу гапларни қазаб билан гапираяпсан, Зилол? Ё шубҳанг борми?

Зилола юзини тўсиб, ҳик-ҳик йиғлай бошлади. Лобар қанчалар юпатмасин, ҳийла вақт ўзини босолмади. Қўшни хонадан худди Зилоладай кийинган бир аёл кириб келди. Унинг ҳам кўзлари йиғидан қизариб, ковоклари шишган эди.

– Келинжон, айланай... – деб одамни эзиб юборадиган мунгли оҳангда юпатган эди, Зилола тўсатдан йиғидан тўхтади.

– Опа, – деди рўмолчаси билан кўз ёшларини артаркан, – илтимос, чиқиб турунг, дугонам билан гаплашайпман... Бир оз енгиллашаман...

Аёл Лобарга сирли нигоҳ ташлади. Бу билан "сенда бир гап бор, шекилли", дегандек ёқтирмади. Гўё девордаги гиламларни томоша қилишга қиргандек атрофга меровсираб қараган кўйи чиқиб кетди.

– Эримнинг опаси бу, – деди Зилола Лобарга яқинроқ сурилиб. – Ҳар бир қадамимни кузатаёпти. Бир нимани сезаяпти шу аёл.

– Гапларингдан мен ҳам шубҳа-гумонга бораёпман. Нахотки, сен эрингнинг ўлимида айбдор бўлсанг?

Зилола пешонасига муштлади.

– Айбдорман, айбдорман!.. Уни Россияга ёлғиз ташлаб келдим, янада кўп пул топишга ундадим...

– Сен бундай бўлишини каёқдан билибсан?! Яхши яшаш учун интилансан, холос.

– Кўп интилаверадиған аёлнинг бир сири бўлади, Лобар. Мана, ўзинг ҳам тиниб-тинчимайсан. Сирларинг кўп! Сирларингни бировга айтасанми? Айтсанг, меникидан баттар аҳволга тушасан.

– Демак, бир фалокати бор одамга илакишгансан. Ораларингда нимадир бўлган. Эринг шу сабаб...

– Йўқ! Нахотки, мени юради деб ўйласанг?! Биз илакишдик ўша нусахага, биз! Мен ва Тагмат акам! Бизга топширик берди, бажаришга уриндик, бир қисмини уддаладик ҳам.

– Қандай топширик берган?

– Тасаввур ҳам қилолмайсан, Лобар!

– Дугонажон, аҳволингни тушуниб турибман. Сени виждон азоби қийнаётти, васвасага тушаяпсан. Ўзига тўқ, бахтли, тинч-тотув оила қабиҳ, қалтис, бўлмағур ишга бош қўшадими?!

Энди Зилола деворни муштлади. Кейин бир оз жим қолди. Лобарга ўгирилиб:

– Тагмат акамни ўлдиришган, – деб шивирлади. – Менинг дастимдан ўлдиришган. Шундай совукда у киши балконга чиқмайди, ўлар ҳолатда ичмайди. Сезаяпман, бу ерда қотилларнинг қўли бор!

Лобар дугонасининг елкасидан тутиб, кўзларига тик боқди.

– Қандай ишга аралашгандинглар? – деб сўради силтаб. – Мен кўп ўлимларни, ифлос кимсаларни кўрдим. Сенинг бошингга тушган фалокат ҳеч қачон мени бефарқ қолдирмайди.

– Москвада битта уй, ашқол-дашқоллар қолиб кетди энди, – деди Зилола. – Ҳаромдан келган ҳаромга деганлар... Ўлсин эди доллариям, уйиям... Тагмат акамнинг бошига етдим, Лобар!..

Гапни бурма. нима иш билан шуғуллангансанлар, Зилол? Менга айтмасанг кимга айтасан? Ё оғзимдан гуллайдиган аёлга ўхшайманми? Ишонасанми, мен одам ҳам ўлдирганман. Аёл бошим билан!.. Ишонасанми, куни кеча ўғлимнинг қабрини очтирдим. Қабрдан Парвизнинг жасади топилмади. Қабр бўм-бўш эди!

– Нима? Нима деганинг бу?!

– Эҳ, Зилол, канчалар сеvingанимни кўрсанг эди!
– Эсинг жойидами? Жасадни ўғирлаб кетишса-ю, сен хурсанд бўлсанг...

– Парвиз тирик!

– Лобар, нима учун айнан эримнинг жанозаси куни қабри очитирдинг?

– Тавба, минг марта тавба! Тагмат аканинг вафот этганини эшитганим ҳам йўқ.

– Нимаям дейман! Ўхшаш қисматлар!.. Бирини кўмадилар, иккинчисини қазиб оладилар.

– Зилол, энди нима қилмоқчисан? Гумонларингни милицияга айтсанг-чи! Менга ишонмасанг уларга ишонарсан? Одам ўлиб кетаяпти-ю, қўл қовуштириб ўтиришинг нимаси?!

– Ҳеч кимга ишонмайман, Лобар. Сенгаям ишонмайман. Сен... Сен хавфли одамсан...

– Хавфли одамдирман балки, аммо сен учун нега хавфли бўларканман? Арпамни хом ўрдингми ё бир нарсга талашган жойимиз борми? Зилол, яқинда мен кетаман. Қайтиб келмаслигим ҳам мумкин.

Зилола юзини терс буриб:

– Айтолмайман... барибир айтолмайман... – деб йиғлашга тушди.

Лобар ҳозир ундан гап сўраб, эзилган юрагини баттар эзмокликни истамади. Дугонаси билан хайрлашар экан, дунё энг бахтли аёлга ҳам вафо қилмаганидан ўкинч ҳиссини туйди.

Энг даҳшатлиси, бу икки дугона энди Туркия фоҳишахонасида тасодифан учрашажагини ҳали билишмасди.

* * *

Ўз ташвишлари Лобарга етиб-ортарди. Зилоланинг бахтсизликка учраши шундаям бир сония хаёлидан нари кетмади. Дугонаси яшираётган сир нима бўлиши мумкин? Зилола – ифбатли жувон, у ҳеч қачон енгилтаклик қилмайди. Қорадори билан шуғулланишини эса рад этди. Яна қандай "тасаввур қилиб бўлмайдиган" кирдикори бор?

Кечки пайт телефон орқали корчалон танишини қидириб топди.

– О-о, Лобархоним, ўзингизмисиз? – деди корчалон. – "Ўйинчок"лардан сўнг дәм-дараксиз кетдингиз? Мабодо яна керак эмасми?

- Керак.
- Нима бало, армия тузмокчимисиз?
- Бу билан "генерал бўлмокчиларми?" деб шаъма қилаяписизми, ака?
- Ичган оғиздан ҳар бало чиқади-да, Лобар.
- Хўш, қаердасиз?
- Янгангиз йўқ жойда.
- Борсам бўладими? Зарур иш билан юрибман. Яқинда учмокчиман, Осиёнинг нариги четига.
- Хўп, унда манзилни эшитинг...
- Лобар "Ласетти"да йигирма дақиқада етиб борди. Бу жой ер остидаги ресторан эди.
- Сиз гоҳ Россияга, гоҳ Осиёнинг нариги четига учасиз. Мундоқ ўтирмайсизми ер остида?!
- Ҳали ер остида кўп ўтираман, – сўз ўйини қилди Лобар ҳам, – зерикиб ҳам кетарман.
- Корчалон ёғли лабларини артиб кулди.
- Йигирма беш йилда зерикмай нима қиласиз? Зерикасиз-да, ахир.
- Нима, иккита тўппонча учун шунча беришадими, ака?
- Корчалон энди кўзларини қисиб, қорнини силкитиб, аммо нозик сохталик-ла кулди ва кўрсаткич бармоғини бузук стрелкадай ўйнатиб:
- Оббо, Лобархоним-ей, жа устомонсиз-да! – деди. – Тўппонча пашшанинг ўлигидай гап, пуф дейсиз, ахлатчелакка тушади. Сизнинг бошқа ишларингиз бор, тоғдай-тоғдай.
- Сизниям кўриб турибмиз, – дея Лобар столдаги яна иккита ликобча, нон бўлаклари, қадахларга ишора қилди. – Янгам йўқ жойда битта эмас, иккитаси билан...
- Йўқ, учтаси билан! – Корчалон қах-қах отиб, қўл чўзган эди, Лобар ноилож кафтга ташлади.
- Майдалашмайлик, ака, – деди Лобар шундан сўнг жиддий тортиб.
- Менга пул керак.
- Сизга унча-мунча пул керак бўп қолмайди. Юз, балки икки юз сўрасиз, долларда.
- Саксон-тўксон минг берсангиз...
- Айтдим-ку, – деди корчалон.
- Қарзга эмас.
- Тушунмадим. Қарзга бермай, шунча пулни совға қилайми? Тагин ўзим топиб берган тўппончаларни пешонамга тираб, хижолатга қўйманг одамни, Лобархон.

– Дўконларимни бераман. Етмаса машинамни ҳам олинг. Менга ҳозир дўконлар ҳам, машиналар ҳам – ҳеч нарса керак эмас.

– Қайтиб келиш ниятингиз борми, ишқилиб?

Олди-бердини келишиб олгач, Лобар ўрнидан турди. Ювиниш хонаси томондаги кўзгу қаршисида елкаларига пальто ташлаган ўн олти ёшлардаги иккита қиз ўзларига оро беришмоқда эди. Кўкраги ярмигача очик кофта, калтагина юбка, олачипор чулки, пошнаси миҳдай этик кийганларига қарамай ҳали гўр эканликлари, аслида балоғат даврининг нари-берисида турганликлари маълум эди. Улар Лобарга ўғринча қараб қўйишди.

– Анави иккита қизча зиқ бўлаяпти, тезроқ кетай. – деди Лобар.

Корчалон кип-қизариб кетди. Сўнгра шу қизлар билан ўтирганда Лобарнинг келишига не вайдан монелик қилмаганини эслаб, деди:

– Булар менсиз ҳам шу йўлдан юраверишади, Лобар. Истасангиз, ўтиринг. Улар қизиқ-қизиқ тарихларини сўзлаб беришади, эшитасиз.

– Айбни бошқаларга ағдариб тўқилган тарих қимга керак?! "Ўзингга тўғри бўлсанг, бас, бизда ҳам андиша йўқ эмас", дейишадими долларнинг учини кўрсатганингиздан хизматингизга шай бўлишади.

– Биров ҳақида гапириш осон, фоҳишалик уларнинг қисмати. Чакиринг-да, карта ўргатмоқчи бўлинг, йўқ, ўрганмайди. Шунингдек, бошқалар ҳам бу икковининг "қасбини" қилавермайди. Масалан, сизга четдан қараган инсон "шу аёл киморга тикилиб, кўп азобларни кўрди. ўзиям картабозга айланиб қолди. Қартанинг охири ўлим эканлигини била туриб, бас қилмаяпти" дейиши мумкин. Нима ўзгаради? Ҳеч нарса.

– Яқинда кўп нарса ўзгаради.

– Лобар, бир миш-мишни эшитдим. Москвадаги картада эрингизни ютқазиб қўйганмишсиз.

– Ў-ў, энди кетмасам бўлмайди, гап роса чувалашаяпти.

Корчалон ўрнидан турди. Хайрлашиш учунми, келишганликлари учунми, яна қўл чўзди.

– Дўконларингизнинг, машиналарингизнинг пулини тўғрилаб қўяман, – деди у. – Шу кунлари менга қўшимча дўконлар жуда зарур эди, лекин машина унчалик зарурмас. Майли, учиб кетгунингизгача ҳайдаб юраверинг.

Лобар ташаккур билдириб, эшик томон юаркан, нимқоронғи бурчакдаги катта кўзгудан қизларни кўрди. Улар олдинма-кетин

корчалоннинг ёнига чопишди. Бири Лобарнинг ортидан уятсиз килик килиб, хиринглаб кўйди.

Ташқаридаги совуқ, аммо тоза ҳаводан тўйиб нафас олиб, юраги энтикиб кетди. Қувон!.. Энди у Қувон билан учрашади. Оилали аёлнинг ёш бўйдоқ йигитга муҳаббати таҳликали кимор оламида қандай кечаркин? Балки у ҳам портда эмас, турк казиноларидан бирида, "қора қарта сохибаси"ни кутмоқдадир.

* * *

Худди ўйлаганидек бўлди: эрталаб Қувоннинг ўзи телефон қилди. Лобар Туркияга учиб ниятида эканлигини маълум этиб, сўнгра деди:

– Қувон, узр, мақсадлар ўзгарди. Мен фақат сизни кўриш учун бормаяпман. Муҳим ишларим чиқиб қолди, шуларни битириб, ишхонангизни ахтариб топаман. Манзилингиз ўша-ўшами?

– Тушунмаяпман?! Туркия Шайман бозор эмас-ку, шундоқ Фарҳод шаҳарчасидан ўтасиз, ун завод, сўнг...

– Дўконларимга мол керак. Сизга ҳар сафар тушунтиравёриб ҳолдан тояман, шекилли.

– Йўқ, бу гал ҳолдан тоймайсиз. Ҳозир бошлиғим билан шаҳар марказида юрибман. Узоқ гаплашолмайман.

– Портда ишляпсизми ўзи?

– Ҳа, юк туширамыз, тахлаймиз, ортамыз.

– Қанийди шундай бўлса...

– Нима?

– Сизни ҳалол, пок, софдил йигит бўлганингиз учун яхши кўраман. Мени алдашингизни тасаввур ҳам қилолмайман.

– Нима деб алдайман, Лобар? Ҳали ҳеч нарса деганим йўқ-ку! Аммо ўзингиз алдаб юрибсиз. Кимни дейсизми? Мени, эрингизни, хаттоки, ўзингизни! Биласиз, бизда бўйдоқ йигит ҳеч қачон аёлга уйланмайди. Аёлга уйланган йигитнинг ори, ғурури, обрўси бўлмайди. Муҳаббат ҳам бир четда қолиб кетади. Шахсан мен ҳам сизга уйланоламан. Хафа бўлманг. Яхши аёлсиз, чиройлисиз, сиздай хотиним бўлса, жон-жон дейман. Бироқ олдинроқ туғилиб қўйгансиз, тақдир йўлларимиз жуда-жуда кеч туташди.

– Бекорларни айтибсиз, сиз билан барибир гаплашавераман. Битта аёлнинг қалбини тушунолмай, кимга лоф ураяпсиз?

Қувон маза килиб қулди. У Лобарга жиддий муносабатда бўлиб, муҳаббатни тан олишни истамаслигини билдирмоқчи эди, уддалаёлмади.

– Хўп, Лобар опа, – деди Қувон жўрттага "опа" сўзини қўллаб. – Гапларингизни ҳазил деб тушундим, факат Туркияга келишингизни жиддийликка оламан. Демак, қачон келасиз?

Лобар сирли мактубдаги сўзларни эслади. Ахир, халқаро кимор мафияси аъзолари ўзлари кутиб олмоқчи эдилар-ку: Қувон бир кадам ҳам яқинлашмаслиги зарур.

– Қувон, қачон боришим ҳозир маълум эмас. Бироқ албатта бораман!.. Мени алдаманг, деган гапни бошқа маънода айтгандим. Ростдан ҳам портда ишляапсизми? Лаънати казиноларга алоқангиз йўқми?

– Минг афсус, ҳозир сизга казинодан телефон қиляяпман. Аммо ҳеч қанақа киморга алоқам йўқ, шунчаки хўжайиннинг орқасидан киргандим.

– Тезроқ чикиб кетинг у ердан, тезроқ!

– Тушунаман Лобар, кимор сизга не-не кулфатларни ёғдирмади. Қарғиш теккан киморни сизни танимасдан аввал ҳам ёмон кўрардим, биласиз-ку мени.

– Қувон!

– Хў-ўв!..

– Мени табрикланг!

– Сабаб?

– Ўғлим кабрида йўқ экан.

– А?! Қаерда йўқ экан, дейсиз?

– Ҳаммасини кейин тушунтираман. Худо хоҳласа, аввалги бахтимни қайтариб оламан...

– Лобар, мени чақиришаяпти.

– Исминни тилга олмасангиз-чи! Иккинчи марта-я!

– Манзилимни биласиз...

Шундан сўнг алоқа узилди. Лобар бир дам хаёл суриб турди да, оғир тин олди. Шў пайт ҳовлидан гўнғир-гўнғир овозлар эшитилди. Дераза пардасини суриб каради-ю, таъби тиррик бўлди. Келганлар Абдулла аканинг икки ўғли билан катта кизи эди.

– Қани ўзи? – ичкарига бостириб кирди катта ўғил. – Мана экан. Салом, ҳурматли аяча!.. Қолганлар ҳам кирсин, ўтиринглар, ўтиринглар.

– Опа, биз сиз билан очикча гаплашиб олишга келдик, – деди Абдулла аканинг кизи. – Дадам билан шунча вақт яшадингиз, болалиям бўлдингиз. Бир-бирларингизни ўлдиар даражада

қасдларингиз йўқдир? Кеча бир миш-мишни эшитиб, жон-понимиз чиқиб кетди.

Лобар мажбуран кулимсиради ва:

– Аввал мен гапирай, – деди шошиб. – Шу ҳафта Россияга, Абдулла аканинг ёнига кетаяпман. Парвизнинг мозорини бузишга у киши ҳам рухсат бергандилар. Келса сўраймиз.

Фарзандлар Лобарга тикилишди.

– Бир Парвизнинг мозорини "проблема" кип келмадик, – деди Абдулла аканинг катта ўғли. – Дадамизни сўраб келдик. Эшитишимизча, сиз Россияга одам олиб бориб, киморга тикар эмишсиз. Уйлариңгизда ишлайдиган икки йигитни, уларга қўшиб дадамниям қартадан ютказиб қўйганмишсиз.

Нима бўлса ҳам Лобар охиригача сир бой бермаслик умидида гапиришга оғиз жуфтлаган эдики, эшик ғийқиллаб очилиб, ҳасса суянган бир кампир кириб келди. Лобар бурилиб қаради-ю, сесканиб тушди. Умида бунчалик бечораҳол кампирни кўрмаган эди: ушқдеккина гавдасини ҳиссага зўрға илиб олган, қарғанинг оёқларидек қўллари бетиним қалтираган, на букри, на соғ...

Уни бу ерга олиб келган куч нима эканлигини Лобар ўйлашга ҳам улгурмай, деди:

– Ма-мут!.. Мамутжо-он!.. Бола-а-м...

Абдулла аканинг кичик ўғли Лобарга тушунтирди:

– Махмуд деган "телохранител"ингизнинг онаси. Бечора жуда кеч болали бўлган. Қаранг, шу момони алдайсизми? Олтмиш беш ёшида юз ёшли кампирга айланган.

Лобар кампирга ёрдамлашмоқчи эди, Абдулла аканинг қизи эпчиллик қилди. Тирсагидан тутиб, бир четга ўтиргизди.

– Хўш, аяча, – деди катта ўғил ўзидан тўрт ёш кичик ўғай онасига, – ростини айтасизми ёки бошқача оҳангда гаплашайликми?

– Менга қаранглар... – деб Лобар ётиғи билан тушунтирмоқ учун гап бошлаганди, катта ўғил ғазабини сочди:

– Унақа гапларингизни қўйинг, дадам қани?! Ҳозир қаердалигини, аҳволи қандайлигини, нега Россияга алдаб олиб бориб, киморга тикканингизни тушунтириб беринг! Акс ҳолда, шуларнинг олдида айтаяпман, қасдма-қасдига мен ҳам қўлимдан келганини қиламан!

– Йигит, – деди Лобар ҳам вазоҳатли тусга кириб, – ҳурматингизни билиб, олди-орқангизга қараб гапиринг. Дадангизни даволатиш учун Москвадаги энг зўр шифохонага жойлаштириб келсаму, сиз бу ерда

рахмат ўрнига одамга аччиқ қиласиз!.. Сизлар мени ота билан вақтинча яшаб турган аллақандай енгилтак аёл ўрнида кўрдингиз. Бундай аҳволда бахтли яшаб бўладими?! Айниқса, фарзандлари отанинг қулоғига гап қуйиб яшаса! "Аяча" деб устидан кулса!.. Уялинглар, мени она ўрнида кўрмасаларинг ҳам она катори аёл деб ҳурмат қилсаларинг бўларди. Бостириб кириб, дўқ уришларинг нимаси?!

– Дадам кани деяпман? – барибир катта ўғил ғазабидан тушмади.

– Москвада. Юрак-асаб касалликлари шифохонасида. Дадангизни яхши кўрар экансиз, боринг, ҳол-аҳвол сўранг.

Катта ўғилнинг ранги ўчди, ғазоби баттар тошди. Унинг ниҳоятда дарғазаб, ориятли, ўжар одам эканлигини Лобар шунча йилдан бери энди пайқади.

– Бораман ҳам, ҳол-аҳвол сўрайман ҳам, – деди у. – Аввал манзилини, телефон рақамини беринг. Беринг деяпман, нега бўзраясиз?

– Куликова шоҳ кўчаси, бир юз қирқ етти. "Учинчи клиника қаерда?" десангиз дуч келган пиёниста ҳам кўрсатиб беради.

– Телефон?

– Телефон йўқ.

– Одамнинг кўзига қараб алдаманг, ёмон бўлади.

– Нима ёмон бўлади? Келганингиздан дўқ-пўписа қиласиз! Қани, уйимдан чиқиб кетинг.

– Ҳеч ким жойидан жилмасин! – буйрук берди катта ўғил. – Дадамнинг хотини кўзини лўқ қилиб алдаяпти. Дадамниям, Маҳмудларниям картага тиккан!

– Ўзи кимдан эшитдингиз, ака? – сўради Абдулла аканинг кизи, афтидан у иккиланиб қолган эди.

"Маҳмуд" деган исмни эшитган, шекилли, митти кўзлари билан атрофга жовдираб боқаётган кампир бир оз тараддудланиб, сўнг гапирди:

– А? Мамут? Мамут шу ердами? Қани? Қайсинг?..

– Момо, – деди Абдулла аканинг кизи, – ўғлингиз ҳозир бу ерда эмас. Бу... ерда... э-эмас...

– А? Тушунмадим...

Абдулла аканинг ўғиллари кампирга ачиниш-ла қараб олишгач, Лобарга тикилишди.

– Дадамни Москвага ташлаб, телефон рақамларини сўрамай келдингизми? – тергашни давом эттирди катта ўғил.

– Машиналарни сотиб дарров қайтиб бормокчиман. Шу орада бирон муаммо туғилса, дадангизнинг ўзлари қўнғирок қилмокчийди, жавобим кониктирдими энди?! Россияга бориб, қиморбозга айланди, энди қаерга кетса, қиморхонага тушади, дейишади, бу одамлар. Биламан-ку уларнинг итлигини!

– Демак, касалхонада-я?

– Тавба, бугун нима бўлган сизларга?! – ўзини ажаблангандек кўрсатди Лобар. Ичида "энди булардан қутулдим", деб ўйлади.

Аммо катта ўғил чўнтагидан "Нокиа" чиқарди.

– "Билайн"га уланганман, – деди у. – Москвада жияним ишлайди, қурилишда. Ҳозир квартирасига қўнғирок қилиб, Куликово – бир юз қирк еттини текшир, дейман. Айтгандай, нечанчи палата?

– Учинчи қават, уч юз қирк иккинчи хона, – дея Лобар дами ичига тушиб қолганини сездирмаслик чораларини ўйлади ва: – Жиянингиз борлигини билмаган эканман, – деб давом этди, – қурилиш оғир, унга дўконлардан иш топиб берардим.

– Қариндошларни сиз қаёқдан танийсиз? – кесатди катта ўғил. – Ўз ўғилларингизни тузукрок билмайсиз-ку!

Аммо Лобарнинг омади чопди. Москвадаги жиян ишга кетганлиги сабаб касалхонага одам юбориш бир кун ортга сурилди.

– Мамут йўқмикан? – сўради кампир Абдулла аканинг қизидан.

Жувон олис-олисларни қўл силтаб кўрсатаркан, кампирга: ' .

– Туринг, момо, кетамиз, – деди ва тирсагидан тутди.

Лобар жойида қилт этмай турарди.

– Бу билан Махмудлар ҳам Россияда демокчимисиз? – деди Лобар.

– Бизнинг кетишимизни эшитганидан сўнг Хоразмга ишга жўнаганини билмайсизми?! Билсангиз момони алдаманг.

– Эй, бидирламанг синглимга! – дея катта ўғил ўрнидан турди. – Эртага Москвага яна телефон қиламан. Шундан кейин гаплашамиз сиз билан!

Улар кампирни етаклаб чиқиб кетишди. Ростини айтганда, Лобар шахсий кўрикчисининг онасига жуда-жуда юраги ачишди. Фарзандининг ўлиги Москва чеккасидаги ахлатхоналардан бирида аллақачон чирий бошлаганини она қаёқдан билсин! Фожа ҳақида эшитса, бу ёруғ оламда ортиқ яшай олармикан?

* * *

Лобар бу гал уйни укасига қолдирди. "Агар тўйинггача

келолмасам, узр, – деб шипшиди Лобар. – Россияда узок колишим мумкин. Ҳали телефонлашамизу, лекин бир гапни олдиндан айтиб қўяй: келин билан алоҳида уйда яшашга тўғри келиб қолса, бизникида бемалол яшайверинглар. Уй сенга, укажон".

Қариндошлар Лобар Россияга, эрининг ёнига учаяпти, деб ўйладилар. Аниқки, Абдулла аканинг фарзандлари эртасига Лобарни топа олишмади, қўриқчиларнинг яқинлари ҳам келишиб, кута-кута қайтиб кетишди. Биров у деди, биров бу деди, барибир маҳалладагилар Лобар ёмон ишга бош қўшганини пайқашди.

Машиналарини, дўконларини сотиб, хорижга жўнаб қолганини эшитгач, сўнгги хулосага келинди: барча мишмишлар рост, Лобар Россияда бор-будини ютқазган.

Учинчи куни Абдулла аканинг катта ўғли телефон орқали Москвадаги жиянини топишга муваффақ бўлди. Шифохона манзилини тушунтириб, бемор отасини топишни илтимос қилди. Жиян бир кун елиб-югурди. Сўнгра сим қоқди.

– Ҳамма жойни изладим! Абдулла тоғадан дом-дарак йўқ. Биттаси бошқа балнисага олиб кетишганини айтди, бордим, келмаган, дейишди.

Бу вақтда самолёт учишини пойлаб, ижара квартирада бикиниб ўтирган Лобар ниҳоят аэропортга келди. Олдинда қўнғилсизликлар кутаётганини билса-да, аммо бормасликдан ўзга иложи йўқ одам не аҳволга тушади? Ёлғиз Худодан сўрайди: "Панохингда асра, ўзинг қўлла, ўзинг мадад бер!".

Бир вақтлар Россияда Маловер тўдасига асиралик чоғида илтижолари ижобат бўлганди. Даҳрий Маловер "Худо йўқ, агар бор бўлса, қани, ёрдам берсин-чи", деганида, эшик тақиллаб, Шомилдан элчи келганди. Хўрлик ва шармисорликдан кутулиб қолган Лобар илоҳий куч-қудратга ишонди, аммо кейинчалик бало-казоларни унутга бошлади. Ҳар гал кимору каллақесарларга, товламачи ва баттолларга дучор бўлганида аввалги Лобарнинг руҳиятини ўзидан тополмади. Ўзи энди ўзи эмас, киморбоз ва қотил аёл эди...

Лобар аэропорт ойнасида ўз аксини кўрди. Бироқ Туркияга кимор ўйнаш учун, ўғли ва эрини қутқариш учун, афсунгар қартабозлардан касос олиш учун кетаётган аёлга ўхшамасди. У ҳолда кимга ўхшайди?

Самолёт кўкка қўтарилди. То Истанбул аэропортига қўнғунча Лобар Парвиз сари ҳар сонияда қанчалар яқинлашиб бораётганини ҳаёл сурди. Қачонлардир ўртадаги масофа йўқолади, онаизор ва

ўғилчаси бир вужудга айланади. Тўйиб-тўйиб хидлайди у! Йиғлаб-йиғлаб хидлайди у!..

Аэропорт ўтган сафаргидан ўзгармаган эди. Фақат ойнаванд кириш йўлагида усталар ишлаётгани боис, йўловчилар ўнг канотдаги иккинчи йўлдан киритилди. Лобар "хуш келибсиз" деган ёзувга қўзи тушаркан, қайтиб ўтиши даргумон туюлди. Усталар узун бир нарсани кўтаришганини кўргач, "балки менинг тобутимни ҳам шундай кўтариб, самолётга ортишар", деб хаёлидан ўтказди.

– Хоним афанди, юкларингизни беринг, – қўл узатди хушсуврат турк йигити, – машинага элтиб қўяман. – Сўнгра жилмайиб чакнок кўзларини оҳиста юмиб-очди. – Маъзур тутасиз, хоним афанди, ўзимни таништирмабман. Камина қартадаги сизнинг ёрдамчингизман.

– Жасур йигит экансиз, – деди Лобар сумкаларини унга топшириб. – Аэропортдаёқ пешвоз чиқдингиз-а! Кимга хизмат қиласиз?

– Қаерда ишлашимни икки йўл билан аниқлашингиз мумкин, – йигит сумкаларни енгил кўтариб олди. – Биринчиси, сизни меҳмонхонага жойлаштирганимдан сўнг, бошлиғим келиб, таништиради. Иккинчиси, ўз сезгингиз.

– Сезгиларим охирги пайтлари чарчаган. Ким эканлигингиз, очиғи, қизиктирмайди ҳам. Мактубни юборган одам киморбозми, полициячими, ўғлимни топиб берса, эримни озод қилса, бас. Ёлғиз мақсадим – яқинларимни соғ-саломат олиб кетиш.

– Омадингиз борга ўхшайди, – деди йигит, – мен полициячи эмасман. Ниятингизга хужжатларни имзоламасдан эришасиз. Чунки бизнинг хўжайин унча-мунчага хужжат тўлдирмайди. Фақат бир гал хужжатга имзо чекканлар. Уям бўлса, қамокдан чиқаётганларида!

– Яхши экан, – йигитнинг гапига қўшимча қилди Лобар, – ҳарқалай имзо чекибди. Мен эса қамок тутул гўрдан чиқаётганимда ҳам қўл қўймайман.

Йигит "балосиз-ку" дегандек қия назар ташлади. Лобар эса ўғлининг кабрдан қазиб олиниши бу малайга нечоғлик алоқадор эканлигини нозик шама ила имтиҳон қилиб, натижаларини уқиб олишга уринди. Аммо уринишлар беҳуда эди.

* * *

Бу – кичик меҳмонхонага ўхшади. Бироқ Лобар ўзидан бошқа на Туркия, на хориж фуқаросини учратиб, чўчинкиради. Ҳалиги

йигитдан "мени каерга олиб келдингиз?" деб сўраганида, у: "Туркияга, хоним афанди, Туркияга", дея ҳазиллашди.

– Туркияда мен билан гаплашадиган бирон аёл бордир? – деди Лобар сезилар-сезилмас жаҳли чиқиб.

– Кечирасиз, – деди йигит, – бу ерга бегоналар киритилмайди. Иброҳим давангир салтанати жуда кенг, лекин айнан ушбу маконда бошқа хизматчиларни учратмайсиз. Рухсат беришса, хўжайинимга карашли клубларни, казиноларни, меҳмонхоналарни, дала ховлиларни бирма-бир томоша қилдиришим мумкин. Лекин ҳозир томошадан не фойда?! Вақтни ўтказмасдан бўлажак кимор ўйинларига тайёргарлик кўришимиз керак.

– Хўжайинингиз мени қаёқдан таниркан?

– Ўзлари келса ҳаммасини сўзлаб беради. Лекин сизни қандай таниб қолгани сир эмас. Машҳур киморбозлар Россия ва Осиёда санокли. Нар борса йигирмата чиқиши мумкин. Қимор мафиялари ҳаммасига диққат-этибор қаратиб юради.

– Келинг, бир-биримизга сирли-сирли гапиришни бас қилайлик-да, киска ва аниқ сўзлашайлик. Исмингиз нима?

– Усмон.

– Ёшингиз нечада?

– Сиздан бир ёш кичикман.

– Усмон, сизга хўжайинларингиз нима тайинлаган бўлса, бажаринг. Мен билан сафсатабозлик қилишни йиғиштиринг. Хўш, ҳозир чой ичмоқчиман. Ошхонани кўрсатинг.

– Ўзим...

– Йўқ, – деди Лобар ва ошхона ишларига аралаша бошлади. У ўлимини кутаётгандек Иброҳим давангирнинг эшик хоҳишига маҳтал бўлиб ўтиролмасди. Қолаверса, уй қамоғида эмаслиги, лекин бир имо билан бу кошона қамоққа, эҳтимол, исловатхонага айланиши нимадир қилишга мажбур этарди.

Дастурхон тузатилгач, Усмон чиқиб турмокчи эди, Лобар рўпарасидаги стулни кўрсатди.

– Ўтиринг, сизнинг ҳам қорнингиз очиб қолди.

– Сизга ёқимли иштаҳа, менга ёқимли хизмат, – деди Усмон.

– Ўзингиз биласиз, – айёрликни ишга солди Лобар, – мажбурлаш йўқ... Бир нарсани айтмоқчиман. Овқатланиб бўлсам, меҳмонхонани айланиб чиқаман, қарши эмасмисиз?

– Бемалол. Лекин дарвоза ёпиқ. Сиз фақат чор атрофи бино бўлмиш

ҳовличада ва ётоқхона-ю бильярдхонада кезинишингиз мумкин. Бу ерда бошқа ҳеч вақо йўқ.

– Ажойиботларга қизиқмайман. Менга бу бинонинг тузилиши ёқди. Самарқандда шунақа кичик меҳмонхоначалар қурмоқчи эдим.

Усмон ичида кулимсирагани лабларидан хиёл сезилди. Овқатланиб бўлгач, Лобар унинг ортидан чиқди. Истанбул об-ҳавоси Самарқандникидан илиқроқ эди. Қор ёғиш олдидан бўладиган ёқимли ҳаво Лобарнинг юрак торларини черта бошлади.

– Янги йилга ҳам оз қолди, – деди Лобар кўкка боқиб.

– Кўргани кўзим йўқ, – Усмон айвонга кириб, сигарет ёқди. – Эсласам юрагим қисади.

– Бирон кўнгилсизлик бўлганми?

– Э, кўнгилсизлик дейсиз... – Усмон жаҳл билан сигарет тортиб, Лобарга таъномуз нигоҳ ташлади. – Сиз ҳакингизда маълумот тўплаганимизда билдикки, ўғлингизнинг сохта ўлими уюштирилиб, сўнг уни чет элга олиб чиқиб кетишган экан. Эрингизни ютказишга ҳам россиялик киморбозлар мажбурлашибди. Қани, айтинг, шу воқеалардан кейин сизни ким деб аташ мумкин? Жабрдийда аёл! Балки "адашган аёл" ва ҳоказо. Мен эса оиламдан бир кунда ажралганман. Ота-онам, опам, сингилларим Янги йил кечаси ҳаёт билан видолашдилар. Отам ичиб келарди, ишининг тайини йўқ эди. Топган арзимас ҳафталигини пеш қилиб, ҳаммамизни безор қилиб юборарди. Ота – улуғ зот, деб тарбиялашган мактабда. Шунинг учун отамни одам ўрнида кўрардим, гарчи у чўчкадан баттар бўлса ҳам! Оқибат нима бўлди? Аввал опамни, уни химоя қилишга уринган онамни, кейин эса ҳеч нарсадан беҳабар, кўчадаги арча байрамидан кириб келган сингилларимни пичоклаб ташлади. Дунёда шунақа турк яшаб ўтганига, ўша менинг отам эканлигига ҳануз ишонгим келмайди. Янги йил байрамини, унинг шарафига кўтариладиган қадахларни, уйига маст ҳолда қайтадиган оталарни кўрсам отиб ташлагим келади. Ичкиликбозлик, даҳрийлик, тўнғиз гўштини ейиш ана шунақа оқибатларга олиб келди... Мени ким деб аташ мумкин? Жабрдийда эркакми? Йўқ, мен қилган шафқатим учун оғир жазоланган инсонман.

– Отангизга нима бўлган?

– Мен уни отганман. Ўлган!

– Шу шафқатми, Усмон?

– Аввалроқ отишим керак эди! Фожиа бўлишини кутиб яшадим.

"Онамга, опамга, сингилларимга бир нима бўлса, ўлдираман", дердим. Фожаиа содир этилишини сезган эканман, нега кутганман?!

– Қамалмадингизми?

– Нега қамалмас эканман! Ўн йилга кесишди. Лекин муддатидан олдин хўжайиним билан бирга чикиб келдим.

– Усмон, – деди Лобар бир оз жимликдан сўнг, – қамокда ўтириш кийинми? Мен қамалишдан қўрқаман.

– Қамокнинг оти курсин, – Усмон сигарет қолдигини чертган эди, кутига тушди. – Бир замонлар қамок одамларни қурбонлик қилиш учун ушлаб туриш мақсадида ихтиро қилинган. Кейинчалик жазосини олсин деб вақтинча қамай бошлашди. Ҳозир эса қамокдан мақсад – одамни қайта тарбиялаш. Ўн, йигирма, ўттиз йил!.. Кейин одамнинг кимга кераги бор?! – Усмон қулиб юборди. – Эътибор берганмисиз, қамалиб чиққанлардан қўрқишади. Фақат айрим шахслар эмас, жамият ҳам...

Лобар хоналарни томоша қилишни айвондан бошлаган эди, бир шода қалит тутган Усмон эргашди. Чор томони бино-ю ўртада фавворали ховли. Ўн олтига дам олиш хонаси. Ҳар бир хонада икки кишилиқ ётоқ дивани, телевизор, аудио-видео техника билан жиҳозланган истироҳат бўлмаси, хожатхона ва ювиниш хонаси. Музлатгич, мебеллар, гиламлар ҳам, албатта, энг машҳур фирмаларнинг энг қиммат маҳсулотлари.

– Гапларингизни эшитиб, бир жиҳатга эътибор бердим, – деди Лобар кичик барга кириб келишганида. – Ичкиликбозликка, чўчка гўшти ейишга қарши экансизу аммо мафияга хизмат қиларкансиз. Бу ёғи қандок бўлди? Дин буюрмаган нарсалардан ҳазар қилдингизми, охиригача ҳазар қилинг-да! Жиноий тўдалар, кимор, ишрат, қотилликлар – барчаси гуноҳ маҳсуллари-ку!

– Ҳар ким ўзига кераклисини олади, – деди Усмон. – Биров судхўрликни, биров бузукчиликни, биров хоинликни ёмон кўриб, унга амал қилмайди. Аммо ўша одамда дин қоралаган бошқа амаллар бўлади. Бир одамни биламан. Ичмайди ҳам, чекмайди ҳам. Бирок аёлларга шунчалиқ ишқибозки, зино қилиш бўйича Туркияда биринчи ўринда турса ажабмас.

Лобар Усмонга ҳадиксираб қаради. Ғалати йигит экан. Бунакалардан ҳар нима кутиш мумкин. Отасини ўлдирган одам кимсасиз меҳмонхонада ҳимоясиз жувонга тажовуз қилмайдими? Балки у мафия топшириғини бажариш учун Лобарни киморгача асраб-

авайлар? Бирок унинг ўзи Иброҳим давангир бўлиб чикса-чи?

Лобар яна бир марта ҳадик ила қараган эди, Усмон:

– Менга бирон гап гапирмоқчимисиз? – деб сўради.

Телефонга кўзи тушган Лобар деди:

– Ҳа, телефон қилмоқчи эдим.

– Кимга?

– Иброҳим давангирга.

– Хўжайин эртага келиб, сиз билан гаплашади.

Шу пайт Лобарнинг бахтига Усмоннинг чўнтак телефони жиринглаб колди. Афтидан Лобардан сир тутадиган гап бор, шекилли, у ташқарига шошилди. Чикаётиб Лобарни телефондан нари туришга ишора этди. Аммо Усмон қорасини ўчирган маҳал жувон гўшакка ёпишди ва махсус рақамларни терди, кутганидек халқаро тармоққа уланган экан. Ҳаял ўтмай Зилоланинг телефони овоз бера бошлади.

– Алло, – деди нотаниш киши.

– Кечирасиз, Зилолани чақириб беролмайсизми? – Лобар бетоқат бўлиб эшикка кўз югуртирди. Мен синфдошиман.

– Янгам бугун Россияга учиб кетдилар.

– Россияга? Нега?

– Худо раҳматли акамнинг уй-жойи, буюмлари, банкда пули колган.

– Зилоланинг Москвага бориш нияти йўқ эди-ку! Ахир, акангизнинг ўлимида бировларнинг қўли бор, деб гумонсираб ўтирувди. Азали ҳолида шунча узоққа қандай юбординглар?

– Дугонаси телефон қилиб, Москвага чақирди. Уйни сотишга, пулларни ундириб, уйга юборишга ваъда берди.

– Москвада дугонаси бор эканми?

– Москвалик эмас, ўзимизнинг Самарқанддан. Россияга тез-тез бориб туради, бизнесмен аёл.

Лобар жуда қўрқинчли, жуда даҳшатли, жуда аччиқ бир гап эшитишни сезиб, базўр сўради:

– Дугонасининг исмини биласизми?

– Ҳа, Москвадан телефон қилгандаям ўзим гаплашдим. Бизникигаям бир неча марта келган...

– Исмини айтсангиз-чи ахир!

– Лобар.

– Лобар?! – Ўз исмини эшитган жувоннинг аъзои бадани жимирлаб

кетди. – Мен ҳам... дугонаси... – деди тутилиб. – Янгангизнинг ҳамма дугоналарини танийман. Лекин... Лобар... Узр, у қайси Лобар экан?

– Лобар деган дугонаси битта, – хайрон бўлди Зилоланинг қайниси, – синфдоши бўлсангиз нега билмайсиз? Ё яна бошқа Лобар бормикан? Яқинда Россияга, касалхонадаги эрининг ёнига кетган Лобар-да! Билсангиз, унинг ўғли ўлган эди, ўтган ҳафта қабри эксгумация қилинди, қабр бўм-бўш чиқди.

– Сиздан сўнг телефонда Зилола у билан гаплашдимиз?

– Гаплашмасе кетармиди?

– Нималар деганини айтолмайсизми?

Шу лаҳзада остонада Усмон пайдо бўлди. Лобар гўшакни жойига қўйиб, шифтга илинган шайтонвачча кийфасидаги туморга қаради:

– Ишқилиб, анави рамзларинг эмасми?

Усмон қовоғини уюб, шайтонваччага эмас, телефонга ўқрайди.

* * *

Лобар уйғонганида, Усмон нонушта тайёрлаб қўйганди. Туркиядаги иккинчи кун тинч ва беҳавотир бошланди. Фақат чошгоҳга яқин кимдир дарвозани тақиллатганда Усмоннинг кўзларида ҳавотир сезилди. Шундагина Лобар унинг битта эмас, иккита "Макаров" тўппончаси билан қуролланганини кўриб қолди.

Келган одам меҳмонхонада муқаддам дам олиб кетган миждо экан. Усмон унга меҳмонхона ўн кун ишламаслигини айтиб, бошқа манзилни берди.

– Битта мен учун меҳмонхонани ёпиш шартмиди? – деди Лобар.

– Хўжайиннинг буйруғи шундай.

– Бу жой менга ишратхонани эслатапти.

Усмон ўзгача таажжуб ила Лобардан кўз узолмай қолди.

– Хоним, сиз ишратхонада бўлганмисиз?

– Йўқ, – қулди Лобар. – Меҳмонхонангиз аслида исловатхона вазифасини бажаришини хоналардаги нарсалар жойлашуви айтиб турибди. Меҳмонни бунақа жойда яшашга мажбур қилиш яхши эмас.

Усмон бу гапга қарши ҳеч нарса демади. Бир оз ўтгач, чўнтак телефони жиринглаб, аллаким билан гаплашиб олгач, Лобарнинг ёнига қайтди.

– Хўжайин бугун ҳам келолмайдилар, киморга тайёргарлик фақат сиз билан шуғулланиш дегани эмас. Бизни тушунарсиз, хоним.

– Яна қачонгача қамалиб ўтираман? Аниқроқ айтолмайсизми?

– Ярим соат.

– Тушунмадим.

– Биз ярим соатдан сўнг йўлга чиқамиз, – жилмайди Усмон. – Иброҳим давангир деган улўғ зотга қарашли меҳмонхоналарни, ресторанларни ва албатта, ишратхоналарни бориб кўрасиз. Аммо, айтиб қўяй, исловатхонада Самарқанддан келган кизларни учратганингизда гаплашмайсиз, ўзингизни таништирмайсиз.

– Бунинг менга нима кераги бор?!

Иккови қора "БМВ"га ўтиришди. Аллақердан пайдо бўлган икки йигит дарвозани ичкаридан беркитишиб, гўёки пост алмашдилар.

Кун бугун ҳам илик эди. Лобар Истанбул манзараларига бокиб, Кувонни ўйлади. У шу ерда, шу атрофда. "Нега мураккаб тақдирли аёллар кўпинча ўзларидан ёш эркекларга кўнгил беришади? – ўйлади Лобар. – Абдулла ака энди мен билан яшамаслиги аниқ. Учинчи эрдан ажралмасдан туриб, тўртинчи эркекка боғланиб қолишим нимадан экан-а? Муҳаббатми? Наҳотки, севги деганлари шу бўлса?! Уят-андишани билмаса?!".

Лобар тобора илдамлаётган машина борган сари фоҳишахонага яқинлашаётганини, у ерда эса Кувон ва Зилолани учратишини хаёлига ҳам келтирмай, юракдан энтикиб қўйди.

Ярим соатдан сўнг бир бино тагида тўхтадилар. Турли марқадаги машиналар баланд девор пойини искаб турардилар. Эскича усулда қурилган икки қаватли кўҳна иморатнинг нариги томонида, ҳовли тўрида замонавий уч хонали бино ҳам кўзга ташланарди.

– Бир вақтлар бизлар бу ердан ўтишга кўрқардик, – деди Усмон. – Сатанг хотинлар ушлаб олса, ичкарига киргизишиб, хоналарига қамаб қўйишади, уч-тўрт кун чиқармайди, кийимларимизниям бермайди, деб ишонардик. Хоним, бугунги кунда бу даргоҳда битлиқи фоҳишаларни эмас, дунё гўзалларини учратасиз. Худо ҳаққи, уларни фоҳиша дейишга ҳам тил бормади.

Лобар кираверишдаги эркекларга эътибор қилди. Улар Лобарга суқ билан қараб қўйишди, айримлари эса "аёл қўшмачи, шекилли, кизлари қаерда экан?" деган мазмунда Усмоннинг машинасига разм сола бошлашди.

Меҳмонхона ҳодимлари Усмоннинг истикболига чоғиб келишган эди, у Лобарни кўрсатди.

– Бу хоним хўжайиннинг мўътабар меҳмонлари бўладилар. Универсал меҳмонхонамиз билан танишиш мақсадида ташриф

буюрдилар. Таъбини хира қиладиган бирон нарсани кўрса, мендан хафа бўлманглар.

Ходимлардан бири Усмоннинг кулоғига алланималарни шивирлаган эди, дакки эшитди:

– Аҳмоқ, гулсиз чаманнинг нимасини томоша қилади?!

Шундан сўнг мўйловли, укки кўз бир йигит олдиларига тушиб, таништира бошлади:

– Бу бино шаҳримизнинг қадимий биноларидан бири. Жуда кўп марта қўлдан-қўлга ўтган, лекин бу ерда истикомат килувчилар, аниқроғи, ишловчилар ўзгармай қолаверган...

– Янаям аниқроғи, касблари ўзгармай қолаверган, – қўшимча қилди Усмон.

Мўйловли йигит асло хижолат чекмай давом этди:

– Универсал меҳмонхона деганда ёмон ҳаёлга бормаслик керак. Биз ресторан, бар, бильярдхона, сауна ва ниҳоят меҳмонхона мажмуасини ташкил этганмиз. Албатта, бу масканда казино йўқ. Овқатланиш ва дам олиш кимор билан келишолмайди...

Мўйловли "гид" рестораннинг ҳар бир хонасини кўрсатмоқчи эди, Усмон эътироз билдирди:

– Бунақада чарчаб қоламиз, биз нафақат меҳмонхонани, ҳали ҳўжайинга қарашли виллани ҳам кўришимиз керак.

Улар уч қаватли бинога кириб келишганида илиқ ва хушбўй ҳаво юзларига урилди. Эшик оғаси суҳбатлашиб ўтирган кизга жавоб бериб, буларга йўл кўрсатди.

– Иккигами? – деб сўради Усмондан.

– Биз туристлармиз, кўрмаяпсанми? – лўкма ташлади мафиячи. – Биринчидан бошлаймиз.

Лобар бояги қизнинг ортидан тикилиб қолди. Усмон неларни ўйлаётганини тахмин қилиб, деди:

– Кимнинг фарзанди экан, нега гунчалик чоғидан эркакларга хизмат қилаётгани, умрбод фоҳиша бўлиб яшайдими, деган ҳаёлга борманг. Кўпчилиги вақтинчалик келган кизлар. Ҳеч ким уларни хор қилиб қўймайди. Газеталар ахлоқ бузилиши деб бонг урса-да, аслида миждозларда ҳам, кизларда ҳам ахлоқ доирасидан четга чиқиш йўқ. Итдай ҳўрлаш, уриш, сўкиш, гуруҳбозлик ҳолатларига йўл қўйилмайди. Ишонасизми, етмиш йилдан бери меҳмонхонада биронтаям киз ўлдирилмаган. Ташқари оламда эса... – Усмон тутилиб қолди, афтидан у яна ўз оиласини эслаган эди, – ...биласиз, қанча кизлар ваҳшийлик қурбони бўлишди.

– Фаҳшни оклаш сизга ярашмас экан, – деди Лобар.

– Мен меҳмонхонамиз ҳаётини гапираяпман, холос, – Усмон соатига каради. – Олимларга ўхшаб игнадек тешикдан туяларни ўтказмайман. Бир фоҳишани оклаш минглаб фоҳишаларни бегуноҳ қилиб кўрсатиш эмас.

Улар иккинчи қаватга кўтарилишганда, ногоҳон аёл кичкириғи эшитилди. Йўлак ўн кадамлар нарида чапга қайирилган эди, шунинг учун жабрдийда кўринмади.

– Бу нимаси? – Лобарнинг ранг-кути учди. – Истанбулнинг қок марказида купша-кундузи аёлни зўрлаш?

Усмон ялт этиб мўйловли ходимга каради, мўйловли эса каловланиб, гоҳ йўлак бурилишига, гоҳ Усмонга нигоҳ ташлагач, чопиб кетди. Чарс-чурс эшитилган шапалоқлардан сўнг Лобар ҳам ўзини босолмади: Усмоннинг тортқилашига-да тўхтамай йўлак бурилишига етди. Кўз олдида ачинарли манзара намоён бўлди: икки эркак (биттаси мўйловли ходим) ички кийимдаги сочлари тўзғиган жувонни бурчақдаги хонага тортқилашга уринар, жувон бечора жон-жаҳди билан ўзини ҳар ёнга отиб, ақл бовар қилмас даражада қаршилик кўрсатарди.

– Тегманглар унга! – бақирди Лобар. – Қўйиб юборинглар!

Жувон энди Лобар томон юлқинди ва... ҳеч қутилмаганда ғайритабиий овозда, томоғи йиртилгудек:

– Ло-об-а-ар!!! – деб қичқирди.

Эси оғиб қолган кишининг таниб бўлмас даражада ўзгарган овози даставвал нотаниш туюлди. Усмон зудлик билан орқага, биринчи қаватга етаклаб тушираётганида Лобар юз берган ҳодисадан бутунлай қарахт эди. "У мени таниди! – деб ўйлаб борарди. – Туркиядаги аллақайси исловатхонада аёл менинг номимни айтиб чинқирди!.. Тўхта-тўхта! Уни шу ҳолда қандай ташлаб кетаман?! Юртдошимни, ҳимоясиз ҳолдаги аёлни!.. Ўзи ким экан у? Исмимни айтганини эшитдим-ку..."

Лобар биринчи қават йўлагига тушишган маҳал Усмонни тўхтатди.

– У билан гаплашмасам бўлмайди! – деди ўтинч оҳангида. – Шундок ташлаб кетолмайман.

– Нега гапга тушунмайсиз, хоним!..

– Ўзингиз гапга тушунмаяпсиз. Ахир, мени таниди.

– Ўша аёл, мен сизга айтсам, меҳмонхона ходимаси, билдингизми?! Сизнинг асабингизни синаш учун хўжайиндан ана шундай томоша

кўрсатиш ҳақида буйруқ олгандик. "Зўрланаётган аёл" сахна кўринишини тайёрладик, имтиҳондан ўтолмадингиз. Сизга айтгандим, меҳмонхонада таниш қизларни учратиб қолсангиз, бепарво бўлиш кераклигини! Афсус...

Лобар кулоғини динг қилган эди, назарида, иккинчи қаватнинг олис бурчагидан яна илтижо янграгандек бўлди: "Лоба-а-р!..".

"Бу овозни қаерда эшитган эканман? – ўйлади у. – Кимгадир ўхшаяпти! Ким? Ким?..".

Усмон кисташда давом этди:

– Юринг, хоним, нариги бинони ҳам кўрайлик. Кўркманг, энди имтиҳон қилмаймиз.

Лобар икки-уч қадам юрар-юрмас миясига урилган дахшатли ўйдан товонигача музлаб кетди: "Зўрланаётган аёл Зилолага нақадар ўхшамаяптими? Ҳа, у – ўша! Россияга Лобарнинг номидан алдаб чақирган кимсалар уни шу кўйга солган бўлишлари эҳтимол!".

– Юқорига чикмасам бўлмайди! – деди Лобар. – Илтимос, йўлимни тўсманг.

– Хоним...

– Уни танидим, дугонам Зилола!

– Дугонангиз фоҳишахонада нима қилади?! – Усмоннинг ғазаби кўзларига тўпланди.

Усмон ва Лобар тортиша-тортиша эшиккача боришди.

– Мен Иброҳим давангирнинг ўзи билан учрашмоқчиман, – деди Лобар. – Ҳақиқатан, у нега мени синов қилаяпти? Қиморбозманми, мард бўлса киморда синасин! Лекин дугонамни ўғирлаб келиб, кўз олдимда шармандали аҳволга солиши нимаси?!

– Оббо, қасам ичайми, хоним?

Лобар ижозатсиз барибир қиролмаслигини тушуниб, ташқарига чиқди. Тушқунлик инган нигоҳини иккинчи қаватга югуртирди. Қўш табақали деразалар ортида оппоқ пардалар кўринарди. Сукут сақлаб турган бу деразалар аслида эркак ва аёл иштирокида қашф қилинган не-не шармисорликларга гувоҳи бўлаётган бўлса ажаб эмас.

– Сизни хафа қилганимдан афсусдаман, – деди Усмон Лобарнинг кўлидан ушлаб. – Ижозат беринг, юрагим билан узр сўрайман. Хўжайиндан берухсат ҳамма истакларингизни ижобат қилолмаслигимни тушунарсиз деган умиддаман.

– Бу кетишда кимор ҳам ўйнолмайман, – атрофга ҳорғин назар ташлади Лобар.

Ресторанга башанг кийинган эр-хотинлар хушчақчақ киёфада кириб боришмоқда эди. Фонуснусха чироклар ўрнатилган айвонча тагида эса чарм курткали йигит биноларга хаёлчан тикилиб турарди. Лобарнинг нигоҳи худди шу йигитда тўхтади. Кўриб туриб кўзига ишонмади, кулоклари Усмоннинг гапларини эшитмади.

– Қувон... – беихтиёр шивирлади Лобар.

У Қувон эди. Портда ишляпман деган йигит Истанбулдаги фиску фасод уя курган меҳмонхона ҳовлисида гўё иккинчи қават деразаларига масхаромуз тикилиб турарди.

– Қувон! – хитоб қилди Лобар ва галлаороллик танти, оккўнгил, одамий йигит сари шошилди. Хаёллардан нималар ўтмади? Қувон ҳам не гумонларга бормади...

– Қувон!

– Лобар!.. Сиз?!

Иккиси ҳам тўрт ойлик айрилиқдан сўнг соғинч хисси ила эмас, гумон ва алам билан рўпара келишди.

– Бу ерда нима қиляяпсиз?! – сўради Лобар.

– Хўжайинни олиб келдим. Сиз-чи? Ахир, бу оддий меҳмонхона эмаслигини билмайсизми?

– Ҳозиргина келдим. Ёмон ишлар бўлишини билмаган эканман.

– Кетдик, – Қувон Лобарни етаклади, – тупуринг бу меҳмонхонага. Сизни ҳеч ким хафа қилмадими? Ҳозиргина келганингиз ростми?

– Рост. Аммо мен бу ердан кетолмайман.

Етиб келган Усмон:

– Тўғри айтади, унинг ҳали ишлари кўп, – деди. – Сиз эса туёғингизни шиқиллатинг.

– У менинг юртимдан, – деди Лобар Усмонга. – Биз танишмиз.

Қувоннинг ростакамига жаҳли чикди.

– Лобар, бу одам ким? Нега унга мутеларча гапираяпсиз? Ё унга бирон боғланган жойингиз борми? Агар ортиқча бўлсам кетай, ёрдамим керакми, айтинг. Мен бунақа одамлардан қўрқмайман.

– Беш дақиқа сабр қилинг, ҳаммасини тушунтираман, – дея Лобар Қувондан узр сўраб, Усмонни бир четга чакирди. – Оилали аёл бўлсам-да, – деди мафиячининг кўзларига еб қўйгудек тикилиб, – шу йигитни яхши кўриб қолганман. У портда юк ташувчи бўлиб ишлайман, деганди. Институтдан йиқилиб, Туркияга келган. Агар сизлар мени қиморга таклиф этмаганларингизда ҳам шу йигит учун эрта-индин барибир Туркияга қадамим етарди.

– Сизга ишонаман, лекин унга ҳеч қачон! – деди Усмон. – Ичида нимани ўйлаб юрганини, кимнинг одами эканини билмаймиз.

– Эй! – деган овоз эшитилди. Ҳамма қайрилиб қараган эди, басавлат турк амалдори ширакайф ҳолда яқинлашаётганини кўришди. – Менинг йигитим билан қаланғи-қасанғи хотинларни аралаштириб қандай можаро қиляпсиз? У тоза йигит! Бунақасини ҳеч қаердан тополмайсан киши. Ўзим куёв қилай дейману, афсус, туркиялик эмас-да!

– Буниси энди мутлақо ортиқча, – деди Усмон ва эшик олдида турган икки йигитга ишора қилди, йигитлар чопиб келишди.

Улар "Бу ерда жанжаллашиш мумкин эмас" дея Қувон ва хўжайинини нари олиб кета бошлашди.

– Агар сизга ҳамюртингиз керак бўлса, марҳамат, ёнида қолишингиз мумкин, – деди Усмон Лобарнинг тирсагини бўшатиб. – Аммо у ўғлингиз билан эрингизни топиб беролармикан? Порт хизматчиси билан на "Истанбул кашкирлари", на Сицилия мафияси гаплашади. Бунақаларни бизда, ҳаттоки, одам ўрнида кўришмайди.

Орқадан Қувоннинг:

– Лобар! – деган чақируви эшитилди.

Лобар тўхтади. Нигоҳлар тўкнашганда ўнлаб фикрлар ўтди бошидан.

– Ўзим сизни топаман, – қўл силкиди Лобар. – Муҳим ишларим бор, мендан кўнглингиз тўқ бўлсин.

Дарвоза олдида тайёр турган машина Лобар ва Усмонни олиб жўнади. Қайсидир мақсадда бошланган Иброҳим давангир мулкларини томоша қилдириш режаси бекор қилинди. Хўжайин телефонда сўқди, шекилли, Усмон жаҳл билан ўриндикни муштлаб, қовоғини баттар уйди.

* * *

Дастлаб кўним топган кимсасиз меҳмонхонага етганларида, Лобар сўради:

– Сирли хўжайинингизнинг дийдорини бугун кўриш насиб этармикан?

Усмон оғир уф тортди-да:

– Бугун эмиш... У ҳозир ичкарида ўтирибди, – деди.

Шу дамгача сезилмаган ғалати ҳаяжон Лобарнинг вужудини қиздириб юборди. Иброҳим давангир ҳаёлида шундай инсон бўлиб

жонландики, савлатидан от хуркади, кахридан етти иклим аёзда колади, хизматидаги ўн-ўн беш чоғли йигитнинг бари каллакесар.

Аммо бильярдхонага кириб боришганида озгингина бир йигит кий билан соққани мўлжалга олаётганига шохид бўлишди. Уни эндигина университетни тамомлаб, лицейга ўқитувчи бўлиб ишга кирган деб тасаввур қилиш мумкин эди.

Соққа қарсиллаб иккинчисига урилди ва учинчисини туртиб, тўрга туширди.

– Биринчи қонун, – деди нотаниш йигит, – ичмаслик. Иккинчиси, чекмаслик. Учинчиси... – У бирдан тўхтаб, Усмонга истехзо-ла амр этди: – Нима, сен мени таништирмасдан сайратмоқчимисан?

Усмон шошганидан:

– Бу – Лобар, бу... хўжайин... Иброҳим бей, – деди.

– Давом этаман, – дея турк мафияси сардори кийни кўйди-да, киморбоз аёлга яқинлашди, – учинчиси, ҳеч қачон тушқунликка тушмаслик, гарчи дор остида турсанг ҳам. Тўртинчиси, ҳеч қачон эринмаслик. Сибирь, Сибирь дейишади. Агар Сибирдаги қамоқхонадан қочсанг ҳам эринма, пиёдаман деб, эй банда! Бешинчиси, бирон динга эътиқод қил, даҳрий бўлма. Олтинчиси, бу ҳаётда ўзингни кеча-ю кундуз, тўйда ҳам, уйда ҳам, жангчи деб ҳис қил. Урушсиз ҳаёт йўқ. Урушсиз ҳаётга кўникиб қолма, охириг воя бўлади. Ё жинниликдан, ё инфарктдан, ўласан. Еттинчиси...

Иброҳим давангир файласуфона қоидаларни санашдан тўхтаб, Лобарга саволомуз тикилиб қолди. Лобар индамади, аммо ичида "еттинчи қонунингни туш қўрибманми?" дегани сезилиб турарди.

– Еттинчисини сиз жуда яхши биласиз, – деди мафия бошлиғи. – Сизни Туркияга етаклаб келган...

Иброҳим давангир "қани, айтинг" дегандек қутарди. Бу қутиш ғазабга айланиш эҳтимолидан йироқ эмасди. Лобар:

– Еттинчиси муҳаббат, – деди-да мафия сардорига жиддий назар ташлади.

– Йўқ, муҳаббат бизнинг барча қонунларимизни барбод қилади. Муҳаббатдан девона бўлган одам ичади, чекади. Висолига етолмаса, тушқунликка тушади. Муҳаббатга ўралашиб, бошқа муҳим ишларга эрина бошлайди. Муҳаббат дин танламайди, охир-оқибат кип-қизил кофирга айланасан-қоласан. Муҳаббатга ошна юрак жанглардан йироқ юришни истайди, керак бўлса, дарров тиз чўқади. Наҳотки, сизни Туркияга муҳаббат етаклаб келди?

– Боламини яхши кўраман, – деди Лобар. – Эримни ҳам куткаришни шарт. У киши касал.

– Қолаверса, сиз порт ишчисини ҳам севасиз, шундайми?

– Бу менинг шахсий ишим.

– Тушунаман, бу сизнинг шахсий сиригиз ҳам. Бирок бугун менинг асосий диққат-этиборимда. Қаердан пайдо бўлиб қолгани аслида ким эканлиги жуда-жуда қизиқтираёпти. Тўғриси айтганда одамларим ҳозир унинг изига тушишган. Қўркманг, озо беришмайди, текшириб кўришади, холос. Мабодо, у жосус бўлиб чиқса, қатл этишга буйруқ беришга мажбурман.

– Ҳеч қанақа жосус эмас, жуда яхши биладан-ку уни, – деди Лобар. – Биз тасодифан учрашиб қолдик. Қиморга келмаганимда ҳам, уни кўриш учун барибир Туркияга келардим.

– Барча гапларингизга ишонаман, – Иброҳим давангир емакхон томон юрди. – Сиз ёлғон гапиришга журъат этолмайсиз. Чунки менинг снайперларим сизни, эрингизни, ўғлингизни мўлжалга олиб турибди. Битта ёлғон – учта ўқ, Лобархон.

Лобар унга эргашаркан, кўзларида ёш филтиллади.

– Иброҳим бей, – деди ўкиниб, – сизга ишониб келганман. Кимдир ўғлимнинг гаровдалигини пеш қилса, ўлдираман деб дўк урса, асло чидаёлмайман. Қанчалик куйганимни сиз тасаввурингизга ҳам сиғдиrolмайсиз. Келинг, биз киморни гаплашайлик. Мен ҳаммасини ютишга, айтган одамнингизнинг шармандасини чиқаришга ваъда берман. Қувонни жосус, интерпол одами, фалон-пистон демайлик. У мафия учун ҳеч ким эмас, мен учун эса суякли инсонга, яқин дўстга айланган. У билан яна учрашишни, дийдорига тўйишни истайман.

Иброҳим давангир стулга ўтириб, рўпарасига Лобарни таклиф этди. Усмоннинг ишораси ила ноз-неъматлар келтирилди.

– Еттинчи конун – ҳеч қачон қўркмаслик! – деди мафия бошлиғи. Ўлсанг ўлиб кет, лекин қўркмай ўл. Қўркув – барча хиссиётларимни ичида энг ортиқчасидир. Сиз қўркқанингизда ёлғиз ўзингиз нотаниш одамлар қароргоҳига Ўзбекистондан келмасдингиз, пихини ёрган усмон қартабозлар билан куч синашишга рози бўлмасдингиз.

Лобур чуқур ух тортиб:

– Менга ўғлим керак, – деди. – Уни ҳозир кўрсайдим. Шунчала соғиндимки... гапиролмайман... Юрак-бағрим ёнади, факат ёнади...

– Насиб қилса ҳаммаси бўлади, – деб Иброҳим давангир таомга санчки ботирди. – Ўғлингизни Италиядан, эрингизни Сицилиядан

олдириб келамиз. Бунинг учун "Истанбул кашкирлари"ни, арабларни, Лиср афсунгарини, Лас-Вегасдан келадиган олифтани, ва энг муҳими балеринани ютишингиз лозим. Россиялик ўша жодугарни енгсангиз, ёғингизни ўпаман, ишонасизми? Оёғингизни!

Иброҳим давангирнинг сўнгги гапида эҳтирос, эҳтиросдан ҳам ўра хирс сезилиб қолди. Лобар Усмоннинг "Бир одамни биламан, чмайди-чекмайди, бироқ аёлларга шунчалик ишкибозки, зино қилиш ўйинча Туркияда биринчи ўринда турса ажабмас", деган таърифини слаб, туйқус ноўнғай ҳолга тушди.

– Бизга... – деди дастурхондан кўз узмай, – бизга йўл пулимизни берсангиз, бас. Қолган ҳаммаси сизники. Эримни кутқариб, марзандларига топширсам, ўзим эса ўғлим билан тинч, беҳавотир сойга бош олиб кетсам, армоним қолмайди. Бунинг учун сиз менга, мен сизга беғараз ёрдамларимизни аямаслигимиз керак.

– Тушунарли, – деди мафия бошлиғи Лобарга синчков нигоҳ ашлаб.

– Ўғлим ва эримни у ёқдан қайтаришнинг иложини қилоласиз, деб ишонаман. Бироқ кўнглим барибир хижил. Сиз буни қандай амалга оширишингизни айтолмасизми? Менга... ҳозир...

– Айтаман, – Иброҳим давангир жўжа гўштини маза қилиб чайнай бошлади, – алдаяпти деб гумон қилаяписизми? Найранг йўқ бизда, оним афанди, ҳаммаси оддий ва жўн. Тошқалъага биз билан борасиз, бизнинг пулга ўйнайсиз. Хатимни олганингиздан буён менинг урухим аъзосига айланганингизни биласиз-а? Шундай экан, ҳеч ким изга Россиядагидек муносабатда бўлолмайди. Финг деса, тиширноғигача қуролланган йигитларим биронтасиниям соғ ўйишмайди. Сизни ҳозир атмосфера каби нима ўраб турибди? Қонунлар сфераси! Сизга қўл кўтарсам, қонунлар ҳозуру нозир бўлиб, мени камокқа тикади. Тошқалъа шундай жойки, қонун йўқ. Либосни чгандек ечиб кирадилар. Ўнта одам ўладими, ўн бештами, қонун ўрамайди ҳам. Хуллас, бор маҳоратингизни ишга солиб, уларнинг бойликларини шилиб оласиз. Миллионлаб доллар ҳақида гап аятапти, Лобар! Ўғлингизга кўпи билан ярим миллион сўрайди. Ёрингиз масаласига келсак, у Ўлик оролдаги конда ишлаётган бўлса ажабмас. У ҳам топилади. – Иброҳим давангир овозини пасайтириб, шундай деди: – Маълумотларга кўра, Ўлик орол киморга икилармиш. Мен айнан унинг умидида сизни чақирганман. Агар оролни ютиб олсак, сизнинг ҳам, менинг ҳам етти пуштимизга тадиган бойлик оқиб келади.

Лобар бир вақтлар Москвада Шомилдан эшитган Ўлик оролга энди Иброҳим давангир қизиқиб қолганига ажабланмади. Ўғли ва эрининг тақдири бу одамга нечоғлик боғлиқ эканлигини ўйлаб, гапларини мамнуният ила тасдиқлади.

– Эҳ, мен ёмон одам эмасман, – деди тушлик сўнгида Иброҳим давангир, – тил топишсак, сахий, мард, валинеъмат инсон эканлигимни биласиз. Хоинларни эса ким жазоламайди дейсиз?!

* * *

Лобар меҳмонхонадаги жувон дугонаси Зилолага қуйиб қўйгандек ўхшашлигини ўйлаб ўтирган эса-да, Иброҳим давангирдан у билан учрашишга изн сўраёлмади. Бунинг учун фурсат керак эди. Шундоқ ҳам ахлоқсизлар маконидаги ҳодисадан кейин мафия сардорининг ичини ит тирнаётгани сезилиб турарди. Аммо нима қилсин? Икки эркакка таланаётган жувон дугонаси эмаслигига ҳам ишончи йўқ-да.

– Сизни бир синаб кўрамиз, – деди Иброҳим давангир чоғроққина хонага кирганларида. – "Қора карта ракси"дан кўлингиз чиқиб қолмаганмикан, ишқилиб?

– Яна синайсизми? – Лобар беихтиёр Усмонга ҳам қаради. – "Зўрланаётган аёл" сахнасидан кейин сизнинг синовларингиз санъат билан боғланишига шак-шубҳам қолмади.

– Қанақа сахна? – Иброҳим давангир Усмонга елкаси оша нигоҳ ташлади.

– "Палас"даги аёлни у дугонам деб гумон қиляпти.

Иброҳим давангир баралла қулиб юборди. Лобар унинг кулгиси аллақандай ёқимсиз "хи-хи"лашга ўхшайди, деб ўйламаганди.

– Шундай қилиб, ўша фоҳиша дугонангизми? – қулиб сўради мафия бошлиғи.

– У фоҳиша эмас, – жавоб берди Лобар, – уч боланинг меҳрибон онаси. Яқинда эри ўлган. Москвага эрининг пулларини олиш ва уйини сотиш учун кетганди. Мени ташвишга солгани шуки, уни Москвага телефонда шошилинч чақирган одам дугонаси Лобар эмиш. Самарқандлик бизнесмен дугонаси Лобар! Тавба! Ахир, ўша Лобар менман! Бирок ҳеч қачон дугонам Зилолани Москвага чақирганим йўқ, уйингни сотиб, банкдан пулингни олиб бераман, демаганман. Туркияга келишимдан сал аввал уникига таъзия билдириш учун кирдим. Биласизми, у эри балқондан йиқилиб ўлмаганини, қотиллар

ўлдиришганини гумон қилиб, узок йиғлади. Фожиага ўзи сабабчи эканлигини, мен тасаввур ҳам қилолмайдиган сирли ишга бош қўшганини сўзлаб берди. Қанчалик сўроқламайин, қотилликкача борган иш нима эканлигини айтмади. Бугун эса, айнан унга ўхшаш аёлни меҳмонхонангизнинг махсус иккинчи қаватида учратдим. Устки кийимлари ечиб олинган, сочлари тўзғиган, аянчли аҳволда эди.

– Сиз Москвада эмас, Истанбулдасиз, – деди Иброҳим давангир.

– Мен ҳам шунга хайронман. Дугонам қандай қилиб Москвадан сизнинг Истанбулнингизга келиб қолди?

Иброҳим давангир пешонасини босиб-босиб ишқади, сўнгра совук илжайди. Лобар озғин ва гапдонгина бу одамнинг мафия сардори даражасига қандай эришганига хайрону лол эди. Бироқ шу тобда унинг кўзларида бижғиб ётган ёвузликлар, айёрликлар шуъласи акс этиб, масала ечим топди.

Усмон қўлидаги карталарни чийлай бошлади. Мафия бошлиғи унга бир лаҳза хаёлчан тикилиб турди-да, чапак чалди.

– Гап бундай, Лобар, – деди ўрнидан даст туриб, – сизни қиморда алдаш қийин, аммо ҳаётда боплаб чув туширишлари мумкин. "Палас"даги аёлни дугонам деб ўйлаяпсиз. Нега энди дугонангиз бўларкан?

– Уни ўз кўзим билан кўрдим, овозини эшитдим, лекин ҳаёли-иболи, салобатли, обрў-эътиборли аёлни Истанбулдаги фоҳишахонада эркаклар ўртасида киз боладай чинқираётганини кўраман деб ҳаёлимгаям келтирмаганим учун бир кўришда таниёлмадим. Ўйлаб-ўйлаб у айнан Зилола эканлигига амин бўлдим. Агар мардман десангиз, айтинг, у Зилолами, йўқми?

– Ҳа, – деди Иброҳим давангир.

Гарчи ҳақиқатга имони комил бўлса-да, Лобар "ха" сўзини эшитиб сесканиб тушди, бир дам қотиб қолди.

– Нима учун?.. – деган сўроқ учди тилидан. – Мен учунми?..

– Нега сиз учун бўлар экан?! Ўзи учун! Ҳа, у Зилола, лекин дугонангиз эмас. Дугона дегани садокатли дўст демакдир! У эса сизни ҳам, мени ҳам сотди. Ўйлаб кўрмадингизми, биз Туркиядан туриб сизнинг ҳар бир қадамингизни қандай кузатдик? Уйингизга хатни қандай бердик? Бунинг учун бизга жосус керак эди. Ахтардик, топдик. Москвада учратдик уларни: Зилола ва Тагматни! Улар доллар эвазига сизни кузатиб юришга рози бўлишди. Сиз эса уни дугонам дейсиз-а?!

Бироқ... бу ҳали ҳаммаси эмас. Зилолага бошқа бир кашқирлар тўдаси одамгарчиликдан анча йироқ топширик беришди.

– Қанақа топширик? – сўради Лобар титраб.

– Парвизнинг қабри масаласида, – деди турк мафияси сардори.

– Тушунмадим. Боламнинг қабрини нима қилишмоқчи эди? – Лобарнинг қовоғи уча бошлади. – Нахотки, улар ҳам гўрни очишган бўлса?! Ишонмайман... Ахир...

– Қабрга тегишмаган, – деди мафия сардори. – Бироқ режаларида жирканч иш бор эди.

– Гўрни очиб, жасад бор-йўқлигини текшириб кўришни айтаяпсизми?

– Йўқ, улар Парвиз қаердалигини жуда яхши билишарди.

Лобар тоқат қилолмай ўрнидан туриб кетди.

– Улар кимлигини биламан. Москвалик Маловер тўдасининг меросхўрлари, бир гуруҳ конхўрлар! Анна Сергеевна – Балерина бугунги кунда айнан уларнинг қўлида. Ўғлимнинг суратини ҳам ўша кампирдан олганман. Мен уни сарик чақасиз қолдираётгандим Парвиз ҳақида маълумот беришини айтиб, таслим бўлишга мажбур этди, акс ҳолда ютишим тайин эди.

– Сиз энг муҳимини сўрамаяпсиз, – деди Иброҳим давангир.

– Нимани?

– Балеринадан олган маълумотингизни дугонангиз Зилола аввалдан билишини! У биздан эшитган эди. Афсуски, сизга бу маълумот жуда қимматга тушди. Эрингиздан ва юз минглаб долларингиздан айрилдингиз...

– Агар Зилола олдинроқ айтганида...

– Йўқ, у айтмас эди, – деди Иброҳим давангир.

– Ҳеч ишонгим келмаяпти, – четга қаради Лобар, – лекин ишонмасдан ҳам иложим йўқ. Тасаввур қиляпман, Зилола – жосус... Нега бундай қабиҳ ишга рози бўлди, а?! Улар Парвизнинг қабрини нима қилишмоқчи эди?

– Дугонангиз пул устида қабиҳ ишлардан ҳам қайтмайдиған бойвучча хонимга айланиб қолди. Россиялик қиморбозлар уни сизга қарши ёллаганида дастлаб ишонмадим. Менинг энг катта душманларим билан қандай гаплашди у? Эси жойидами? Доллар учун бир вақтнинг ўзида ҳам менга, ҳам ашаддий рақибларимга хизмат қилиш аҳмоқчиликдан бошқа нарса эмасди. Ўзи сирни очганми Балерина сўзлаб берганми, кашқирлар ўғлингизнинг сирли

исматидан хабар топишибди ва Зилолага "Ўғлининг қабрини екширмоқчими, демак, руҳан синдириш фурсати келди. Гўрда арибир бола йўк, биронта ўлик бола топиб, юз тузилишини згартириб, ўша қабрга дафн этинглар", дебди. Бунинг учун катта ул ваъда беришган экан. Менимча, эллик-олтмиш минг доллар. Ўроқ бу режа амалга ошмади. Биласизми, қандай ўйин кетаяпти? Ўз менинг мактубимни олгач, ўғлингиз ва эрингизга фақат Туркия рқали, яъни менинг этагимни ушлаб йўл очишингизни оқилона ушундингиз. Мабода Зилола бетайин кимсаларни ёллаб, кечаси абрга бола жасадини кўмдирганида, мен ёлғончи бўлиб қолардим. Бошқа боланинг жасади-ку, дейишга шошилманг. Темир тобутга олинмаган ўликлар баъзан илон-пилонларга ем бўлади, стаффурулло. Шундай экан, уни экспертизадан ўтказишиб, ўғлингиз маслигини исботлагунарча бўларингиз бўларди. Бу билан екланишмай, яна қандайдир тазйиклар ўтказишарди, масалан, иморга эрингизни ютқазганингизни қариндошларига маълум тишарди...

Лобар гўё нафас олмай тинглар экан, кимор ўйинлари фақат қўлга арта текканида эмас, ундан аввалроқ киморбознинг шахсий ҳаётида ошланажагига амин бўлди. Сезиб турибди, Иброҳим давангир илола мавзусига яқун ясамоқчи. Сўнгги сўз ўрнида нима дейди? Ўқишаликка мажбурлаш ва ўлимми? Ҳартугул дугонасининг Россия-Туркия саргардонлиги яхшилик билан тугамаса керак.

Оғир уф тортган Лобар стулга чўкиб, бошини чангаллади. Усмон амон қўлида қарта ушлаб, котиб турар, мафия сардори ястаниб тириб, оёғини ўйнатар эди.

Ўйлаб олган Лобар:

– Дугонамнинг эрини ким ўлдирди? – деб сўради.
– Ўшалар, – қулимсиради Иброҳим давангир.
– Зилолани Истанбулга ким келтирди?
– Москвадаги ўша қашқирлар одам савдоси билан ҳам туғулланади-ку! Улар дугонангизни алдаб-сулдаб Москва-Истанбул, алки Анқара рейсига чиқаришиб, бу ерга келтирганлар. Мен хоин ёлга яхшилик қилдим, дарров ўз меҳмонхонам учун сотиб олдим. Ўйлакс ҳозир у бошқа бир иславотхонага тушиб, нафақат нопок ёлга, йиллар давомида юзлаб эркаклардан қолган одам шаклидаги айвонга айланарди.

– Бу билан "менинг исловатхонамда ҳали пок ҳолида яшаб урибди", демоқчимисиз?

– Ҳа, дугонангиз ҳали қўшмачилар ғуруҳидаги кизлар рўйхатига киритилгани йўқ.

Лобарнинг вужудига иссиқ кон югурди. Кўксининг аллакаерида пайдо бўлган тош тупрок мисоли сочилиб кетди.

– Боя унинг ахволини кўриб... Тамом, энди кимор ҳам ўйнолмайман деган ҳаёлга бордим. Ҳеч ўйлаб кўрилмаган иш... Йўлакда уни бир эркак судраб юрганди чоғи... Айтмоқчисизки, у ҳам тегинмаган...

– Албатта. Ахир, ҳали буйруқ берган эмасман. Дугонангиз уйку доридан сўнг ўзини бегона бир маконда ички кийимда кўриб капалаги учиб кетган.

– Меҳмонхонага қайтиб боришимга ижозат берасизми?

– Уни ўлдирмоқчимисиз? Бунга йўл қўймайман. Чунки менга қотил аёл эмас, киморбоз аёл керак.

– Янглишяпсиз, уни ўлдириш ниятим йўқ. Ҳатто, каттик гапирмоқчи ҳам эмасман. Улар Зилола ва Тағмат ака – жазоларини олиб бўлишди. Энди дугонамга шунча бойлик татийди деб ўйлайсизми?! Бечора ўла-ўлгунча болаларининг кўзига қараёлмай ўтади. Ўзига тўқ, яхшигина яшаб турган оилани бахтсиз қилиб қўйган, ўзига беваликни сотиб олган аёлни мен ортиқ хафа қилишни истамайман.

– Марказий Осиёнинг машҳур киморбози шунчалар меҳрибон, кўнгилчан, соддадил чиқишини кутмаган эдим, – деди мафия сардори.

– Меҳрибон ҳам, кўнгилчан ҳам, соддадил ҳам эмасман, – дея Лобар Иброҳим давангирга тикилди. – Мен "қора қарта соҳибаси"ман. Бу – афсунли қарта ўйинлари жодугари, демакдир. Агар қотиллар, фоҳишалар, зўравонлар қаторига интилсам, кучим қиркила бошлайди. Ўзимни лоҳас ва нотапон сезаман, кўнглимга қил сиғмай қолади. Эҳтимол, бу "қора қарта ракси" афсунлари эмас, юрагимда япшаётган эзгулик уруғидир, ким билади дейсиз?!

– Мен ҳам шуни айтаяпман-да, – мийиғида кулди Иброҳим давангир.

– Бироқ сиз ҳам ёмонмассиз. Бир қарашдан билдимки, сиз ёвуз мафия сардори эмас, зўравонларга, ноқонуний бойлик орттирганларга халқаро киморга қарши мафия билан жавоб бераётган ҳақиқий турк ўғлонисиз.

– Бу ҳушомадлар нечун?

– Келинг, иккимиз ҳам Зилолани кечирайлик, – деди Лобар шоша-

пиша. – Бу ҳеч қанақа хушомад эмас, бор гап. Бизларнинг олдимизда эртанги кунда мислсиз ўйинлар турибди. Турли игво-ю хоин-поинлар билан чувалашиб ўтирсак, асло ярашмайди.

– Мен уни сотиб олганман.

– Ижозат беринг, энди мен сотиб олай.

– Эллик минг доллар, – Усмонга қараб кулиб қўйди Иброҳим давангир.

– Розиман, – Лобар ўйлаб ҳам ўтирмади. – Кечкурунғача банкдан олиб бераман.

– Сизда ортиқча пул йўқлигини дугонангиз айтганди...

– У айтаверади. Мен барча дўконларимни-ю машиналаримни сотиб келганман.

– Мард аёл эҳсансиз. Энди бор мол-мулкингизни битта хоин дугонангизга алмаштирадими? Кечирасиз-у, бу мардлик ҳисобланмайди, қип-қизил аҳмоқлик.

– Пулим эллик мингдан кўп, – деди Лобар.

– Қанча? – мафия сардорининг чеҳраси очилди.

– Саксон минг.

– Қолган ўттиз минг билан битта уй ҳам ололмайсиз-ку, – икки эркак енгилгина кулиб олишди.

– Маъзур тутасиз, Иброҳим бей, – Лобарнинг кўзлари совук йилтиллади, – агар бир картага тушсам, ўттиз минг билан бутун Туркиядаги пулларни ютиб оламан.

– О-о, гап бу ёқда денг!.. Хўп, сизга ишонаман. Аммо келганингиздан буён карта ўйнаш қобилиятингизни синаганим йўқ, минг марта эшитгандан, бир марта кўрган афзал. Қани, Усмон, опанг билан икки қўл ташлаш.

Усмон стулга чаккон ўтириб, қарталарни аралаштирди-да, ўзи ва Лобарга сузди. Лобар унинг қўлига диққат-ла тикилиб турган эди, сузиб бўлгач, мафия сардорига деди:

– Бу йигитингиз билан ўйнамайман. У менинг тенгим эмас экан. Биринчи ўйин бошланмасданок шундай кўпол хатога йўл қўйдики, миллион доллардан, қолаверса, калласидан ҳам жудо бўлиши мумкин эди.

– Қанақа хато? – Иброҳим давангир қарталарга кўз югуртириб, ҳеч вақони тушунмади.

– У қарталарни голланд усулининг бир юз тўртинчи варианты бўйича аралаштириб, "Адан Ггача" бармоқ ҳаракатлари йўналишида

таркатди, – деди Лобар. – Бу тўқсонинчи йиллардаёқ халқаро киморда қўлланмай қўйган "Колумбча ўйин"нинг ҳаваскорлари ўзлари билмаган ҳолда ўйнайдиган нўноқ шаклидир. Қаранг, у менга иккита "кирол", иккита "тўққиз" сузди, ўзида эса иккита "дама", битта "етти", битта "тўққиз". Зот масаласига келсак, унда бир зот кўп, аммо ўйин бошланганида, қўлимдаги карталар билан уни уч дакикадаёқ яксон этардим.

Мафия сардори гоҳ Усмонга, гоҳ Лобарга таажуб ила боқди. Сўнг карталарни очиб кўрган эди, Лобарнинг айтганлари рост чикди.

– Қойил! – Иброҳим давангир қийқириб юборди.

Усмон эса кип-қизариб ўтирарди. Ахир, у ўз бошлиғи олдида машҳур киморбоз аёл билан анча-мунча куч синашиб, нималарга кодирлигини кўрсатиб қўймоқчи эди-да.

* * *

Улар қора "БМВ"да кўчага чиқишганида, орқадан яна бир машина эргашди. Лобар Истанбул кўчалари ҳар ҳолда мафиялар учун тинч эканлигини ҳис этди. Қим ҳам бундай жойда отишма бошлаб, ари инига чўп суккиси келади?!

– Қўриқчиларсиз юриш қийин, шекилли? – жўрттага сўради Лобар.

– Қимор олдидан тайёргарликлар катта, – деди Иброҳим давангир, – шунга яраша одам талаб қилинади.

– Сизга ҳеч ҳужум қилишганми?

– Таржимаи ҳолимни бугун кечаси сўзлаб бераман, – деди мафия сардори.

– Қарга ўз-ўзидан ўйналмайди, – деди Лобар норозилик оҳангини сездириб. – Гоҳо кечаси билан "ракс"ларни машқ қилиб чиқаман. Биласиз, афсусли карталар ёлғиз ҳолда ўйналади. Кимдир томоша қилиб турса, ҳаммаси барбод бўлади.

– Мени тушунмадингиз. Наҳотки, енингизга машқ пайти кирсам?

Лобар мафия сардорининг елимдек ёпишқоқ феъл-атворини сезиб, мунозарани чўзиб ўтирмади. Қувон билан дилдан суҳбатлашадиган айни дамлар келганини англаб, мамнуният ҳиссини туйди. Борлиғини сотишга тайёр ёш-ёш қизлар қўл остида экан, мафия сардори не боис ишонган киморбозини хафа қилиб, уни тўшагига тортса?! Йўқ, Лобар, Қувонни таклиф этиш даражасидаги енгилтаклик билан Туркия кечаларини беҳавотир ўтказишни таъминлашга аҳд қилди.

– Эрим мендан йигирма беш ёш катта, – деди Лобар. – Олти йил

аввал у мени ёктириб қолиб, совчилар жўнатавергач, ахийри рози бўлганман. Кўнглим сезиб, учинчи эримдан фарзандли бўлдим. Ҳавас билан исмини Парвиз қўйдик...

Мафия сардори ғалати илжайди-да:

– Кимга ҳавас қилдинглар? Парвиз Мушаррафгами? – деди.

– Парвиз Мушаррафни танитайман, – тўғриси айтди Лобар. – Маҳалладагиларга ҳавас қилдик. Бизда Парвиз исми кенг тарқалган... Буларнинг барини сўзлашимдан мақсад, эримни қалбдан ёктирмаганман. Умуман, шу вақтгача муҳаббат нималигини билмай яшаб келдим. Қувонни кўрдим-у, оромим йўқолди. Сиздан илтимосим шуки, бу кеча мен Қувоннинг дийдорига тўйай. Енгилтак деб ўйласангиз ҳам майли, аммо у билан гаплашмаганимга, бугунги учрашувни ҳисобламасак, тўрт ой бўлибди.

– Э, Қувон деб порт ишчисини айтаяпсиз-а? – Иброҳим давангир чўнтак телефонини олди. – Яхши эслатдингиз, таклифингизсиз ҳам уни уйимга чакиртирганман... Алло, Гов, ишлар қандай? – телефонига бакирди мафия сардори. – Тутдингларми?.. Ў-ҳу, шунақа де! Хўкизде кучи бор эканми?.. Ҳай-ҳай, мен бунақа бўлсин демагандим-ку! Ахир, ҳозир унинг севгилиси менинг ёнимда... Нима-нима? Машинада бирга кетаяпмиз... Ҳа, ўша! Бундан чиқди, фақат сен соғ экансанда... Авайланглар, Гов, асранглар уни! Ахир, бизга почча чиқиб қолди!

Ташвиш чеккан Лобар:

– Қувонга куч ишлатдингларми? – деб сўради. – Нега ишонмайсиз-а, у биронта мафия аъзоси ёки жосус бўлиши мумкин эмас!

– Куч ишлатиш масаласига келсак, аксинча, у кўпроқ куч ишлатибди. Қоронғи тушишига ҳали бор. Аввал дугонангиз "дам олаётган" меҳмонхонага борайлик, кейин Қувонни топамиз... Қувон! Тавба, шунақаям исм бўларкан-да! Худди инглизларнинг исмига ўхшайди. Эвандер Холифильд нима-ю Қувондир Холифильд нима!.. Ҳали кўрасиз, у менинг икки йигитимни қонига белаб урибди!

Лобар кутганидек, машина дарвоза жойлашган кўчага кирмади, меҳмонхона ортидаги махфий эшикда тўхтади. Ҳаш-паш дегунча улар меҳмонхона йўлагига, сўнг иккинчи қаватда ҳозир у нозир бўлибди. Лобар бўйлари пастгина, ўн олти ёшлардаги икки қизни эллик ёшлардаги қорувли бир эркак номерига олиб қираётганига кўзи тушиб, фар эркак учун бу дунёдаги энг оромбахш иш кўнгли тусаган фоҳиша билан кўнгли тусаган ишни қилиш, деб ўйлади.

Улар сўнгги бурилишдан ўтиб, нимқоронғи даҳлизда тўхташди. Икки ёнда икки эшик бор эди, дарҳол бирини очдилар. Иброҳим давангир илтифот кўрсатиб, Лобарни таклиф этди. Ўзини бурчакка олиб, ҳимоя қилмоқ ниятида каттиқроқ жисм ахтараётган жувон Зилола эди. Унинг умидсиз ва иложсиз ҳолатда ваҳимали қараб туриши бир неча сонияга чўзилди. Баногоҳ Лобарни таниб:

– Болаларимнинг ҳурматиға... Болажонларимнинг ҳурматиға... – деб ҳўнграб юборди.

Лобар уни кучоклаб, деди:

– Бўлди, Зилол, бўлди. Барчаси ортда қолди!.. Уйингга кетасан... Бугунги рейсдаёқ...

Иброҳим давангир:

– Аттанг, шундай жувонга қўлимниям теккизишга улгурмадим-а! – деди. – Ҳой хоин, менга қара! Дугонанг одамгарчилик қилмаганида, додингни тўрт девор эшитарди, холос.

– Менимча, энди унга гапиришингизнинг кераги йўқ, – Лобар ковок-тумшук қилди. – Аёл зотини бунчалар камситишгача бормайлик, бей. Ахир, ҳаммамизни она тукқан-ку.

Мафия сардори ўзини диванга ташлаб, оёғини чалиштираркан, пўнғиллади:

– Аммо бунақа иккиюзламачи оналар эмас!

Зилолани қўриқлаб ётган эркак унинг кийимлари солинган сумкани келтирди. Лобар дугонасининг кийинишига қўмаклашди.

– Ҳаммасини эшитдингми? – титроқ овозда сўради Зилола.

– Нимани эшитаман?.. Сен кийин тезроқ, бу ерда гапирма, ҳозир аэропортга кетамиз...

– Мени кечир, Лобар! Худо жазойимни берди.

Улар эшикка юришганда, мафия сардори хуштак чалди. Аёллар кайрилиб қарашгач, деди:

– Ҳали рухсат берганим йўқ, шекилли.

– Узр, Иброҳим бей, у энди бу ерда, нафақат бу ерда, умуман Туркияда қололмайди, – дадил-дадил гапирди Лобар.

– Пули нақдми? – ёқимсиз илжайди Усмон (афтидан у ўз бошлиғи сахийлик қилиб юборишидан куйинмокда эди).

– Аёл бўлсам-да бир сўзлиман, – Усмонга тик қаради Лобар. – Эллик минг доллардан бир сент ҳам кам бўлмайди.

– Йўқ-йўқ, Лобархонга ишонаман, – дея Иброҳим давангир Усмонни жеркиб берди. – Манави аёлга сўнгги сўзларим бор эди. Эй!..

Мисоли чўғ устида турган Зилола ёвқараш қилган эди, мафия сардори давом этди:

– Бир умр дугонангнинг оёғини ўпиб яша! Ва зинҳор, Туркия, мен, Лобар ҳақида ҳеч қачон ҳеч кимга гапирма!.. Лобархон, буни жўнатишга нега шошаяпсиз? Балки бугун рейс йўқдир?

– Кечкурун Бишкекка самолёт учади, – деди Лобар. – Чипта топилса, бас.

– Майли, йигитларим кузатиб қўйишади, – ён босди мафия сардори, сўнгра янада юмшаб: – Зилола, бизга ўз вақтида қойилмақом хизмат қилдингиз, – деди. – Билиб қўйинг, Тагматни биз ўлдирганимиз йўқ.

Ёнокларидан ёш оқаётган жувон мутеларча бош лиқиллатди.

Иброҳим давангир ёрдами билан шошилинч равишда чипта топилди. Зилола самолёт йўлагига ўтиб олгач, бир марта ҳам қайрилиб қарамади. Эҳтимол, турк заминидан юрак олдириб қўйгандир; эҳтимол, ёмонликка яхшилик билан жавоб қайтарган дугонасига ўгирилиб қарамоққа юзи чидамагандир; эҳтимол, яна бир шумликни ўйлагандир...

Ҳар ҳолда Лобар хайрлашиш учун қўл силтамоқчи бўлиб ҳозирланди-ю... кўнгли ўксиди. Йўқ, у дугонасини пок саклаб қолганидан хурсанд эди, аммо қалбининг бир четида ишонч йиғларди, дўстлик йиғларди, муҳаббат йиғларди.

* * *

Машиналар Иброҳим давангир қолган меҳмонхона томон эмас, кенг ва серкатнов марказий кўчадан номаълум манзил сари шошилди. Қоронғи туша бошлаганди. Лобарнинг наздида, бу шаҳарга сайёранинг одам оёғи етмаган зулматли маконларидан одамсимон кўршапалаклар учиб келиб, инсон киёфасида меҳмонхоналардан жой олмоқда эдилар. Ва улар ҳадемай бошланажак катта кимор ўйинларида Лобар билан юзма-юз учрашади, карта сирлари-ю афсунлари, найранглари-ю тентакликлари тўкнашади.

– Бугун бўлак жойда тунайманми? – сўради Лобар Усмондан.

Мафиячи хаёлларини йиғиб олиб, жавоб қилди:

– Йўқ, мен бўлак жойда тунайман. Хўжайин бу кеча сизни меҳмон қилишини, нахотки, сезмаган бўлсангиз, хоним афанди?

Лобар елка қисиб, шаҳар манзарасига нигоҳини бураркан, Қувонни ўйлади.

– Мабодо билмайсизми, Қувонни қаерга олиб боришди булар?

– Билмайман, – деди Усмон, – билишнйям истамайман. Порт ишчиси бўла туриб димоғидан эшаккурт ёғилади-я!

– У кўнгли тоза, юраги кенг, мард йигит.

– Ўша сўтак ҳам сизни севадими?

– Ҳурматимни жойига қўяди... Унинг севиши шарт эмас. Уйдагилари ҳамқишлоқ қизга уйлантиришади уни.

– Э, мени севги афсоналари қизиқтирмайди, – Усмон Лобарга ўгирилиб олди. – Қурол ишлата олишингиз қизиқтираяпти.

– Тўппончангиз қанақа? "Макаров"ми? – сўради Лобар.

– "Риск".

– Тўппончалар ичидан "Макаров"ни, автоматлардан "Калашников"ни, милтиқлардан "Берданка"ни ёктираман.

– Ие, бориб турган ўрис экансиз-ку, – деди Усмон кулиб. – Танклардан қайси бирини ёктирасиз?

Лобар ҳам кулди. Кейин Усмоннинг тўппончасига имлади.

– Беринг-чи. Сизда "Макаров"ларни кўрган эдим-ку.

– Минг лаънат уларга, – деди Усмон ва ўқдонни чиқариб, кичик "Риск" русумли тўппончасини узатди. Лобар уни обдон томоша қилгач, Усмон секин шивирлади: – Хоним, сиз жойлашган меҳмонхона ертўласида "Б-икки юз" бор. Яшириб қўйганимни хўжайиним ҳам билмайди. Қуролга қизикар экансиз, эртага олиб кўрсатаман.

– Нима у "Б-икки юз"?

– Эшитмагансиз-да, хоним, у Америка денгиз пиёдалари қўшинида яқиндан бошлаб муомалага киритилган снайпер милтиғи. Уч минг кадамдаги нишонни беҳато уради. Бунинг устига денг, ироклик шоввозлар овоз тиндиргичи билан қўлга киритишган. Қаердан отаётганингизни ит ҳам сезмайди.

Лобар тўсатдан Қувоннинг снайпер эканлигини эслаб, Усмонга бағоят очиқ чеҳра билан қаради.

– О, афсонавий қурол денг! Ўз кўзим билан кўришимга ҳеч ишонмайман-да.

– Йигит сўзи, – керилди Усмон.

Машиналар шаҳарни бир айланишиб, яна ўша кимсасиз меҳмонхона кўчасига бурилди. Ичкарида уч йигит хизматда эди. Усмон Лобарни уларга топшириб, ўзи шошилишга кетди. Бу йигитлар қаттиққўл, интизомли, гўёки темирдан экан. Ҳар бири фақат ўзига топширилган ишни бажаради: на кулимсирайди, на гапирди,

на бамайлихотир ўтиради. Айникса, бири Лобарнинг хонасига кириб, кўзларини чакчайтириб туриб олиши қизик бўлди.

– Кечирасиз, мен дам олмоқчиман, – деди Лобар.

Қўл ковуштирган темир одам кўзини лўк қилиб, безрайиб тураверди.

– Туркчани тушунасизми? – қошларини чимирди Лобар ва турк тилида ўзбекча талаффуз билан: – Мен кийимимни алмаштирмоқчиман, ташқарига чикиб турсангиз, – деди.

Қоровулдан садо чикмади, аммо Лобар ўрнидан туриши билан у ёнига ўгирилди. Лобар ноилож устки кийимларини алмаштирди.

Кечки ўнларда Иброҳим давангир қайтиб келди. У машинада эмас, машина орқасидан чоғиб келган кишига ўхшарди.

– Итдай чарчадим, – деди у. – Овқатландингизми?

– Иштаҳам йўқ... Менга Қувон керак, у қаерда?

– Қўрқманг, ўлдириб қўйганимиз йўқ.

– У билан учрашаманми? Ё мени ҳам Маловер олқиндиларига ўхшаб Балеринадек асира қиморбозга айлантирмоқчимисиз?

– Ажал олсин уларни! Агар Қувонни жуда кўргингиз келаётса, телефонга ёзилган видеотасвирни намоиш этишимиз мумкин.

– Керак эмас.

– Унда овқатланамиз, – йигитларига кўз қисиб қўйди мафия сардори.

Шоҳона дастурхон тузатилди. Гўё мафия қироли ва қиморлар қироличаси юзма-юз ўтирарди. Ҳар бири ўз мулкида бекиёс кучкудратга эга эдилар.

– Қимор кунлари белгиланди, – деди Иброҳим давангир. – Мен ва менинг одамларим барчасига тайёр, шундай эмасми?

– Бу ерда қандай жараён кетаётгани менга қоронғи, – ўйчан ҳолда сўзлади Лобар. – Лекин баъзи нарсаларни сезяпман, айникса, қуролланган одамларнинг шайлигини. Мен фақат ўзимнинг тайёрлигим учун жавоб бераман.

– Албатта, албатта, – чой ҳўплади Иброҳим давангир, – ўйинга тайёرمىсиз деб сўрамоқчийдим... Ох-ох, котлетлардан олинг. Нима дейсиз, шунча есам ҳам нега семирмайман-а? Лақабимни эшитгандирсиз, бутунлай тесқари!

– Гап лақабда ҳам, жисмоний бақувватликда ҳам эмас. Фикримча, сиз учун бойикларингизнинг "семириши" кўпроқ афзал.

Иброҳим давангир қулиб юборди-да, мавриди келди деб илк беҳаё гапни оғзидан чиқарди:

– Аммо озғин эркалар аёлларни кўпам кийноққа солавермайдилар-да.

Лобар бунақа давраларда юзи қотган жувондек:

– Гапингиздан касалманд эрканинг хиди келаяпти, – деган эди, мафия сардорининг томоғига овқат тикилиб, ўқчиди. Нафаси бўғилиб, кизарди.

Овқатдан сўнг у Лобарни пар тўшаклар солинган, хира чироклар ёнган, хушбўй ҳидли, сокин хонага бошлаб борди. Пультни босган эди, майин вальс куйи таралди.

– Рухсат этинг, – деди Лобарнинг кўли ва белидан тутиб. – Каминани қонхўр жиноятчи деб ўйламанг, ҳис-туйғуга бой мендек сентиментал мафиозни Италиядан ҳам тополмайсиз.

Улар вальс туша бошлашди. Бирок энди бундан ортиғига йўл кўйиб бўлмас эди. Ҳаял ўтмай, Лобар мафия сардорининг нозик кўлини белидан олди.

– Ишдан гаплашайлик...

– Иш? "Иш" нима дегани ўзи?.. Айтдим-ку, кимор кунлари белгиланди...

– Қачон, ахир?

– Эртадан бошлаб уч кун Истанбулда, кейин Тошқалъада, – деди Иброҳим давангир Лобарга еб кўйгудек тикилиб. – Балерина Истанбулда ўйнамас экан, катта ўйинда иштирок этади. Биз эса Истанбулдан бошлаймиз. Лобар, уларни бир бошидан тинчитиб келаверамиз, розимисиз?

– Майли, лекин мен бугун Қувонни кўришим керак.

– Оббо, видеотасвирини кўра қолинг.

Иброҳим давангир чўнтак телефонининг тугмачасини босиб, Лобарга тутди. Ерда аллақандай кимса бўйни қайрилган ҳолда чўзилиб ётар, оппоқ деворларга қон сачраган эди.

– Нима қилдинглар?! Лобар қичкириб юборди.

Иброҳим давангир Лобарни тўшакка итариб йикитди-да, тугмаларини ечиб:

– Биз сени кимор баҳонасида алдаб, тузоққа туширдик, жуда ҳам гўл экансан. Қара, ахир, мен Маловерман-ку! – деб кўксига урди.

Лобар чинкириб юборишдан ўзини зўрға тийиб қолди. Негаки мафия сардорининг кўзларида қаҳру ғазаб, важоҳат ва қасос алангалари йўқ эди. У шунчаки артистлик қилаётгани яққол сезилиб турарди. Тугмалари ечилгач, кўкрагида "Д" шаклидаги улкан чандик

кўзга ташланиб, Лобарнинг кўнглини беҳузур қилди, холос. Шу тобда у Лобарнинг бошига энгашиб тургани учун, назарида, қизариб-бўртиб, гўё хилкиллаб турган жароҳат томиб тушадигандек туюлди.

– Қаранг, канчалар хунук менинг юрагим усти, – деди Иброҳим давангир.

Лобар мафия сардорини нари итариб, ўрнидан турди.

– Нима ҳазил бу, бей? – деди жаҳл билан. Сўнг телефонга бармоғини нуқиб, давом этди: – Қувонга нима бўлди? Бу нусха унга ўхшамаяпти!

– Ҳа, бу Қувон эмас, менинг йигитим. Қувонингиз ўлдириб қўйишига сал қолибди. Бурнига чунонам урибдики, қаранг, деворга боши билан тўқнашиб, хайр-маъзурни насиё қилиб у дунёга жўнашига бир баҳя қолибди.

– Кейин Қувонни нима қилишди? Ўртага олиб дўппослашдими?

– Хурмат қилиб тўрга ўтказармиди? – мафия сардори тугмаларини кадашга тушди. – Уни ҳозир шу ерга келтиришади, у ер-бу ери шилинган бўлса, ўзидан. Одам деган қутуриб кетмаслиги керак.

– Энди гумон қилмассиз?

– Гумонсиз яшаб бўларканми? Гумон ва шубҳа бизнинг ишда хавфсизликка чорловчи бош омил. Лобархон, сизга айтиб қўяй, кўзимга яқин аёлсиз. Жаҳлингиз чиқмасин-ку, шу кечани ростдан ҳам сиз билан ўтказмоқчи эдим. Мени хушторингиздан афзал кўрмай, қайсидир маънода садоқатли эканлигингизни кўз қарашингизданок исботладингиз. Майли, Қувон билан тунашингизга ижозат бераман. Бирок унга ишимиз хусусида лом-лим демайсиз. Бир фалокат чикса, уни ўлдираман. Сиз билан эса Маловер киёфасида гаплашаман. Бу – аёл учун ўлимдан ёмон жазо.

– Туркияга ўғлим ва отаси учун келганман. Аммо қалбимдан Қувон ҳам ўрин олганини сизга айтдим. Ўғлимнинг отаси Москвадаги кимордан сўнг (агар Сицилия томонлардан тирик қайтса) ҳеч қачон мен билан яшамайди. Юрагим бўшаб қолгандек, Иброҳим бей. Ишонасизми, ҳал қилувчи ўйинларда Қувон менга таскин бера олади.

– Бирок у кимор ўйнаётганингизни билмаслиги лозим-ку! Сиз яна нима демоқчисиз?

– Қимордан бўш вақтларимни у билан ўтказсам дейман. Наҳотки, уни шунчалик хавфли одам деб ҳисобласангиз?

Иброҳим давангир ҳам ўрнидан турди. Бошини қийшайтириб, безбетларга ўхшаб тикилди.

– Менга қолса, – деди дона-дона қилиб, – ота-онангиз, эрингиз,

ўғлингиз, кўни-кўшниларингизни бир самолёт килиб опкелиб, меҳмонхонамни ижарага олинг эди. Қимордан бўш вақтингизни уларнинг даврасида бажонидил ўтказаверардингиз. Худди ишга кетаётгандек киморхонага хизмат машинасида бориб келаверардингиз. Асло қаршилигим йўқ, нима, биз одам ўлдираяпмизми? Ё давлатга қарши иш қилаяпмизми? Бирок... – дея алоҳида таъкидлашга ўтди мафия сардори, – бирок шуни унутмангки, Лобархон, бу кимор оддий киморлардан эмас. Бунда қуролланган бутун бир тўдалар, миллионлаб долларлар, қиммат-қиммат мулклар учрашадилар. Балки ҳаммасини қириб ташлашимга тўғри келар? Бу нима дегани? Жуда катта шов-шув бўладиган қирғин-барот дегани! Ҳали Тошқалъада ўқ садолари тинмасдан устимизга полиция, хавфсизлик хизмати ходимлари, интерпол, МРБ жосуслари қузғунлар мисоли ёпирилиши мумкин. Бизларга сичқоннинг ини минг танга бўлиб қолмаса гўрга дейман. Шундай вазият олдидан биз бекордан-бекор соддалик билан Қувонга ўхшаганларни ёнимизда сайр қилдириб юролмаймиз.

– Агар воқеалар шундай тус олса, икковимизнинг ҳам умримизга нуқта қўйишади, – деди Лобар. – У ҳолда менинг кимор ўйнашдан мақсадим нима? Лаънати тўдаларни қириб, қочиб кетишми, оиламни қутқаришми?

– Иш қочишгача бормаиди, – кўз қисиб қўйди Иброҳим давангир. – Бу ёридан хотиржам бўлинг. Сизга хавф тўғрисида бир-икки оғиз валақладим, маъзур тутасиз. Ўша иблисларни билмайсиз. Ўзларини ўкка тутиб берармиди, эҳ Лобархон, Лобархон! Фақат Қувонни шундай кунларда ўзингизга ҳаддан ташқари яқин олаётганингиз менга ёқмаяпти.

– У сизга ҳалакит бермаиди.

– Ваъдангиз керак эмас. Мен унинг ўзи билан гаплашаман.

* * *

Улар ёп-ёруғ бошқа хонага чиқишиб, мевалар ва ичимликлар қўйилган ойнаванд стол теварагидан жой олишар экан, пойлаб турган хизматкор йигит дарҳол телевизорни ёқди ва ичимликлардан қуйиб, эшик ортига даф бўлди. Тамшанган Иброҳим давангир турк шарбатни ютоқиб ичди-да, Лобарга қаради.

– Жудаям сурбет одамман-а? Ҳозиргина сизни йўлдан урмоқчи бўлдим, энди эса қаршингизда акангиздай ўтирибман.

– Узр, сизни нима қилган бўлса, танлаган ҳаёт йўлингиз қилган. Асли тоза одамсиз.

– Қойил, буни қандай билдингиз? Мен Анкара университетини тамомлаганман. Отам профессор, онам оддий ўқитувчи. Уруғимиздан қароқчи чиқмаган, бахтга қарши мендан ташқари.

– Ёш бўлсам-да, бир неча марта бир неча хил жинойтчиға дучор бўлдим, – деди Лобар номигагина шарбат татир экан. – Улар жуда-жуда ифлос одамлар! Кўз олдингизда атайин якин дўстингизни ўлдиришади, кизларни зўрлашади, оғзига келган шалок сўзни аяшмайди.

– Улар мафия эмас, – завқланиб кулди Иброҳим давангир. – Худо ҳаққи, сиз тарбиясиз жинойтчилар, қаланғи-қасанғи шайқалар ҳақида гапираяпсиз.

– Тарбияли жинойтчилар ҳам бор эканми? – кулгу энди Лобарга кўчди.

– Мен "тарбиясиз" дедим-ку, Лобархон.

Лобар яна кулгидан ўзини тўхтатолмади ва боладай анграйган мафия сардорининг эғнига охиста уриб қўйди.

– Ҳақиқий акамсиз, Иброҳим бей, – деди Лобар. – "Тарбиясиз жинойтчи" деган жумлани ишлатаяпсизми, демак, одамда ўз-ўзидан савол пайдо бўлади: "тарбияли жинойтчи" қанақа бўларкин?

– Мен ўзимни тарбия кўрган одам ҳисоблайман! – хитоб қилди турк туркчасига завқ-шавққа тўлиб. – Оллоҳ-оллоҳ, булар камина ҳақида қандай қора ҳаёлларда юришади-я! Эй қардош қизи, қўлингизни беринг. Шу чиройли ва сеҳргар қўлларни ушлаб онт ичиб айтаманки, сизни топишимдан ва киморга таклиф этишимдан мақсадим – пул кутуртирган лаънати киморбозларни сариқ чақасиз қолдириш, ютуқларни савоб йўлига сарфлаш, улуғ хизматлари учун шу аёлгинанинг ёлғиз боласини топиб бериш, эрини ватанига соғ-саломат қайтариш!

– Миннатдорман, бей афандим...

– Қолаверса, иккимиз ҳам жабр кўрган МалOVER саркитларидан қасос олиш! Кўрдингиз-ку, улар менинг кўкрагимга темирни қиздириб босишган... Э-э, бу йўлга қандай кириб қолганимни билмайсиз-да! Ҳеч сезмай қолганман, ҳеч! Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, кунларнинг бирида уйғониб, кўзгуга қарасам, мафия сардориман. Ишонинг, мен фақат бизнесмен бўлмоқчи эдим. Меҳмонхоналар, ресторанлар очдим, қорхонамни ишга тушираётим, Россияда МалOVER тўдасига

дуч келдим. Атрофимда ёрдамчим, шахсий котибим, яна бир меров ходимим бор денг!.. Роса таъзимни еб, бошим деворга урилгач, йигитнинг лочинларидан тўпладим. Униси ундай деди, буниси бундай, қарабсизки, мулкларим кўпайиб бораверди. Рекэтлар думини кисиб, вангиллаб қоча бошлади. Худо кечирсин, "фалончини йўқотиш керак" десам, шотирлар ўлдириб, калласини узиб келишдан ҳам тойишмайди.

– Охир қамалиб ҳам олдингиз...

– Оҳ, буни ким айтди сизга? Усмонми? Аммо-лекин қамокқа шерга айланиб бўлгач, тушдим. Ана шунақа пайтда билинар экан ким эканлигинг!

Хизматдаги йигит қайтиб кириб, маълум этди:

– Хўжайин, ҳалиги болани олиб келишди.

Мафия сардорининг қовоғи уюлиб, ҳозиргина гап бериб ўтирган дилкаш инсондан тунд кимса айланди.

– Келтиринглар, – деб амр қилди у.

Шу он икки ёнида икки барзанги билан Қувон кириб келди. Қўли кишанланган, юзи моматалок, йиртилган кийимларида қон қотиб қолганди.

– Нима, у отмиди тушовлайсанлар, – деди Иброҳим давангир. – Қани, ечинглар, у бизнинг азият меҳмонимиз. Шу ерда тунайди, оғир ва ҳалол жангдан сўнг, албатта, суюкли ёри билан.

Лобар уни бурчакдаги диванга бошлаб бориб, жароҳатларини кўздан кечирди. Қувон ҳеч кимга қарамай, ҳамон мағрур ўтирар, афтидан, мушт, тепки, худо билади, яна алламбалолар зарбидан олган жароҳатларига мардона чидамоқда эди. Лобар иссик чой ичирди.

Сабр қилиб ўтирган Иброҳим давангир киморбоз аёлга сирли кўз учуриб қўйиб, Қувонга деди:

– Қалай, зўр аёлми?

Қувон ижирғанаётган одамга қараб ҳам ўтирмади, саволлар қайнаётган нигоҳини Лобарга бурди.

– Хотинфурушлар билан ҳамтовоқ бўлиб юрганингизнинг сабабини билсам бўладими? – деб сўради. – Бизнесингизнинг янги тури эмасдир?

– Ҳозиргина буни сизга айтмасликни келишиб олдик, – деди Лобар.

– Мени бу киши билан боғлаб турган ришта, сиз айтгандек, хотинфурушлик ҳам эмас, бузуқчилик ҳам. Умуман, муҳим бир иш: Парвизни биргаликда ахтараялмиз.

Кувоннинг юзида норозилик, "шунга ишониб ўтирибсизми?" деган куйиниш зоҳир бўлди. Бир лаҳза Лобарга тикилиб қолди. Кейин:

– Ўғлинигини? – деди. – Мен ҳеч насага тушунмаяпман.

– Ўғлимининг қабри очилиб, текширувдан ўтказилди. У қабридан топилмади. Мен сал аввалроқ Москвага бориб, Парвизнинг Италияда тушган суратини топиб келдим. Сўнгра тақдир йўллари бу ерга – сиз кўриб турган мана шу одамга учраштирди. Кувон, бу одамлар ёмон эмас. Менга ишонинг, ёрдам беришмоқчи.

– Сен эса йигитларимни қалтаклаб ўтирибсан, – гапга қўшилди Иброҳим давангир. – Худо кўрсатмасин, бўйнидаги ўқ томири узилса нима бўларди? Учта боласи етим қоларди бечоранинг... Хўп, мен ҳам дам олай. Эртагача хайр. Чирокни ўчиришни унутманглар, электр ҳақини қизғанаётганим йўқ, азбаройи худо.

Мафия сардори чиқиши билан қимдир эшикни сиртдан қулфлади. Кувон хонани зимдан кузатиб, нигоҳини Лобарда тўхтатди.

– Бу нима томоша? Уларнинг яхши одамлар эмаслигини, наҳотки, сезмаяпсиз?

Лобар кўзларини ҳузур қилиб юмиб, Кувонга яқинроқ сурилди ва деди:

– Гумонсирайверманг, Кувонбек. Эҳ, мени табриклаш ўрнига хафа қилаяпсиз. Ўлди деб ўйлаганим, тобутни қучиб йиғлаганим, қабрига гуллар қўйганим тирик! Ҳа, ҳа, тирик! Душманларим уни ўликдек қотириб қўядиган заҳар бериб, қоронғи тушиши билан гўрдан қазиб олишган. Боякиш гўдаккинам! Беш ёшида гўрга кириб чикди-я!..

Улар ётоқхонага киришди. Вальсбоп мусика ҳали ҳам таралмоқда эди. Кувонга бу хона унисидан-да ёкмади.

– Эрингиз ёлғиз юборганига хайронман, – деди Кувон.

– Уни Россияда йўқотиб келдим.

– Эй Худо! Сиз қанақа аёлсиз-а?! Тавба, қандай йўқотдингиз? Сал жўнроқ гапларингиз йўқми?

– Мен шунақа бўп қолдим...

Иккови диван четига ўтиришди. Бир-биридан кўз узмас эдилар.

– Уришмайсизми, мен яна қарта ўйнадим, Абдулла акани ютқаздим. Улар эримни Туркияга алдаб олиб келишиб, Сицилия томонларга сотиб юборишибди. Бечора жуда касалманд эди, аҳволи нима бўлди экан? Ўғлиларидан ҳам балога қолдим, нимасини сўрайсиз, Кувон! Энди уйга қайтиб боришга ҳам ҳолим йўқ. Мол-мулкларимни сотганман, қўриқчи ёллагандим, иккаласиниям Россияда кўз ўнгимда

отиб ташлашди. Кўрдингизми салкам адойи тамом бўлдим. Ишонганим шу икки қўлим. Сиз ёрдам беролмайсизми, Қувон?

Йигит оҳиста бош чайқади, бармоғини лабига теккизиб, индамай ўтирди. Бир пасдан сўнг, деди:

– Қўлимдан бирон иш келмайди, – шундай деб Қувон чўнтагидан қоғоз-калам олиб, ниманидир ёзди ва шошиб узатди, – бизни бу одамлар хоҳлаган қўйларга солиши мумкин.

Лобар Қувон узатган хатни синчиклаб ўқиди: "Хонага микрофон ўрнатилган".

Қувон панд-насихатини давом эттираётганда, Лобар ҳам хат ёзди: "Улар мени катта кимор ўйинига таклиф этишди, ютсам, эрим ва ўғлимни топиб беришади".

– Худо хоҳласа, ҳаммаси яхши томонга ўзгаради, – Қувон гап орасида жавоб хати битди. Мактубни ўқиган Лобар Қувонга табассум ҳада этиб, бош силкиди. Зеро, Қувон куйидаги сўзларни битганди: "Қанча ваъда бермасин, сизни буларнинг орасига ташлаб қўймайман. Қандай ёрдам кераклигини ёзинг".

Кейинги мактуб шундай бўлди: "Қувон, кимор ўйнамасдан иложим йўқ. Сизга битта топшириқ бераман: снайпер милтиғи билан мени олисдан ҳимоя қиласиз".

Қувон жавоб ёзди: "Сиз бу тўдадан қурол ёрдамисиз чикиб кетолмайсиз. Аммо милтиқ қаерда? Сиз учун уларнинг ёвуз башараларига ўқ узишга розиман".

Лобарнинг жавоби: "Насиб этса, эртага "Б-икки юз" деган милтиқни қўлга киритаман. Овоз тиндиргичли".

"Американики, шекилли?"

"Ҳа, шу уйда сақланаяпти. Қиморхона манзилини бераман. Мен ишбара қилган одамни (у россиялик қотил) отиб ташлайсиз".

"Кимни отишни ўзим ҳам биламан".

"Қувон, Иброҳимнинг одамларини отмасликка сўз беринг..."

"Буни кейин гаплашамиз", деб ёзди Қувон сўнгги хатини. Кейин эса қоғозни ёкиб юборди.

Лобар унинг кўкарган, шишган муштига нозик, оппок, момик қўлини қўйди. Аёлнинг тана ҳарорати йигитниқидан анча баланд эди.

– Севаман деганимда ҳаяжондан ўзингизни йўкотдингиз-а? – деди Лобар. – Энди сиз билан аввалгидек оддий гаплашолмайман. Бошқача гаплашмоқчиман... Қувон мен билан ўзгача бир ҳолатда, кўзларингизни юмиб, қулоқларимга шивирлаб гапиришни истамайсизми?

Улар ўтирган жойларида илк марта бир-бирларини кучоклади, бир-бирининг исига сархуш бўлди. Шунча вақтдан бери Лобар Қувоннинг чўян оғуши қанақа экан, қаймоқдай эриб кетсам керак деб ўйлаб юрарди. Қувон ҳам не-не хаёлларда юргандир? Ўзидан катта, бадавлат хонадон соҳибаси, бекиёс соҳибжамол жувон унинг кучоғида таслимми гўё бўлган айти шу чоғ...

– Чирокни ўчираман, – деди Қувон.

Меҳмонхонанинг ҳар иккала хонасида чирок ўчди. Аллақаерда, йўлакда шекилли, кимдир рюмкани деворга отиб, чил-чил синдирди.

Эшикдаги қоровуллар тасаввур қилганига монанд бўлмаган ҳолда ичкаридагилар ҳамон эски ҳолатда ўтиришарди. Бир-бирини кучоклаган Лобар ва Қувон, гарчи тўшакда бўлсалар ҳам, хаёлларида бошқа нарса эдилар. Бўлғуси оғир жанглар олдида севишганлар бир-бирига қандай далда беради? Унсиз мардона оғуш қудрати!.. Уларни ҳеч ким ажратолмайди...

Ниҳоят, кўзлари юмила бошлади.

* * *

Тонг отган чоғда ошиқ-маъшуклар ойнаванд столга тирсакларини тирашиб, ширин суҳбатлашиб ўтиришарди. Биринчи бўлиб Усмон кириб келди. Иккиси ҳам кимир этмади. Айниқса, Қувоннинг менсимагани Иброҳим малайининг нафсониятига тегди.

– Шайтон олсин сени, – сўкинди мафиячи. – Қаерга борсам кўзингни лўк қилиб оёғим остида чикасан. Кўча-ку майли, бизнинг хонимнинг ётоғида бало бормиди?

– Усмон бей, – деди Лобар унинг ахволи-рухиясига кулгиси қистаб. – Дўстимдан нафратланишингизни кечадан бери биламан. У хозир кетади, ҳеч бўлмаса, менга кулиб қаранг.

Усмон масҳаромуз тиржайди. Сўнг яна Қувонга қараб:

– Вой-дод, энди бу стулларга ҳам ўтирмайдиган бўлдим. Швайн! – немисчалаб бақирди у. – Швайн! Ва яна швайн!..

Қувон Лобарга деди:

Желкесар желкасида жумалаган қочарга ўхшаб, мнов нимага жўртийди? Ойтинг, жопсин ўрасини! Жўқса катта энасиника қаратиб жумалатаман мужилдирикни!

Усмон ҳам ўз навбатида Қувоннинг қипчоқ лаҳжасидаги таҳқирларини тушунмай анграйди.

– Хоним афанди, бу қозоқми?

– Ким бўлгандаям ҳаммамиз Одам Ато фарзандларимиз, – Лобар жозибадор жилмайди. – Аммо сиз аэропортда ҳақиқий турк ўғлони бўлиб кўрингансиз, ана шундайлигингизча қолсангиз дейман.

– Алдагани эркак яхши сиз аёлларга, – деган эди, Усмоннинг гапларига тоқати тоқ бўлган Қувон ўрнидан оғриниб турди.

Усмон сезилар даражада кизарди, аммо Қувон унга эмас, Лобарга қараб:

– Бўпти эса, Лобар, мен борай, – деди.

– Бор, бор, – қўл силтади Усмон.

– У энди ҳар кеч мен билан тунайди, – гап суқди Лобар.

– Бекор айтибсиз, хоним афанди, энди сизда бўш кечаларнинг ўзи бўлмайди, – деди Усмон тантанавор ва бирдан тилини тишлади. У кимор ўйинларига ишорат қилиб қўйганди. Қувон мугомбирлик ишлатиб, ҳеч вақони пайкамаган қаби хонадан чиқиб кетди.

Иброҳим давангир йигитларидан бири Қувонни машинада марказий кўчаларнинг биридаги бекатга ташлаб келгач, кечадан бери гавжум меҳмонхонанинг хос хонасида Лобарга нонушта таёрланди. Мафия сардори аллақаяққа чиқиб кетган, қораси кўринмасди.

Нонушта охирида Усмон кириб, бурчакка ўтирди.

– Қарта сирларини менга ўргатиб кетиш ниятингиз йўқми?

– Эсингиздами, кеча нима деганингиз?

– Ўх! Демак, бир нима дебманки, гапимни қайтариб олсам, икковимиз келиша оламиз. Тўғри топдимми?

– Тополмадингиз. Бутунлай тесқари гапирдингиз. Яъни гапингизни қайтариб олишни эмас, устидан чиқишни ўйланг.

– Нима?..

– "Б-икки юз", – пичирлади Лобар.

– "Б-икки юз"? Сиз уни сотиб олмоқчимисиз? Яъниким, қарта ўргатиш эвазига?

– Кўрсатинг мақтаган матоҳингизни.

– Бажонидил. Аммо у билан қўлга тушсангиз ҳолингизга маймунлар йиғлайди. Ватанингизга олиб кетишнинг ўзи энг катта муаммо.

– Ташвишланманг, у ёғи сизнинг муаммонгиз эмас.

Меҳмонхона ертўласидаги хоналардан бирида сейф бор эди. Усмон чироқни ёққанида ашқол-дашқоллар уқулиб ётган кўримсиз, зах ва совуқ хона ярқ этиб ўзини кўрсатди. Сейфнинг пастки бўлмачасида қисмларга ажратилган снайпер милтиғи ва ўқдонлар яширилган экан.

Усмон қуролни тиклаб, ҳатто ўқдонни ҳам жойлаштирди.

– Мана, – деди у Лобарга тутқазиб.

Лобар милтикнинг у ёк-бу ёғини кўрди.

– Яхши милтиқ экан, – деди у, – отмасдан сездим. Қисмларга ажратиб, сумкага солинг, мен уни хонамга чиқариб қўяман. Бу ерда "Б-икки юз" борлигини сиздан бошқа ҳеч ким билмайдими?

– Ҳозирча йўқ. Лекин хонангизга чиқариб қўйсак, тинтиб қолишса, тамом. Сизга ўқ отар қурол бериб меҳмонхонадагиларни хавф остига қўйганим учун калламни олишади. Умуман, сиз билан бирон нарсга олди-берди қилиш ҳам қатъиян тақиқланган, ҳатто гул ҳам.

– Аҳмоқ бўлманг, Усмон бей. Сизга "қора қарта ракси"ни ўргатаётганимни эшитган Иброҳим давангир ҳеч қачон хафа бўлмайди. Мен бирон кун кетаман, сиз эса профессионал қартабозга айланиб, хўжайинингизга умрбод хизмат қиласиз. Ҳаммангизга хавф солишим эса бутунлай бўлмағур гап! Ўғлим, эрим, мана, ўзимнинг тақдирим нима бўлади?

– Барибир бу ўйинчоқ эмас-да, хоним.

– Хонамга мен йўқлигимда қўриқчилар кирмасин. Сиз ва Иброҳим бейнинг ҳаққи бор нарсаларимни текшириб кўришга. – Хуллас, икковингиз ҳам текширмабсиз.

Усмон иягини ўйнатиб, чуқур ўйга толди. Иккиланиш унда ҳаддан ташқари кучли эди. Ахийри, Лобарнинг таклифидан кўз юмиб кетолмади. Эҳтимол, "бу аёл милтикни нима қила оларди? Охир-окибат ўзимга ташлаб кетишга мажбур бўлади", деб ўйлагандир.

– Розиман, – деди Усмон.

* * *

Қиморхонага ҳаммаси биргаликда ташриф буюришди. Эшик олдида кутиб олган йигитни Лобар кеча меҳмонхонада учратганди. Бутун бинони Иброҳим давангир одамлари эгаллаган кўринади, чоғи.

Ўртага бильярд столидек яшил стол қўйилган эди. Бирварақайига етти кишидан ўйнайдиган бўлишди. Ютқазиб, ўйиндан чиққанлар ўрнига янгилари қўшилиши мумкин. Ўйин доллар ҳисобидан эди. Одам, транспорт, кўчмас мулк ва тилла такинчоқлар тикиб ўйнаш ман этилганини эълон қилган европача калта оқ соқолли барваста эркак Лобарга қарата кўз қисди.

– Эшитдинглар-а? – деди у зални ларзага келтириб. – Қиморга аёллар тикилмайди!

– Сиз айнан "аёллар" деяпсиз, – лукма ташлади юзи тиртик чечен, – қизлар-чи? Қизлар мумкинми? Уларсиз кимор – тешик чакмон!

– Қизларни катта холангизнинг киморхонасида тикасиз, – деди ок соқолли киши.

– Жин ургур чол мени ҳақорат қилди! – қичқирди чечен. – О-о-о, менинг ингуш аралаш коним! Нега кўпирмаяпсан, туркни бўғиб ўлдирмаяпсан! – Кейин у ҳаммага аланг-жалаңг, масхаромуз қараб чиқди. – Ҳазилга ҳазил, – деб кўшиб қўйди у.

Юз минглаб доллар умидида ўтирган киморбозларга патнисда йигирма хил карта келтирилгач, ок соқолли киши бирини олиб очди. Кераксиз карта доналарини ташлади-да, қолганларини текшириб кўрди ва:

– Марҳамат, – деди жимферда ўтирган баланд бўйли туркка.

Айнан шу одам киморни бошлаб берди. Лобар унинг қўл ҳаракатларида янгиликни сезиб, тажрибали картабоз экан, деган ҳаёлга борди.

Қиморбозларнинг ортида биттадан ёрдамчи ўтирарди. Ўйин вақти уларнинг тик туриши, бошқа киморбоз томон бўйинини чўзиши мумкин эмасди. Шеригига паст овозда маслаҳат солишгагина ижозат берилганди. Аслида уларнинг бош вазифаси сумкадан доллар олиб бериш ва ютуқларни йиғиштириш эди.

Лобарнинг ортида Усмон ўтирарди. Етти-саккиз кадам наридаги столлар теvaraгиде Иброҳим давангир ва йигитлари жойлашиб олишган, бошқа киморбозларнинг одамлари ҳам тўда-тўда бўлиб зални ишғол қилишганди. Сигарет тутуни қоплаган, гўнғир-гўнғир ва йўтал тутган мўъжазгина зал биронта ҳам яхши одамни сиғдирмагани маълум эди.

Лобар лаънати кимор ўйинлари бир ҳафтага бормай хотима топишини юракдан истаб, хўрсиниб қўйди.

– Кайфият қандай? – сўради Усмон.

– Яхши...

Лобарнинг ярим ўгирилганидан фойдаланган мафиячи янада паст овозда шивирлади:

– Ўйинни бошлаган одам "Истанбул қашқирлари" тўдасининг бошлиғи.

Дастлаб Лобарга ўйнаш учун имкон қолдиришмади. Бу ҳар қўлда беш минг доллар асфалософилинга равона бўлди, деган эди. Бой берилган миқдор ўттиз минг долларга яқинлашганда, Лобар икки

туркни мағлуб этиб, чечен билан юзма-юз колди. Чечен киморбози нукул иршайрди. Ўз тилида алланима деди-да, "етти-чиллик"ни ташлади. Шу ерда Лобарнинг омади чопди: у шундоғам хужумни "туз-чиллик" билан бошламокчи эди, дакика ўтмай, чечен, енгилди. Ўртадаги ютук жуда катта эмасди. Усмон дарров санади-да:

– Бир юз йигирма минг доллар, – деди.

Лобар бирдан Шомилни эслади. Дарҳақиқат, ундан ҳамон бир юз йигирма минг доллар қарз бўлиб келмокда. Ҳозирги ютукнинг нақадар мос тушишини!

– Сиз, – деди Лобар чечен киморбозига, – Чеченистонданмисиз?

– Шундай, аммо сенинг кизиқишларингга калта иштонимни ечиб мукофотлаш истагим йўқ.

– Тўғри гапиринг, Шомил деган собиқ қартабозни танийсизми?

– Шомил?! Ўҳ, сени қара-ю! Акамни қаердан биласан? Гапир, гапирсанг-чи! Балки ўғлининг онаси сендирсан?! Биз оиламиз билан сени ахтараётгандик, боласини олиб кетсин деб!

Лобар чечен киморбозига ажабсиниб бокди, сўнг нигоҳини Усмонга, кейин орқада ўтирган мафия сардорига қадади.

– Бу одам ўғлимнинг қаердалигини биларкан, – деди ўзини хотиржам тутиб. – Навбатдаги найранг бошландими, сиз нима дейсиз, бей? Гапига қараганда ўғлим уларникида эмиш. У...

– Бас! – Иброҳим давангир ўрнидан сачраб турди. – Аввал бунни аниқлаш керак!

Лобар чечен киморбозига қараган эди, у сурбетларча иршайиб, ўз ёқасини елпиб кўйди. Бироқ мафия сардори кўйнидан оғир, оқ копламали тўппонча чиқариб, чечен киморбозига жуда яқин борди-да, қаншарини мўлжалга олди.

– Кимсан?! – деди Иброҳим давангир. – Саволимни такрорламайман, алдасанг тепкини босаман!

Атрофдагиларнинг қай бирларида тўппонча бўлса, зудлик билан қўл югуртиришди; айниқса, "Истанбул қашкирлари" тўдаси йигитлари хўжалари ёнига чопишди. Бир лаҳза даҳшатли сукунат чўмди. "Бунақада кимор охиригача бормайди", – хаёлидан ўтди Лобарнинг.

– Галварслар! – ҳаммани сўқди баланд бўйли, нимчали турк. – Бу нима қилганларинг? Иброҳим, ҳозир қанақа отишма бўлишини биласанми? Йўқ, сен гапимга кулоқ сол! Тўрт томондан тасир-тусир ўқ ёғилади. Сен ҳам, мен ҳам ўламыз. Истайсанми шуни?!

– Истагим бошкача, – деди Иброҳим давангир. – Агар истагим одам ўлдириш бўлганида ўрнимдан турмасдим ҳам. Битта имо килардим, холос.

– Унда нима керак сенга?! Қартабознинг жазоси ўқ эмас, тушир тўппончангни. Ўйинни давом эттирайлик. Ўзинг даврамызга чиройли жононни олиб келасан-у яна ғавғо кўтарасан! Чечен нима деганини билмайман, аммо одамнинг биринчи бўлиб гап отди. Тўғрими, биродарлар?

Қиморбозлар "Истанбул кашқирлари" тўдаси бошлиғининг гапини маъқуллаб, бош силкишди, айрим четдагилар Лобарга очикчасига таъна қила бошлашди.

– Ўғлим каерда? – сўради Лобар чечен қиморбозидан. – Гапингиз учун жавоб беринг, рост сўзладингизми ёки сиримни эшитиб мазах қилаяпсизми?

– Буни кимдир ёллаган! – тўппончасини силкитди Иброҳим давангир. – У атайин бизнинг қиморбознинг асабига ўйнапти.

Чечен қиморбози яна иршайди ва бир туки ҳам қилт этмасдан Иброҳим давангирга боқди.

– Нима, ҳазилни тушунмайсанларми? – деди у. – Мен Шомилнинг укасига ўхшайманми? Аввал суриштир, Шомилнинг укаси борми, йўқми? Бу ойимчани сал кам бир йилдан бери танийман, – қиморбоз энди Лобарга ўкрайди, – ўғлини менинг миллатдошим чет элда даволатаётгани, ойимча эса ким ўғлимни топиб берса, ўшанинг ракибларини ютаман, деганини – барчасини эшитганмиз, биламиз. Агар ростдан ҳам ўғли бизнинг оилада бўлганида, шунча одамнинг олдида гапирармидим?! Ўзи билан якка гаплашиб, қайтанга сенинг ўзингнинг терингни шилдиардим.

– Битта гапни айтиб қўяй, – дея Иброҳим давангир тўппончасини ғилофга солди, – менга ва Лобархонимга неча сўз айтган бўлсанг, шунча ўқ баданингни тешиб ўтади. Қимордан сўнг гувоҳлар олдида оёқларимизни ўпиб узр сўрайсан ва шундагина омон қайтасан ўша юртингга!

Қиморбоз ўз тилида нимадир деган эди, сал нарида турган чеченлар бир-бирига қараб кулиб қўйишди. Иброҳим давангир ортига қайтар экан, бошқалар ҳам куролларини тушириб, ўрниларига ўтира бошладилар.

Ўйин узилган жойидан давом этди. Тунги иккиларга бориб, Лобар ва "Истанбул кашқирлари" тўдаси бошлиғидан бошқалар бор пулларидан айрилишиб, шумшайиб қолдилар.

Қиморбозлар тарқалишидан аввалроқ чеченистонлик қартабозлар ювиниш хонаси дарчасидан чикиб, жуфтакни ростлагани маълум бўлди.

– Ортидан қувманглар, – деди турк мафияси сардори. – Улар ўлимдан ёмон иш қилдилар, энди Туркияга кадамларини ҳам босишмайди.

Йўлда кетаётганларида Усмон:

– Кўрдингизми, рақибларингиз нозик томонларингизни билиб олишган, – деган эди, Лобар ниҳоятда толиққан, аламзада кўзларини мафиячига тикиб турди-да, ахийри:

– Нозик томон... Ҳа-а, нозик томон... Сизлар ҳам шундай фойдаланаяпсизлар-ку, – деди.

* * *

Биринчи ўйин шу тариқа якун топди. Лобар ҳақиқатан жуда толиққанди. Бир миллион долларга яқин пул ютган бўлса-да, ўзини ютқазгандек ҳис қилмоқда эди. Ичига чироқ ёкса ёришмас, кўзига ҳеч нарса кўринмасди. Меҳмонхонага қайтаётиб қиморбозларни кўз олдидан ўтказаркан, "Истанбул кашкирлари" тўдаси бошлиғини кўпроқ ўйлади. Дарвоқе, иккисининг ўйини бекиёс мураккаб, шиддатли ва тушуниқсиз бўлди, яъниким атрофдагилар икковининг манёврларига тушунмай оғизлари очилиб қолишди.

Лобар тўшагига чўзилиб, кўз юмар экан, мен уни ютишим мумкин эди, деб ўйлади. Бирок ички бир туйғу ютишга қўймади, ҳадеб шаштини қайтараверди.

– Ҳали мен англаб етмаган кўп сир-асрорлар бор экан бу ўлгур қиморда, – деди Лобар ўзига-ўзи. – Кимнидир ютишни истамасанг, ютмайсан. Рақиблар-чи? Улар ҳам ютмасликни истайдими? Оз-моз бўлсаям хоҳлайдими? Менимча, йўқ... Қиморда қаноат йўқ! Унда фақат нафс бор... нафс бор... нафс...

Лобар шу ётган қўйи ухлаб қолди. Роппа-роса саккиз соат кўз очмади.

Биринчи марта хонасига аёл хизматкор кириб келди.

– Нонушта тайёр, – деди у майин жилмайиб.

Лобар буткул мафия йигитлари жойлашиб олган меҳмонхонада аёл зотини учратганидан хурсанд бўлиб, ҳазиллашди:

– Худога шукр, аёллар ҳам бор экан-ку бу дунёда!

– Нонушта кутмоқда сизни, хоним, – яна жилмайди хизматкор.

– Ў-хў, биратўла тушлик қилсам ҳам бўларкан, – деди Лобар соат миллари ўн бирни кўрсатаётганига ишонқирамай.

Емакхонада уни бир гуруҳ эркаклар кўзларини лўк қилиб кутиб ўтиришарди: Иброҳим давангир, Усмон, кўриқчилар, яна аллақандай ишларни бажарувчи йигитлар.

Лобар кириб келиши билан бир маромда қарсақ чала бошлашди. Қарсақбозлик якунлангач, Иброҳим давангир:

– Биринчи ғалаба билан яна бир бор табриклаймиз, мукофотига ҳозирча сизга аёл ҳамроҳ, – деб ҳалиги хизматқорни кўрсатди.

– Ташаккур, бей, – бир оз ҳаяжонланган Лобар лаби-лунжини йиғиштиролмай, бунинг устига қўлини ҳам кўксига қўйди. – Сизга ишонаман... Кўзимни очсам, аёл киши...

– Қитдай ранжитадиган гап айтсам хафа бўлмайсизми? – деди мафия сардори Лобарга яқинлашиб. – Лекин хафа бўлишга арзимайдиган иш.

– Сиз мени хафа қилармидингиз, бей?

– Кечаси дарвозамизни бир йигит тақиллатибди, – мафия сардори узрхоҳ товушда сўзлади. – Қўлида чолғу асбоби ғилофи, кўзлари бежо, йигитларим ундан шубҳаланишиб, сал бўлмаса отиб қўяёзибди...

– У Қувон эканми? – сўради Лобар.

– Ҳа, Холифильддан бошқа ким журъат этарди бизнинг эшикларни тақиллатишга!

– Урдиларингми яна?

– Узр, яна жикиллашибди бу ёшлар.

– Тушунарли...

– Йўк, Лобар хоним, сиз "тушунарли" деб ғалати сўзлаяпсиз, гўё айб бизда. Бир ўйлаб кўринг, шунақа вазиятда ғилоф кўтарган банда дарвоза тагида хиралик қилиб туриб олса, одам нима хаёлларга бормайди! Балки ғилофда ҳеч қанақа чолғу асбоби йўқдир, бомба ёки милтиқ бўлса-чи? Яхшиям, булар менга қўнғироқ қилишди, сиз карта ўйнаётгандингиз у вақтда. Телефондаёқ билдим Қувонлигини ва дарҳол қамаб қўйишларини буюрдим. Акс ҳолда дарвозада турганлар отиб қўйишлари аниқ эди.

– Қани у? – Лобар тоқатсизланди. – Йигитларингизни оқлашингизнинг кераги йўк. Қувон мени деб келган. Ғилофда қурол кўтариб келиши учун эса оддий илчи қурол топа олиши керак. Хўш, у қаердан қурол топади-ю, қайси мантиққа асосан мафияга қарата ўк узади?

– Шуни айтаман-да, – кулди Иброҳим давангир. – Булар ёш, кўп нарсани тушунмайди. Боринглар, – шотирларига буюрди мафия бошлиғи, – куёв-поччани келтиринглар.

Хизматкор аёлдан бошқа ҳаммаси эшикка тикилишди. Фақат Усмон орқада қолиб, жойма-жой чиқаркан, Лобарга маъноли қараб қўйди. Ҳа, у милтиғидан ниҳоятда хавотир олгани ойдек равшан эди.

Ўн дакиқалардан сўнг Қувонни олиб келишди. Боши бинт билан танғилган, бир оёғини оксаб босарди бояжиш йигит.

– Ундан атайин ўтган кунги ўчларини олишибди, – эътироз билдирди Лобар. – Акс ҳолда бунчалар ваҳшийлик билан дўппослашга асослари йўқ эди. Ахир, лайчаларингиз сиз билан телефонлашган, билган Қувоннинг кимлигини.

Дарров Иброҳим давангирнинг ковоғидан қор ёға бошлади.

– Ўтиринглар, – деб стулларга имо қилди-да, ўзи тўрдан жой олди. – Қувон, ҳозир сен оғзингни очмай, Лобарнинг жавобини эшитасан. Хўш, Лобархоним, айтинг-чи, бу йигитингиз нега чолғу асбобини филофи билан кўтариб келди?

– Билмасам... Менимча, бунинг биронта сири йўқ.

– Саволни бошқача бердим, шекилли. Айтинг, порт ишчиси нега рубоб кўтариб юрибди?

– Сотиб олгандир.

– Ким учун?

– Дўстигами, акасигами, олгандир-да...

– Айнан кимга?

– Акасига олган бўлса керак, – таваккал қилди Лобар. – Яхшироқ эслолмаяпман, лекин у Туркиядан торли асбоб оламан, дегандай бўлувди. Бунинг нимаси ёмон, Иброҳим бей?

– Шунчаки... – деди мафия сардори ўрнидан туриб. – Юртимда чолғу асбоблари камайиб кетмасин деб қайғурдим, холос. Майли, сизларга ёқимли иштаха.

Иброҳим давангир кетганидан сўнг хизматкор аёл ул-бул тайёрлаб берди-да, қорасини ўчирди. Иккови овқатлана бошлашди.

– Сиз уларга рубоб ҳақида нима дегандингиз? – шивирлади Лобар Қувоннинг қулоғига.

– Акам тайинлаган эди, бу ёкка келаётиб йўлдан тасодифан харид қилдим, дегандим, – жавоб берди Қувон. – Аммо сиз...

– Билардим, сиз чолғудан йироксиз ва бошқа кимни баҳона қилардингиз.

Нонуштадан сўнг иккови ётоққа кайтишди. Эшик калитини бураган Лобар магнитофон овозини баландлатиб дарҳол шкаф тагига энгашди ва сумкасини тортиб чиқарди.

Кувон милтик қисмларини ўрнатиб, жанговар ҳолатга тайёрлади. Овоз тиндиргични бураб жойлаштираркан:

– Лобар, – деди алланечук бегона овозда, – менга қарз беринг.

– Қарз?

– Мен портга бормаи шу атрофларда изғиб юрганимни билмайсиз, – пичирлади Кувон. – Бир доллар пулим колди. Икки минг-уч минг берсангиз кўп ишларимни битирардим.

– Пул бераман, лекин канака ишлар?

– Қиморхонани аниқладим, энди менга отиш учун қулай жой керак.

– Сизга айтгандим, Балерина ва жаллод бу ерга келган эмас. Улар Тошқалъага боришади.

– Майли... Лобар, милтик ҳақида Усмондан бошқа ҳеч ким билмаслиги ростми?

– Дарвозада филофни кайтадан текширишади деб хавотир олаяпсизми? – сўради Лобар.

– Йўқ, менинг хавотирим бошқа томондан, – деди Кувон. – Россиялик жаллодни отиб ўлдирганимдан сўнг ёлғиз Усмонгина сезиб кўяди, котилни сиз ёллаганингизни-ю, қурол билан таъминлаганингизни! Кейин мени ахтаришади, топишолмайди. Токи топилмас эканман, улар кўчага чиқишга кўркишади. "Б-икки юз" билан қуролланган снайпердан яхшилик чиқмаслигини аъло даражада тушунишади. Ўртада сизга жабр бўлади.

– Усмон қурол сотганини Иброҳим бейга қандай айтади? Ўлдиради-ку уни!

– Жаллодни отганимдан сўнг айтмасдан ҳам иложи қолмайди. Қайси аҳмоқ "балки мени отмас" деб снайперга нишон бўлиб юра олади?

Кувон, биласизми, мен Усмонга "қора карта ракси"ни ўргатаяпман. Агар сизни ёллаганимни билиб қолишса, фақат жаллодни ўлдириш учун шу йўлни тутдим, сизларга хавф қолмайди, мен ёрдамларингиз билан ўғлим ва эримни қутқармоқчиман-ку, дейман ва "қора карта ракси"ни ҳам пеш қиламан.

– Кувонни топиб кел, гаплашамиз, деб алдайди бу тулларлар, Лобар, "қора карта ракси"ни ўргатаётганингиз эса бориб турган жиноят. Бу билан сиз қартанинг умрини абадийлаштириб, ўзингиз

хам абадул-абад қарғишга ботасиз. Наҳотки, тушунмасангиз, наҳотки?

– Унда нима қил дейсиз?

– Битта йўли бор.

– Қанақа?

– Қимор ўйинлари тугагунча сиз билан ошиқ-маъшуклар каби учрашиб юравераман. Ҳеч бўлмаса телефонлашиб турамиз. Бу ўйинларда жиноий гуруҳлар керагидан ортиқ бижғиб ётибди. Снайперни қайси гуруҳ ёллади, деб бош котириб юришларини, натижада сиздан асло шубҳаланмасликларини истайман. Бунинг учун Балеринанинг хўжайинидан аввал кимни йўқотишимиз керак? Ўзингиз тушуниб олаверинг.

– Усмонними? Йўқ, уни қандай ўлдирамиз?.. Керак эмас, Қувон, у... у яхши йигит...

– Мафия аъзоларининг яхшиси бўлмайди.

– У ҳолда ҳеч кимни ўлдирмаймиз. Милтикни қайтариб берамиз.

– Қўркманг, Усмон яшайди... Ҳозир сиз Усмон ҳақида эмас, ўзингизни ўланг. Қуролли тўдалар ўйини ҳеч қачон яхшилик билан тугамайди. Сизни гаровга олишлари, машинага босиб олиб қочишлари мумкин. Тошқалъа – тарихий жой. Кеча эшитдим. Ёлғиз асфальт йўлдан борилади, очик майдонлари бор. Менсиз жуда-жуда кийин, Лобар. Яна денг, якуний ўйинлар!

– Хўп, розиман, – деди Лобар ҳар жиҳатдан ўйлаб олгач. – Аммо менинг ишорамсиз ҳеч кимни отмайсиз. Илойим, сизнинг ёрдамингизга муҳтож бўлмасдан, барчасига Иброҳим бей билан келишганимиз бўйича амалга оширайлик-да!... Сиздай бегуноҳ йигитнинг қўлини қонга ботириб, мен ҳам жаллод қавмида кетмасам гўрғайди... Эй худо, ишимни ўнг қил!

Пешингача давом этган суҳбатдан кейин Лобар Қувонга ижозат берди. Филофни кўтарган йигитни бу сафар шаҳарнинг бошқа бурчагига ташлаб кетишди.

Қувон шу куни ижара хонасига бориб, филофдан милтикни олди-да, қайтадан кўздан кечирди. Ҳадя қилинган пуллар эса тўрт минг икки юз доллар эди.

* * *

Қиморхонада энг кайфи чоғ одам, бу – Лобар эди. У азбаройи катта пул ютганидан эмас, милтикни Қувон эсон-омон квартирасига олиб бурганидан севинарди.

– Бей, насиб этса, ошиғимиз олчи бўлаверади, – деди у мафия сардорига. – Лекин қачонгача мен Қувон билан меҳмонхона телефони орқали гаплашаман? Иккита чўнтак телефонининг иложини қилиб беринг, илтимос.

– Айтган одамингиз борган сайин шубҳага ўралиб қолмоқда, – Иброҳим давангир киморбоз аёлга синовчан тикилди. – Сизни топгандан буён портдаги ишини йиғиштириб, ўзига ижара уй олганмиш. Ҳеч қаерда ишламасдан аллақасқларда санғиб юармиш. Лобархон, маслаҳат эмасу, аммо бир гапни қулоғингизга олсангиз: уни ўйлагунча фарзандингиз учун кўпроқ қайғуринг. Кеча грециялик дўстим билан гаплашдим. Шомилни ҳозир Америка жосуслари қидираётгани боис аллақайерда бикиниб ўтирганмиш. У АҚШнинг муҳим ишларини бажарувчи керакли арбобини ўлдириш учун буюртма олган, деган гаплар Европа бўйлаб кезиб юрибди. Кимни денг, Пентагондаги обрўли магистрни! Ўша шахс "Урушлар магистри" лақабини олган. Ҳозир у Исроил қўли билан Эронни яқсон этувчи режа устида бош қотираётганмиш. Буюртма берувчилар, мен сизга айтсам, бизга ўхшаган одамлар экан. Яъни Осиёда яшовчи, сиёсатпараст, аввалдан жиноят оламига алоқадор шахслар. Агар мен Шомил билан алоқа боғласам, худо кўрсатмасин, Америка бўғзимдан олиши мумкин. Оқ ёқали янкилардан қўрққулик, Лобархоним! Ана шундай вазиятда сизга ўғлингизни топиб бериш нечоғлик қийинлигини тасаввур қилаверинг. Қувон дейсиз, Қувон ҳақиқатан бу ерда ҳеч ким эмас, ҳа-ҳа, ҳеч ким эмас у!

– Одамни кўрkitманг, – деди Лобар. – Ўғлимни топаман деб Америкага қарши туриб қоламанми?! Йўқ-йўқ, энг кичик сиёсатга ҳам аралашмаслик йўлини топинг, бей.

– Бунинг учун қаллани кўп қотириш керак. Сиз эса севги ўйинларини ўйнаб юрибсиз. Иккита телефон, эртага алоҳида уй, индин яна нима балолар!

Залга "Истанбул кашқирлари" тўдаси йигитлари кириб келишиб, уларнинг суҳбати бўлиниб қолди.

Бугунги кимор бошланмасиданок баҳс-мунозара авжига чиқди:

– Ҳар ким қуролларини ташлаб келиши керак, – деди "Истанбул кашқирлари" бошлиғи. – Бу ер уруш майдони эмас, муқаддас киморхона! Ҳамма эшитиб қўйсин, пирхона бу ер!

– Тўғри айтади! – деди янги киморбозлардан бири. – Ўйнамаганлар залдан чиқиб кетсин, қуролга-ку умуман мумкин эмас!

– Картами, факат карта! – кичкирди аллаким.

Аммо аҳвол кечагича қолди. Иброҳим давангир қуролланган йигитларсиз Лобарни ҳеч қачон ёлғиз қўймаслиги барчага маълум бўлгач, секин-аста ғала-ғовур пасайди ва охири оқ соқолли кишининг ўйинни бошлаш ҳақидаги хитоби янгради.

Лобар дастлабки соатда учта қартабозни шип-шийдам қилди. "Истанбул қашкирлари" ва Лобарни келишиб олишган деб тахмин қилиш мумкин эди. Негаки, улар бир-бири билан деярли тўқнаш келмай, бошқа киморбозларни ютиш билан машғул бўлишди.

Киморда ҳар хил одам учрар экан. Бири бор топган-тутганини ютказиб қўйиб (у икки юз эллик минг доллар, судхўрдан олган етмиш минг доллар ва яна кимдандир қарз-хавола қилган ўн беш минг долларидаан айрилганини гапирди), ёш боладек хўнграб юборди. Ҳаммага илтижо билан боқар, айникса, аёл кишининг ичи ачийди деб Лобардан кўз узгиси келмасди.

Йиғисидан безор бўлган аҳли кимор кулгини бас қилди-да, "сени ўйнашга мажбур қилганимиз йўқ", дея орқасига тепиб кўчага ҳайдашди. У чиқиб кетаётди:

– Биродарлар! Олтита болам бор, ўтинаман, хонавайрон қилманглар! Сизларга саксон беш минг нима?! Миллион доллар ютиб ўтирибсизлар-ку! Ҳеч бўлмаса судхўрдан олган пулларимни қайтариб беринглар! – деб роса ялинди, йиғлади.

– Пода! – деди "Истанбул қашкирлари" бошлиғи зал тинчиб қолгач. – Шунча пулни ким қайтаради? Миллион дейди! Мен ҳали ҳеч вақо ютганим йўқ.

Усмон унга хавотирланиб қараб қўйди. Лобарнинг енгидан тортиб, яна огоҳлантирди: "Энди эҳтиёт бўлинг".

– Менга қара, – деди "Истанбул қашкирлари" тўдаси сардори, – икковимиз ва бир неча қоп пул бор бу ерда. Ўйинни чўзиб ўтирмайлик. Қоплар кимгадир тезроқ ва тезроқ ўтиши керак. Таклифимга қўшиласанми, дўндикча? Битта ўйин – битта ғалаба!

Лобар унга нафратомуз нигоҳ ташлаб қўяркан, мик этмади. Қартага имо қилиб, оқ соқолли кишини очишга ундади.

– Бошладик, – пўнғиллади "Истанбул қашкирлари" бошлиғи.

Лобар бутун ўй-хаёлини бир нуктага тўплади. Қарталарнинг ич-ичига киришга, ҳар бирига руҳининг бир бўлагини жо қилишга уринди. Шунда қачонлардир бу ўйин бўлиб ўтгандек, ҳиссиз ва қувончсиз ғалаба насиб этгандек туюлди.

– Шу ердаги бор пулларимни тикдим, – деди "Истанбул кашкирлари" тўдаси бошлиғи. – Мен аввалдан ютиб келганман, бундан кейин ҳам ютаман, ҳеч қанақа янги гуруҳлар жонажон Истанбулимнинг тожини тортиб ололмайди! Ё пирим! Ўзинг мададкоримсан!

Бутун зал турк киморбозининг қарталарини кўриш учун оёққа туриб кетди. Шайтон оламининг шу маконда ҳозир ўттиз чўғли эркаклари ёлғиз аёлга тикилдилар. Унинг навбати – унинг қисмати!

Лобар рақибининг қарталарига қаради. Дастлаб нигоҳида ҳеч қандай маъно зуҳурланмади. Кейин бошини хиёл бурди-да, Иброҳим давангирга кўз қисди.

– Уч туз! – деди у оғир сукунатни бузиб.

Дарҳақиқат, Лобар очиб ташлаган қарталарда "туз"ларнинг "Т" ҳарфи ҳаммага даҳшат солиб турарди.

Зал бирдан ўкириб юборди. Қоп-қоп пулларга Усмон эғалик қилди.

* * *

Учинчи кун Иброҳим давангир ўз гуруҳи билан яна ҳаммадан аввал келиб, киморхонани эгаллади. Энди улар мутлақ ғалаба кайфиятида эдилар.

Худди кечаги вақтда кечаги мавзу тилга олинди.

– Қувонсиз ўтган кеча қувончсиз ўтмади, – деди Иброҳим давангир. – Бугун ўйинни тугатиб, катта байрам уюштирамиз. Мени хурсанд қилишингиз учун "қашкирлар"нинг сўнгги тишларини ҳам қоқиб, ҳузуримда шарманда қилишингиз керак.

Мафия сардори йигитларининг бирига имо қилиб, иккита чўнтак телефонини сумкадан чиқартирди.

– Бу эса сизга байрам олдидан совға! Лекин биттаси айнан Қувонга аталганидан норозиман.

– Истасангиз, телефонларини изни қайтариб олиб, ҳар куни у билан учрашишимга ижозат беришингиз мумкин.

– Телефонни олинг-у дардлашаверинг, – деди мафия сардори.

Қиморбозлар тўпланиб бўлишгач, стол теварагига жамланишди. Кўпчилик негадир Лобардан кўз узмасди. Айримлари сўқаётгани сезилиб турарди.

– Нима, бошлаймизми? – сўради Иброҳим давангир оқ соқолли кишидан.

У бир оз тараддудланиб қолди, кейин ҳадиксираган овози эшитилди:

– Мухтарам бей, қартабозлар ўйнаш истаклари йўқлигини, чунки манави хоним барибир ютиб олишини айтмоқдалар. Узр, мен...

Мафия сардори оёққа қалқди ва ҳаммага ғазаб ила тикилди.

– Нега келгансанлар ўзи?! Юракларинг борми? Битта аёлдан кўркиб, тиришиб-қалтираб бурчакка пусиб олишларинг нимаси?!

– Бунинг аёл эмас, аёл зоти бунақа бўлмайди, – деди ёши улўғроқ қартабозлардан бири. – Қирк беш йилдан бери кимор ўйнайман, аммо иблиснинг нақ ўзига дуч келаман деб ўйламагандим. Хоним, – у ҳар ҳолда Лобарга жентльменчасига нигоҳ ташлади, – иблис деб ҳақорат маъносида сўзлаганим йўқ, осий бандалар бас келолмайдиган енгилмас куч эканлигингизни тан олганимни билдирдим, холос.

– Сиз-чи? – Иброҳим давангир Туркиядаги асосий рақиби бўлмиш "Истанбул кашкирлари" тўдаси бошлиғига мурожаат этди. – Сиз ҳам ўйнамайсизми?

– Кучимни у ёққа сақлаб қўяман, – деди у Тошқалъани назарда тутиб. – Бирок бу бугун ўйнамайман деганим эмас. Ўз-ўзидан хулоса чиқаяптики, бизлар ўйнамоқчимиз, яъни сизларсиз!

Иброҳим давангир киморбозларга бир-бир қараб чиқди. Юзида жирканишга ўхшаш аломатлар кўрингандек бўлди-ю, дарров йўқолди. Одатига биноан хи-ҳилаб кулди-да:

– Сен, ҳой "кашкир", – деди, – ўрнинг шу ерда эканлигини жуда яхши англабсан. Кучингни сақлаб ўтирма, борадиган сиёҳинг ҳам йўқ. Бечора жухуд!

Бу гапи билан Иброҳим давангир "Истанбул кашкирлари" устидан ҳукм чиқара олишини исбот этди. Ўз одамларига ишора қиларкан:

– Кетдик, – дея қичқирди, – арзимас чақа учун вақт йўқотмайлик.

Улар киморхонани корни тўйиб, тоза ҳаво олиш учун ташқарига чиқаётган ресторан хўрандалари каби тарк этишди.

* * *

Айни базм фасли эди кечкурун! Мафия сардори Тошқалъада бўладиган ҳал қилувчи ўйинлардан аввал шоҳона дастурхон тузашга изн берган, меҳмонхона Лобар келгандан буён илк марта ҳақиқатан гавжум эди. Боз устига Қувон ҳам келиб қолди. Бирок уни алоҳида хонага, телевизор қаршисига ўтқазиб қўйишди.

Бир соатлар ўтгач, Иброҳим давангир ва Лобар унинг номерига киришди.

– Кечир, биз бандмиз, – деди мафия сардори, – Лобархоним сен

билан ўтиролмайди. Лекин одамгарчилик юзасидан, мана, олиб келдим уни.

Кутилмаганда Лобар ўзини Қувоннинг кучоғига отди. Тўйиб-тўйиб ҳидлаган киши бўлди-да, шундай деб шивирлади:

– Уларни алдаб очик майдонга олиб чиқаман. Кимларни кучоклаб ўпсам, ўшаларни отаверинг. Аммо снайпер хато қилмаслиги лозим!

Мафия сардори тантанавор хитоб қилди:

– О-хо-о, жуда соғинган эканлар-ку! Худо ҳақки, билмаган эканман. Ишларимизни битириб олсак, тўйни ҳам бошлаймиз, шекилли.

Қувон бағридаги аёлни бўшатиб, Иброҳим давангирга дўстона назар солди.

– Келинг, ўтиринг. Лобар иккимизни барибир ёлғиз қўймайдиганга ўхшайсиз.

– Нега? Қачон ёлғиз қўймабман? – мафия сардори масхара қилаётгандек ишшайди. – Ёқимли кечаларда мен қаравот тагида бикиниб ўтирибмидим? Дарров унутиб юбориш яхшимас.

– Лобарда муҳим гапларим бор эди, – бўш келмади Қувон, – мумкин бўлса, яна бир бор имкон яратиб берсангиз, икки-уч дакикага...

– Йигитча, мумкин эмаслигини наҳотки кўрмайапсан?! Биз жуда шошиб турибмиз. Лобарнинг шарофати билан у ерда юрибсан... Тирик! Акс ҳолда гўштинг кузғунларга ем бўларди.

Лобар Қувондан ўзини тортди. Иброҳим давангирнинг олдига тушиб, остона ҳатлаб, ортига ўгирилди.

– Хафа бўлманг, – кўз қисди Қувонга. – бизнес ишларимни тугатсам, уйга қайтамиз, кеча-ю кундуз бир-биримиздан ажрамаймиз. Хўпми, жоним?

– Жоним... – деб ғўлдиради Қувон.

Афтидан у Лобарнинг кўрсатаётган томошасида ўзини қандай тутиш жоизлигини ўйлаб тополмаган кўринарди.

Орадан икки дакика ўтар-ўтмас, Иброҳим давангир йигитлари Қувонга дарвозани кўрсатиб қўйишди. У "нега машинада ташлаб келишмади" дея ўйлаган бўлса эҳтимол. Бунинг ҳам сабаби бор эди, албатта. Шу кеча Лобарни Истанбулдан ўн чақирим наридаги икки қаватли тош ҳовлига қўчириб кетишди.

* * *

Лобарни халқаро қиморнинг охирги ўйинлари кутарди. То мафиянинг қора машиналари тош ҳовли дарвозаси тагида тизилишиб,

Осиёга машҳур киморбоз аёлни чорлагунча ўтган икки кун мобайнида жуда кўп ишлар режалаштирилди, баъзи бирлари амалга оширилди. Хусусан, киморбозларнинг қуролсизланиши, полицияга бериладиган пора, киморга тикиладиган мулклар қафолати кабилар аввалгидан жиддийроқ келишиб олинди. Иброҳим давангирнинг Лобарни ишонтириб айтган гапи шу бўлдики, катта пул эвазига Парвизнинг изидан тажрибали изқуварлар тушишган ва тез орада болани Туркияга уруш-жанжалсиз олиб келишга ваъда беришган. "Болакай ҳақиқатан ҳам Римда" деювчилар кўпчиликни ташкил қиларкан.

Лобарнинг тушларига кириб чиқди Парвизгинаси. Ҳудди кимор ўйинлари тугамасданок у топиладигандек.

Абдулла ака ҳақида эса негадир ўйлашни истамас, эрининг соғ-саломат топилиши ва фарзандларининг хусумат қилмаслигига кўзи етмас эди. Лекин барчаси яхшилик билан тугашини шунчалик истардики...

Илк марта Тошқалъа сари йўл олган Лобар бахтли ҳаёт ҳақида ўйлаб борарди. Яна ўн беш чакиримдан сўнг машиналар катта йўлдан ўнгга қайрилишди. Тепаликлар ортда қолгач, тошдан бино қилинган викорли сарой кўринди. Қачонлардир қалъа вазифасини бажаргани мутлақо афсона эканига амин бўларди киши. Катта-катта деразалари, пастак тошдеворлари, очик тош майдонлари қалъадан кўра базмгоҳни эслатарди.

Лобар атрофга зимдан разм солди. Қувон айтгандек, Тошқалъага ёлғиз асфальт йўлдан бориларди. Снайпер пусиниб ўтирадиган жойларни чамалаганди, кун ботиш томондаги дарахтзор, тепаликдаги шамол тегирмонга ўхшаш эски минора, бир чакирим наридаги аллақандай кулба эътиборини тортди.

Шу вақт Қувон кўнғироқ қилди. Бироқ телефон жиринглаган маҳал Усмон қўл чўзишга улгурди.

– Ўчиришни унутибсиз-да, – деб тугмани босаётган ҳам эдики, Лобар:

– Тўхтанг, илтимос, – деди. – Ахир, бу Қувон-ку! Унга муҳим ишлар билан бандлигимни айтмасам, қаттиқ хафа бўлади. Бир оғиз гапиришга ижозат берарсиз, шогирд жаноблари?

– Фақат тезроқ, – деди Усмон, – ҳўжайин билсалар, қалламга қозик қоқади. Шундай пайтда бегона одам билан гаплашиш... Ўҳ, бу ўлим билан баробар.

– Бегона эмас...

– Мен киморга бегона деяпман! – гапдан колмади Усмон.

Лобар телефонии кулоғига тутди. Шу захоти Қувоннинг овози эшитилди:

– Лобар, сизми бу?

– Ҳа, менман. Гапираверинг.

– Кун ботиш томонингизда бўламан... Кайфиятингиз яхшими?

– Яхши. Мен ҳозир Истанбулнинг бошқа четидаман. Узр, уч-тўрт кун сиз билан учрашолмайман.

– Менга кўринадиган жойда, Тошқалъа майдончасида ушланг ўша одамни... Қачон учрашсам бўлади сизга?

– Уч-тўрт кундан сўнг дедиму...

Уларнинг сўзлашуви якун топиб, машинадаги йигитлар бир-бири билан кўз уриштириб олишди. Усмон чидаёлмай дарров чакди:

– Шу йигит жуда жонидан тўйган, аҳмоқ, мияси суйилган нусхада! Қанча урдик, ўлдирмокчи бўлдик, ҳатто, бизларнинг каллақесар эканлигимизгача билади, шундай келаверади. Ростини айтинг, хоним афанди, у жиннилар сарварими?

Машинада кулги кўтарилди.

– У мени деб келади, – деди Лобар. – Сизлар билан, аслини олганда, бир тийинлик иши йўк.

– Рашк қилиб, аразлаб кетмайди у хирапашшангиз! Елим, нақ елим!

Рулдаги ва олд ўриндиқдаги йигит Усмоннинг гапини маъқуллаб хиринглашди. Лобар ҳам жўрттага кулди.

Машиналар қарвони Тошқалъа ҳовлисида борган сайин чўзилиб бормокда эди. Режа бўйича ўйин тушликдан кейин бошланиши керак. Ҳавода кабоб тутуни сузиб юрар, аллақасердан Мустафо Сандал ижросидаги кўшиқни ё магнитофон, ё радиодан баралла кўйиб кўйишганди. Лобар машинадан тушганданок дарахтзорга ўғринча нигоҳ ташлади. Бир чакиримлар наридаги яланғоч дарахтлар ва бугалар қорайиб кўринарди. "Шундай заҳда Қувон тагига нима тўшаб ётибди экан? – хаёлидан кечирли Лобар. – Аммо чиқиш эшиклари-ю асфальт йўлни "назоратиға" олибди, бало бу Қувон".

* * *

Қиморбозлар иккинчи қаватга кўтарилишди. Устунлари тошдан қатта ва кенг хона намоён бўлди. Каминларда палёнлар гуриллаб ёнарди. Тўрдаги бўлма билан бу хона ўртасида эшик йўк эди. Қиморбозларни кузатиб ўтириш мумкин.

Лобар зинанинг сўнги поғонасига қадам қўйиб, ўша бўлмада узоқданок Анна Сергеевнани таниди. У жудаям букчайиб ўтирарди. Тепасида нималарнидир уктираётган одам – россиялик жиноий тўда бошлиғи – ҳалитдан ғазаб отига минганлиги шундоқ кўриниб турарди.

Қуролли йигитлар пастда қолишди. Иккинчи каватга чиқаётганлардан қуроллар йиғиштириб олинди. Тўрдаги бўлмага шахсан қарта ўйнайдиганлар киришга келишиб олишганлари учун Иброҳим давангир ва йигитлари катта хонага жойлашдилар. Усмон пул лик тўлдирилган иккита оғир сумкани кўтариб, Лобарни кузатиб қўйди. Лобар тақдир тақозосига кўра Анна Сергеевна – Балеринанинг рўпарасига ўтирди.

– Сен ҳам шу йўлга кирдингми? – деди Анна Сергеевна касалманд овозда.

Лобар унинг қонсиз юзига, ич-ичига ботиб киртайган кўзларига, тиришиб-буришиб қолган қалтирок қўлларига бир-бир қараб чикди. Шу аёл Москвадаги нуфузли опера-балет театрларидан бирида Францияга машҳур балерина эдими, деб ишонгиси келмади. Инсон ҳаёти нақадар тўфонли кечиши ҳеч гап эмас. Бу аёл кимга нима ёмонлик қилган эдики, қариганида шу аҳволга тушиб ўтирса?! Балки ёмонларга қарши ўз вақтида курашмагани, қайтага қартани ўрганиб, охири йўқ йўлларга бош суққани шундай оқибатга олиб келгандир?

"Ҳа, бу йўлнинг охири йўқ, – деди Лобар ичида. – Бахт топаман деб кетаверасан, манзилнинг ҳеч қачон қорасиниям кўрсатмайди. Шу аёл киморнинг охирига етмабдими, мен қандай етай? Етишниям истамайман! Ўғлим ва отасини топсам, бас, поезддан сакраган йўловчи мисоли тушиб қоламан бу далли-девона югурик саргузаштдан..."

– Сени бу йўлга ўғлинг бошладимми? – яна сўради Анна Сергеевна.
– Ўз ўғлинг... "Ойи! Ойи!" деб чақирдимми, а? Сурати қани? Кўкрагинг устида асраб юргандирсан?

– Анна Сергеевна, мумкинми бир нарса сўрасам?

Лобардан бунчалик хотиржамликни кутмаган "қора қарта соҳибаси" ажабланиб қараб қолди. Кейин боши ғалати хилпинглади-да, деди:

– Фақат қарта ҳақида сўрама.

– Қартани ел олсин, Анна Сергеевна. Мен ёшлигингизни сўрамоқчиман. Уни бутунлай йўқотибсиз. Энди абадул-абад

кайтмайди. Эсиз, балерина; эсиз, театр; эсиз санъат! Москвада ҳам бир нави эдингиз...

– Эй! – хитоб эшитилди бирдан. Лобар бурилиб караганида, бостириб келаётган россиялик (ҳеч қандай ёвузликдан қайтмайдиган, кўриқчиларини ўлдирган, Анна Сергеевнани кулга айлантирган) жаллодга кўзи тушди. Эй!.. Бу нима қилик?! Нега Балеринани гапга тутяпсан, ланъати суюкоёк?

Унинг бостириб кириши Иброҳим давангирнинг қаҳрини кўзғатди. Алалхусус, у баайни Лобарга дағдага қила бошлагани бутунлай ортикча бўлди. Чопиб бориб, ўзидан бирмунча бакувват кимсани тепиб йикитди. Россиялик тўда бошлиғи сакраб туриб, турк мафияси сардорининг белидан кучоқлаб, кимор столи сари суриб борди. Жанг бўлиши муқаррар эди, аммо Саудия Арабистонидан келган киморбоз уларни ажратиб қўйиб, чопиб келаётган кўриқчиларга:

– Тўхтанглар! Жанжални бас қилинглар! – деб бақирди. – Қартабозлардан ташқари бирон киши ҳам қолмасин бу ерда! Биз нимага келишган эдик? Қиморхонани подахонага айлантирадиган бўлсанглар биронтамиз ўйнамаймиз!.. Кетинглар!

Хўжаларининг овозини эшитиб, иккинчи қаватга чопиб чиққан арабларни ҳам киморхонадан чиқариб юборди. Ғала-ғовур пасайди, аммо биринчи қаватдан русча сўқиниш ҳамон эшитилиб турарди.

– Гап бундай, – деди у туркчалаб, – мен араб, турк, рус, инглиз тилларини биламан, фақат тил жиҳатидан эмас, картадан ҳам беназирман. Бу асло ўзини макташ эмас, ҳозир кўраимиз. Аммо мен аёл киморбозларга қарши ўйнамайман.

– Кўрдинг, – деди Анна Сергеевна Лобарга, – ёшлигинг билан фахрланасан, лекин ҳақиқий мусулмонлар сендан жирканади. Зўр киморбозсан, бироқ аёлсан! Аёл – киморга тикилиб, пул қатори қўлма-қўл юрадиган нарса ушбу карта оламида, билиб қўй!

– Гапим сенга ҳам тааллуқли, – деди араб Анна Сергеевнага.

– Нима?

– Ё сен аёл эмасмисан? – саудияликнинг жаҳли чиқди.

Бунга жавобан Анна Сергеевна қўли билан беҳаё қилиқ қилиб кўрсатганди, араб киморбози жаҳл билан пол тепди.

– Жирканамаман бунақалардан! – деди ва пул тўлдирилган сумкани кўтариб чиқиб кета бошлади.

– Майли, ўйнаманг, – унинг ортидан гапирди Лобар. – Аёл билан карта ўйнашдан бош тортиб, ҳавасимни келтирдирдингиз. Сиздай эркак

борлигидан фахрланаман. Бирок мени бу ерга мажбурият етаклаб келганини билиб кетишингизни хоҳлардим.

– Бунақа мажбурият йўқ, – деди араб.

– Фоҳишалик бор, холос, – шанғиллади Анна Сергеевна. – Аёл қилмайдиган ишни қилиш фоҳишалик билан барабар.

– Минг лаънат! – араб кетаётиб баттар ғазабланди. – Қари хунаса! Жирканч фоҳиша! Муҳаммад Ваҳбо кўзларигача гуноҳга ботди! Кулоклари ҳам!..

– Тўғри айтасан, ҳабаш! – кичқирди Анна Сергеевна. – Бошқа жойларингизга ўйла!

Муҳаммад Ваҳбо Лобарнинг дардчил кўзларига ўқрайди.

– Кампир ростдан ҳам аёл эмас экан, – деди у Анна Сергеевнага имо қилиб. – Бирон кун сени кимордан воз кечган ҳолда кўрсам, пойингга таъзим қиламан.

Араб киморбозининг кетиши яна бир ёкавайрон урушнинг бошланишига сал қолди.

* * *

Ашаддий қиморбозлар ўртасига карта ташланди. Улар оч бўрилардек картадан кўз узишмасди: гўё у барра кўзи гўшти-ю, бирдан еб қўя қолишса.

Ҳар бирининг оёғи тагида битта-иккита оғир сумка оғзигача тўла доллар билан ўйинни кутиб ётарди. Ниҳоят, сўнгги ва ҳал қилувчи ўйин бошланганининг ягона даракчиси – аралашаётган карта доналарининг шитирлаши эшитилди.

Шафқатсиз ўйин бошланди. Лобар дастлабки дақиқалардан Анна Сергеевнанинг қўли устун келаётганига ҳайрон бўлди. Лас-Вегас картабози ва Миср афсунгари ўзларига ортиқча бино қўйиб юборишди, оқибатда кампиршо уларнинг уч юз минг долларга яқин пулини қоқиб олди. Бир турк киморбози шунчалар расво бўлдики, охири қўлидаги тилла соатидан ҳам айрилиб, шумшайиб чиқиб кетди. Кетиш олдида "Қизларимни тикаман, тўртта кизим бор, юз минг долларга... Юз минг доллар ҳозир нима, миллионлар орасида билинмай кетади", деб ялинди. Анна Сергеевна карталарни чийлар экан, ҳиссиз нигоҳини Лобарга буриб:

– Қиморга одам тикиб ўйнаш билан манави шуғулланади, – деди.

Бирок расво бўлган киморбоз Лобарга чурк этолмади, тақдирга тан бериб, зинапоя томон гандираклаб кетди ва сигарет тутатаётиб телбаларча қулди.

Лобар диққат-эйтиборини жамлаб, ўйинга янгича рух билан киришди. Бугун-эрта ютса, неча йиллик аччиқ саргузаштларини ниҳоя топишини ўйлаб, ич-ичидан севинди.

– Сен, – деди Анна Сергеевна навбатдаги ютукдан сўнг, – ўзингни бечораҳол, ҳокисор, хўрланган аёл қилиб кўрсатиб, ишончимни қозондинг. Раҳмим келганидан қарта ўргатдим. Охир-оқибатда ўзимга мушт кўтараяпсан. Ўз устозингга! Билиб қўй, Москвада мени ютган бўлсанг ютгандирсан, энди эса ҳолингга маймунлар йиғлайди. Қани, ўйна! Туркларнинг пулларини тик! Миллионларини тик! Ютқазганингдан кейин сени томоша қиламан. Ўғлинг ва тўнқамижоз эрингни қартадан ютиб олмоқчимисан? Ўзингниям киморга тикиб, эркакларга эрмак қилиб қолдириб кетмасам отимни бошқа қўяман.

– Сиз мурдасиз, Анна Сергеевна, – деди Лобар. – Ютқазсангиз мараз хўжайинингиз пешонангизга ўқ узади. Ахир, сеҳргар эмассиз-ку, нега ютқазмайман деб Туркияни бошингизга кўтарасиз? Балки бугун сўнгги кунингиздир?!

Эркак қиморбозлар уларнинг юлишмоқчидек шашт билан қарта ўйнашига кулиб қўйишди. Балеринага ён босиб, Лобарни пинҳона масхаралаб кулишди. Лобар аламини ирода кучи ила босиб ўтирарди. "Қарта пирлари" деб аталувчи шу бир ҳовуч кимсаларга кучини кўрсатиб қўйиш фурсати келганидан тентакларча завқланмоқда эди.

Бир вақт Лобар ва Анна Сергеевнагина қолди. Ўртага даста-даста пуллар тикила бошлади. Шундай кўпайиб кетдики, пул тоғи орқасида Анна Сергеевнанинг оқарган сочлари зўрға кўринди. На Балерина, на Лобар чекинишни истарди; тап тортмай ўн минг долларлик бойламларни қават-қават қўяверишди.

Ниҳоят Анна Сергеевна деди:

– Пулларинг тугади, шекилли. Кел, сени бир шарманда қилай, қарталарингни оч. Оч, уялма! Э-э, бунча пулдан айирилишни уят деб аташмайди, унинг номи бошқа... Қани, оч! Кўриб қўйинглар ёлланма қиморбозларнинг аҳволини! Шуми Осиёда тенги йўқ қартабоз?! Ахир, бу таърифниям ўзим берганман, ўзим оламан!.. Ҳа-ҳа, мен унинг онасиман, шу тирмизак хонимнинг онасиман!..

Балерина ҳақру ғазабини сочиб, нариги хонадагиларга ҳам ўзини кўрсатиб қарталарини Лобарнинг ияги остига тутди.

– Агар қозиримга яқинлашса, шу ердаёқ томиримни кесаман. Бўл, қарталарингни оч!

Лобар унинг қарталарига кўз кирини ташлади. Ташлади-ю бошидан оёғигача музлаб кетди. Кампир бежиз вайсамаётган экан. Унинг қўлида ростдан ҳам ўлим белгилари каби козир тизилиб турарди.

Қиморбозлар бор овозларича сўкиниб юборишди. Анна Сергеевна митти гавдасини пуллар устига ташлаб, рация микрофонига бақирди:

– Мен ютдим! Мен енгилмасман!.. Пулларни олиб кетинглар! Ваня! Миша! Тимка текинхўр! Келинлар, бир нарса бераман, сассик такаларим!

Ёқасида осилиб қолган микрофон симларига қараган Лобар ўрнидан туриб, ҳеч кўз узолмай қолди. Кейин:

– Тушунмадим... Рацияга мумкинми? Мен... телефонимни ўчирибман-а!.. – деб дераза томон юрди. Худди ҳаво етишмаётган каби пардаларни, деразанинг оғир табакаларини очди. Камига телефон тугмасини ҳам босди. У шунча вақт снайпер билан алоқа боғламаган эди, шум кампир эса қиморбозларнинг барча гап-сўзларини хўжайинига эшиттириб ўтирибди.

Биринчи қаватдан россиялик жиноий тўда вакиллари деярли чопиб чиқишмоқда эди. Тўда бошлиғи:

– Эльдорадо! – деб бақирди. – Ху-у-у!..

Шу пайт телефондан Қувоннинг овози эшитилди:

– Лобар, Лобар, мен сизни кўраяпман...

– Қартадан бой бериб қўйдим, улар ютишди, у ютди... Анна Сергеевна!.. Менга нима бўлади, билмадим, Қувон. Энди бошимни қайси деворга ураман? Ўғлимнинг тақдири...

– Ўзингизни босинг, Лобар. Ўша қотилни ташқарида ушланг, кўрсатинг менга... Ҳеч кимга ишонманг. Улар барибир ўғлингизниям, эрингизниям топиб беролмасди. Деразанинг ёнидан кетинг, сездириб қўяпсиз... сездириб...

Россияликлар ортидан турк мафияси сардори кўриқчилари билан чиқиб келди. Лобар шоша-пиша телефонни чўнтагига соларкан, нима қилишни билмай қотиб тураверди. Совук шамол унинг сочларини ўйнарди. Иброҳим давангир Анна Сергеевнанинг пул тўла сумкаларига, стол устидаги сал кам бир миллион долларга ранги мурданикидек оқариб қараб ўтди. Лобарнинг рўпарасида тўхтагач, бошини қуйи солинтириб айтадиган гапини чамалади.

– Хоним, – деди у зўр-базўр, – сиз менинг жамики ортиқча

пулларимни, шу билан бирга сизга бўлган ишончимниям ютказиб қўйдингиз. – У гапирмай, кўрсаткич бармоғини ҳавода силкиб, бир зум бўзариб турди. – Яхши... яхши... Энди нима қиламиз? Тугадими шу билан?

– Яна ўйнайман, – деди Лобар ва бу гапни қандай айтганига ўзи хайрон қолди.

– Тушунмадим.

– Яна ўйнайман. Пулингиз бордир? Сўнгги имкон... ваъда бераман... Эртагайм ўйин бўлади-ку!

Иброҳим давангир Лобарга ғалати қараб турарди. Анна Сергеевна унга яқин келди-да:

– Хўжайин, келгуси сафар бошқа одам топинг, бу аёл аллақачон ғажилган суяк! Уни енгилмас деб мактаганлар билан эркакчасига гаплашиб қўйинг, – деди. Кейин эса стол теварагида ҳамон ялпайиб ўтирган қиморбозларга хитоб қилди: – Эй, қарта усталари! Қўнгилларинг чўкмасин! Ҳаммангга она қаториман! Оналаринг тузласа тузлабди-да!

Миср афсунгари русчани мутлақо билмасди, шу боис Лас-Вегасдан келган картабоздан сўради:

– Ялмоғиз нималар деяпти?

– Мен оналарингман, орқаларингга туз сепиб жазоладим, шўхлик қилмайдиган бўлдинглар, деяпти.

Миср афсунгарининг авзойи ўзгариб, ўрнидан турди. Тошқалъа хўжайини эшикдан кириб келиши билан унга мурожаат этди:

– Минг лаънат, бу қанақа қимор ўзи? Қўлимнинг чигалини ёзиш учун ярим миллион тикиб, бир оз ютказсам, анави ялмоғиз бунча сакрамаса! Миллионлар қачон ўйналади? Эртага Венециядаги меҳмонхона, Ўрта ер денгизидаги бир орол, яна қандайдир завод ҳам ўйинга тикилади деб арқонни кенг ташлагандим. Булар эса... нима бало, пул кўрганми ўзи?

Қиморхона соҳиби – семиз турк – бўрсилдоқ қўлини кўксига қўйди.

– Бошида келишганимиздек бўлади, мана Иброҳим бей ҳам жонбозлик кўрсатмоқдалар. Менимча, ҳеч қандай муаммога ҳожат йўқ, ҳаммаси рисоладагидек. А, нима дединглар?

Лас-Вегаслик қиморбоз сигара тутатаётиб, гап қистирди:

– Тўғри, эртага ўйиннинг каттаси бўлади. Масалан, мен Испаниядаги пойабзал фабрикасини тикаман. Фабрикага ортик хўжайинлик қилишга тоб-тоқатим йўқ. Венециядаги меҳмонхона,

денгиздаги орол кимларники, жин урсин, ҳозирча менга қоронғи. Фабрикамни ютқазиб, меҳмонхона ва оролни ютиб олишимга юз фоиз ишонаман. Чин америкача сўзим!

– Меҳмонхона меники, – деди омади чопмай узок ўйнолмаган узун бўйли венециялик киморбоз.

– Орол! Орол кимники? Қани орол эгаси? – дея россиялик жиноий тўда бошлиғи ўтирганларга аланг-жалаң бокди. – Танишмоқчиман, шунчаки!

– У эртага келади, – Иброҳим давангир барчани ўзига қаратди.

– Демак, ҳақиқий кимор ҳам эртага! – деди кимдир.

Иброҳим давангир очик деразадан олислатиб туфлади ва ёкаларини тўғрилаб, йигитларига буюрди:

– Кетдик.

Лобар улардан қолмаслик учун сал кам йўрғалаб юрди. Албатта, Анна Сергеевна яна бир бора мазах қилиб қулди. Тан олиш керак, у бугунги ўйиннинг мутлақ ғолиби эди.

* * *

Иброҳим давангир Тошқалъадан мағрур ҳолда чикиб кетди. Гарчи улар йирик миқдордаги АҚШ долларларини ютқазिशган бўлишса-да, ҳеч ким пичинг қилмади. Фақат анқаралик бир ихлосманд бойвачча "Э, киморга куйинманг, эртага ютасиз, бей", деб кўнгил кўтаришга уринди.

Эрталаб мафия сардори Лобарнинг ётоғига тўппа-тўғри бостириб кирди.

– Сиз омадга зор бўлмаслигингиз керак, – деди у куйиб-ёниб. – Имконияти тенглар омад дейди. Сиз эса фақат ютинг, эшитаяпсизми, ютинг, ютинг! Усмоннинг бармоғи қайси усул бўйича қимирлаганини билган одам, нахотки, бошқаларникидан ғафлатда қолса?! Сиз бугун ютасиз, ишонаман! – Сўнгра бир оз тин олиб, сўради: – Ишониб тўғри қилаяпманми? Ютасизми ўзи?

Лобар бир нуқтага тикилиб ётарди. Мижджа қокмаган кишилар каби толиққан эди.

– Иброҳим бей, – деди у тўшагидан бош кўтариб, – ютмасам ўламан... ютишдан бошқа иложим йўқ...

Мафия сардори қониқиш ҳиссини туйиб, қаддини ғоз тутди.

– Қимор учун ажратилган сўнгги пулларимни бераман, бундан

кейин бошқа имконият бўлмайди сизда.

Орадан икки соат ўтгач, улар Тошқалъа томон елдек учиб боришарди. Лобар ҳақиқатан сўнгги кун эканини алланечук ҳис эта бошлади. Анна Сергеевнани доғда қолдиришига, миллионларни қўлга киритиб, ўғли ва Абдулла ака томон йўл очилишига қалбдан ншонарди.

Усмоннинг қовоғи солиқ, норози эканлиги яққол билиниб турарди. Лобар кеча унга "қора карта ракси"ни бир неча кунда ўрганиб бўлмаслигини яна тушунтирди. У эса барибир норози. Лобарнинг буюмларини титкилаб, снайпер милтигини ахтаргани маълум бўлди-қолди. Айни шу тобда ўша милтикнинг дурбинли нишонга олгичидан Қувон Тошқалъа йўлини-ю майдончасини, деразаларию, айвонларини кузатиб, ўз ўлжасини пойлаётганини мафиячи хаёлигаям келтирмаётган бўлса керак.

Қиморхонага тушган заҳотиёқ Лобар аёллар ҳожатхонасига шошилди, икки кўрикчи унга эргашди. Лобар эшикни ёпиб, телефонни қўлга олди. Қувон ҳам дарров жавоб қайтарди:

– Яхшимисиз?

– Ҳм... Мен эртарок келиб, Балеринани кутиб олмоқчиман. Россиялик жаллод билан рўпара келганимда, уни қучоқлайман...

– Тўхтанг, биз буларни келишганмиз. Муаммо шундаки, сизлардан сал олдин икки машинада қандайдир шубҳали кимсалар келиб, бинога кириб олишди. Ораларида тетиккина кампир ҳам бор эди.

– Бу ўшалар... Қувон, қимор тугагач, қандай бўлмасин, жаллодни ташқарига олиб чиқаман.

– Лобар, лекин эҳтиёт бўлинг... Яна бир гап: биласиз, мен "оқ карта сохиби"ман. Анна Сергеевна ва бошқа барча "қора карта" афсуни бандаларини ёлғиз мен юта оламан! Шунинг учун гапимга диққат билан кулоқ солинг.

– Эшитаман, – деди Лобар.

– Қарта ўйнашга киришганингизда, ҳар доим қандай қилиб ютсаму кўпроқ пулини шилсам, деб ўйлайсиз, – Қувон шошилмасдан, доналаб сўзлай бошлади. – Бу нотўғри! Анна Сергеевна ва унга ўхшаган "қора карта"чилар билан ўйнаганда, сиз айнан пулни кўпроқ ўйлаяпсиз. Пул – қиморбозни йўлдан уради, чалғитади, кўрқитади, хаяжонга солади. Сиз қимор ўйнаяпсиз, Лобар, аммо қиморбоз эмассиз. Сиз оппоқ нурга чўлганган онасиз! Оилангизни қутқариш учун қимор деган

офатга йўлиқдингиз. Қимордан нафратланинг! Қиморбозлардан нафратланиб, пулларида жирканиб, калбингизни пок тутиб ўйнанг. Уларни ютиб, мақсадингизга эришсангиз, қимордан умрбод юз ўгиришни ният қилинг.

– Ният қилганман, – деди Лобар.

– Агар... агар ютқазиб, сўнгги имкониятни ҳам бой берсангиз, ҳаммаси тамом, деб кўнглингиз чўкмасин. Уларнинг барчаси копконда! Воқеа тескари бурилиб кетса, бир амаллаб ташқарига чиқинг. Машиналар кўп... Ҳеч бўлмаса мен томонга югуринг. Сизни ҳимоя қилишга ўқларим етарли... Ўқлардан ҳам асосийси – юрагим бор! Сизни инсон кифосидаги бир тўда иблислар қўлидан халос этолмасам, нега снайпер милтиғини олдим?! Токи қўлимда қурол бор экан, юрагим...

Шу пайт хожатхона эшиги устма-уст тақиллади. Қўриқчилар Лобардан шубҳалана бошлаганди. Лобар қисқагина хайрлашиб, телефоний ўчирди-да, йўлакка чиқди. Уни Иброҳим давангир ва пул тўлдирилган сумкаларни кўтарган Усмон интиқ кутарди.

Яна кечаги хонага кириб боришди. Тўрда Анна Сергеевна гердайиб ўтирар, қиморбозлар эндигона тўплана бошлагани боис ҳар бирининг одамлари ҳали шу ерда, оғизлари тинмай қиморни муҳофаза қилишарди. Лобар яқинлашгач, Анна Сергеевна "Ўлмадингми? Бу мўъжиза-ку!" дегандек беписанд қараб қўйди. Тўда бошлиғи эса эшитарли даражада: "Мен анави шайтоннинг урғочисини қўриқчилардан тозалаб чарчамайман, у эса қўриқчи топиб чарчамайди", деди. Бунга жавобан Москва жиноий гуруҳ аъзолари хиринглашди.

Лобар ҳеч нима эшитмаган, сезмаган кишидек ўрнига чўкди. Тўсатдан барчанинг оғзидан "орол" сўзи тушмай қолди. Денгиздаги мўъжазгина оролни қиморга тикадиган валломатни кутишаётгани, ютиб олишга интизор бўлишаётгани, ҳар бир қиморбознинг шунга ичи қуяётгани сезилиб турарди.

Тошқалъа соҳибни ёнида уч-тўрт қиборлар билан қиморхонага қадам ранжида қилди. У сўнгги тантанали ўйинлар бошланажаги ҳақида гапириб, энг кам маблағ бир миллион доллар бўлиши шартлигини такрорлади. Пули миллион долларга етмаганлар чиқиб кетиши, чунки барибир ўйнашга рухсат берилмаслиги мулоҳим тарзда тушунтирилди. Кейин у шундай гапларни қўшимча баён этди:

– Тошқалъа ҳақида бўлмағур мишмишлар қарта бошланмасдан бурун роса урчитилди. Эмишки, бу маконда қонун йўқ, истаган одамнингни ўлдиришинг мумкин, сени ҳеч ким сўрамайди!... Йў-ўқ, Тошқалъа – тош қонунлар макони! Бу ерда ҳақиқат, мардлик, жасурлик ҳукм суради! Хоинлар, зўравонлар, ўзбилармонлар шу маконнинг тош ертўлаларида абадий қолиб кетади. Хох "Қатта айик"дан бўлинг, хох "Кичик айик"дан, чўчимасдан ўйнайверинг. Насиб этса, келгуси йил худди шу вақтда Тошқалъамизда яна учрашамиз...

У гапини тугатиб, бурилиб кетаётган эди, зинадан қорачадан келган бадқовок, микти бир кимса чиқиб кела бошлади. Тошқалъа соҳибни қиморбозларга қайрилиб қаради: ҳаммаси ўз ўрнида, аммо бу ким бўлди?

Бошқа тўдалар билан қатта залга олдинма-кейин чиқаётган Иброҳим давангирнинг юзи ёришиб, хитоб қилди:

– Жаноблар ва хонимлар! Меҳмонни қарши олинг! Ҳаммамизга маълуму машҳур Ўлик орол хўжайини даврамизга ташриф буюрмоқдалар! Қарсақлар!

Битта-иккита одам қарсақ чалди. Атрофдагилар орол эгасидан кўз узмас, у эса хижолат чеккандек қизаринқираб, Тошқалъа соҳибни қаршисида ушланиб қолди.

Айтилган вақтда энг бой ва энг устамон олти қартабоз жамул-жам бўлган эди: Лобар, Анна Сергеевна, Лас-Вегас қартабози, Миср афсунгари, венециялик қиморбоз ва Ўлик орол эгаси.

Даврага қарта киритилди. Қиморбозлар бир-бир кўздан кечириб чиққач, ўйинни ким бошлашни аниқлаб берувчи мексиканча "етти ва бир" қарта танлови ўтказилди. Омади чопиб турган эканми, Ўлик орол эгаси қарта сузиш имконини қўлга киритди.

– Сизни танидим, – деди Миср афсунгари бошини бир елкасига осилтириб. – Сиз Мисрдансиз. Қоҳирадаги Янги Миср кварталда араб оламига машҳур салонингиз бор.

– Мен ҳам сизни танидим, – деди орол эгаси. – Сиз каминага сўнгги бор Ар-Риёда дучор бўлгансиз, саудиялик Муҳаммад Вабҳо уйда.

– Айтгандай, у келган эди, лекин аёллар... – Миср афсунгари Лобар ва Анна Сергеевнага ишора қилди. – ... аёллар уни чўчитиб юборишди, таҳорати бузилишидан қўрқди.

– Таҳорат? Муҳаммад Ваҳбо таҳоратдан йироқ кимса-ку! – Орол эгаси тилла тишларини ялтиратиб қулди. – Бунинг сабабини айтайми?

У Америкада умрида биринчи марта аёл киморбозга дуч келган. Аҳмоқ шахзодалардек етти йиллик даромадини бой берган. Шундан бери аёллардан кўркади, ҳатто, ҳеч канақа қарта билмайдиган хотинларидан ҳам ҳадиксирайди.

– Ўзи аёллардан кўркиш керак, кеча кампиришо роса шилди.

– Эшитдим, – дея сўнгги картани тарқатиб бўлди орол эгаси.

Баъзилар Ўлик орол эгасини Нилда паромчи бўлиб ишлаган кезлари картани ўрганиб, оддий ишчидан шу даражагача кўтарилган дейишарди. Ҳақиқатан, унинг қарта ўйнаши Лобарни янада кўпроқ фикрлашга чорлади. Лобар Қувон уқтирганига риоя қилиб, қартадан беҳад нафратланиб ўйнамоғи лозим эди, аммо орол эгаси унинг руҳини ўғирлаб олгану, айнан у бепарво, эркин ва серқаҳр қарта сураяпти.

Орол эгаси учинчи қўл ютишида, Лас-Вегас қартабози гап отди:

– Бугун тонгда менга Италиядан кўнғирок қилишди. Гап-сўзларга қараганда, оролингизнинг янги соҳиби аллақачон аниқ эмиш.

Орол эгаси инглиз тилини тушунмай, атрофига аланглади. Фафлат босган таржимон йигит ўрнидан туриб, дарҳол араб тилига ўгирди.

– Сицилия мафиясини назарда тутаяпсиз чоғи? – сўради орол эгаси.

– Ҳа, айнан ўша мафияни! – ғўдайди америкалик. – Ҳатто, улар оролга одамларини ҳам ташлаганмиш.

Лобар инглиз-араб тилидаги сўзлашувга диққат қилиб, гап Сицилия мафиясига тақалаётганини пайқади ва сал нарида турган тилмочдан таржима қилиб беришни илтимос қилди.

– Оролга Сицилия мафияси одамларини ташлабди, – деди тилмоч шивирлаб.

Анна Сергеевнага ҳам гап нима тўғрисида кетаётганини етказишди чоғи, у:

– Биз бекорга ўйнаган бўлиб чикмайлик, орол ҳалиям манави қораникими, йўқми?! – деб дағдаға қилди.

– Қўркманглар! – орол эгаси жаҳл билан бақирди. – Орол меники! Уни мен жуда арзон баҳолаб, беш миллион доллар эвазига қартага тикаяпман. Агар кимда-ким мендан уни ютиб олса, ростдан ҳам ҳақиқий эгалик ҳуқуқини қўлга киритади. Сицилияликлар эса даъвогар эмас, улар аллақандай қон ахтариб, қулларини олиб келиб, ишлатишмоқда. Албатта, неки фойда кўришса, орол эгаси билан баҳам кўришади. Битта ёмон томони, то сицилияликлар қорасини

ўчиргунча улар билан келишиб иш юритасиз. Акс ҳолда ўзингизга кийин бўлади.

– Ҳайдавораман уларни! – кўкрагига урди америкалик. – Бугун Рим империясининг колдиклари эмас, Қўшма Штатлар ўз сўзини айтади.

– Нима?! – Анна Сергеевнанинг кўзойнаги бурнига тушди.

– Кампиrho, асабийлашманг, Россия бепоён ўлка, – деди Лас-Вегас картабози. – Менга бунчалик олайиб қараманг. Сиз учун икки метр жой албатта топилади, Россиядан.

Лекин унинг гапларини ҳеч ким таржима қилмади. Балерина ҳам суриштириб ўтиришни жоиз топмай, картага муккасидан кетди. Эртақдаги ялмоғиздай букчайиб, ўйинга шунчалик берилдики, оқибатда киморда сезиларли ўзгариш юз берди: орол эгасидан бир ярим миллион доллар ютиб олиб, Лас-Вегас картабозини ҳам шошириб қўйди. Шундан кейин бечора америкаликнинг омади чопмади. Миср афсунгари билан тўкнашувда оғиз кўпиртириб мактаган Испаниядаги пойабзал фабрикасини ютқазиб қўйди.

Навбатдаги ўйинда унга карта сузишмади.

– Жин урсин ҳаммангни, мени четлаштирдингларми?! – америкаликнинг фиғони фалакка ўрлади. – Ҳали танамда жоним бор...

– Нима деяпти бу найнов? – деди Анна Сергеевна, – пулингни кўрсат, ўйна. Бўлмаса, йўқол!

Балеринанинг гапларини таржимонсиз ҳам тушунган Лас-Вегас картабози кичкирди:

– Ўн йилдан буён ютқазмаган эдим! Шу ерга келиб, сен ялмоғиз билан битта стол атрофига ўтирдиму омадим кочди! Яқин-ўртада оёқ узатиб жон таслим қилиб қолмасанг, менинг ким эканлигимни кўрасан!

– Хайр, – ўрнидан туриб Лас-Вегас картабозига қўл узатди венециялик киморбоз, – ишқилиб, қисматинг ўзинг билан кетсин.

Америкалик уни секингина, лекин жуда аниқ қилиб сўқди:

– Фак...

Венециялик бежиз чўчимаган экан. Бир соатга қолмай Анна Сергеевна унинг меҳмонхонасини ютиб олди. Меҳмонхона жуда қиммат баҳоланган эди. Шу вазданми, у меҳмонхонадан орттириб, кўшимча миллионларини киморга тиколмади. Ахир, орол умидида келиб, бутун бошли меҳмонхонасидан айирилдию буям етмагандек

сўнгги миллионларини таваккал қилиб, жар ёқасида тура оладими? Йўқ, у қанчалик қиморбоз бўлмасин, қайсидир маънода ақлли ҳам эди.

– Мана сенга қимор! – деди ўзига-ўзи. – Мана сенга Ўлик орол! Ҳеч кўзинг очилмади, очилмади-да!

Шундан сўнг у америкаликдан қолган янги сигарани тутатиб, қаттиқ йўталди.

– Ў, лаънати, буям ўлдираман дейди-я!

Кейинги кўлларнинг бирида Лобар орол эгасини кучсизроқ қарталар билан тутишга муваффақ бўлди. Бошқалар ўз қарталарига ишоналмай, иккисининг ўйнашга қўйиб беришди. Орол эгаси нукул илжаяр, бошқаларга қараб: "Ух, аёл билан картадан бошқа ўйин ўйнаб бўлмасмикан-а?" дер эди. Ҳаял ўтмай қувноқлигидан асар қолмади. Оролнинг ярим пулини тикиб қўйган эди. Натижалар ҳаммани қизиқтирар, ҳар иккисининг қўлидаги ёпиқ қарталар оҳанрабодай тортарди.

Бу – Лобарнинг ҳам сўнгги кучи эди!

– Ё Оллоҳ! – деди орол эгаси ва қарталарини тап этказиб очиб қўйди.

Лобар ҳам очди.

– Ютдим, – деди аёл секингина.

Кўшни залдан қийқириқлар эшитилди. Биринчи қаватдаги турклар ҳам Лобар ютганини эшитиб хуштаквозлик қилишди.

Энди Лобар карта суза бошлади. Бу ердан ёғолиб бўлиб чиқишдан, ё ўлиб чиқишдан ўзга йўл йўқлигини ўйлади. Уни ҳозироқ бўғиб ўлдиришмайди, агар ютқазса, у тирик мурда бўлиб чиқади: Парвиз ҳам, Абдулла ака ҳам ўз ҳолича аллақаерларда қолиб кетади.

Кейинги кўлда яна Лобар ва орол эгаси қолишди.

– Сиз жуда қайсар экансиз, – деди Лобар. – Майли, ихтиёрингиз.

Аламзада мисрлик Ўлик оролнинг қолган ҳавойи пулларини ҳам тикди. Орол ҳозир буткул Лобарга ўтиш арафасида турарди. Шунда орол эгаси қора-қизил тусга кириб:

– Мана, қозир! – деб бўқирди.

Орол бу сафар ҳам ўз эгасида қолганига амин бўлган қиморбозлар негадир Лобарнинг қарталарига эмас, унинг чиройли қош-кўзларига қарадилар. Лобар ажаблангандек уларга бир-бир кўз югуртирди. Анна Сергеевнадан бўлак биронтаси кўзини олиб қочмади.

– Туз, – деб Лобар карталаридан бирини очди, сўнгра иккинчиси ва учинчиларини ҳам очиб қўйди. – Туз ва буниси ҳам туз!

Анна Сергеевнанинг дами ичига тушди. Миср афсунгари телбаларча аланг-жаланг бокиб, тушимми, хушимми, деб кўзларига ишоналмас эди.

Залдан Иброҳим давангир ва йигитлари кириб келишди-да, Ўлик орол соҳибини хос хоналардан бирига таклиф этишди. Қимор ўйинлари тугамасдан орол олди-бердисини келишиб олмоқчи эканликлари аён бўлса-да, орол эгасининг ранг-кути ўчган, гўё дор тагига етаклашаётгандек жонсиз ва руҳсиз эди.

Стол теварагида уч киморбоз қолди: Лобар – орол, Анна Сергеевна – меҳмонхона, миср афсунгари – фабрика. Голиб карта аралаштириб, тарқатиш ваколатига эга бўлгани учун Лобар ўйинни давом эттирди.

Бунчалик қизиқарли ўйин кимор тарихида камдан-кам бўлгани ҳақида кимдир туркчалаб дўриллаган овозда сафсата сотарди. Унинг товуши киморхонага аниқ-тиниқ эшитила бошлагач, Анна Сергеевна:

– Молнинг унини ўчиринглар, ҳой яхшилар! – деди кўзлари хира тортиб.

Лобар унинг тўсатдан жуда ҳолдан тойиб қолганини илғади. Кампир борган сайин эски девордек нурамоқда эди; ҳали замон тўкилиб тушмаса гўрга... Унинг куч-қудрати бировларнинг бойликларини осонгина қўлга киритиш ва ўзларини бечораҳол кўришга асосланганлиги аён эди.

Миср афсунгари карталарига қаради-ю лабини чўччайтирди.

– Ким қанча тикади? – сўради у.

– Миллион ўтдим, – деди Анна Сергеевна.

– Икки миллион, – деди Лобар.

Учинчи картабоз икки миллион доллардан кам айтмаслиги лозим эди, аёл киморбозларнинг дадиллигидан юраги тўкилган Миср афсунгари карталарини ёпик ҳолда ташлади; икки аёл қолди.

– Уч, – деди Анна Сергеевна.

– Тўрт, – Лобарнинг овози кўплаб шивир-шивирларга сабабчи бўлди.

– Беш.

– Олти! – деди Лобар Анна Сергеевнага совуқ нигоҳини қадаб. – Олти миллион доллар жами, ўтдим.

Ҳар ҳолда Балерина карталарини қайтадан кўздан кечириб, бир

лахза иккиланиб ўтирди. Шунда Лобар унинг хуфя равишда рациядан маслаҳат тинглаётганини пайқаб қолди.

– Анна Сергеевна, – деди Лобар, – сиз ўша қонхўр тўдага қулларча хизмат қилаяпсиз. Юз миллион доллар ютганингизда ҳам сизга на бир сент, на озошлик беришади. Умрингизнинг охиригача ёдғиз қорин қайғуси учун яшайсиз. Эслайсизми Москвадаги олтин даврларингизни?! Ким эдингиз-а? Энди эса ҳеч ким! Ютқазсангиз қатл этишади. Ҳа, ўлдиришлари аниқ. Чунки улар одам эмас. Менинг йигитларимни қандай отиб ташлашгани ҳамон кўз ўнгимдан кетмайди. Улар лаънати хўжайинларингизга бир ёмонлик қилмаган қуролсиз бўз болалар эдилар. Анна Сергеевна, ҳозир, худди шу дақиқаларда менга ютқаздингиз! Қўлимдаги қарталар уч туз бўлмаса-да, сизникидан қучли ва мен бу қарталарни маҳорат билан жой-жойига қўя оламан. Беш миллион долларга рози бўлиб, ютқазганингизни тушуниб етинг. Жаллод хўжайинингизга ҳам бемаъни рациянгиздан айтинг, беш миллионга рози бўлсин, акс қолда... ҳеч вақосиз қолади.

– Эси йўқ осийлик лўли хотин! – Анна Сергеевна ўз билганидан қолмади. – Аввал мени ют, кейин гапир! Етти миллион тикдим! Қани, давом этасанми?

– Саккиз миллион доллар, – деди Лобар вазмин бош чайқаб.

Шундан кейин қарта ташлашадиган бўлишди. Анна Сергеевна қарталарини ташларкан:

– Бўл, бўлсанг-чи, – деб тезлар, жойида ўтиролмай қилпинглар эди.

Ҳамма Анна Сергеевнага тикилиб қолган, нигоҳларда ғалати маъно акс этарди: ё алҳазар!..

– Лобархон ютди!

– Балерина тамом!...

Кейин эса тантанали эълон Тошқалъани ола-ғовурга тўлдириб юборди:

– Қимор тўхтатилди! Голиб Иброҳим бей одами – ёш хоним!.. Ўлик орол ва Венециядаги меҳмонхона, қолаверса, бир неча миллион нақд пул турклар қўлига ўтди!..

Анна Сергеевна шовқин-сўронни босиш учун:

– Ҳали пулларимиз кўп, ўйин давом этиши керак, – деб қичқира бошлади.

Бирок унга ҳеч ким қулоқ солмади. Лобар Иброҳим давангир, Усмон

ва бир қанча йигитлар билан ўралашиб қолган палла кампирни аллаким судрагудек алфозда биринчи қаватга торткилаб кетди. Ҳамма биргаликда катта залга ўта бошлади. Айни шу дамда зинапоя томондан ўк овози эшитилди. Лобарни эркаклар тўсиб туришган бўлса-да, у Анна Сергеевнани кўрди. Балерина бир замонлар ўзини опера-балет театри сахнасида тутгандек оёғини орқага узатиб қўлини олдинга чўзмोकчи бўлди. Аммо мувозанатини сақлаёлмай зинапоя туткичига суяниб бир оз турди-да, сирғалиб йиқилди.

Ўқ узган қотил Москва жиноий гуруҳ бошлиғи эди. Бошқаларнинг кўриқчилари қотилдан кўз узишмас, кимлардир унга чиқиб кетишини буюриб, бақириб-чақирар эди.

Қотил пастга тушиб, йигитлари орасига кириб ғойиб бўлган заҳоти Лобар Анна Сергеевнанинг ёнига чопди. Кампир ҳаёт билан видолашмоқда эди.

– Ўлаяпман, Лобар, – деди у хириллаб. – Кўрдингми, балерина бўлиб ўлаяпман... Сени қартага ўргатганим учун... қарта ўрганганим учун... ҳамма-ҳаммаси учун... жазоимни олдим...

Кампирнинг оғзи ярим очилиб, кўзлари шишадек қотиб жон таслим қилди. Лобарни кимдир торткилади. Тезда Тошқалъа ҳовлисига йўл олишаётганини тушунган киморбоз аёл ортига илкис қарадию, жони бор одамнинг барчаси Анна Сергеевнанинг жасадини ташлаб қочаётганига гувоҳ бўлди.

Кеч тушмоқда эди. Ҳаво совуқ, дарахтзор томон янада совуқ кўринарди. Лобар бир амаллаб телефон тугмачасини босди. Фурсат ўтказиб, телефонни қулоғига тутди: Қувон "алло, алло" деб чақираётган экан.

– Чикаяпмиз, мен ютдим, – деди Лобар. – Жаллод Анна Сергеевнани отиб ўлдирди.

– Уни кўрсатинг менга!

– Ҳозир, – деди Лобар, – ҳозир унинг енгидан тортаман...

Музаффар аёл манфур қотилнинг кетиб қолишидан чўчиб:

– Ҳей, сиз!.. Сизни чақираяпман!.. – деб тўда бошлиғининг ортидан югурди.

Россиялик жиноятчилар машиналарига етган маҳал ажал қисиб тўхташди. Балерина қотили ниҳоятда дарғазаб ва қутурган қиёфада жувонни қарши олди.

– Нима дейсан, фоҳиша?! – деди у дағаллик билан.

– Хайрлашмоқчиман, – Лобар унинг қўлидан ушлади.

Вазият қалтис тус олганидан капалаги учган турклар Лобар томон шошилишди. Тўда бошлиғи ҳам хайрон эди: нега у мен билан хайрлашмоқда?!

Қотил чакконлик ила кўйнидан тўппонча чикарди. Чикардию қалқиб кетди ва кўзи олайиб, ҳодадек ён томонга қулади. Қонга бўялган қаллани кўрган Лобар беихтиёр кичкириб, ортига чекинди, тошга қоқилиб йиқилди.

Чопиб келаётган Иброҳим давангир йигитлари олдида туриб қолган Усмон ҳам кўкрагини чангаллаб юзтубан ётиб қолди. Бошлиғимизни турклар ўлдиришди, деб гумон қилган рус жиноятчилари қуролларини қўлга олишган заҳоти яна иккитаси қалладан ўқ еб, ҳалок бўлишди. Ана шундан кейингина кимдир жарағдор, таҳликали, бепарда овозда:

– Снай-й-п-е-ерр!!! – деб бўқирди.

Эшикка яқинлар ўзларини ичкарига уришди. Рулда ўтирганлар қабишага ётиб олишди. Қолганлар эса дуч келган пана жойга бекиниб, яна ўқ узилишини кута бошлашди.

Четда турган қора "Жип"дан так-тук этган товуш эшитилди: снайпер машинани ўққа тутаетганидан, ўқлар унинг кўзгудек ярақлаб турган ён қисмини ўйиб ташлаганидан қимор аҳли даҳшатга тушишди. Ва ўқлардан бири ёнилғи бакка тегди чоғи, кучли портлашдан сўнг машина бутунлай олов ичида қолди.

– У ёқдан... дарахтзордан отаяпти! – бақирди бир киши.

Тўппончалардан тасир-тусир ўқ ёғдирилди, автомат ҳам тариллади. Аммо тўппонча ўқлари ҳаттоки етиб бормаётгани сезилиб турар, у ёқдан учиб келган ўқ эса беҳато тегиши муқаррар эди.

Бир пайт Лобар Усмонни кўриб қолди. Унинг ёнига судралиб борди-да, чалқанча ағдарди. Мафиячининг ранги мурданикидек оқариб кетган, жон талвасасида қалтираб алланима демокчи бўларди. Лобар унинг кўзларига йиғлаворгудек тикилди.

– Кечиринг мени, – деди зўр-базўр. – Усмон бей, мен бунақа бўлишини истамагандим...

Лобар уни кўтаришга уринди, лекин кучи етмади. Иброҳим давангир ва йигитлари қоралариниям кўрсатмасди.

– Ёрдам беринглар, одам ўлаяпти! – кичкирди Лобар.

Бироқ биронта эркак жонидан тўйиб қаддини кўтармади. Айримлар снайперга ўзини тутиб бераётган телба аёл ўқ тегса қандай

ўларкан деб қизиксиниб томоша қилардилар.

Лобар машиналардан бирининг очик эшигига бош суқди – калит жойида. Рулга ўтириб, оркага ҳайдади, ён эшикни ланг очиб, Усмонни бир амаллаб ўриндикка чиқарди. Шу пайт Иброҳим давангир аллакаердан отилиб чиқиб, ўзини орка ўриндикка урди.

– Ҳайданг тезроқ! – деди у тишланиб.

Машина ванғиллаб олға интилди, Тошқалъадан эсон-омон олислаб кетди.

* * *

Тошқалъадаги отишма ва портлаш ҳақида Туркия телевидениясининг эрталабки дастурида хабар берилди. Чет элликлар ҳам иштирок этган йирик базм аллақандай мерган томонидан ўкка тутилгани, битта машина портлатиб юборилгани ва истанбуллик бир киши оғир яраланганлиги айтиб ўтилди. Қимор ташкилотчилари мурдаларни айёрлик-ла гум қилишганини Лобар тушунди.

Эрталаб Иброҳим давангир Лобарнинг хонасига кириб кечкурун Қоҳирага учажакларини маълум қилди.

– Йўқ, дарбадарликка ортик бардош беролмайман, – деди Лобар. – Илтимос ўғлимни топишимга ёрдам беринг, уни кўргим келаяпти... Мен ахир онаман! Мен темир эмасман... темир эмасман...

Лобар ҳўнграб юборди. Унинг учун саргузаштлар давоми ўлим билан барабар эди. Энди навбат Қоҳирагами? Иннанкейин-чи? Балки уммон ортига – Ер сайёрасининг на риги томонига ҳам судрашар?!

– Бошимизда қора булутлар қуюқлашмоқда, – деди мафия сардори. – Ишонган одамларимдан бири Усмон реанимацияда беҳуш ётибди.

– Унга шунчалик ишонармидингиз? – Лобар ялт этиб қаради. – Усмон гўдак-ку! Оғзи бўш, содда, оқкўнғил йигит. Уни ҳеч ким мафия йигити демайди.

– Э, мен Усмондан ҳам баттарман, – кулди Иброҳим давангир. – Қаранг, сиз учун рақсга тушиб бераман.

Мафия сардори ростакамига рақсга туша кетди. Бу – миллий рақс эди. Томоша айна қизиган палла эшик тақиллади.

– Ким у? – мафия сардори тишларини фижирлатди.

Қўриқчи йигитлардан бири кириб келди.

– Хўжайин, – деб у Лобарга бир қараб олди, – чечен келди.

– Чечен? Қанака чечен?